



5

ЁШЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ССР
ЁЗУВЧИЛАР
СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

(53)
МАЙ

Ойлик
адабий-
бадий,
ижтимоий-
сиёсий
журнал

Бош редактор:
Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖҲРАЕВА,
Жиянбой ИЗБОСҚАНОВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Улуғбек МУСАЕВ,
Фарҳод МУСАЖОНОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул секретарь),
Уриё ЭДЕМОВА,
Абдуқодир ЭРҒАШЕВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ

ТОШКЕНТ
«Ёш гвардия» нашриёти

НАСР



АБУЛҚОСИМ МАМАРАСУЛОВ. Барлос қишлоғининг зумрад тонглари. Ҳикоялар 9
 ТОҲИР МАЛИК. Чархпалак. Қиссанинг охири 26

НАЗМ



ҒАФУР ҒУЛОМ. Биз тинчлик истаймиз . . . 3
 ШУКУР ҚУРБОНОВ. Тинчлик тўғрисида нотинч бир қўшиқ 6
 АНВАР ЭШОНОВ. Ғалаба 23
 МУҲАММАД РАҲМОН. Шеърлар . . . 24
 ЕҚУБЖОН АҲМАДЖОНОВ. Сардоба шотутлари. Достон 55
 ЧОРИ АВАЗ. Шеърлар 64

ПУБЛИЦИСТИКА



МУҲАММАД ЮСУФ. Қўлингдаги нима, болакай? 4
 МАТЕҚУБ ҚУШЖОНОВ. Мерган жангномаси 65

ЖАҲОН АДАБИЕТИДАН



САЪДУЛЛА ВАННОС. Жаноби олийлари, филология 47

ҚАЛДИРҒОЧ



МАМАРАЖАБ ИМОМОВ. Шеърлар . . . 59

АДАБИЙ ДУСТЛИК — АБАДИЙ ДУСТЛИК



Константин Федин ва Комил Яшин: Умр ва ижод пиллапояларида 60

АДАБИЙ МУЛОҚОТ



ОДИЛ ЕҚУБОВ, НАИМ КАРИМОВ. «Барлос қишлоғининг зумрад тонглари» ҳақида 21

МУҲАББАТНОМА



КОНСТАНТИН СИМОНОВ 54

САНЪАТ



САОДАТ ХУЖАЕВА. Кино — ҳаёт кўзгуси 62

ГУЛЧАМБАР



НОРМУМИН ОЧИЛОВ. У жангдан қайтмади 71

СПОРТ



БИРОДАР АБДУРАИМОВ: «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ» 73

ЕЛПИҒИЧ



МУРОДБОЙ НИЗОМОВ. Касалнинг иситмаси ва «совутмаси» 77
 РУСТАМ ЭРҒАШЕВ. Бойўғлининг мишмишларига жониворларнинг жавоблари 79
 ТОМОШАБОФ 80

«Ешлик» («Молодость») ежесечный литературно-художественный общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союза писателей Узбекской ССР

Расом: Ҳ. СОЛИҲОВ
 Техник редактор: В. УРУСОВА
 Корректор: М. НАБИЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41
 Телефонлар:
 Бош редактор — 32-26-01
 Бош редактор ўринбосари — 32-26-06
 Масъул секретарь — 33-76-44
 Проза бўлими — 32-56-41
 Поэзия бўлими — 32-56-27

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортик роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди.
 Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмаларининг қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 25.03.86 да туширилди.
 Босишга 17.04.86 да рухсат берилди.
 Р-13715. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
 Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82.
 Нашриёт ҳисоб листи 12,6
 Тиражи 234642 нусха. Буюртма № 3371
 Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.
 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.
 Тошкент, 700029, Ленин кўчаси, 41

© «Ешлик», № 5, 1986.
 «Еш гвардия» нашриёти.




IYP

Социализм давлатлараро сиёсий ва иқтисодий зиддиятларни, мафкуравий низоларни бартараф этиш воситаси сифатида урушни ҳеч сўзсиз рад этади. Қуролсиз ва зўравонликсиз дунё, ҳар бир халқ ўз ривожланиш йўлини, ўз турмуш тарзини эркин танлаб оладиган дунё — бизнинг олий мақсадимиздир. Бу — коммунистик идеология инсонпарварлигининг, унинг маънавий қадриятларининг ифодасидир.

М. С. ГОРБАЧЕВ

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий докладидан).



Гафур
Гулом,

Ленин мукофоти лауреати

БИЗ ТИНЧЛИК ИСТАЙМИЗ

Жаҳонда энг улуғ устод, соҳибкор —
Боғбоннинг таълими билан ўсган боғ;
Шу боғ ўртасида нур ижодкори
Ўзи ёқиб берган қуёшдай чароғ —
Ўчмагай! То қуёш ўчмагунича.

Инсонлар орзуси — яшасин тинчлик!
Пўлат ғишт қўйилган азим қўрғондай,
Кишилик бахтига Советлар юрти
Темир бетонлардан метин қалқондай,
Кўчмагай! Коинот кўчмагунича.

Атом, водороддан тўқима иғво
Озодлик уйини қилолмас хароб.
Жаҳонга янкилар хўжайинлиги —
Лаънатлар саҳроси уфқида сароб,
Иблис одамзодни эгарлай олмас!...

Куни кечагина вабодай елиб,
Миллионлаб наҳқирон жонни чайнаган
Қону ёш, фалокат, порох, қулғуна,
Азобу уқубат биқсиб қайнаган —
Уруш ёдимиздан чиқмаган ҳали.

Йўқ жаноб олийлар, эндиги уруш,
Ўйламанг умрингиз узайтиради,
Бироқ ҳаётингиз олам боғини
Урушлар орқали кузайтиради,
Кундуздан яратиб оқшом маҳалин.

Кишилар долларни семиртирай деб,
Қирилиб битишни истамайдилар,
Капитал амри-ла янги урушнинг
Даштида йитишни истамайдилар,
Омонлик истайди ҳар озод одам.

Инсонлар орзуси — яшасин тинчлик!
Пўлат ғишт қўйилган азим қўрғондай.
Кишилик бахтига Советлар юрти
Темир бетонлардан метин қалқондай
Тинчлик қалъасидир, турар мустаҳкам!



Муҳаммад Юсуф

Тинчлик ҳақида эссе

Қўлингдаги НИМА, болакай?



IYP

Айвонимизга бир жуфт мусича ин қуриб олди. Аллақаердан ҳурлайишиб келишдию ҳеч кимдан сўрамай ин қуриб олиб яшай бошлашди. Тонг пайти — офтоб чиқар олди — жим қунишиб ўтиришади. Кейин бир-бирига термулиб «куку» лашаверади.

Дунё билан ишлари йўқ.

Дунёнинг эса улар билан...

Гоҳо хаёл билан бўлиб эшикни қаттиқ очиб чиқсак, ҳуркиб учиб кетишади. Аввал том бўйи кўтарилари, кейин терак бўйи, у ёғи эса бепоён ва беғубор осмон. Учиб-ҳориб қайтиб келишиб яна бир-бирларига термулишиб ўтиришади.

Шундай бир мўмин бўлишиб ўтиришадими, ҳеч тинчини бузгинг келмайди одам...

Тинчлик дегани нима ўзи?

Ўтган йил кузда дала шийпонида тупроқ ўйнаб ўтирган бир «йигитча» билан суҳбатлашиб қолдим. Йигитчаки, роса тўртга кирган. Қўлида кичкина белкуррак. Ҳорма оғайни, дедим мен унга яқинлашиб. У бир зум ишини тўхтатиб, мен томонга қараб олдию пинагини бузмади. Йигитча тупроқдан қўрғон ясар эди. Бунинг нима бўлди десам, кўрмаяпсизми, уй, деди. Халақит бермадим.

Болакайга тинчлик керак эди. Ҳеч ким тинчини бузмасаю уйини қураверса...

Тинчлик дегани нима ўзи?

Марҳаматлик Ленин ордени нишондори, бригадир Абдиҳошим Аҳмедов билан яйдоқ шудгорда суҳбатлашиб ўтириб ўша йигитчани эсладим. Абдиҳошим ака озғин кафтида нам тупроқни эзгилаб туриб тутларнинг тагига сочиб юборди: «Тинчликка нима етсин!..»

Тасаввур қилинг: сиз кузги шийпондасиз. Боғча-хотин. Ошпаз. Бир шийпон бола. Қолганларнинг бари пахта теряпти. Ўзи чаноқ сийпалайдию хаёли шийпондаги боласида. Ўзбекистондаги одатий манзара бу. Хўш, шундай меҳнатсевар, заҳматкаш одамларнинг тинчликдан бошқа яна қандай тилаги бўларди, дейсиз.

Саксонга кирган кампир знам телефондан менинг овозим келаётганига ишонмайди. Зўрға тушунтиришгач, ниҳоят мен қадрдон овозини тинглайман: «Тинчмисан, болам?..» Бошқа гапиролмайди, йиғлаб юборди. Зотан, ҳаммаси тушунарли...

— Қўлингдаги нима, болакай?

— Тупроқ, кўрмаяпсизми?!

— Уни нима қиласан?

— Уй қураман.

— Уйни нима қиласан?

— Билмасам...

— Онангдан сўрамадингми? Уй инсонга нега керак, демадингми?

— Сўрадим.

— Хўш?

— Уй яшаш учун керак, деди.

— Осмон-чи?

— У ҳам.

— Офтоб-чи?

— У ҳам.

— Тинчлик-чи?

— Билмасам...

— Э-э, оғайни, буни билмасанг бўлмайди. Тинчлик бўлмаса осмон ҳам, офтоб ҳам йўқ. Тушундингми?

— Ҳа.

— Қани энди сўзимни қайтар-чи? Дунё тинч бўлсин, дегин.

— ...

— Қани, айт.
— Дунё тинч бўлсин!
— Айтганинг келсин!..

Сухбатдошим — ўша хирмондаги «йигитча». Йигитчаки, роппа-роса тўрт ёшга кирган. Унинг тилаги ушалмай, кимнинг тилаги ушалсин, ахир.

Маҳалламизда бир чол бўлар эди. Исмими эслолмадим. У сахар туриб, уйдан гузаргача секин юриб, йўлдаги ўтин-чўпларни териб катарди. Кетишда йўл бўйига тўплаб, қайтишда тўнининг барига солиб уйига олиб кирарди. Биз болалар бобога ёрдам бериш ўрнига эрмак қилиб «ўтинчи чол» дердик. У индамас, мийиғида кулиб, «Ҳа, ишқилиб сизларнинг бахтингизга дунё тинч турсин», деб қўярди.

Мен ёшим улғайган сари уни тез-тез эслайдиган бўлиб қолдим. Мана ҳозир ҳам кўзимни юмсам бўлди, қиёфаси шундай ёдимда: бир оз букчайган, очиқ юз, озгин ва ғайратли чол.

Бироқ исмини ҳамон эслай олмайман.

Гоҳо ўтин териб кетаётиб таққа тўхтаб қолар, кейин шошиб ерга энгашиб, бошини сарак-сарак қилиб атрофга алангларди. Кейин кафтидаги бир бурда ноннинг чангини артиб қўйнига сола туриб яна ўша гапини такрорларди: «Ҳа, ишқилиб дунё тинч бўлсин».

Шундай нуроний чолнинг тилаги ушалмай кимнинг тилаги ушалсин, ахир!..

...Дехқон болалари ўйнар хирмонда,
Симга боғлаб олиб бир тешик жомин.
Учувчи кулади кўриб осмонда,
Нима қилсак экан атомни!..

Мен шеър ўқийман. Олдинги қаторда ўтирган ўқувчи бола кўзимга тикилиб олган. У нималарни ўйлаётгани менга қоронғи, лекин менинг гапларимга тўла қўшилиб турганини сезяпман. Шунинг учун ҳам товушим равон, адашмайман ва тинмай шеър ўқигим келаверади.

...Бешикларни қучиб айланади Ер,
Оқар юзларидан маржон-маржон тер:
Нима қилсак экан атомни,
Нима қилсак экан атомни!..

Уни ўз ҳолига қўйиш керак — ўша атомни. Бир дарахт дастагидан кетмонга соп ҳам қилиш мумкин, милтиққа қўндоқ ҳам. Лекин буни дарахтнинг ўзи айтсин. Тўғри, дарахтнинг забони йўқ. Уша атомнинг ҳам. Бироқ ҳеч қайси дарахтнинг қўндоқ бўлгиси ҳам йўқ — бу аниқ.

Атом — ГЭСларга қувват берсин.
Атом — музёрашларга шиддат берсин.
Одамларни эса тинч қўйсин.
Одамлар ҳам уни тинч қўйсин!..

Тинчлик дегани нима ўзи?

Ардоқли шоир Абдулла Ориповнинг бир шеъри қўшиқ қилинган. Мен ҳар гал бу қўшиқни тингласам этим жунжикиб кетади. Неофашист болалар бир эрмак учун араб тенгқурини ёқиб юборишади. Жуда маъюс қўшиқ. Гоҳо уни қўшиқ қилиш шартмиди деб ўйланиб қоламан. Энди билсам, шарт экан.

Урушпарастлар ҳеч қачон болаларни ўйламаган.

Урушпарастлар ҳеч қачон оналарни ўйламайди.

Ғарқ пишган олма дарахти тагида икки киши турибди. Бири ундан ўзиб олиб ҳамма билан баҳам кўрмоқчи.

Иккинчисининг эса нияти бузуқ. Уша дарахтни кесиб, ёқиб ташлашга ҳам тайёр. Нима бўлса ҳам унинг мевасидан биров тотимаса. Тўкилиб, ер билан битта бўлиб ётса-ю, бировга тегмаса.

Урушпарастлар мана шундай нияти паст одамлар. Уқувчилик чоғимдан бери дунё менга ғарқ пишган бир туп олмадек туюлаверади. Қип-қизил олмадек...

Менинг момом 22 ёшида тул қолган. Унинг укаси ўн саккиз ёшида урушда бедарак йўқолган. Ҳозир ҳам, «Саттор укам тирик бўлганида шунча ёшга кирган бўларди», деб ўкиниб юради. Лекин қани ўша Саттор? Оддий аскар Саттор Ҳақимовни кўрганлар борми?

Момом ҳозир ҳам невараларини армияга йиғлаб кузатади. Ҳеч ким йиғламаса ҳам у йиғлайверади. Худди укасини 1941 йилда кузатгандек — йиғлаб кузатади.

— Замон тинч бўлса, нега йиғлайсиз момо? — дейман. — Икки йил бир зумда ўтади-кетади.

— Ҳа, ишқилиб тинч бўлсин-да, болам, — дейди у. Тинч бўлсин!..

Унинг тилаги ушалмай, кимнинг тилаги ушалсин, ахир!

Айвонимизга эса бир жуфт мусича ин қуриб олган. Аллақердан ҳурпайишиб келишдию ҳеч кимдан сўрамай ин қуриб олиб яшашмоқда.

Гоҳо хаёл билан бўлиб эшикни қаттиқроқ очиб чиқсак, ҳуркиб учиб кетишади. Аввал том бўйи, кейин терак бўйи, у ёғи эса ложувард осмон. Учиб-ҳориб қайтиб келишиб, яна бир-бирларига термулишиб ўтиришади.

Шундай бир мўмин бўлишиб ўтиришадими, ҳеч тинчини бузгинг келмайди одам.

Тинчлик дегани нима ўзи?

Тинчлик бу — бир осуда дам. У дунёнинг энг ардоқли бир сўзи. У бутун инсониятнинг орзуси. Лекин тинчлик бу — фаолсизлик ҳам эмас.

Тинчлик бу — давомийлик!

— Мана, менинг кўксим, мана, сеники!..
— Керак бўлар экан қанча фидойи
Тозалаш-чун дунёни буткул
Ўқ-дорилардан?!..

Гўдак бўйи тизга етиб,
Қувват кирди ота тизига.
Бебошликлар нари кетиб,
Туз сингди гап-сўзига.
Уйга энди турлик-туман
Уйинчоқлар ташиди.
Бола тоби қочса ногоҳ,
Кўз ёш тўкди бошида.
Бу ҳолатни кундуз қуёш,
Тунлар ой, юлдуз кўрди.
Ва кўрганин кўтариб бош,
Бор оламга ҳайқирди:
«Келажакнинг фарзандлари
Ўсаётир соғ-омон!
Демак, бу дам қутлуғ дамдир,
Демак, бу он — қутлуғ он!..»



Жаҳонаро тинчлик кезарди бардам,
Қадамидан ўт чақнаб: «Гурс-гурс»
Лоқайдликлар топарди барҳам,
Эрир эди ланжлик — муз...
Олам бино бўлгандан бери
Эрк, дея курашди халқлар қон кечиб.
Жанг бўлди адолат, ҳақиқат учун;
Жон берганлар қанча — гўзаллик дея!..
Ва тинчлик билмади бу курашлардан
Бор кўҳна олам!..
Энди тинчлик керак ёруғ жаҳонга,
Одамларга ҳам!..
Уни деб шубҳасиз, курашмоқ керак,
Балки тўғри келар бу курашда ҳам
Қурбон бўлмоққа!..

Гўдак ўсиб зўр бола бўлди,
Кўз ўнгида турланди олам.
Гулни ушлаб қиқирлаб кулди,
Тиканидан озор тортса ҳам.
Қушни кўриб хархаша қилди:
«Мен ҳам учай, дадажон», дея.
Ҳар куни минг ўйинни бошлаб,
Минг ўйинга қўйди ниҳоя.

Ер шарида эса,
Билмас эди у,

Даҳшатли бир шарпа кезарди.
Емон уруш шарпаси.
Гоҳ секинлаб, гоҳо тезларди,
Сарҳадларни ўтарди босиб.
Кўринганнинг ўйига сингиб,
Қўлларини совутиб ишдан,
Хирилларди фалсафасини
(Эт жулжикар бу хириллашдан):
«— Дўстим, бу кун оламда мавжуд
Тинчлик — тинчлик эмасдир буткул.
У — зўр бўрон олдидан сукут,
Қирғин-барот учун балки йўл!..»

Ғойибдан ҳам қўшиқ келарди
Олис найнинг навоси янглиғ,
Юракларни секин тиларди
Санчилганча бамисоли тиғ:
«Емон кунлар тушди дунё бошига,
Фалак заҳар қотди ичган ошига,
Қаранг кўздан оққан қонли ёшига,
Ер шарин қутқаринг, одамлар,
Қутқаринг Ер шарин, одамлар!

Олам — ризқ-рўз тўла очил дастурхон,
Эл-эллатга ҳар не ҳар он намоён,
Лекин бу кун унинг бир чеккаси қон,
Ер шарин қутқаринг, одамлар,
Қутқаринг Ер шарин, одамлар!..»

Титроқланиб тўлқин ва тўлқин
Самолардан қайтар эди акс-садо:
«Одамлар, одамлар, одамлар!..»

Бир кураш борар эди
Бола кифтига жилдин
Илиб мактаб борганда.

Бир кураш борар эди
Бола қўлига қалам
Тутиб «О»ни ёзганда.
Бир кураш борар эди
Боланинг атрофида,
Боланинг атрофини
Қуршаган олам аро...

Бола ёзган «О» эса
Осмоннинг шакли эди,
Оламнинг шакли эди
Ва бош ҳарфи эди «Одам»нинг.
Шарпаларни назарга илмай
Яшнар эди кўнгиллар.
Курашарди
барқарор
Эрк, деб уйғонган эллар —
Жаҳон пучмоқларида.
Жаҳонаро тинчлик кезарди бардам,
Қадамидан ўт чақнаб: «Гурс-гурс».
Лоқайдликлар топарди барҳам,
Эрир эди ланжлик — муз...

Дўстим, бу кун оламда мавжуд
Тинчлик бизга юкинар буткул.
У — бир имкон, саодат мавжи,
Дилбар ҳаёт учун донғил йўл!..

Ота ишга боради
Ҳар сафар, кўк тоқида
Зухро ўчмасдан туриб.

Она ишга боради
 Ҳар сафар, кўк тоқида
 Зухро ўчмасдан туриб.
 Бола мактаб боради
 Кафтига илиб жилдин,
 Тонг чечаги кулмасдан.
 Бобо, кузатиб барин
 Остонадан бирма-бир,
 Суради кексаликнинг
 Ҳеч топиб бўлмас гаштин.
 Асрий юмушларини
 Бажаради эл-элат,
 Олам дастурхонига
 Қўшиб ўз насибасин;
 Ўзбек пахта экади
 Қадим пайкалларига
 Бир умиддек авайлаб,
 Гуржи узум узади
 Қадим токзорларидан,
 Узган каби фалакдан
 Юлдузлар шодасини.
 Қозоқ буғдойзорлари
 Шовуллайди самимий,
 Ер-дўстлар суҳбатидек
 Шакарқамишин ўриб
 Битиролмай ёз бўйи
 Кубалик оввора-ю,
 Хуноб, ана вьетнамлик
 Шолисини янчолмай.

Бу ҳаёт — фарзанд учун —
 Келажак учун, деган
 Буюк шиор бор эди
 Халқларнинг овозида.
 Бу шиорга жўр бўлиб,
 Болажон ўзбегим ҳам
 Қўшганди ўт нафасин.
 Буюк баёт янграрди
 Инсоният созида.
 Қурултойлар ўтади
 Азим шаҳарлар аро.
 Меҳнатнинг байрамига
 Айлангандир ҳар бир кун.
 Календарь варақларин
 Яна қанчаси қизил
 Сон билан ёзилгандир.

Гавжум эрур эрта-кеч
 Юксак кутубхоналар,
 Буюк бир очлик ила
 Қақшар мия-миялар.

Сокин хиёбонларда
 Жуфтлар кезади масрур,
 Севимли шоирларин
 Мухаббат ҳақидаги
 Байтларин ўқишиб ёд.

Бир ҳаёт кечар-кечар
 Бу ёруғ оламаро,
 Бир баёт кечар-кечар
 Бу ёруғ оламаро.



Йигирманчи асрнинг сўнги чораги...
 Эрта-индин
 Забардаст ўғлон бўлиб
 Сафарга туражак болакай қаҳрамонимиз!
 Лекин қайси сафга!
 Меҳнатчи эл сафига!
 Ошиқлар,
 Ёш оилалар,
 Бахтлилар сафига!
 Қўлига болға, паргор, қалам, гул олиб...
 Иш, ижод, севги қуроллари билан қуролланиб.

Фақат шундай сафлар қолсин!
 Фақат шундай қуроллар бўлсин!

Умумжаҳон тинчлиги ташвишларида
 Беором кечган йиллар,

Уйларидан,
 Юракларидан
 Кўчаларга тошиб чиққан эллар;
 Гарчанд бошқа-бошқа:

энгиллар,
 тиллар,

Ҳамоҳанг янграган кўнгиллар:

«ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ТҶХТАТИЛСИН!..»
 «БАС ҚАНОТЛИ РАКЕТАЛАР!..»
 «БАС — НЕЙТРОН!..»
 «БАС... ЛАЗЕРЬ ШАМШИРЛАРИ!»
 «ЮЛДУЗЛАРНИ ТИНЧ ҚҶЙИНГ!»

Титроқланиб, тўлқин ва тўлқин,
 Самолардан қайтган акс-садо:
 «БАС... бас... бас...»



БАРЛОС
КРИШЛОФНИИТ
ЗУМРАД
ТОНЛАРИ

Ҳойроқум
Шамапарасуноғ

Сайданга ҳам етиб борибди. Уша куни яна йўлтўсарлик қилди: «Бу — нима деганинг? Севмайман деганингми? Бари бир, мен севавераман! Лекин сен ҳам мени севишинг керак-ку!», деб туриб олди. «Севаман, демагунингча қўймайман», дейди. Билиб олгани — шу. Худди тўтиқушга ўхшайди-я.

Бугун Сайдан Норхоллар ишлаётган далага келди. Бир оёғини ерга, иккинчисини велосипедининг педалига қўйганча ишдан бош кўтармаётган қизларга пича қараб турдию кейин қаёққадир ғойиб бўлди. Норхол иккита дугонаси билан токзор орасидаги йўлдан уйларига қайтишаётганда Сайдан велосипедини учириб келиб, уларнинг йўлига кўндаланг қилди-да, қизларга: «Сизлар кетаверинглар, менинг Норхолда ишим бор», деди.

Норхол ҳам дугоналарига эргашиб кетаётган эди, Сайдан астагина, лекин буйруқ оҳангида: «Тўхта, гапим бор!», деди. Худди унга боғланиб қолгандай, Норхол тўхтади. Ҳар доимгидай, бор-э, деб кетаверса бўларди, лекин негадир кетолмади. Сайданнинг овозидаги ҳукм оҳанги таъсир қилдими ёки унинг нияти қатъийлигини сезгач, кетаман деб балаго қолишини билдими, ҳарқалай, унинг айтганини қилди. Йўқса, у бир қилиқ чиқаришдан ҳам тоймайди-да. Э, бу — Сайдан!.. Қизнинг вужудига титроқ югурди. Дугоналари бўлса узоқлаб кетишяпти. Ниҳоят, Сайдан велосипеддан тушди.

— Юр, бу ёққа! — У хотинини етаклагандай Норхолнинг қўлидан тортиб, токзорга бошлади.

— Охирги марта сўраяпман, — деди Сайдан ўқрайиб, — мени севаманми, йўқми?

Норхол унинг гапидан кўра важоҳатидан кўрқди. Йиғлагиси келди. Ерга қаради. Кейин нима бўлганини ўзи ҳам билмай қолди. Бир пайт қараса... Сайданнинг кучоғида... Сайдан уни қўйиб юборди. Шундагина Норхол билдики... дугоналари кузатишаётган бўлса-я! Энди, Сайдан билан Норхол ўпишди, деган гап бутун қишлоққа овоза бўлади. Онаси ер мушглаб қарғайди. Шуни ўйлаб, Норхол даҳшатга тушди. Юрагини ўртаётган алам билан Сайданга ёмон тикилди. Шунда у кўзига аввалгидай кўрқинчли кўринмади. Афтидан, ўпич олганидан хурсанд; лабини ялаб, кулимсираб турибди. Кулимсираши курсин, масхара қилаётганга ўхшайди. Норхол шартта бурилиб, уйига жўнади. Орқасидан Сайданнинг югуриб келишини, тиз чўкиб «мени кечир», дея илтижо қилишини истарди. Лекин...

У шошганча кетиб бораркан, йўл бурилган жойда бояги икки дугонасини кўрди. Улар шивирлашиб Норхол томонга ишшайганча қараб қўйишди. Норхол эса ўзини бепарво туттишга уринди. Қарамасдан ўтиб кетди. Юраги шув этди, энди улар гап тарқатишгани тарқатишган. Тешик қулоқ — онаси ҳам эшитади. Шунинг учун Норхолнинг ўзи айтгани маъқул. Кейин боши балаго қолмайди. Нега энди анави кечирим сўраш учун изидан келмаяпти. У нима қилаётганини, қай ҳолатда турганини Норхолнинг билгиси келдию орқасига ўгирилиб қарашга юраги бетламади. Кўчани тўлдириб ўтишни истамай томорқа тарафдаги ёлғизоёқ йўлга бурилди. Назарида, ҳамма кўчага чиқиб тургандай, «ай-яй-яй-й», Норхолни қаранглар-а, шундай қиз куппакундузи анави Сайдан билан токзорда ўпишиб юрипти-я», деяётгандай бўлаверди. Кейин яна Сайдан эсига тушди. Келмади-я. Қандай қилиб унинг... Жуда иссиқ экан... Шундагина Норхол терлаб кетганини, Сайдан ўпган бети қизиб бораётганини ҳис қилди. Упиш қизик бўларкан. Уша пайтда унинг ичидан бир тўлқин отилиб чиқаётгандай бўлаверди. Агар, Сайданнинг ўзи бўшатмаганида унинг бағридан чиқиш хаёлига ҳам келмасмиди. У қўйиб юборгач, бир лаҳза ҳайрон бўлиб турдию кейин алам қилиб кетди-да. Упишга-ку ўпди,

тагин юзингда кўзинг борми, демай тиржайиб тургани ортиқча. Ҳе-е...

Норхол пақир кўтариб молхонадан чиқаётган онасини кўрдию бўшашиб кетди.

— Ҳа, нега бу ёқдан келяпсан? — деди онаси ҳайрон бўлиб, кейин Норхолнинг олазарақ кўзларига кўзи тушдию ранги ўчди.

— Нима бўлди?!

— Сайдан... — дедию ўпкаси тўлиб Норхол йиғлаб юборди.

— Нима Сайдан? — деб сўради онаси жониқиб. — Гапирсанг-чи, ер ютгур, урдими?

— Йўқ.

— Бўлмаса, нима қилди?

Норхол йиғини авжига чиқарди.

— Ҳай, мунча изиллайсан? Гапирсанг-чи, нима бўлди ўзи?

— Қўлимдан ушлади.

— Ким? Сайданми? Қайси Сайдан? Давлат бовойнинг неварасими?

— Ҳа, ўша.

— Вой қирилгур-эй! Нимага ушлайди? Нима керак экан унга? Нима дейди?

— Сени севаман, дейди. Севиб қолганмиш!..

— Вой, қирилгур-эй! Вой ер ютгур-эй! Севармиш! Ҳа-а севгинг бошингни есин! Бурнингни артиб ол, демадингми? Вой, мишиқи-эй! Олдин отанг ўзини эплаб олсин, де! Ана! Ана шу-да!... Булар телвизор кўриб...

Худди пайт пойлаб тургандай шу гапнинг устига отаси келиб қолди.

— Ҳа, қизим, она қизим, сенга нима бўлди?

Норхол хўнграб йиғлай берди. Онаси қишлоқни бошига кўтариб қарғанди:

— Давлат бовойнинг невараси!.. Вой, ер ютгур-эй!..

Бу гап ўша оқшом бутун Барлосга овоза бўлди.

Норхол кечаси тушида уни кўрди. Сайдан билагидан маҳкам тутиб олган эмиш, Норхол, қўйвор, деб ялинса, ишшайрмиш...

Жарима

1

Маматнинг тепа сочи тик бўлиб кетди. Наҳотки одам қуриб қолгандай, келиб-келиб, уларга Банот кўр қўшни бўлса?! Бир қориндан талашиб тушган акасига ёмонлик қилиб, элдан қувилган хотин буларга тинчлик берармиди?

Банотнинг акаси бултур тўй қиламан деб қаттиқ йиғинди. Чавандозлар кўпкарига бир-икки кун бурун келишади-ку, отлар учун у озроқ арпа ҳам ғамлаган экан. Қурғурни қаёқдан олган — ёлғиз ўзи билади. Тўй куни Банот атай райондан милиционерни бошлаб келиб уни «тутиб» берди. Тўй азага айланди. Акаси қулоғини ушлаб кетди. Банот эса, мана, юрипти. Юргани майли-я, одам қуригандай келиб-келиб энди у Маматларга девордармиён қўшни бўлмоқчи! Раҳима холанинг ҳовлисини сотиб олмоқчи! Гап шундаки, Раҳима хола бола-чақаси билан ота юртига кўчиб кетяпти. Бу ерда бир эмас, иккита ҳовлиси бор. Сотамиз, деб овоза қилишганига ҳам икки ойдан ошди. Арзонга булар кўнмайди, қимматга — талабгорлар. Раҳима хола уйини сотармиш, деган гап Банотнинг ҳам қулоғига етибди-я. Эрини олдига солиб, бугун эрталаб у Раҳима холаникига келибди. Шуни эшитиб, ҳамма ваҳимага тушиб ўтирипти.

— Банот кўр ҳамсоя бўлса, кўчиб кетиб тинчиймизов, — деди ҳатто Маматнинг хотини.

— Нафасингни иссиқроқ қил-э! Эл бор, юрт бор, қолаверса, бригадир бор, ўйлаб бир чорасини топишар, ахир...

— Иқбол опаям хафа. Раҳима холага, уйингни шунга сотсанг — қарғайман, борган жойида ёлчимасин, олган пули буюрмасин, дейман, деди.

— Раҳима холанинг ўзи нима дейди?

— Унда ўзинг ол. Узинг олмайсан, сотгани қўймайсан, қанақа одамсан ўзи, деди. Бир ҳовлисини тўққиз мингга савдолашипти.

— Тўққиз минг? — Мамат ўрнидан туриб кетди. — Чолдеворга-я! Банот кўрнинг эси жойидами ўзи?

— Пулнинг зўри билан олмаса ким унга ҳовли берарди. Раҳима холага пул керак эмиш, янги уй қурамиз деб қарзга ботишти. Бир нима деб бўладими? Лоп этиб Банот кўчиб келса, кейин дарвозангга кўзини тики-иб ўтирса борми!..

Маматнинг хаёлига бир фикр келиб қолди. У хотинини овулди-да, ўзи отига миниб, ташқарига чиқди. Бир таллай қўшниллар кўчада уй савдосини муҳокама қилиб туришар эди.

— О-ҳо! Жамоа жам-ку! Мунча? — деди Мамат отнинг жиловини тортиб. — Азага йиғилгандай бўлиб турибсизлар. Жон ҳовучлаб... Кўчиб келавермайдими, э, қизини...

— Кетидан сўкишни биз ҳам биламиз, — деди Усмон.

— Банот кўрдан ўзи нега қўрқасизлар? Кимки ўғри бўлса ўша қўрқсин, — деди Мамат унга қарамасдан.

— Қўрқадиган бир биз эмасдир, — деди Усмон, ранги ўзгариб. — Нима қиласиз шунақа гапларни айтиб, ака.

— Нима дейин бўлмаса?

— Кўрни яқин йўлатмаслик керак.

— Қўлингиздан келса, йўлатманг! Бригадирга бординг, айтинг! — деди Мамат чўрт кесиб ва жиловни силтади.

Мамат илгари узумчилик бригадасида ишларди. Қаттиқ касалга чалиниб, узоқ даволандию оғир ишга ярамай қолди. Икки йилдан бери совхознинг бедазорига қоровул, отда ҳар куни бир айланиб чиқса — бас. Совхознинг энг чеккаси — шу. Банотнинг томорқасига туташ. Банотнинг бир қўра қўйи бор, қачон қарама, болалари шу атрофда боқиб юришади. Бир куни қўйлар бедазорга тушган экан, Мамат ҳалиям ўзини босди. «Қўйчивон»ларга танбеҳ бериб қўя қолди... Банот — ёмон. Урмон хўжалиги қоровули Самадбойнинг капасини куйдирдию.

Яхши бўлмади. Самадбойдан ҳам жиндай ўтди-да. Э-э, бу Банот... Ушанда Самадбой иккови сояни олиб, ўтган-кетгандан ҳангома қилиб ўтиришган эди. Бир маҳал... Асли Самадбойдан ҳам ўтди. Янтоқзорда қўйларини боқиб юрган Банотнинг эрини кўриб, беҳосият, деди. Мамат гап қўшмади.

— Ҳеч қўлга тушмаяпти-да.

— Ҳм-м?

— Тунов кун, бостирмага... керак бўп қолди-да. Қўлинг теккач, оғзинг ҳам тегади-да, тўғрими?... Кесиб, опкетаётсам, эр-хотин... Банот кўр, ўғри, деб ёқамдан олғудай бўлди-ёв. Ургилдим сендақа тўғрилардан. Ҳап, сеними, шошмай тур, деб тиш қайраб қўйдиму ҳеч қўлга тушмаяпти.

Шу чоғ қўйлардан бири нимадан дир ҳурқдими, тисарилди, кейин бурилиб, ирғишлаганча дарахтзорга кириб кетди.

Самадбой бирдан ўмганини кўтарди.

— Ҳў-ўй, Саъдулла ака! — деди у ўдағайлаб, — қўйларингизга қарасангиз, ўласизми?

Қўйларни дарров қайтарган Саъдулла акага бу гап ёқмади.

— Нима демоқчисан? — деди у тап тортмай.

— «Нима демоқчисан?» дейди-я. Қўйни эплаган боқади-да.

— Қўйим давлатга сенчалик зиён етказгани йўқ.

— Нима, нима? — Самадбойнинг юзлари қорайиб кетди. Қўллари титраб ўрнидан турди-да, Маматнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай бориб унга ёпишди. Бир мушт уриб, Саъдулла акани қулатди. Мамат пича тай-саллаб турди. Қараса, иш чатоқ. Бориб, ўртага тушди. Саъдулла акани турғазиб қўйган бўлди.

— Ифлос, муттаҳам, — Саъдулла ака тупуриниб, қоқинди. — Уғри...

— Нима де-динг? Узинг кимсан? Авлиёмисан. Ҳе, сендақа авлиёнинг... — Самадбой бир силтаб Маматни четга сурдию яна Саъдулла акага ташланди. Бир мушт уриб уни қулатди-да, яна тепа кетди. Мамат яна орага тушди, яна уларни ажратди, яна Саъдулла акани турғазиб қўйган бўлди. Кийимларига илашган хас-хашакни қоқишга ҳам ҳоли келмай, ёш боладай ҳиқиллаб кетаётган Саъдулла акага ачинарини ҳам, ачинмасини ҳам билмади. Ҳар қалай, у Банотнинг эри. Банот эса...

— Касофат! Энағар... — Самадбой сўкинди. У ҳушёр тортди. Обрў борида этакни йиғиштирай деб турганида Самадбой уни туртди. Ғалати қараганча:

— Оқ туя кўрдингизми? — деди.

Шу чоғ бало-қазодай бўлиб Банот етиб келди. У шанғиллаб оламни бузар, деб чўчувди Мамат, бундай қилмади.

— Кўзларингни ўйиб оламан! — деди икки бармоғини Самадбойга нуқаб. — Қўлларингни синдираман!

— Э, ҳовлиқма! Давлат бу дарахтларни сенинг қўйларинг учун эккан эмас. Ҳали жавоб берасан. Тўлайсан!

— Қайси дарахтингни еди? Қани, кўрсат-чи менга.

— Мен сенга атчут бермайман. Тегишли жойда кўрсатаман, тушундингми?

— Кўрсатолмайсан. Узинг қип-қизил ўғрисан. Нимани кўрсатасан?.. Ий-е! Сиз ҳам шу ердამисиз? — деди Банот Маматга қараб. — Бу-ку, майли, сондан чиққан, сизни нима жин урди. Ҳай, қўй, дейишинг ўрнига...

— Опа, мен...

— Опа, деманг. Сиздан ҳам кўнглим қолди. Одам ҳам шундай бўладими? Бу-ку, қип-қизил ўғри...

— Э, опа, сиз олдин нима гаплигини билинг. Уртага тушган айбдорми?

— Нима гаплигини жуда яхши биламан. Ҳаммангнинг тилинг бир. Сенларга қолса...

— Ҳў-ўй, манжалақи, кетасанми ё бир уриб ерга киргизиб юборайми? — Самадбой яна ўдағайлади.

— Кетмайман! Ур! Ана, ур! Зўрмисан? Ур! Ҳа-а, уриб бўпсан, қўрқасан. Қўрқмай кўр-чи. Шошмай тур. Бола-чақангни ўйлаб, ичимга ютиб юривдим. Сениям эсингни киргизиб қўядиганлар бор!

Банот йўл бўйи жавраб кетди. Сўнг Мамат эшитдики, эрини у касалхонага ётқизибди... Охири, Самадбой қамалди. Маматнинг ҳам унга қўшилиб кетишига сал қолди. «Мен бор-йўғи уларни ажратганим», деб тавбатазарру билан зўрга қутулди.

Бедазорга етиб келгунича ҳар нарсани ўйлайверганиданми, боши қизиб, Мамат ҳолсизланди. Отдан тушиб, ёнбошлади. Пича кўзи илинган экан, тапир-тупурдан уйғониб кетди. Қараса, бир қўра қўй — шундоқ бедазорнинг уватида... Боши қотди: нима қилса экан? Узи

Банот кўр... Хотини, кўчиб кетиб тинчиймиз-ов, дедими? Саъдулла ака-ку ёмон одам эмас-а, Банот кўр... Қишлоқнинг тенг ярми ҳушламаяпти... Тинчинг бўлмайдими-да кейин... Нима қилса экан, а? Кўйлар ҳам ҳадеганда бедазорга ораламади. Епирай. Мундай бўйин чўзса-ку... Бўйин чўзди, биттаси бўйин чўзди.

— Эгаси қани бунинг? — У ирғиб отга минди-да, кўйларни олдиға солиб ҳайдади. Қилаётган иши ўзига ёқмади. Бари бир, кўйларни ҳайдаб кетаверди. Анча жойға борғач, ўгирилиб, кўрдики, ўн-ўн икки яшар бола кетидан югуриб келяпти. Банотнинг ўғли. Бўғилиб, култ ютинди. Бир ҳаёл кўйларни бериб юбормоқчи бўлди. Яна... Банотни юраколди қилгани маъқул. Кўрқса, оч қорним, тинч қулоғим деб иссиқ жойини совутмайди. Раҳима холанинг ҳовлисини олмайди. Қолаверса...

Бола Маматнинг қўлидаги қамчидан кўз узмай, ҳиқиллаганча туриб қолди.

— Ҳа, жўра, — деди Мамат унинг кенг манглайига қараганча, — кўйлар сеникими?

Бола мўлтайиб, ҳа, дегандек бош ирғади, кейин ерга қараб, кўзларини билаги билан тўсганча хўнграб юборди. Яна бир нима Маматнинг бўғизига тикилди.

— Қарасанг бўлмайдими кўйларингга?

Бола ёшли кўзлари билан унга қаради. Бу қараш Маматга Банот кўрни эслатди. Хотини, кўчиб кетиб тинчиймиз-ов, деди, а? Қўшнилари ҳам...

— Бориб энангга айт, кўйлар бедапоёга тушган экан, ҳайдаб кетди, де.

У кўйларни ҳайдади. Боланинг йиғисини эшитса-да, қайрилиб ортига қарамади. Тишини тишига босиб, йўлида кетаверди. Чайла ёнидаги қўтонча кўпдан буён бўш. Кўйларни Мамат қўтончага қамади-да, чайлага кирди. Бахтига бригадирнинг ўзи ҳам шу ерда экан. Яхши бўлди — гувоҳликка ўтади.

— Ҳа, Мамат ака, ишлар бошқача бугун?

— Э, қўяверинг, бугун бир иш қиламиз, қоғоз-қалам борми?

— Бор. Нимаиди?

— Акт қилишни биласизми?

— Ия, ия, янгилик-ку? Нимага акт ёзамиз?!

— Банот кўрнинг кўйларини ҳайдаб келдим. Бир кўрқитиб кўймасак бўлмайдиганга ўхшайди...

2

Банот Раҳима холаникидан кўнгли анча таскин топиб чиқди. Ҳовли савдоси пишиб қолаётган эди.

Неча йилдири, элдан четда яшаб, рости, Банотнинг бўладигани бўлди. Бу овлоқ жойда қўни-қўшни йўқ ҳисоб. Сувни ҳам қудуқдан олишади. Яқин атрофда на бир дўкон ва на бир қишлоқ бор. Нафсиламбирини айтганда, мол боқишга бу ер қулай. Лекин гап бунда эмас. Одамнинг тафтини одам оларкан. У ҳам, элга элакишсам, бировнинг оғирини енгил қилсам, дардимга малҳам қўшнилари бўлса, дейди. Шунинг учун ҳам Раҳима холанинг уйига талабгор бўлди. Шунинг учун ҳам...

Банот уйнинг дарагини уч кун бурун, райондан қайтаётиб автобусда эшитди. Айтишларича, бир-иккита ҳовли сотилаётган эмиш. Унинг юраги ҳаприқди. Нима бўлганда ҳам биттасини олиши керак. Катта ўғли Самарқандда техникумни битиряпти. Районда ишлайман, дейди. Уша ёққа кўчишса, унга ҳам қулай бўлади, ишга яёв бориб келаверади.

Аммо-лекин Банот эшитдики, Раҳима хола тезоб, таъбига ёқмаса, терслик қилиб қайтариб юбориши ҳеч гап эмас. Шу боис у Раҳима холаникига чўчинқираб қадам босди.

— Ҳовли сотармишсиз деб эшитдик, — дея гап

бошлади Саъдулла ака дастурхон қўйилиб, бир пиёладан чой ичилгач. — Агар, савдомиз тўғри келса, ҳовлингизнинг бирини олсак, деган ниятимиз бор эди...

Улар иккала ҳовлини ҳам кўриб чиқишди. Нариги уй-жой анча кўримсиз, одам яшамётгани учунми, ўт босган эди. Мана буниси эса... пешайвонли, томорқаси ҳам хийлагина, молхонаю кўйлар учун алоҳида кўраси бор. Чорбоғдаги дарахтлар ҳам анча-мунча. Ошхона-омбори мустаҳкам.

— Мана шу ҳовлига нарх айтинг, — деди Саъдулла ака Банот билан маслаҳатлашиб олгач.

Раҳима хола ўртанча ўғли — Воҳидга қаради.

— Бу ҳовли ҳозирча туратуради, — деди Воҳид, — аввал акамникини сотамиз.

— Нега?

— Энди, майда-чуйда, кўч-кўронлар шу уйда. Биз сотсак, эртага «ҳовлини бўшат», дейсизлар. Майда-чуйдани ташиб юришга вақт борми. Бу ҳовли яхши кўриняпти-да, а? Аслида, униси яхши. Уй — янги, пойдевори мустаҳкам. Сизлар, хоналари кўп, айвони бор, молхонаси катта, деб бунга қизиқяпсизлар. Аслида...

Саъдулла ака Банотга қаради, Воҳиднинг гапида жон бордек туюлди. Банот, бари бир, фикридан қайтмади. Эгаси мақтаган молдан қоч. Айтишларича, нариги ҳовлида яшаганлар ёлчимаган. Қимматроқ айтса, айтар, манавини олган маъқул.

— Энди, ўзларинг биласизлар, — деди Раҳима хола, — лекин бу ҳовли ўн мингдан камига берилмайди.

— Ўн минг бўлар, етти минг бўлар, савдони қочирманг, — деди Банот қувониб. Воҳиднинг гапидан кейин у бир оз ташвишланиб қолган эди.

— Сизлар фойдаларингизни билмаяпсизлар-да, — деди Воҳид. — Тўғри, нариги ҳовлимиз ҳақида бўлмагур миш-миш тарқатишган. Шунга ишониш керакми? Акам беш йил шу ерда яшади. Учта фарзанд кўрди. Элнинг оғзига элак тутиб бўладими?

— Энди-и, — дея чўзиб гап бошлади Саъдулла ака, — бизниям сизга ўхшаган ўғлимиз бор. Ушани уйлантириб, шу ҳовлига киритсак, деймиз-да. У районда ишламоқчи. Бу ердан қатнаш қулай. Савдо қилсак ҳам ҳали-вери кўчиб келмаймиз. Майли, қанча турсанглар тураверинглар, қарши эмасмиз. Фақат гапни пиштитиб қўяйлик. Пулиниям пичагинасини олинг. Қачонки у ҳовлини сотиб, кўчиб кетадиган бўлсангизлар, хабар қиласизлар, шунда биз кўчиб келамиз.

Воҳид кулимсиради:

— Ҳозир биз пулни олсак, орадан уч кун ўтмай, чиқ менинг ҳовлимдан, деб олсангиз... Кўйинг... бу ҳовли ҳали сотилмайди.

— Ундай деманг, ука, — деди Банот уйдан қуруқ қолаётгандай ҳовлиқиб, кейин Раҳима холага ўгирилди. — Дугона, сиз айтинг, ўғлингизга айтинг, сал шаштидан тушин. Энди, ҳар ким таъби торган овқатни ейди. Бизга шу ҳовли маъқул. Етти мингга бўлмаса саккиз мингга берарсизлар?

— Аввало, сотилмайди! Сотилса, нархи — ўн минг! Бир тийин кам эмас! — деди Воҳид қатъий.

— Оббо укам-эй! Дугонам харидорларни яқин йўлатмаётганмиш, деб эшитиб роса кўрқувдим. Сизни кўриб хурсанд бўлиб ўтирсак, онангиздан ҳам ўтиб тушар экансиз-ку!

Улар кулишди.

— Мен гапнинг пўсткаласини айтяпман, Саъдулла ака. Нариги ҳовли қачон сотилади — ким билади. Бир йил, балки икки йил туриб қолар. Шунча вақт кутмай-сизлар-ку, ахир, тўғрими?

— Майли, майли, биз ҳали-вери келмоқчи эмасмиз. Саккиз минг деганминан шунча пулимиз йўқ ҳозир.

Савдоси пишса — бас, кейин йиғинамиз. Энди... ҳозирча минг сўмми, бир ярим мингми бериб қўяй.

Саъдулла ака қўйнига қўл тикди.

— Қўйинг ака, қўйинг, пулингизни чиқараманг.

— Хай, бўлмаса саккиз мингга розимисиз. Айтинг, розимисиз? Шунга барака қилайлик, қўлингизни беринг, ука.

— Ие, қўйсангиз-чи, нима, барака олиб, бизни қасамга таямоқчимисиз?

— Майли, — деди Саъдулла ака пул чиқармай, яна савдолашишга тушди, — шартларингизга розимиз. Фақат, шу ҳовлини сизларга берамиз, деб бизни ишонтиринг.

Воҳид онасига қаради.

— Дугона, ўғлингизга айтсангиз-чи. Бир нима денг, ахир! — дея Банот тилга кирди. — Бизлар ҳам бир орзуманда одам. Шу ҳовлиларда бола-чақамиз яшасин, барака топсин, деб яхши ниятда келганмиз. Бошқалар берадиган пулни биз ҳам берамиз, балки кўпроқ берармиз. Тўққизга кўнасизларми?

— Ойи, бу ерда ким турсаям бизга бари бир эмасми, — деди Воҳид. — Бу кишилар шундай ният қилиб... Лекин айтиб қўяй, то кўчиб кетгунимизча индамай турасизлар. Гап пулда ҳам эмас-у... Умуман, шу уйни олаётганларингизни ҳеч ким билмагани маъкул. Тўғриси айтсам, қўни-қўшнилардан битта-яримта, боя Усмон ака чиқиб... Хай, майли, шу гап-да...

Эру хотин ерга қараб қолишди. Орага ноқулай жимлик чўкди.

— Нима ҳам дердик, эл ичида бир марта ёмон-отлиққа чиққанмиз, — деди Банот жимликни бузиб, — майли, сиз айтгандек бўлақолсин...

Улар кетаётиб, Усмонга рўпара келишди.

— Ҳал бўлдими? — дея талмовсиради Усмон.

— Йўқ, келишолмадик, — деди Саъдулла ака.

— Бари бир, шу уйни оламиз! — деди Банот унга синовчан тикилиб.

Усмоннинг юзи беўхшов қийшайиб кетди, мўйлови асабий қимирлади, бежо кўзларини опқочди.

— Қанча дейди?

— Ун минг.

— Ун минг?! Шу — гувалагами? Яхшиси, сизлар Товбой аканинг уйини олинглар. Шиферланган, пойдевориям зўр.

— Бизга бу уй ёқади, — деди Банот унга тик боқиб. — Юз минг бўлсаям шу ҳовлини оламиз.

Улар йўлида давом этишди.

Воҳиднинг гапида жон бор, шекилли. Усмон... Қаёқдан эшитди экан булар? Банот, уй оламиз, деб бировга чурқ этгани йўқ. Саъдулла ака ҳам бу ҳақда лом-мим демаган. Шайтоннинг ишими бу — бутун Барлосда шу гап. Ишқилиб, бир ёмонотлиққа чиқма. Эл оғзига номинг тушмасин экан. Асли Банотда нима айб? Рост, акаси унинг дастидан қамалди. Лекин... Аслида у қаматмоқчи эмасди-ку. Шундай бўлиб чиқишини туш кўриптимиз. Милиционерлар бир тоннага яқин арпа топишди, кейин бошқа айблари ҳам очилиб қолдию...

Акаси дала бригадири эди. Совхознинг неча минг гектарлик еридан ўрилган дон-сомон унинг қўлидан ўтарди. Тўйга тайёргарлик кўриб кимлардан маслаҳат сўрамади, лекин мана шу синглимдир-ов, деб бирон марта Банотни йўқламади. Шунақа иш қиялмиз, сингил, нима дейсан, демади. Албатта, Банот тоғни ағдариб келмас эди, ҳар қалай, кўнгил экан... Нуқул етти ёт бегоналар, машина мингларни чақирди. Мундай узокроқда туришса ҳам бошқа гап эди, кўз кўрмайди, қулоқ эшитмайди, хотиржам юрасан. Ахир, ёнма-ён яшаб... Банот истаса-истамаса, уникига ким кириб

чиқаяпти, кўриб-билиб юрарди. Бу ҳам камдек, биттасига, синглимниям, куёвимниям тайини йўқ, бир дастурхон атрофида ўтиргинг келмайди шуларминан, депти. Буниси баридан ошиб тушди. Ҳатто тўй куни ҳам бир оғиз йўқлатмади-я. Фақат хабарчигина эл қатори, фалончиникига — тўйга-а, деб ўтди. Уғли, ботинкам йиртиқ, тўйга қайтиб бораман, деб хархаша қилди, эри боёқиш, дили оғридими, мунғайиб уйга кириб кетди. Ноғоранинг така-туми... Созанда ноғорани эмас, унинг миясини чалаётгандек... Банот дунёга келганидан бери бунчалик хўрлик кўрмаган. У шартта тўйхонага кириб борди-да, акасининг енгидан тортди.

— Нима керак сенга? — деди акаси энсаси қотиб, сўнг қўлини жеркиб тортди. Банот ёниб-тутаб кетди. Акам, ҳеч бўлмаса, кўнгил учун қаёқда юрибсан дер, деб ўйловди. Йўқ, ундай бўлмади.

— Тўйингизни бузаман, — деди Банот, бутун қаҳрини ягона — соғ кўзига жамлаб.

— Бор, бор, кўп шақиллама! — деди акаси. — Ишқилиб, бир ёмонлик қилмасанглар, туролмайсанлар санлар!

— Туролмайман! Ёмонлик қиламан! — деди Банот депсиниб. — Бизлар ҳам одам эдик, синглингизман! Сизга ўхшаб ҳаром-харишдан...

— Менга қара, хўй, нима демоқчисан ўзи? Йигирма йилдан бери ҳоли-жонимга қўймайсан. Энди бир ками тўйни бузишинг қолувди. Бор, билган... е!

— Қиламан! — деди Банот. Кейин...

Ўзи шунақа: Банот аччиғи чиқса ҳеч балодан қайтмайди. Жаҳл устида кўп ишларни қилиб юборади. Бунинг оқибатини, аччиғи тарқагач пушаймон ейишини сезиб турса-да, бари бир қилади. Бир томони, одамлар ҳам... Мана, Усмон, қўли эгри, тагин... Банот ҳам одамлардай тинчгина яшашга кўп уринди. Бўлмади...

3

Эру хотин уйда ўтириб, энди нима қиламиз, шунча пулни қаёқдан топамиз, деб хомчўт қилишаётганида ўғиллари хиқиллаб келиб қолди. Нима эмиш, Мамат қоровул қўйларни ҳайдаб кетган эмиш.

— Ҳе-е, одам бўлмай кет-э! — Банотнинг аччиғи чиқди. — Нега ҳайдаб кетади? Онасининг маҳрига тушган эканми? Ҳайдаб кетса, индамай қараб тура-вердингми, жувонмарг?! Ҳаҳ!..

Бола йиғидан таққа тўхтади. Бурнини тортиб, кўзларини ишқалади.

— Қаерда боқаётган эдинг? Ё... бедапоёга тушдимиз, а? Тўғриси айт! Алдама.

Бола индамади.

— Гапирсанг-чи, ер юткур! Бедапоёга тушганмиди ё?..

Бола, йўқ, деган маънода бош чайқади-да, яна хўнграб юборди. Банот бир нимани англагандай бечораваш, ўйланиб қолди. Шу — Мамат икки йилдан буён қоровул, бирон марта гаплари қочмаган, шундай одам билан ҳамсоя бўларканмиз, деб Банот хурсанд эди. Энди...

Мол аччиғи — жон аччиғи. Қийин-қистовга олиб эрини у Маматнинг олдига жўнатди. Жўнатдию кейин пушаймон қилди. Ўзи бориши керак эди. Мамат билан яхшилаб бир гаплашиб кўярди. «Нега бундай қилади, а?» Ўзини кўярга жой тополмай, ҳовлига чиқди, яна уйга кирди. Уғлидан, бедапоёга тушганмиди ўзи, деб сўради, жавобини эшитишга ҳам сабри чидамай югуриб кўчага чиқди, яна...

Ниҳоят, эри шалпайиб қайтиб келди.

— Қўйлар қани? Давлатга топшириб юбориптимиз? — деди Банот ўдағайлаб.

— Бермади.

— Нима? Бермади?! — деди Банот соғ кўзини олайтириб. Ҳа бу лапашангинг қўлидан бир иш келмаслигини биларди.

— Қўйларинг юз сўмлик бедани еб қўйди, ё жарима тўлайсан ё уларни давлатга топшириб юбораман, дейди.

— Юз сў-ўм?! Унта қўй юз сўмлик беда ептими? Юз сўмга беда олсам қиш бўйи едираман-ку! Эси жойидамини унинг?

— Акт ҳам тузибди! Менга қўл қўйинг, деди. Қўймадим...

Актни эшитиб Банотнинг дами ичига тушди. Сўнг яна аччиғи чиқди. Мамат ҳали унинг ноғорасига ўйнамапти. Ҳозир районга бориб, битта милиционерни бошлаб келади-да, ҳу, яккатутнинг остида пойлаб туради. Узи, ўз оёғи билан... Банот рўмолини бошига ташлаб, районга кетдим, деб кўчага отлангани, эри тўхтатди:

— Шошмасанг-чи, пишириб қўйиптими у ёқда? Мамат, штрапни бир соатда опкелмасангиз, қўйларни давлатга топшираман, деяпти.

— Мен ҳам Маматни давлатга топшираман. Би-ир ўтириб чиқсин, эси жойига тушади. Аслида бекор гуноҳидан ўтган экансан, Самадбойга қўшиб кесишаётган эди-я. Ҳу, уйинг куйсин!

— Ҳа-га, гапга тушунмаган, қўйларинг давлат ҳисобига ўтиб кетади, деяпман, кейин Раҳима холанинг ҳовлиси-дан ҳам айрилиб қоласан. Сен бўлса... Ахир, яхшимиймонми, ўша Маматга эрта-индин ҳамсоя бўлсак... Униям бола-чақаси бор. Кўз кўзга тушади. Ҳадеб, районга бораман, дейсан. Сал каллани ишлат. Маматга бас келолмайсан: унинг қўлида қоғози бор. Бригадир, яна битта ишчи — учаласи қўл қўйган. «Мен давлатнинг одамиман, давлатнинг бедасини қўриқлаяпман», дейди Мамат, боргандаям уники важ бўлади.

Банот иккиланиб туриб қолди. Сўнг:

— Бедапояга тушгани ростми ўзи? — деб ўсмоқчилади.

— Муни бориб, Маматдан сўра. Учта одам бекорга буйтмаётгандир, ахир.

— Ҳа, қирилиб кетгур! — Банот ғазабини бир чеккада мунғайиб ўтирган ўғлига сочди. Қўлидан силтаб тортиб, ура бошлади. Бола йиғлади. Саздулла ака ўртага тушди:

— Қў-ўй! Бўлари бўлди-ку. Энди бу ёғини ўйлайлик. Хў-ўш, нима қиламиз?

— Мана бу жувонмарг берсин юз сўмни! Менинг ортиқча пулим йўқ. Бедапояга тушгани ростми? Ул-а, қирилиб кетгур! — Банот яна ўғлига ёпишди. — Бир тийинлик нафи теккани йўқ, юз сўмлаб зиён келтиради. Қўйларни оралатиб юборган бўлсанг керак-да, Мамат бекорга буйтмайди. Сиз ҳам ландовурсиз! — Банот эрига ўгирилди. — Тушунтирмадингизми? Бир марта кечир демадингизми? Ҳазир бориб гаплашаман у — Мамат билан! Шошмай турсин! Айтганим-айтган, деб ўйлаган-да. Қўйларни топшириб кўрсин. Бунда-ай, отининг юганига тармашмайсанми? Ака, қўйинг, демайсанми? Қирилиб кетгурлар!

— Бақириб бўлдингми? Пулни олиб чиқ.

— Қанча?

— Олиб чиқ... озроқ. Ишқилиб, Мамат кўнадиган бўлсин. Бари бир, юз сўм бермаймиз-ку.

Банот ичкари кириб, сандиқни очди-да, саксон сўм олди. Шу заҳоти ўн сўмни жойига қўйди. «Мамат бу пулни еганча балони есин!» Етмиш сўм. Банот яна ўн сўмни сандиққа солди. «Маматга қолгани ҳам етади». У сандиқни ёпиб, ўрнидан турди. Қўлидаги пулга қаради. Олтмиш сўм ҳам кўп. «Бу пулни Мамат ўлсаям давлатга топширмайди. Ҳаромхўр!» Бермайин, деса актининг кучини яхши билади. Ушанда кўрган: Самадбой

урганда эри бир кечаю бир кундуз қон тупуриб ётган. Ҳеч бўлмагач, дўхтир қақиринди. Касалхонага олиб кетишгач, эри, Самадбой ҳам ували-жували, болалари чирқираб қолмасин, даъвом йўқ, деб айтибди. Лекин дўхтир, «Ким у совет замонидан бировни урадиган», деб шартта акт ёзиб ташлабдию... Мамат ҳам ўшанда оёғидан илинган, лекин булар элнинг кўзига шумшук кўриниб қолмайлик, деб...

Банот пулни кўкрагига босиб, эшикка йўналди. Назарида, яна ўн сўм ортиқчадай. «Нима? Эллик сўм Маматни тешиб чиқадими? Улмайди. Етади шу ёғи». Банот яна ўн сўмни сандиққа солди-да, ҳовлига чиқди.

— Сиз ҳам бопадингиз, — деди бригадир қотиб-қотиб куларкан. — Юз сўм-а! Бало экансиз, яна директорга ўхшаб дўқ ургангиз ортиқча. Сизни ювош одам деб юрсам, э, яшанг-э, Банот кўрнинг эрини кўрқитдингиз-а.

— Э, ука, керак бўлса, ювошнинг йўғони чиқади. Томошани энди кўрасиз. Ҳали-замон Банот кўр ҳалпиллаб келиб қолади.

— Келса, қочиб кетмайсизми?

— Йўқ. Қочмайман. Бугун би-ир ташлашайин у билан.

— Банот кўр юз сўм беради деб ўйлайсизми?

— Э, менга бир тийини ҳам керак эмас. Пулни бошимга урамани? Бугун уни марални эзишим керак. Гап шунда.

— Қўлингиздан келмайди-ёв!

— Бу — нима! — деди Мамат актни пеш қилиб. — Биз — қоровулмиз, ҳаққимиз бор. Энди, оғзингизга талқон солиб олмай, онда-сонда сиз ҳам гапни қувватлаб туринг-да.

Банот эри билан ўғлини эргаштириб келганида ҳам улар чайлада ўтиришган эди. Банот қўтондаги қўйларни кўрибми ё бошқа мақсадда, ювошгина бўлиб ичкари кирди, ўтирди.

— Келинг, — деди Мамат пинак бузмай.

Чайлага жимлик чўқди.

— Ҳамсоя бўлиш ниятимиз бор эди, — деди ниҳоят Саъдулла ака, — сизни яхши одам деб кўп эшитганмиз, ўзимиз ҳам биламиз. Кўз кўзга тушиб туради...

— Ҳа-а, — деди Мамат кинояомуз, давом этаверинг, дегандай.

— Энди, тўғри: бизнинг номимиз ёмонга чиққан. Яхши бўлсак ҳам ёмонмиз, ёмон бўлсак ҳам ёмонмиз. Биздан ўтгандир, ўтмагандир, қўйимиз бедага киргандир, кирмагандир, мана, ўғлимиз билади, сиз биласиз. Бир айбимиздан ўтинг...

Эрининг эзмаланишидан Банотнинг тоқати тоқ бўлди.

— Қўйларни беринг, — деди у Маматга ўқрайиб.

Бу гап Маматнинг нафсониятига тегди. Бир нарса деб юборишига сал қолдию шайтонга ҳай бериб, ўзини босди.

— Ана, турибди қўйингиз, олиб кетавермайсизми?

Кинояга киноя билан жавоб қайтаришга Банот ожиз эди. Ожизлигини ҳис этиш ундан ёмон. Энг ёмони — яна Маматнинг қўлида акт бор! Қолаверса, эрта-индин... Шуларга суянарман, деб...

— Марҳамат! — деди Мамат сўзининг ҳар бўғинига урғу бериб ва қўйиндан буклоғлик қоғоз чиқарди. — Мана шу актга қўл қўйинг-да, қўйларингизни олиб кетаверинг. Икки соатдан бери уларни қўриқлаб ўтириш жонга тегди.

— Қўйлар бедапояга кирмаган! — деди Банот хезла-ниб.

— Кирмаган?! Ҳа-а, шундайми? Яна нима демоқчиси? Тагин қанақа тўхматингиз бор, қўшнижон, айтинг.

Балки давлатнинг бедаси катта энангиздан қолгандир — сизга мерос бўлиб. Қўлингизда қоғозингиз ҳам бордир: «Бу бедазорда Банотнинг қўйлари бемалол ўтлаб юравериши мумкин», деган! А? Бедазор отамдан қолган эмас, индамай қўяверсам, давлатнинг мулки бу! Мана бу актга, — Мамат қўлидаги қоғозни силкиди, — қўл қўйсангиз-қўйдингиз, *бўлмаса, бош тортди, деб ёзиб ўзингизни ҳам давлатга топшираман, қўйингизни ҳам.

Эру хотин бошларини эгиб қолишди. Орага ноқулай жимлик чўкди. Мамат бригадирга қаради. Бригадир кўзларини олиб қочди. Мамат томоқ кирди. Ниҳоят, бригадирдан садо чиқди:

— Бедани егани-ку, майли-я, — деди у чайналиб, — аммо-лекин... шундай — катта йўлнинг ёқаси, раҳбарлар келиб қолса... яхши эмас. Маматгаям қийин, бўйнида жавобгарлиги бор...

— Мана бундан бўлган-да! — Банот туриб-туриб, яна ўғлига ёпишди. — Қўйлар бедага кирмади, дегандинг-ку, жувонмарг!

Бола ҳиқиллади.

Бир юк Маматнинг елкасидан шундай босдики, ерга кириб кетаётгандай бўлди.

Банот ўғлини шаппатлай бошлади. Бола йиғлаганча чайладан қочиб чиқди.

— Бўлар иш — бўлди, Маматжон ука, — деди Саъдулла ака. — Ҳамма гапингиз тўғри. Мен ўзим яримжон одамман, биласиз. Янгангиз уй ишидан бўшамайди. Каттамир техникумни битиряпти. Шу вақтга зарари тегса тегдики, фойдаси тегмади. Кичкиналарнинг қилиб ўтирган иши — бу! Ўзингиздан қолар гап йўқ. Биз ҳам яхшилигингизни унутмасмиз. Бир кун қайтарармиз. Сиз айтганча пул тополмадик. Тишимизнинг қавагида асраган қирқ сўм пенсия пули бор экан, янаги ойгача қозон қайнатмасак қайнатмасмиз, болаларнинг ризқидан қийиб, шуни опкелдик. Мана! Илтимос, шу актни йиртиб ташланг. Кўп яхшиликларингизни кўрганмиз, яна бир укалик қилинг, Маматвой.

Шу тобда Мамат қаёқдан ҳам Самадбойни, унинг бола-чақасини эслаб қолди. Дийдаси қотди.

— Нега актни йиртар эканмиз? — деди у.

— Бир гапдан қолинг энди, Маматжон. Йиртиб ташланг шуни, жон ука.

— Йиртиб ташласак, кейин сизнинг қирқ сўмингизни қаерга қўямиз?

— Майли, қаерга қўйсангиз қўяверинг. Шу қирқ сўм — сизники.

— Мени ким деб ўйлаясиз? Мен пулингизга зор эмасман. Худога шукр, оёқ-қўлим бут. Сиз... сизларга қолса ҳамма — ўғри, муттаҳам. Битта сизлар тўғри, сизлар — ҳалол. Самадбой-ку майли, туғишган акасини қон қақшатган одам... — бригадирнинг турткиси боис Мамат жим бўлди.

Бошқа пайт бўлганида эр ҳам, хотин ҳам Маматга нима дейишни ўзлари билар эди. Оғиз очиргани кўйишмас эди-я. Лекин ҳозир ўй-фикри — камроқ чиқимдор бўлиш, манави қирқ сўм билан қутулиш эди. Мамат юз сўм, деб оёқ тирамаётганидан севинишса пулни олмаётганидан ташвишга тушиб қолишган эди.

— Энди, Маматжон, қўйинг шу гапларни, манавини олинг-да, бизни...

— Ҳў-ўй, нима деяпсиз ўзи? Пора берганниям қамайди, олганниям. Қонун бор, а? Тўғримиз, бригадир?

— Ҳм-м.

— Мана, бригадир гувоҳ, қўйларингни ҳам, ўзларингни ҳам, актни ҳам керакли жойга топшираман. — У бунчалик дейишга бормас эди. Боши қотиб қолди. Актни тузишга тузди-ю, энди нима қилади. Уни йиртиб ташласа анави пул... пора ҳисобланади-ку.

— Майли, актни йиртманг, — деди Саъдулла ака бўшашиб, — фақат ўша «юз сўм»ни ўрнига «қирқ сўм» деб ёзинг. Бизгаям раҳмингиз келсин. Тўғри бўламан деб тўқмоқ еб юрган одамлармиз. Энди... давлатга ўзингиз топшириб қўярсиз. — Саъдулла ака пулни қўш қўллаб Маматга узатди. — Мана, яна ўн сўмим бор эди. Уни ҳам қўшай. Эллик сўм бўлди. Олинг энди шуни, Маматвой!

— Тортинг-э! — Мамат жон-пони чиқиб тисарилди, юзи оқариб кетди. — Бу — нима қилганингиз? — деди у лаблари гезариб. — Ҳозир...

— Жон, ука, хўп дея қолинг! Яхши кунларингизда қайтарайлик. Болаларингизни ҳузурини кўринг! Жон ука!.. — Саъдулла ака аянчли мўлтайганча тиззалаб Мамат сари силжиди, узатилган қўлларида ўша эллик сўм. — Қўйинг энди, нима ўтса биздан ўтди, бир марта кечиринг...

Мамат тисарила-тисарила чайладан чиқди. Чиқатуриб:

— Бригадир билади, бригадир, — дейишга зўрға куч топти.

Бригадир юзини ўгирганча тутатиб ўтирар, афтидан яхшилик қиладиганга сира ўхшамас эди. Ичида эса... Маматни, унга қўшилиб номаъқулнинг нонини еган... ўзини бўралатиб сўкарди.

Ойша холанинг «куёв»и

Ойша хола яхши аёл-да. Одамнинг дили-жони. Неча марта Абдураззоқнинг ҳожатини чиқарган, раҳматини эшитган. Ўғлини уйлантираётганида у бормаган дўкон, ялинмаган сотувчи қолмади. Йўқ, дейишди, жерси ҳам, кристалон ҳам йўқ, дейишди. Қуда бўлмишлар худди шу матолардан кўйлақлик буюришган экан. Бечора ўзини ўтга, сувга урди, йўқ, йўқ-да, йўқ! Фиғони фалакка чиқиб, бўшашиб ўтирганида қаёқдан ҳам Ойша хола... ўз оёғи билан келиб қолди. Эски танишлардек қуюққина сўрашиб, бир пиёла чой ҳам ичди. Сўнгра сумкасини очиб, озроқ молим бор, кўринглар, ёқса олинглар, деди дабдурустан. Бундо-оқ қарашса, ўзлари излаб тополмаётган матолар! Абдураззоқ ҳам, хотини ҳам қувониб, шартта улгуржи савдо қилишди. Келиннинг сарполари битди. Тўй бўлди. Тўйга Ойша хола ҳам келди.

— Бунни қаранг, — деганди ўшанда Ойша хола, — худди билгандай тўппа-тўғри сизникига келибман: юрагим сезди-да. Шу уйда яхши одамлар яшайди, деб ўйлагандим. Бу замонда ким кўп — ёмон кўп, дўстдан душман кўп. Кўролмайдим, ё устингдан ёзади, ё мелисага хабар беради...

— Бизнинг қишлоқда унақалар йўқ, — деди Абдураззоқ, — бемалол келаверинг, топган-тутганингизни олиб келаверинг. Кам бўлмайсиз.

Шу-шу, Ойша хола Барлосга тез-тез келадиган, ҳар гал Абдураззоқни, хотинини, қўни-қўшниларини алқаб кетадиган бўлди. Кейинчалик Абдураззоқ қизини узатаётганида ҳам сарпони Ойша хола тўғрилаб берди. Тағин арзонбаҳороқ... Албатта, булар ҳам қараб туришмас эди: Абдураззоқнинг хотини уйма-уй юриб, хотин-халажни йиғар, ҳадемай уларнинг супаси Ойша холанинг «ярмарка»сига айлланиб кетарди.

Бир куни Абдураззоқ хотинию қудаси билан чой ичиб ўтирганида Ойша хола келиб қолди, гапдан гап чиқиб, Ойша хола айтдики, қўшнисиникига икки боласи бор ёшгина жувон кўчиб келган эмиш. Эри ароқхўр экан-да, баҳридан ўтибди. Энди... агар... ичмайдиган дурустгина одам чиқса...

— Тоштемир ака-чи? — деди хотини. — Бечора, хо-

тини ўлганидан буён қийналиб юрипти. Биздан нима кетди. Савобга қоламиз.

— Рост айтасан, хотин, — деди Абдураззоқ ўйлан-қираб.

— Ҳалиги... у... ёшми? — деб сўради Ойша хола.

— Эндигина эллиқдан ошди. Олтигагина боласи бор, — деди Абдураззоқ дарров савдолашишга киришиб. Умуман, у савдолашишни яхши кўради. — Болалари одам бўлиб қолган. Бир кунларини кўриб кетишади. Каттаси ўйланмоқчи шекилли, а? Тоштемирнинг ўзи яхши инсон, мўмин-қобил. Топса, шундайини топади-да. Нима дединг, ойиси?

— Ҳақ гапни айтдингиз. Аммо-лекин сиз ҳам савобга қоласиз, Ойшахон.

— Майли-ку, — деди Ойша хола нимадандир андиша қилгандай ўйланиб, — ёши ўтиб қолган эмасмикин? Кейин... Жиллақурса, қирқ ёшларда бўлгандаям... Жувонгина ҳали ўттизгаям тўлмаган-да. Кўнгил қурғур...

— Э-э, рози бўлади. Рози бўлмай қаёққа борарди. Тоштемир бир ясан-тусан қилса, соқол-мўйловини қиртишлаб, гериллаб йўлига чиқса-чи, ўша жувонингиз, мен ҳам юрган эканман-ку, бахтимдан ўргилай, деб бўйинига осилиб олади. Сиз нима деб ўйлаясиз!

— Майли, бўлмаса эртага кечқурун куёвтурани бизникига етказиб боринглар. Келин бўлмишни чақириб чиқиш — биз тан. Икковини учраштирайлик. Юлдузи юлдузига тўғри келса... — Ойша хола кулимсираб, муғамбирона кўз қисди. — Юлдузи юлдузига тўғри келса, биз ҳам бир нимали бўп қоламиз. Ҳа-ҳа-ҳа...

— Гапни дангал қилинг, — деди Абдураззоқ. — Қанча дейсиз? Биз шунга қараб гаплашайлик-да!

— Келиш-кетиш... биласиз-ку ўзи бўлмайди. Беш юз десаммикан, олти юз десаммикан. Ёш нарса, ҳар қалай, олган одам ёлчийди. Қўлли-оёқли...

— Беш юз.

— Майли унда. Қолган-қутган харажатлар куёв тан-да...

Булк этмай гапга қулоқ солиб ўтирган қудаси улар хайрлашаётганида индамай ўрнидан турди-да, уйига жўнади.

Абдураззоқ уларни кузатиб қўйгач, Тоштемирникига югурди. Куёв бўлмиш намозгарни ўқийётган экан, Абдураззоқ кирасолиб жойнамозни йиғиштириб олди-да, отиб юборди.

— Бу нима қилганингиз? Гуноҳга ботдингиз-ку, нокас!

— Э-э, сизга ким қўйибди намозхонликни. Бир гап айтайми?

— Хўш-хўш? — деди Тоштемир қизиқсиниб, лекин у ҳамон жаҳлидан тушмаган, кўкиш соқолини асабий силар эди.

— Пулдан борми?

— Пул? Нимага керак?

— Тўйга етадими, тўйга?

— Ҳа, энди, баҳолиқудрат дегандай, ўзимизга яраша...

— Чўзинг.

— Нимани?

— Пулни-да.

— Нега?

— Ҳў-ўй, инсон! Қани олдин суюнчисини берингчи. Биз сизга хотин топдик, ҳали ўттизгаям кирмаган! Сўлқилдоққина. Иккита боласям бор эмиш. Нозандай... Қалай, бел ярайдими, бел? Уялтириб қўймайсизми ишқилиб?

— Ким — у? — деб сўради Тоштемир, оғзининг тано-би қочиб.

— Узумини есангиз-чи, боғини суриштириб нима қиласиз? Ҳўп, ёш хотинни эвлай оласизми?

— Менга тегармикан? — деди Тоштемир ишшайиб. — Жа-а ёш деяпсиз-у...

— Бу ёғини бизга қўйиб бераверинг. Гапга кўнсангиз — бас.

— Нима дейсиз?

— Туриш-турмушингизни кўрса, кампир ҳам сизга тегмайди. Соқол нима зарил? Етмиш яшар чолга ўхшаб... Ҳозир буни таг-туби билан қириб ташлаймиз, дурустми?

— Қандоқ бўларкин, а? Одамлар кулмасмикан? Қариганда...

— Ҳў-ўй, сиз нима деяпсиз ўзи? Уттизга тўлмаган нозандай жувонга... И-я, и-я, қаридим деганингиз нимаси? Э, қўйинг-э! Эртага келинимизнинг олдидаям шундай деб, ўсал қилманг тагин. Бунда-ай ювиниб, тараниб, янги кийимларни кийиб, дегандай. Қани, устарани келтиринг-чи.

— Ким ўзи у?

— Кейин. Кейин. Қани, тезроқ, имилламанг...

Абдураззоқ бир ишга киришса, астойдил киришади, қўли ҳам енгил, у ҳаш-паш дегунча Тоштемирнинг соқолини қирди-ташлади.

— Соч қўймаганингиз чакки бўлган экан-да, биродар, са-ал ёшроқ кўринармидингиз, — деди у «биродар»нинг тақир бошига шаппатилаб.

Тоштемир ўзини кўзгуга солди. Асли юзи бурушиқ эмасми, ўзини бесоқол ҳолда кўриб, бадтар афти бурушиб кетди.

— Ҳечқиси йўқ, — дея юпатди Абдураззоқ, — атирдан борми?

Тоштемирнинг юзига у яхшилаб атир пуркади. Қаёқда: қарилик ҳукмини ўтказа бошлаган эди; уни йўқотиб бўлармиди. Тоштемирнинг юзини совунлаб роса уқалашди. Бети сал оқаргандай бўлди. Кейин Абдураззоқ уни қўярда-қўймай ечинтирди. Ўзи бошидан сув қўйиб турди. Баданларини роса ишқалаб, хуморидан чиққунча ювинтирди. Сўнг пудра суришди. Тоштемир онадан қайта туғилгандай бўлди. Энди у кийимларига қўл чўзаётган эди, Абдураззоқ ҳаммасини бир четга улоқтирди.

— Қўйинг бу жандаларни, куёвтура. Сандиқни очадиган пайт келди. Янги кийимларни кийиб, яшаришингиз керак.

— Қандай бўларкан? Ёш ўтиб қолгани сезилмаяптими ўзи?

— Зўр! Сиз айтганини қилаверинг, — деди Абдураззоқ, борган сайин тадбиркорлигидан завқланиб.

Тоштемирнинг янги кийимлари ичидан биронта ҳам куёвбопи топилмади.

— Уғлингизнинг қўйлақлари бордир, ахир?

— Бор. Бўлганда қандоқ.

Бу қўйлақлар Тоштемирга торлик қилди. Абдураззоқ бориб, уйдан ўзининг кийимларидан кўтариб келди. Бошладими, охирига етказиш керак-да, ахир! Янги қора костюм ва оқ қўйлақда Тоштемир анча ёш кўринар, фақат юзларининг бурушиқлиги сал... Са-ал-да. Тоштемирнинг, дарвоқе, ўғлининг уч-тўртта галстуги бор экан, танлаб-танлаб биттасини олишди, тақишди. Ҳа-а, куёвтура деган бундай бўпти-да. Тоштемир калиш-маҳси киймоқчи бўлаётган эди, Абдураззоқнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Тентак. Ҳеч одам бўлмадингиз, бўлмадингиз-да.

— Нима кияман бошқа?

— Уғлингизни уйламоқчийдингиз-ку? Туфли олган чиқар?

— Олган.

— Кийинг ўшани!

Туфли Тоштемирга сал торлик қилди. Пошнаси ҳам баланд экан. Ҳечқиси йўқ, бир марта кийишга бўлаверади. Шўринг қурғурнинг пайпоғи ҳам йўқ эди. Яна ўғлиникини олишга тўғри келди. Хуллас, кечқурун, соат саккизларда куёвтура учрашувга шай бўлди. Икковлон эндигина дастурхонга ўтиришаётган эди, Абдураззоқнинг уйдан «чопар» келди. Хотини, тез етиб келсин, дебди. Тез етиб борди. Қараса, хотинини юзидан заҳар томиб турибди.

— Нима бўлди? — деди Абдураззоқ хавотирланиб.

— Шарманда бўладиганга ўхшаймиз.

— Нега? Нима бўлди? Мундай тушунтириб гапирсангчи!

— Боя гап олиб, индамай чиқиб кетганига кўнглим гашлангани ўзи. Уйлаганимдай бўлди...

— Нима гап, тинчликми? Ким гап олади?

— Қуриб кетгур қудангиз Маҳмашони куёвдай ясангириб... Ҳозир машинада Ойша холаникига кетишти. Икки орада шармандаю шармисор бўли-иб...

Абдураззоқнинг мясига қон урди. Бегона бўлса-ку бошқа гап. Ҳам қўшни, ҳам амаки, ҳам қуда. Шунақа ниятинг бор экан, айтмайсанми номард? Қудаси ўзи шунақа: оёқдан чалади. Лекин... бунчалик бўлмапти-да, ахир. Одамлар, нима...

Абдураззоқ келинини қақиртирди.

— Отанг нима иш қилганини биласанми?

— Нима иш қипти? — Келиннинг лаблари пирпиради, чунки боягина қайнонаси ҳам унга баайни шу саволни берган эди.

— Отанг қанақа одамлигини биласанми? — деди Абдураззоқ ўзини зўрға босиб.

— Қанақа одам экан?! — деди келин ҳам бўш келмай.

— Отанг — аблаҳ экан!

— Оғзингизга қараб гапиринг, — келин титраб кетди.

— Оғзимга сен хўжайин эмассан, лекин билиб қўй, отангни бир марта расво қиларим бор.

Келин йиғлаб юборди:

— Нима қилсангиз қилавермайсизми? Менда нима айб? Маҳмашони олиб кетган бўлса, албатта, ўша ёққа боришадими? Шундай деб ўйлайсизми?

— Чиқ бу ердан, шанғиллама кўп!

— Чиқаман, ҳайдамасангиз ҳам кетаман! Уйингизга сизмасам ҳам ўша — ёмон отам сиздиради.

— Йўқол!

Сал ўтмай хотини ҳовлиқиб кириб, шивирлади:

— Ҳай, нима қип қўйдингиз? Тугунини кўтариб чиқди у!

— Менга деса ошиб кетмайдими?

— Унақа деманг, эл бор, юрт бор, гап бўлади, эшитган қулоққа яхшими?

Ҳовлига чиқишса, келиннинг қўлида — тугун, кетишга шай.

— Ҳа-а, нима бўлди? — деди жўрттага Абдураззоқ.

— Жонга тегди... Кетаман ўша — ёмон отамникига.

— Эринг келсин, ора очди қилинглар.

— Менга эр уми, ё?..

— Уйга кир-э, беномус!

Келин йиғлаганича сўрига ўтириб қолди.

— Бор, Тоштемирни қақириб кел! — деди Абдураззоқ хотинига.

— Нима қиласиз?

— Ўл қиламан, бало қиламан, Ойшаникига олиб бораман! — деди Абдураззоқ бақириб. Ўзи «Жигули»сини ўт олди.

Ойша хола уларни нохуш қарши олди.

— Ёлғончига чиқиб қолдим, — деди эшикка сўя-

ниб. — Бугун жувон ўлгурнинг эри келиб уйга олиб кетган эмиш. Ярашган эмиш. Эри бир қултум ичсам, ўлай агар, депти. Ўзи бинойидай йигит экан... — У Тоштемирга бошдан оёқ қаради. — Куёв бўлмиш шу кишимиди? Бинойи. Туф-туф, кўз тегмасин. Уруғи қуриб кетмагандир, топилар яна...

Абдураззоқ серрайиб туриб қолди. Сал фурсат ўтгач, зўрға сўради:

— Менинг кудам... келмадими?

— Йўқ, ҳеч ким келгани йўқ, нимаиди? — деди Ойша хола ҳайрон бўлиб. Кейин яна Тоштемирга қаради, мийиғида кулги уйнагандай бўлди.

... Йўл-йўлакай Тоштемир, мени аҳмоқ қилдингми, ҳой, йўқ нарсага соқолимни олдириб ташлаганинг нимаси, масхара бўлиб... Энди кўчага қайси юз билан чиқаман, а, деб харахаша қилиб келди. Унинг минғирлаши Абдураззоқнинг қулоғига кирмас, хотинининг гапига учиб, э йўқ-бе йўқ, келинини хафа қилганини эслаб, ич-этини ер, ҳали ўғли келса, бу нима қилиқ, деса, унинг кўзига қандай қарашини билмай эзиларди...

— Ҳе-е, ўша Ойша холангням...

Исматнинг қисмати

Трестдан хафа бўлиб чиқди у. «...шунақа, Исматвой, дейишди, интизом қаттиқ бизда — эрталаб соат саккиздан кечки...» Тагин маоши саксон сўм эмиш. Бор-йўғи саксон сўм-а! Институтни битирган бўлса-ку, кейинчалик каттароқ бир ишга кўтарилиши мумкин эди. Урта махсус маълумот билан... умри югурдакликда ўтиб кетади энди. Ҳалиям кеч эмас — институтга киради. Э-э, онаси омон бўлсин. Ҳам уни уйлантирмоқчи, ҳам уй олиб бермоқчи. Бугун ғўроз қичқирмай туриб Барлосга кетди, ўша қишлоқда Исматнинг холаси туради. Холасининг ойдаи қизи бор, «шунини олиб берамиз, шу ёқда яшайсан, районга қатнаб ишлайверасан», дейди онаси. «Ичкуёв бўлиб-а?..» «Нега энди? Раҳима хола деган уйини сотаётган экан...» «Шунини олиб берасизми?» «Ҳа». Ана шунақа. Дипломинг бўлса, ишинг, уй-жойинг, тагин ойдаи хотининг ҳам бўлса, яна нима керак ўзи? Яп-янги костюм кийиб, галстук тақи-иб юради. Боради, саккиз соат ишлайдими-йўқми, қайтиб келаверади.

Асли... трестдагилар кўпдан буён муштоқ бўлиб кутишаётгандек, назарида, кучоқ очиб қарши олишадигандек туюлган эди. «Келинг, келинг Исматжон!», дея қўшқўллаб кўришиб, «тўрдаги креслога ўтиринг», дейишса. «Бизга сиздай мутахассис йигит жуда керак эдида», деб роса қувонишса. Бирдан бошлиққа муовин қилиб қўйишмас-ку-я, ҳар қалай, у мартабага чиқиш учун бир йил-ярим йил ишлаши керак, лекин... «Сиз учун атай катта бир бўлимимизнинг мудирлигини сақлаб турган эдик, энди шу бўлимни ўзингиз кўтариб берасиз, қўл остингизда беш-олтита ходим...», дейишса. Исмат камтарлик қилса, одоб юзасидан: «Йўқ, йўқ, сизлар нима деяпсизлар ўзи? Бизда тажриба бўлмаса. Кунини кеча диплом олган бўлсак, ахир бу лавозим... оғирлик қила-ар», деса. «Эплаёлмайман», демаса. Айнан «оғирлик қила-ар», деса. Улар: «Биз сизга ишонамиз, сиз — ёш, серғайрат, назарий жиҳатдан, хў-ўш, етук йигитсиз, ахир ишнинг оғирини сиз қилмай биз қилайликми?», дейишса. Шунда Исмат танг аҳволда қолгандай, ўзига ишонч билдирган бошлиқнинг гапини икки қилаётганидан гўё мулзам бўлгандай ерга қараса. Узини, энди нима қилсам эка-ан, деб ўйланаётгандай кўрсатса. Бошлиқ: «Ташвишланманг ука! Биз ҳам бир четда қараб турмаймиз, кўмаклашамиз, ишни эвлаб кетасиз!», деб яна қийин-қистовга олса. Ахири Исмат

бошини кўтарса-да, ноилож рози бўлгандай, уф тортса, «Сиздай одам шундай деб турганидан кейин...» деса. Бошлиқ: «Баракалла! Уғил болача гап бўлди бу! Қани, юринг энди, ходимларингиз билан таништирай», деса. Кейин бошлиқ — олдинда, Исмаатбой — орқада, секин-ин бўлимга кириб боришса. Ходимларнинг ҳар бири ўриндан туриб, икки кўлини кўксига қўйиб у билан сўрашса. Бошлиқ: «Танишинглар — ёш, серғайрат бу йигит бугундан эътиборан сизларнинг мудирингиз — Исмаат Саъдуллаевич!», деса. Қарсақлар янграса. Исмаат нимтабасм билан ҳар бир ходимга, раҳмат, раҳмат, дегандай енгилгина бош силкиб қўйса. Ёки қовоғини солиб тургани маъқулми? Йўғ-э, бирдан, қолаверса, бошлиқнинг олдида қовоқ солиши одобдан эмас. Хуллас... хуллас, ярим йил ўтар-ўтмас бошлиқ бошқармага кўтарилиб кетсаю областдагилар: «Исмаат Саъдуллаевич, гап бўндай: сиз сизга ишонамиз... «йўқ» деманг! Бу трестни сиздан бўлак ҳеч ким эплай олмайди!», дейишса...

Исмаат, чўнтагида — йўлланма, хаёлида — ана шунда қанотли ўйлар, ўпкасини кўлтиқлаб азонда трестга келган эди. Бошлиқ олдинга уни ҳатто қабул ҳам қилмади. Бир амаллаб чошгоҳда унинг ҳузурига кирди, кирса... чарча-аб ўтирган экан, шекилли, йўлланмаю ҳужжатларга энсаси қотгандай бир қараб қўйди-да, «Ишлайман десангиз фалон штат бўш. «... ойлиги?» Саксон сўм, деди, бошқа штатлар банд. Бир йил-ярим йил ишлаб турасиз, кейин яна ўйлашиб кўрамиз. Шунақа, Исмаатвой, интизом қаттиқ бизда — эрталаб соат саккиздан кечки...»

Исмаат қаттиқ ранжиди. Маоши саксон сўм бўлар эмиш. Еган-ичганига етмайди-ку. Агар бошини иккита қилишса, ананиния боқиши керакми? Шаҳар жойда, қадамингда пул керак. Ер-дўстлар бор, улфатчилик қилишга тўғри келади. Э-э, бўлим мудирлиги... зўр бўларди-да. Шунда яп-янги костюм кийиб, қишлоққа кириб бормоқчи эди. Бошида — профессорлар киядиган шляпа. Кўпдан буён шуни орзу қиларди у: мудир бўли-иб, шляпа кийи-иб юрса!

Унга алам қилади: ҳамма бало шундаки, на отаси, на онаси... жиллақурса бригадир ҳам эмас-а! Кўряпти-да, ҳатто кассир-пассирларнинг болалариям ҳеч қийналмай ўқишга қияпти, институтни битирмаёқ иш жойи тайин. Улар ҳеч нимага қайғуришмайди. Исмаатнинг ҳам иши юришиб кетарди-ю, шу... бир профессорнинг қизини қўлга киритишга оз қолди, лекин... бўлмади. Воҳиднинг, ҳа, ўша — барлоқлик Воҳиднинг — у ҳозир университетда ўқияпти — туғилган кунини нишонланаётган эди. Исмаат ўтириш чоғи ўша қиз билан танишиб қолди. Суқсурдайгина экан. Онаси болагидан, холангнинг қизини олиб берман, деб юради. Холасининг қизи ҳам ойдайгина, сулув. Лекин чиройига нон ботириб ейдими? Манави ҳурлиқонинг отаси — профессор. Аввал бошда улар ширингина сўхбатлашиб ўтиришди, ҳатто қиз бир-икки марта жилмайиб ҳам қўйди. Кейин Исмаат, ишни дехта қилай деб жонқиб: «Эртага кинога борайлик», дедию балога қолди. Қиз ғалати қараш қилди, сўнг иддао билан ўрнидан турди-да, кетди-борди. Исмаат изза бўли-иб қолаверди. Шунда ҳам кўнгил узмади — унинг йўлини кўп пойлади. Қиз эса... Исмаатни кўрса лабини жийирадиган, йўлнинг нариги четидан тескари қараб ўтадиган бўлди. Ҳа-а, қаловини топа олмади Исмаат. Ушанга уйланганда-ку, институтга ҳам кирарди, бўлим мудирлиги ҳам тайин эди. Бир кун келиб, зўр олим ёки ёзувчи бўлармиди? Кимсан — Исмаат Саъдуллаевич! Тагида — тим қора «Волга». Узиям чакана қиз эмас эди! Трест бошлиғи қабулхонасида ўтирган котиба-потибалар унинг тирноғига ям

майди. Холасининг қизиям шуларнинг бири-да. На маданиятни ва на мунда-ай юришни билади булар. Уйланганига яраша кимсан-профессор фалончиевнинг қизини олса экан. Студентлар ибораси билан айтганда ўшанда унинг «танка»си ҳам зўр бўларди. Йўлидаги ҳар қандай тўсиқни бузиб-янчиб ўтаверарди. У — Исмаат Саъдуллаевич бўлса, «танка»нинг орқасидан кўкрак кери-иб бораверарди. Энди, «танка»нинг зўр бўлганидан кейин анави — мудирлик-пудирликлар ҳеч гап эмас-да.

Балки ўша қиз: «Бу — бор-йўғи бир техникумнинг студенти-да», деб писанд қилмагандир, а? Ҳалиям кеч эмас. Бир йўлини қилиб, институтга кириши керак. Яшаганиндан кейин шаҳарда — кўп қаватли уйда яша-да, тагингда машинанг бўлсин, хотининг ҳам...

Исмаатнинг ҳали-бери қишлоққа қайтгиси йўқ эди. Борганда уйга сиғмайди, юраги тарс ёрилиб кетай даяпти... Тентираб юриб бозорга кирди. Ундан атторлик дўконига ўтди. Қараса, учта қиз бир нима харид қилишаётган экан. Ий-е! Улардан бири — холасининг қизи-ку. Ҳа, ўша — ойдай қиз, худди шуни Исмаатга олиб беришмоқчи! Атлас қўйлак кийиб, сочларини майда ўриб олганини қаранг! Тузук! Тузук! Уйларан бўлади, кўриниши ёмон эмас-а? Қадди-қомати ҳам... ҳар қалай... бўлади. Узи, бир қаричлигидан хушрўйгина эди, пича олифталигиям бор шекилли, чиройли қизлар са-ал тантиқроқ бўлишади, ҳечқиси йўқ, кейинчалик гаҳ деганда қўлга қўнадиган қилиб олинади. Лекин, бари бир, профессорнинг қизи зўр эди-дан, нима бу! Энди, ўшандан кечиб мановига уйланиши керак. Ота-онаси шундай деб тургандан кейин... Яқинда ўнинчи синфни битирипти. Буям ўқишга кирмоқчи эмиш, ҳамшира бўлмоқчи эмиш. Майли-да, олдин тўй ўтсин, кейин уй-рўзгор ишлари академияга жойлаштириб қўяди Исмаат, ҳамширалик ҳам гап бўптими.

— Салом берди-ик! — деди у ишшайиб, қизнинг ёнига боргач. — Хў-ўш, нима харид қиляптилар?

Қиз унга қиё боққан кўйи билинар-биринмас бош қимирлатди, кейин алламбалони кўра бошлади. Унинг бу қилиғи — эътиборсизлиги Исмаатнинг нафсониятига теғди. Майли, ҳар қалай, у кўпни кўрган йигит. «Мунақа таннозларнинг нечасини кўрдик, керак бўлса муния-ям...» Исмаат шундай деб ўзини овутди, овутмади, ўзини кўкларга кўтарди. Гарчи ҳали бирон қизнинг қўлидан тутмаган бўлса-да, бу борада катта малака эгаси ҳисоблади ўзини. Ҳа, ҳали шундай қиладики, бу танноз эшикдан етти букилиб кирадиган бўлади. Бу танқайган бурунлар ерга тегади ҳали. Аммо ҳозир... дипломат бўлиш керак. Майли-да, ундан нима кетди, бир-икки кун — тўйгача ноз-истиғно қилса қилар. Ундан кейин... ўзи чиндан ҳам ойдайгина, а? Қўлдан чиқариб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас. Бу ёғига дадил бўлиш керак.

— Духи олиб берайинми? А? — деди у хаёлига келган фикрни баён этиб, рост, топоғонлигидан ўзиям қувониб кетди. Атай қизнинг елкасига кифтини теккизганча чўнтагидан пул чиқарди-да, сотувчига ўгирилиб: — Та-ак, духингизнинг энг зўридан олинг-чи, — деди.

Баногоҳ қиз ўзини четга олди, «нега мунча тирғаласан, а, нима, мен сенинг хотинингманми?» дегандай ўқрайди. Исмаат пулни сотувчига узатган кўйи қотди-қолди. Нима қилса экан: духини олсамикан ёки... Нега манови кўполлик қилади ўзи? Холамнинг қизи шунақа-дир деб сира хаёлига келтирмаган эди. Назарида, уни кўрган заҳоти қиз дув қизариб, яширинишга жой топа олмай, югурганча қочиб кетиши зарур эди. Бу эса... пичоқсиз сўйди Исмаатни! Сўйди-е! Онаси, Исмаат эсини таниганидан бери, холангнинг қизи ойдайгина, бегона-лашиб кетмайлик, сен шуни ол, дея ялинади. Исмаат ҳам

қариндошлар узилишиб кетмайлик деб... ҳатто профессорнинг қизигаям кўп тирғалмади. Бу эса... йў-ўқ, эсини киритиб қўйиш лозимга ўхшайди.

Бир пайтлар, бир хиёбонда у бир воқеага гувоҳ бўлган. Бир қиз билан бир йигит чиқишолмай турган экан. Қиз нимадир деб жеркинди. Шунда йигит ўхшатиб бир шاپалоқ тортди. Бечора қиз юзини бекитдию... Йигит эса ҳеч вақо бўлмагандай, унинг қўлтиғидан олди, қани, юр, деди. Қиз юрди. «Кўз ёшингни арт, кўчада ҳунар кўрсатма. Сен ўйлаганлардан эмасман. Тушундингми?!» — Йигит шундай деди, Исмат аниқ эшитди, шундай. У ҳам шундай қилсамикан? Керак бўлса, у ҳам холасининг қизи ўйлаган йигитлардан эмас...

Исमत шартта унинг биллагидан тутди. Шу пайт нақ чап қўлоғи остида бир нима «шарақ» этди. «Ҳе ўл-э, йигит бўлмай!» — Кимдир қарғанди, мундай қараса, холасининг қизи дўкондан отилиб чиқиб кетяпти. Дугоналари ҳам унга эргашди. Сотувчиям, Исмат ҳам анграйганча қолаверибди.

Яхшиямки, дўконда бўлак ҳеч ким йўқ эди. Бўлганида, Исмат иснодга чидай олмай, Барлосдан бош олиб чиқиб кетишига тўғри келармиди, ҳар қалай...

Бу қандай кўргиликки, уйдагиларнинг неча йиллик ўтинчидан сўнг мановига уйланишга Исмат розилик берса-ю, она сути оғзидан кетмаган бу таннозча ўйин кўрсатса. Ҳаммасига ҳам чидаш мумкиндир, лекин дабдурустдан қўл кўтарганига нима дейсиз? Шу қилганига сочидан тортиб би-ир... хумордан чиқиш керак эди-ю, аммо... ҳали адабини бериб қўяди, шошмай турсин! Исмат негадир бўшашганча туриб қолди, негадир унча аччиқланмади ҳам. Ниҳоят, у шалвираган кўйи дўкондан чиқди. Холасининг қизи бир дарахтга суянганча ҳиқиллар, дугоналари эса уни овутиш билан овора эди. Улар бориб то автобусга чиқишгунча Исмат дўкон олдида каловланиб турди. Э-э, нимасини айтасиз, бугун ҳеч иши юришмади-юришмади-да. Бир бало бўлди ўзи — чап томони билан турганми? Трест бошлиғи-ку, майли, Исматга қайишмайди — бегона. Лекин манови танноз, эрта-индин хотини бўладиган оймча унинг раъйига қараса ўлармиди? Дилидаги норозилик кучайди, ғазабга айланди. Шундай йигит муштдай қизчадан, тагин жамоатчилик жойида калтак еди-я! Энди Исмат икки дунёда ҳам унга уйланмайди.

Исмат ҳам автостанция томон юрди. У бир тўхтама келгунича холасининг қизи минган автобус ўрнидан кўзғалди. Шундан кейин Исматга бадтар алам қилди: танноз ҳозир шу ерда бўлганида ҳеч эсидан чиқмайдиган қилиб би-яр таъзирини берарди-я, лекин... шугинадан калтак едимиз-а? Йў-ўқ, шошмай турсин, ҳозир орқасидан боради, холасининг олдида би-ир адабини беради — сочидан бура-аб... Холасиям қизини ажратиб олиб бўпти. Яхшилаб ҳисоб-китоб қилади, кейин: «Энди қизингизни пишириб енг, мен профессорнинг қизига уйланаман!», дейди. Она-болани би-ир куйдирсин, би-ир сочларини юлиб қолишсин. Э, тава, урди-я, Исматни урди-я! Ҳеч бўлмаса, нега ураётганини айтиб кейин урмайдими бу танноз! Айбини бўйнига қўй, кейин ур. Ҳа-а, шошмай турсин. Автобусда беш минутлик йўл-ку. Кўз очиб юмгунча етиб боради.

Исмат кейинги автобусга чиқди. Боради, ора очди қилади, хола, онам бегоналашиб кетмайлик, девди, оқибатни ўйлаб, хўп, девдик, лекин бу қизингиз, йўқ, қизингиз демайди, бу танноз, йўқ, танноз ҳам эмас, эчкича, ҳа, айнан шундай дейди, лекин бу эчкича... шунақа, ҳа, шунақа, дейди. Кейин тўғри бориб институтга киради. Керак бўлса, профессорнинг қизига уйланади. Ушанда модний кийинган хотинчаси билан

қўлтиқлаши-иб, Барлосга келади. Атай мана шу кўчадан — холасию унинг тантиқ қизининг олдидан ўтишди. Улар анграйи-иб қолишади. Холасининг қизи ўшанда ҳам эрсиз бўлади, келиб Исматнинг оёғига йиқилади: «Мен аҳмоқ эканман, мен тентак эканман! Мени кечиринг!», дейди, йиғлайди. Йиғлаганда ҳам қон бўлиб йиғлайди. Исмат эса ҳатто қайрилиб ҳам қарамайди. Ҳеч нарсани кўрмагандан тўғри ўтиб кетаверади. Холасининг қизи яна унга изиллаб ёпишади: «Агар тарсакимини унутмаган бўлсангиз, унутинг! Мана, ҳақингизни олинг. Мениям уринг! Улдинг! Розиман. Мен шундай кўргиликка лойиқ қизман, сиздай олижаноб инсоннинг қадрига етмадим. Энди менга ҳаёт ҳаётми? Бу кунимдан ўлганим яхши! Улдинг! Сизинг қўлингизда жон берай!», дейди. Шунда Исмат нима қилиш кераклигини ўйлаётган каби виқор билан галстугини тўғрилайди, сўнг... Э-э, айтгандай, ёнида профессорнинг қизи ҳам бўладию! Профессорнинг қизи ҳайрон бўлиб, бир ёқавалангар қизга, бир қимматбаҳо шляпасини тўғрилаган эри — Исмат Саъдуллаевичга қарайди. «Что такое?», деб сўрайди. «Не обращай внимание, ерунда!», деб қўяди Исмат Саъдуллаевич...

Холасининг уйи қишлоққа кираверишда — катта йўлнинг ёқасида. Исмат автобусдан тушган заҳоти холасига нима дейиши ҳақида ўйлаб бошлади. Шундай гапирсинки, шунақа гапирсинки, уялганидан анавилар ерга кириб кетишсин. «Исमतжон, ўргилай!», деб онаю бола ялиниб-ёлворишсин. Ҳа-а, бировда ҳақини қолдирдиганлардан эмас Исмат.

Холаси дарвозага чиқиб қўлларини белига тираганча, ҳойнаҳой унинг йўлига кўз тикиб турган экан. «Йў-э, наҳотки?...» Исмат орқасига ўгирилиб қаради. Ҳеч ким йўқ, демак, холаси уни кутяпти. Майли, кутсин. Бориб, ҳозир ўғил болачасига гаплашиб қўяди. У ўзига ҳар қанча далда бермасин, яқинлашган сайин юраги увуша бошлади. Холаси кўп ёмон-да, аччиғи бурнининг учида туради. Са-ал жаҳли чиқса — бас, юзингда кўзинг борми демай... Исмат яқинлашгач, ҳақиқатан ҳам холасининг авзои бузуқ эканлигини пайқади. Ўзиям, қўлида таёқми-ей. Унинг қадами секинлашди. Нима қилса экан? Сўрашсаммакан, ёки бирор юмуш билан ҳу биттасиникига бораётгандай ўтиб кетаверсамикин? Холаси бари бир... қувса-ку етолмайди, у югуришга уста, лекин... орият дегандай... лўкиллаб қочиб юрса... Э-э, нимадан кўрқади ўзи? Ахир, холасининг қизига қўлини теккизгани йўқ-ку. Урган — у, қочган — у, тагин... индамагани учун холаси Исматдан миннатдор бўлсин. Оббо! Оёғи нега қалтираяпти? Холасига нима дейишни боя обдон ўйлаб қўйган эди, бари ёдидан кўтарилиб кетдими? Энди нима қилса экан? А?

Холасини кўриб қувониб кетгандай: «Ий-е, хола, ассалому алайкум! Нима қилиб турибсиз бу ерда?», деганча у қўл чўзди. Лекин холаси: «Торт қўлингизни!», деди тўрсайиб.

— Ий-е! Хола, тинчликми? Нима гап? Сиз... олдин бу ёғини эшитинг! — деди у ортига тисарилганча, сўнг ёнверига қараб олди. Ҳар қалай, қочадиган йўлини чамалаб қўйгани маъқул-да.

— Нега қизимни урдинг, қўлинг сингур!

— Ий-е! Хола, нималар деясиз ўзи? — Исмат ҳамон хушмуомала бўлишга уринар эди. Ахир, маданиятли кишилар ҳар қандай шароитда ҳам назокатли бўлишлари лозим-да. — Қизингизга биз текканимиз йўқ, тегмаганга кесак отган...

— Урибсан-ку! Ана, дугоналари айтди. Хўй, э йўқ-бе йўқ, бу нима хурмача қилиқ, а? Сен — тентакка қолдими боёқшининг куни?!

Холасининг кейинги гапи эт-устихонидан ўтиб кетди.

— Пишириб енг ўша... ўша... эчкингизни! Улиб

қолганим йўқ шунга ошиқ бўлиб. Чақиринг ўзини бу ёққа! Бировнинг боласини уриб индамай кетаверадимиз? У замонлар ўтиб кетган!

— Мана! Мана қизим! Мана!..

Гап-гап билан бўлиб Исмат таёқ етгулик жойга бориб қолган экан, ўзини четга олгунча аввал сонига, кейин ҳалиги... юмшоққина жойига учта зарб тегди. Ё холаси аяди, ё ўзи эпчиллик қилди — унча жони оғримайди. Бари бир, қайрилиб қочди. Қочаётиб, холасининг ойдагина қизи деразадан мўралаб турганини илғади. Узиям шу ерга ипсиз боғланиб қолгандай таққа тўхтади. Бор гапни ётиги билан айтмоқчи бўлди. Қараса, холаси ҳамон қувиб келяпти. Қўлида — таёғи. Бир хаёли, «хў-ўв холажон, ҳадеб мени қувгунча анавинингизга қаранг. Ўзи ўлиб, мўлтайиб турибди-ку! Танача кўзини сузма-са...», деб холасини узиб олмоқчи бўлди-ю, яна таёқ ейишдан, тўғрироғи, қиз боланинг кўз олдида ўсал бўлишдан қўрқди. Айтиб бўладими, тақдир дегандай... Эрта-индин...

Исмат ўзини тутзорга урди.

* * *

«Кейин нима бўлди?» дейсизми? Э-э, сўраманг! Барлосликлар шунақа ўзи, миш-мишга арзигулик гап чиқса — бас, дўмбира қилишади. Сайдан бечора Норхолнинг қўлидан тутганми-йўқми, балога қолди: «Асли тутуруқсиз бола эди, мана, Норхолдай қизни йўлдан урибди жувонмарг!» «Йўлдан урсаям майли эди, боёқишни...» Кейин ҳамма Тоштемирдан кулди, ҳатто жонажон ўртоғи Абдураззоқ ҳам уни кўсага чиқариб, кулди, тўғрироғи, кулгига қўшилди. Шунақа. Мамат хотинига, Банотни ундоқ қилдим, бундоқ қилдим, ўзиям туғилганларига пушаймон бўлди-ёв, деган, мақтанган экан, хотини қўшнисига айтибди, эртасигаёқ бу гап Банотнинг қўлоғига ҳам етибди. Ҳозир Мамат кўчагаям чиқолмай қолган. Шунақа.

«Исмат нима қилди, Исмат?» дейсизми? Тошкентга келаётиб, бугун қизик бир гапни эшитдим. Норхолнинг онаси кўчада уч-тўртта аёлга: «Ана, кесақдан ўт чиқипти. Банот кўрнинг ўғли холасининг қизини...» деяётган экан. Қўлоғимни динг қилганимни кўриб, менга бақирди: «Хў-ўй, нега гап пойлаяпсан? Дарров ёзсанг-да, а! Ёз, ёз, ёзмаганинг шу қолувди ўзи!» Хуллас, нима гаплигини билолмадим, лекин аниқ — нимадир бўлган! Холасининг таёғи Исматнинг эсини киритган-ов! У тутзорга уриб кетганидан буён қорасини кўрсатмаган эди, Барлосдаки у гап-сўз бўлдими, демак, нимадир қилган...

Бизнинг қишлоқда гап ётмайди. Эрта-индин ҳамма Исматнинг қисмати ҳақида гапира бошлади, Тоштемир ҳам, ҳатто Мамат ҳам. Модомики, ҳеч нарсани тан олмайдиган Норхолнинг онаси, кесақдан ўт чиқипти, дедими, биланги, миш-миш ҳам зўр бўлади!

Э, Исмат-э! Зангар нима қаромат кўрсатди экан, а? Ичим қизиб кетяпти-да! Эртагача... сабрим етмайди. Биринчилар қатори эшитгангаю биринчилар қатори «...эмиш» деганга нима етсин! Сиз шу ерда жиндай сабр қилиб туринг, мен чопиб бораман-да, Норхолдан ҳамма гапни билиб келаман...

Расмин Х. ЛУТФУЛЛАЕВ чизган

АДАБИЙ МУЛОҚОТ

«Барлос қишлоғининг зумрад тонглари» ҳақида

Ёзувчи ва танқидчи назари

Одил ЕҚУБОВ:

Бунга ҳам беш-олти йилча бўлди: ўша пайтлар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир муовини эдим; кунларнинг бирида эшик очилдию қорачадан келган, озрингина йигит ичкари кирди, кейин у мендан, «Сиз Одил акаисиз!» деб сўради. «Ҳа», дедим. «Мен ҳикоялар оқелувдим».

Иш бошимиздан ошиб ётган эди. Ростини, бир оз эисам қотди. «Қолдиринг, муҳаррирлардан бирига бераман, кўради. Фикрларини айтади сизга», дедим.

Унинг кўзлари жовдиради. «Ҳикояларимни сизга ўқитаман деган умидда йўл босиб, узоқдан келган эдим. Жиллақурса биронтасини варақлаб чиқолмайсизми, а!» — Шу илтижо бонс, қўлёзмалари билан батафсил танишиш ниятида эмас, албатта, бирон ҳикоясига кўз югуртириб чиқақолай, деган ўйда қўлидаги жилдни олдим, очдим: «Сомончилар» — биринчи ҳикоянинг номи. Унга кўз югуртира бошладим... қандай ниҳоясига етганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Ҳикоя қишлоқнинг эл қатори яшаётган оддий бир йигити ҳақида эди. Яъни: куз, барлосликлар ҳам гамирлаб қолишган. Қош қорайгач, кўпчилиги совхоз ғаллазорига уриб кетади. Сабаби — тирикчилик, сомон ўғирлашади. Ҳикоя қаҳрамони — манглай тери билан обрў топган; анавиларга қўшилишни истамайди. Севикли хотини, нима, ҳаммага ҳалол сомон сизга ноҳалолми, бизниям мол-ҳолимиз бор-ку, қаҳратон қишда ҳали бир сиқим сомонга зор бўламиз, деб уни қистовга олади. Мундай ўйлаб қараса, хотинининг гапидаям жон бор: ҳамма ташиб ётибдию биров бир нима деяётгани йўқ! Хуллас, қаҳрамонимиз сомон ўғирлашга чиқади ва... бир неча кундан бери сомон ташиб ётган ҳамқишлоқлари бир четда қолиб, у қўлга тушади!..

Нозик юморга йўғрилган бу асар қаҳрамонга катта бир меҳру муҳаббат билан ёзилган эди. «Сомончилар»дан сўнги бош кўтармай бирин-кетин қолган ҳикояларни ҳам ўқиб чиқдим. Уларда оддий қишлоқ кишиларининг ҳаёти ўйноқи оҳангларда, тиниқ ва бағоят самимий ифода этилган эди. Ўша ёш ёзувчи ким экан ўзи, деб сўрарсиз. У — Абулқосим Мамарасулов...

Эҳтимол, эшитмаган қўлоққа ғалати туюлар, лекин ростини: ўша кунгача гарчи ўйлаб ёшларнинг қўлёзмаларини ўқиган бўлсам-да, ҳали бирон марта бу қадар ҳаётини, қаҳрамонлари тирик, воқеалари таъсирчан ҳикояларни учратмаган эдим. Бугун Абулқосим Мамарасуловнинг янги ҳикоялари билан танишгач, яна ўша ғалдагидек беихтиёр Василий Шукшинни

эсладим. У оддий рус кишилари: ҳаром-харишдан йироқ, пок, ҳалол кимсалар; уддабурро ва қилвирлар билан тўқнашиб ёниб-күйиб юрадиган «чудак»лар, яъни ғалати одамлар ҳақида дурдоналар яратди. Шукшин асарларига хос айрим жиҳатлар Абулқосим Мамарасулов ҳикояларида ҳам кўзага ташланади, у барлослик «чудак»ларнинг жонли қиёфаларини чизади, табиийки, бу ўзига хос истеъдоддан далолатдир.

Абулқосим Мамарасулов қаҳрамонлари ғалати: содда-муғамбир анқов-айёр, бу кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари одатийликка сифшмайди. Мана, «Севишганлар» ҳикоясидаги Сайдан, у ғаройиб йигит, Норхолга соядай эргашиб юради, мақсади — қиз севадими, йўқми, шунини билди. Беихтиёр кулгин кистайди: афанди. Унинг анойинамо қилиқларида қалбининг беғуборлиги кўзгудагидай кўриниб туради. Сайдан оғзидаги ошини олдириб қўядиганлардан ҳам эмас. Бир сўз билан айтганда, у ёш замондошимиз. «Ўзи зўр йигит-да. Қадди-қомати келишган... Норхол уни севадими! Ўзи ҳам буни билмайди... Унинг сўроғига бир нима демайди. Чунки мактабни битириб ўқишга бормоқчи. Институтга кириб, ўқийдиган бўлгач, севамаслиги керак-да, йўқса хаёли бўлиниб, миёсига дарс кирмай қолади». Бундан ташқари, Норхол гап-сўз бўлишдан қаттиқ чўчийди. Аксига олиб, шундай бўладики, Сайдан унинг йўлини тўсади, ўпади ва, албатта, Норхолнинг «эҳтиёткор»лиги тўфайли бу гап ўша оқшомдаёқ бутун Барлосга ёйилади...

«Жарима»даги Банот, барлосликларнинг назарида, эгалининг балоси. Аслида, у тирикчилик деб гамирлаб дийдаси қотган, ҳақиқи жойида қарор топтиришга қодир аёл. Ҳикояни ўқир экансиз, кўпчилик ундан юз ўғирганига гувоҳ бўласиз, ўзингиз эса ич-ичингиздан Банотни ёқлайсиз. Ундан юз ўғирган барлосликлар асарда кам кўринса-да, тасаввурингизда яхлит жонланади. Чунки бу тоифани — муросачиларни кўп кўрган-миз, уларга қолса, ҳеч ким тинчларини бузмаса, сен же, мен же деб, баҳамжиҳат яшашса. Шу сабаб, ҳақгўй Банотни сифдирмайди улар...

«Исमतнинг қисмати», «Ойша холанинг «кўёвни»» ҳикояларида ҳам ғаройиб кишилар ҳаёти қаламга олинган. Кейинги ҳикоя асосан диалогга қурилган. Уни ўқиш баробарида муаллиф бу бадийи восита имкониятларидан фойдалана олганлигига амин бўласиз. Мунозараю сўхбатлар характер қирраларини очишга хизмат қилади. Ҳикоядаги Абдураззоқ ҳам ғалати одам. Э йўқ-бейўқ, Ойша холанинг бир оғиз гапига ишониб, сени уйлантираман деб сўпинамо Тоштемирнинг соқол-мўйловини қириб ташлайди. Боёқишни не кўйларга солади. Ҳатто тайинсиз шубҳа тўфайли келинини уйдан ҳайдашига оз қолади. Кейин... Шуниси муҳимки, унинг хатти-ҳаракатлари замирида ҳам эзгулик яширин, қилиқларидан қулиш баробарида астойдил унга хайрихоҳ бўласиз. Булар барчаси ўз навбатида ёш ёзувчи ғаройиб замондошлари дарди-дунёсини, орзу-ўйларини, қувончу ташвишларини чуқур ҳис қилишини, уларга меҳри чексиз эканлигини кўрсатади.

Абулқосим Мамарасулов қаҳрамонлари ҳаётий. Менимча, адабиётнинг бош вазифаси — тирик одамлар қиёфаларини яратиш, уларнинг қалб драматини санъаткорона ифодаладан иборат.

Ёш ёзувчининг қайси ҳикоясини ўқиманг, хоҳ у — «Йўловчи», хоҳ у — «Жарима», хоҳ у — «Ер-ёр» бўлсин, ҳаётнинг қайноқ бир парчасидек таассурот қолдиради. Шу хусусиятини Даниил Гранин ҳам эътироф этди.

«Ёшлик» журналхонлар ҳукмига ҳавола этган «Жарима» ва бошқа ҳикоялар ҳақида янада батафсил гапириш мумкин. Лекин шу ўринда мен бошқа бир масалага тўхталмоқчиман: чин санъат асарини китобий юзани нарсалардан ажратиш осон эмас. Бунинг учун дид ва эстетик савия юксак бўлмоғи даркор. Худди шу йўналишда қилиниши лозим ишлар оз эмас. Бироқ, афсус-надоматлар бўлсинки, китобийликка кўниккан айрим мунаққидларимиз ҳам ўқувчи дидини ўстиришга эмас, аксинча, қашшоқлаштиришга «хизмат» қилишдади. Эҳтимол, Абулқосим Мамарасулов асарлари ўшандайларнинг «юксак талабига жавоб бермас, лекин имомини қомилки, нозиктаъб китобхон бу ҳикояларни ҳаяжон билан ўқийди ва ўқиш баробарида ғаройиб замондошлари билан ҳамдард, ҳамнафас бўлади.

Яхши асар атрофида баҳсу мунозара туғилиши табиий. Кимнидир мафтун этган ҳикоя бошқа бировга ёқмас, бироқ ҳаётини асар билан китобий асарни ажрата билмаслик — дидсизлик, холос.

Абулқосим Мамарасулов — истеъдодли ёш ёзувчи. Унинг

ҳикояларига хос асосий фазилат — бу, менимча, инсонни маънавий фаолликка даъват этувчи кучдир.

Наим КАРИМОВ:

Адабиёт майдонга келибдики, инсонни маънавий фаолликка даъват этишни ўзининг ўзак вазифаларидан деб билади. Аммо, шубҳасиз, б и л и ш бошқа, б а ж а р и ш бошқа. Абулқосим Мамарасулов ҳикояларида шундай даъваткор куч бор.

Ёш қаламшанинг адабиёт даргоҳига кириб келиши кўпинча б и р т о м о н л а м а қувонч ҳиссини уйғотади. Камдан-кам ҳолдагина ёш нихолнинг дастлабки куртакларидан баҳор нафаси, келажақ нафаси анқийди. Бу куртакларда чинакам ҳаёт тароватининг бўлиши кўп омилларга, аввало тўғма истеъдодга, турмушнинг пинҳоний тўлқинларию кишилар қалбининг сирли ҳаракатларини кўриш ва ҳис этиш иқтидорига боғлиқ. Мен Абулқосимда шу фазилатлар билан бирга инсонга самимий муҳаббатни чексизлигини муҳим, деб билмаман.

Абулқосим Мамарасуловнинг ҳозиргина сиз ўқиб тугатган тўрт ҳикояси бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Уларда мазву ва қаҳрамонлар ҳам, муаммолар ҳам, оҳанглр ҳам турлича. Уларни бирлаштириб турувчи жиҳат — муаллифнинг Барлос қишлоғи аҳолига бўлган самимий муҳаббати ва шу туйғу билан нурланган тасвир услубидир. Бу ҳикоялар нимранг бўёқлар билан чизилган расмларни эслатади. Уларда, гарчанд қабартма характерлар, кишида изтироб уйғотувчи, нафрат ўтини ёқувчи зиддиятлар қаламга олинса-да, бу характер ва конфликтлар сокин услуб мавжларига ойдинлашади. Ёш ёзувчининг ҳаётдаги баъзи бир ҳодисалардан фиғон чекаётгани маълум бўлса-да, ўзидаги бу оловли туйғуни пурқаб ташлашга шошилмайди, балки уни секин-аста най пардаларига пуфлаб, ундан кўтарилган ҳазин садоларга яширишга уринади. Бу, назаримда, катта қобилият белгиси.

Туйғу, одатда, шеърятнинг негизи ҳисобланади. Аммо у лирик проза жанрлари учун ҳам бегона эмас. Абулқосим тасвир этилаётган воқеага муносабатини туйғу ёрдами билан очади, ўз туйғуларини эса ҳикоя тўқимасининг ҳар бир ҳужайрасига сингдириб юборади. Шунинг учун ҳам унинг ҳикояларида ёзувчининг ҳаётини позицияси, инсон ва замон ҳақидаги идеали жилва бериб туради. Назаримда, бу ҳам чакана хусусият эмас.

Абулқосим ҳикояларидаги эътиборга лойиқ учинчи жиҳат шундан иборатки, у оддий кишилар ҳаётига назар ташлаб, уларнинг қисқа вақт ичидаги хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали бугунги маънавий муаммоларни бадийи тадқиқ этишга уринади, асарлари пафосини кишиларнинг маънавий фаол бўлишлари масаласига қаратади.

Тасвирий санъатда бир оқим бор: баъзан мусаввирлар симметрия қонунини бузиб, инсон портретининг бирон-бир бўлагини атай катталаштириб тасвирлайдилар. Хусусан, Пикассо, Сикейрос каби машҳур мусаввирлар шундай тасвир услубига қатъий амал қилганлар. Давид Сикейрос мазкур эстетик принципти шарҳлаб, бундай ёзган эди: «Агар биз баъзи бир ҳолларда инсон қўлини катталаштирсак, унинг динамикасини ифодавийроқ кўрсатишга эришган бўлаемиз». Тасвирий санъатдаги бу ижодий принцип адабий асарларда ҳам ўзига хос тўқимашга эга.

«Жарима»да Мамат кабиларнинг қийшиқ кўзгусидаги Банот портретини муаллиф атайин муфассал тасвирлар экан, икки мақсадни кўзда тутати: биринчидан, у Банот образининг динамикасини, ҳаракатини кўрсатишга, унинг асл моҳиятини очишга эришса, иккинчидан, уни қуршаган маматлар олами-нинг чиркин жиҳатларини фош этади.

Банот ўзи қишлоғида ёмонотлик бўлган. Эл-юртин тўйга айтган ақаси: «Синглиминиям, кўёвминиям тайини йўқ, бир дастурхон атрофида ўтиргинг келмайди шуларминиям», деб уларни оила байрамига таклиф этмайди. Тўйхонадан келган ногора садолари эса Банотнинг миёсини пармалайди. Унинг хўрлиги келади. У жаҳл устида акасининг қинғир ишларини фош этиб, тўйини азага айлантиради. Устига устак, Самадбойнинг қамалиши ҳам унинг иштирокисиз бўлган. Шу-шу, барлослик маматлар ва самадларда Банотга нисбатан қаҳру ғазаб уйғонган. Унинг Раҳима хола уйини харид қилиб, ҳамсоя бўлгач, кирдикорларини фош этиши мумкинлиги уларда фавқулодда чоралар қуриш, Банотнинг тазирини бериш ва жиловини тортиб қўйиш иштиқини туғдирган.

Абулқосим воқеаларини шошмай-нетмай, бир маромда

...— Ҳой, бадбахт, туш дейман!
Яна чиқдингми?! —
Дўлайтириб муштини менга
Бақирарди пастдан қоровул.
... Раҳмат сенга, жонажон Свифт!
Жонатан Свифт, раҳмат!
Хайр,
Хайр, сув минораси!!!

* * *

Тик қирғоқда,
скамейкада
Муштдек бўлиб, ёнма-ён, сўзсиз,
Утирарди чол билан кампир
Хаёллари, ўйлари сўнгсиз...

Уриларди тўлқинлар бот-бот
Сапчиб соҳил қумлоқларига,
Кирмас эди яланғоч пляж
Шовқинлари қулоқларига —

Тикиларди уфққа улар
Нурсиз, хира кўзларин қисиб.
Дардли эди бу сукут жуда,
Борар эди юракни эзиб...

Шом ёғдуси ёритди бир пайт
Чол-кампирнинг серажин юзин:
Денгиздан то уфққа қадар
Нурли йўлак тўшалди узун!

Қалқиб чиқди кўзларига ёш,
Кампирига чол деди хуррам:
— Қара, ҳали ботган йўқ қуёш,
Нур сочмоқда... иситмаса ҳам...

Янги эртақ

Урар парку булутларга тўш,
Диёрлардан диёрга кўчар...
Неча йилки афсонавий қуш
Афсонавий манзилга учар!

Бажарса ҳам шартин бенуқсон,
Гўшт берса ҳам сув деган чоғда,
Қанотида ўтирган ўғлон
Суйганига етолмай доғда.

Яра-чақа билагги, сони,
Тутган ҳатто нимталаб этин...
Кўринмайди йўлнинг поёни,
Семурғ ундан сув сўрар бетин.

Бу қуш асли эмас очофат,
Келар жуда йигитга раҳми.
Бир нарсага ошиқнинг фақат
Етмаяпти фаросат-фаҳми:

Висол юрти аслида яқин
Ошиқ ўзи юрибди чўзиб:
Бергани йўқ у Семурғ ҳаққин —
Бергани йўқ юрагин узиб!..

Бир кеча ҳикмати ёки Насриддин афандининг бўриларга дуч келгани

Тирик жондан дарак йўқ, дарак,
Қутсиз кеча.
Тоғнинг дараси...
Бу жафонг ҳам бормиди, фалак! —
Қуршар мени бўри галаси.

Йилтирайди кўзлари совуқ,
Айланишар оч қуюн бўлиб.
Мана, ҳозир бир ҳамла билан
Олишади эшакдан юлиб.

Дасторимдан ёқаман гулхан,
Тафти урар бозиллаб бетга.
Бўлса ҳамки ваҳмкор, улкан
Чекинади оч тўда четга.

Тунни ёриб йўрғалар дадил,
Эшагим ҳам гўёки билар:
Ўт-олов бор — қилолмас даҳл! —
Ёруғликдан қўрқар бўрилар.

... Мен кетаман.
Учрайман бот-бот
Бўриларнинг нечаларига.
Ўша туннинг ҳикмати нажот
Бўлар умрим кечаларида:

Қутуради чўнтаги тўлиб,
Солғутчилар, қози, ўғрилар...
Кулгум порла машъала бўлиб! —
Ёруғликдан қўрқар бўрилар.

Инсофдан дин сўзлар лоф уриб
Ўзи, ҳатто ўликни шилар.
Кулгум порла машъала бўлиб! —
Ёруғликдан қўрқар бўрилар.

Донишларни тинч қўймас улиб
Ношудлару ичи қоралар.
Кулгум порлар машъала бўлиб! —
Ёруғликдан қўрқар бўрилар.

... Топар қадр-қимматин инсон,
Бир-бирдан йўқдир таъмаси.
— Рози бўлгин бобонгдан, Замон,
Иш қолмади менга чамаси!

Отланаман мозийга бир кун,
Аммо йўлда тўхтаيمان таққа:
Ҳезланади бир ҳовуч малъун
Якка-ёлғиз йўловчи — Ҳаққа.

Нур сочади кулгум — машъалам,
Ғолиб чиқар қаноат, сабрим.
... Улганимга ишонма, болам,
Топилса ҳам мингинчи қабрим!

кучоғига сингиб кетди. Барини унутди: бу дунёда ору номус деган тушунчалар борлигинию қисматини — ҳамма-ҳаммасини унутди. Бўсалару ора-сира энтикиш билан айтилган гапларга ийиб кетди. Бир кун келиб, афсус қиларман, деб ўйламади. Афсус ҳам, қўрқинч ҳам асли вужудида вулқон янглиғ куч тўплаётган экан, мана, бир лаҳзада портладию борлигини парча-парча қилиб ташлади. Энди, «Воҳ!», деган билан оҳини эшитгувчи топилмайди.

Мана, ҳозир туғуруқхонанинг икки кишилиқ палатасида оқ парда тутилган бесўнақай дераза ёнида шифтга тикилиб ётган кўйи шуларни ўйлади.

Ўша — пиво ичгандан кейинги қилмиши авваллари эсига тушса, бир хил бўлиб кетар эди. Ҳозир, аксинча, ўзидан ўзи жирканди. Унинг нафаси яна ёноғига урилгандай туюлдию худди совуқ, шилимшиқ бир нарсага тегиб кетгандек сесканди. Қоматини кўтарди-да, тиззаларини кучиб ўтирди.

Нимага шошди? Нимадан кўзи кўр бўлди? Ваъдаларга учдими? Ахир, оқ либос кийганида кўп қатори ич-ичидан қувонса, суюқлиси билан ёлғиз қолганида кўзларини ердан узмай ўтирса, унинг дудуқланиб гап бошлашини, аста қўлидан ушлашини кутса... бўлмасмиди?!

О, оқ либос кийди! Аммо вужуди кирлиниб кетгандай ўзидан ўзи ҳазар қилди; куёв билан ёлғиз қолди — даҳшатдан ўзини қаерга кўярини билмади, унинг ҳадиги бошқа ерда бўлди — сир очилишидан кўрқди. Куёв дудуқланиб гапирди — шоколад узатди, турмушимиз ширин бўлсин, деди. Гўё заҳар узатгандай, «гуноҳингни бўйинингга олу, ичиб ўлақол», дегандай туюлди унга. Шоколадни титроқ қўллари билан олди. О, бечора куёв, бармоқлари титраётганини у кўрган, ҳа, кўрган, аммо буни ҳаяжондан деб ўйлаган. Қандай разолат! Латофатни эзаётган даҳшат юқини у қаёқдан билсин! Бармоқлари титраши сирини ошкор қилиб кўяётгандай шоколадни маҳкам қисди. Қайноқ кафтда шоколад тез эриб кетди. Куёв уни билагидан ушлаб, ўзига тортди. Латофат сапчиб тушди — унинг бадани бошқа кафтга кўниккан экан, буниси чайирроқ, дағалроқ...

Ўша кеч... Врач кўнглини хотиржам қилган бўлса-да, Латофат кўрқди, жуда кўрқди. Сапчиб тушаверди. Куёв бошини ҳам қилиб чиқди уйдан...

Эртасига... Даҳшат, қандай даҳшат! Латофат ўлимига рози эди. Нега ўла қолмади. Ким уни бу ерга олиб келди? Эримми? Эри! Қайси эри? Ахир, у мудҳиш хатони ниқоблашда бир кўғирчоқ-ку? Латофат унга ачинмайди. Яхши кўрганида, балки алдагани учун ачинармиди унга. Лекин яхши кўрмайди. Кўнглида унга нисбатан заррача илиқлик йўқ. Омонтурдиевнинг оғзига термилиб турадиган бунақа овсарлар ачинишга арзимамайди. Латофатни қийнаган — бошқа нарса. У янглишиш азобига чи-долмайди. Ишқ нима, ҳавас нима — фарқига бормаганлигига куюнади.

Жон-дилдан севиб қолаётган дилбар бир йигитнинг ўлими қийнайди уни. Чўкаётиб, типирчилаб сув юзига чиқиши, «айбим — нима?» дегандай қарашни сира хаёлидан кетмайди. Дам никоҳ оқшомининг эртаси, дам сувга чўкаётган Комилнинг қўллари кўз олдига келаверади. Киприкларига уйқу илинмайди. Назарида, қандайдир даҳшат булут каби босиб келаётгандай туюлади. Асаблари қақшаб, тарс ёрилиб кетай дейди. Бағридаги қонталаш яраларни хотиралар туз каби ачиштиради. Унсиз инграйди. Юзини тиззаларига босиб оҳ уради. Оҳини ким эшитади, дардига ким даво беради?!

Шу азоблар буровида ўтирганида эшик очилиб, аввал даволовчи врач, сўнг... Нозима кириб келди. Латофат, жони узилгандай карахт бўлиб қолди. Кўз олди қоронғилашди.

Нозима Латофатдаги ўзгаришни сезди. Шундай бўлишини кутгани учун ҳам ўзини сезмаганга олди. Энди унга кўп нарса аён, бу ерга келишидан мақсад — фаразларини исбот қилмоқ эди. Даволовчи врач Латофатнинг ҳампалатасини эмлаш баҳонасида олиб чиқиб кетди.

Нозима стулни қаравот ёнига қўйиб, ўтирди. Латофат чойшабни тузатган бўлди, кейин яна тиззасини кучоқлади. Кўзларини деворга тикди.

— Тузукмисиз? — деб сўради Нозима, Латофат бош ирғади. — Энди очикроқ гаплашсак ҳам бўлар, бекимначоқ ўйнамайлик?

Латофат лабини тишлаб, пешонасини тиззасига қўйди.

— Бу ерга қандай келиб қолганингизни айтишгандир? Саволга жавоб бўлмади.

— Зарипова жиний жавобгарликка тортилди. У ҳаммасини бўйнига олди. Яширишнинг ҳожати йўқ.

— Зариповангиз ким? — деди Латофат бошини кўтармай.

— Сизни аборт қилган хотин.

Латофат шартта бошини кўтарди. Унинг кўзларида даҳшат акс этди. Нимадир демоқчи бўлдию гапиролмади, лаблари титради, холос.

— Ўзингизни босинг. Садировни сўнги марта сиз кўргансиз. Шунинг учун жиноятни очишимизда бизга ёрдам беришингиз керак. Дастлабки кўрсатмангизда, Садиров маст эди, дегансиз, шуни ҳозир ҳам тасдиқлайсизми?

Латофат дарров жавоб бермади. Анчадан кейин синиқ овозда, «Ҳа», деб қўйди.

— Бошқа гувоҳлар ичмаган эди, дейишяпти?

— Билмадим.

— Биологатория ёнида нимани гаплашдинглар?

— Эсимда йўқ.

— Нима учун қўлингизни ушлаб олди?

Латофат, «буларни қаёқдан билади?», дегандай ҳайрат билан тикилиб қолди. Яна лабини тишлаб, тескари қаради.

— Нимага ушларди — ичкарига тортди-да...

— Демак, сиз қочдингиз?

— Ҳа, бошқа иложим йўқ эди.

— Канал томонга қочдингизми?

— Ҳа.

— Кейин каналдан сузиб ўтдингиз?

— Йўқ. Нега? Канал бўйлаб югуравердим.

— Қирғоқда ҳеч кимга кўзингиз тушмадимми?

— Йўқ.

— Садиров сизга тез-тез шилқимлик қилармиди?

— ...

— Ҳеч бирга бўлганмисиз?..

— Бўлмаса аборт қилдирармидим?

— Унинг фарзандсиз эканини биласиз-ку?

— Айб хотинида бўлган.

— Ким айтди сизга бу гапни?

— Директоримиз...

«Илинди» деб ўйлади Нозима. Директор бунақа гапни дуч келган одамга айтавермайди.

— Садиров ўқишингизга ёрдам берармиди?

— Ҳа.

— Демак, ораларинг яқин экан. Ҳатто бўйингизда бўлган. Унда, ўша кунни нега қочдингиз? Биринчи марта ёпишаётган бўлса — бошқа гап эди.

— Жонимга тегди ҳаммаси, билдингизми?! Шилқимликлариям, ёлғон гаплариям... жонимдан тўйдирди...

— Латофатхон, бу — ўзингизнинг гапингиз эмас. Кимдир сизга ўргатган. Кимдир, аниқроғи, Садировни

ўлимга маҳкум қилган одам ўргатган. Уша одам — ким? Номини айтинг!

— Менга ҳеч ким гап ўргатгани йўқ.

— Сизни эсли-хушли деб ўйловдим, афсус, яхши гап билан ишимиз битмайдиганга ўхшайди. Энди билиб қўйинг: Садиров маст бўлмаган, экспертиза ҳам буни тасдиқлаб турибди. Марҳумнинг жасадиам текширилди. Ундан кейин, сиз қирғоқ бўйлаб югурмагансиз, бу ҳам бизга маълум. Энг муҳими — ҳомилангиз Садировдан эмас!

Латофатнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Кафтлари билан юзини тўсиб олди. Аввал унсиз йиғлади, кейин хўнграб юборди. Узини тутолмай узала тушди. Тўлғонди. Сўнг юз тубан бўлиб ёстиқни қучоқлади. Ва, барчасига ёстиқ айбдордай, муштлай кетди. Охири, уни итқитиб юборди. Шунда ёстиқ остида ётган бир парча қоғоз учиб келиб Нозиманинг оёғи остига тушди.

Даволовчи врач шу атрофда эканми, йиғи овозини эшитиб, шоша-пиша кирди. У Латофат билан овора бўлиб турганида Нозима энгашиб қоғозни олди. «Опажон, тузалиб кетдингизми? Биздан сўрасангиз, ўйнаб-кулиб юрибмиз...» деб бошланган мактуб ёзуви кўзларига танишдай туюлди.

— Кечирасиз, синглим, бугунча ҳоли қўйинг, асаблари қақшаяпти.

Врачнинг бу гапидан кейин Нозима хатни сумкасига солди-да, тезгина эшикка чиқди. Нусратов иккаласи Латофатнинг қизлик уйи томон йўл олди. Хат муаллифи — Назокат — ўн беш ёшларда, опасидек чиройли экан. Фақат қарашлари бошқачароқ. Латофат одамга ҳеч тап тортмай тикилади. Назокатнинг кўзларида эса маъсумлик бор. Унинг ёшида опаси ҳам эҳтимол шундай бўлгандир?

Нозиманинг гапларини у ерга қараганча чурқ этмай эшитди. Кейин, хат меники эмас, ҳеч нарса билмайман, деб туриб олди. Нозима уни кўп қийнамади, билади — бу ёшдаги қизларнинг феъли баҳор ҳавосига ўхшаб ўзгарувчан бўлади. Қиз воқеага гувоҳ бўлгани аниқ. Аввал бошда ҳақиқат юзи тўсилаётганига чидай олмай ёзишга ёзган-у, опасининг тақдирини ўйламаган. Энди... энди Латофат оғир аҳволда қолгач, икки ўт орасида қийналяпти. У ҳақиқат очилишини хоҳлайди, аммо бу ишда ўзининг иштироки бўлишини истамайди. «Мен хабар бердим, бас, виждоним олдида юзим ёруғ, энди бу ёғини ўзларингиз эпланг» — унинг қарори шу. Буни ўзгартириш осон эмас. Қуруқ гап билан таъсир ўтказиш қийин. Аввало, опасининг тақдиридан, унинг алданганидан хабар топиши керак. Шундагина ёрилиши мумкин. Лекин биринчи учрашувдаёқ уни бор гапдан огоҳ этишни Нозима лозим топмади. Назокат билан илиққина хайрлашди-да, изига қайтди.

Кечаси Латофат туғуруқхонадан қочганию бориб, ўзини «осиб қўйгани» ҳақидаги хабар унга тонгда етиб келди...

Доно акаларидан бири Омонтурдиевни, «Сен чўққига қараб учини бошладинг. Уч нарса қанотингни қайириши мумкин, яъни пора, бузуқчилик, ичкилик», деб огоҳлантирган эди. У пора олмайди, аксинча, бошқаларга беради. Увол-савоби ҳам ўшаларга тан. Аммо айш-ишратдан сира ўзини тия олмайди. Кўнгилу нафсни насиҳат билангина жиловлаш қийин экан-да.

Латофатга тирғала бошлагач, бир ёмон нарсани кўнгли сезган эди. Шунда ҳам қайтмади-я. Мана, оқибати! Уни-ку, Комилга «ошириб» юбориб, синган чиннини чегалагандай бўлган эди, энди билса, чега ҳам ишончсиз экан. У қаердадир янглишди. Хўш, қаерда? Шу саволга жавоб тополмай боши гаранг.

Терговчи ўралашиб юрганини билса-да, сир бой бермади, унга яқин йўламади. Арқонни узун ташламоқчи эди, бари бир, бўлмади. Шоназир гинекологни фош қилгач, ўзи ҳам жар ёқасига бориб қолганини фаҳмлади. Шунда кўз олди бирдан равшанлашди. «Нега мени тинч қўйди, мақсади нима?» деган ўй минг кўчага уни бошлаб кирди. Деворнинг ҳам қулоғи бор: бугун терговчи яна келганини, Латофат билан учрашганини эшитди. Латофат-ку, майли, нега энди унинг синглисини ахтарди экан, у билан нималарни гаплашди экан, шуниси унга қоронғи, дили хуфтон. Арининг уясига чўп суқилса — оқибати маълум. Ташвиш ҳам шунақа — бир учи чиқдими, қариндош-уруғларини чақираверади. Комилнинг ўлими, Латофатнинг қилмиши етмагандай пахта пунктидагилар «хўнар» чиқаришди. У, ҳар йилдагидай дўппи тор келганида ҳаракат қилмай, ҳозирдан бериб қўяйлик, деб кирган эди, бу йил эплолмасак керак, тафтишнинг иси келяпти, деб шаштини қайтаришди. Дарёнинг суви тоққа қараб оқар экан, деса, Омонтурдиев ишонади, бироқ пунктидагилар тартибга тушибди, қўшмайдиган бўлишибди, деган гапга у дунёю бу дунё ишонмайди. Улар ахмоқ эмас, қолаверса, ким билан тирик ўзи? Ўзига ўхшаганлар билан-да. Буни у билмайдими? Билади. Пунктидагиларнинг бугунги гапи — бир ноз, баҳосини оширмақчи шекилли.

Омонтурдиев пункт мудирини билан жилмайиб хайрлашди. Ичида макруҳ ҳақоратлар қайнаб-тошаётган бўлса ҳам, сир бой бермади. Идорасига қайтиб, кассирни йўқлади. У келгач:

— Қанча пулинг бор? — деб сўради, — пунктидагиларни йўқлайдиган пайт келди.

— Ҳозирми? — Кассирнинг кўзида нур пайдо бўлди.

— Ҳа, — Омонтурдиев унинг жонланганини сезди.

— Пул йўқ. — Кассир шундай деб кўзини лўқ қилиб олди.

«Ис билади бу касофат. Энди нархини оширяпти», деб ўйлади Омонтурдиев ғижиниб. Кассирнинг башарасига тупургиси келди. Лекин ғазабини ичига ютди. Кассирнинг улуши ҳамманикидан кам, шунга қаноат қилганига раҳмат дейиш керак. Кўнгли зада қилинса, яхшиликка олиб бормайди. Пул деб одамлар жонидан кечади, сотиб қўйиши ҳеч гап эмас! Омонтурдиев шуни ўйлаб, тупургини бошқаларга асраб қўйди.

— Башаранга қараган одам, гапи рост, деб ўйлайди.

— Хўжайин, икки ойдан бери ишчиларга маош ҳам бермаяпмиз. Мабодо ўғри тушса, сейфни очиб қўргач, минг пушаймон бўлади. Ҳемириям йўқ. Ишонмасангиз, юринг, ўзингиз кўринг.

— Қизим, менга туғишни ўргатманг! — деди Омонтурдиев заҳархандалик билан.

— А, лаббай?

— Муштдайгина қизча онасига туғишни ўргатганини эшитганмисан? Бор, ишингни қил. Эртага... мана бу ерда турсин! — У шундай деб стол устига кафтини урди.

— Уша — эски гапми?

— Бу йил кам бўлмайсан. Қитмирлик қиладиган одам йўқ энди. Бошбухга айт, банк билан гаплашсин. Бу йил хирмон катта бўлади. Белни бақувват қилиш керак.

— Хўжайин, унда ведомостларни ҳам тайёрлаб қўяверайлик, — кассир шундай деб муғамбирона тиржайди.

— Эртага, кечкурун гаплашамиз.

Кассир эгилиб-букилиб чиқиб кетди.

«Яхши йигит икковиям, — деб ўйлади Омонтурдиев, — муғамбирлик ҳам йигитга ҳусн. Ҳар нарсага лаққа тушадиган гўллардан асрасин...»

Омонтурдиев райондан қайтганида ярим кеча бўлиб қолган эди. Хотини, болалари аллақачон ухлаб қолишган экан. Илгари бунга у эътибор қилмас эди. Ҳозир хотинининг пишиллаб ухлашини кўриб, фаши келди. Бир тепиб уйғотмоқчи бўлдию яна ўзини босди. «Молга ўхшамай кет», деб ғудранди-да, қўшни хонага чиқиб диванга ёнбошлади. Энди кўзи илинганида дераза тиқиллагандай бўлди. Эриниб, бошини кўтарди. Шу чоғ яна тиқиллаш эшитилди. Туриб, деразага яқинлашди. Қоронғида кимнингдир шарпаси кўринди. Елкасига тўн ташлаб ҳовлига чиқди. Дарвоза олдида аёл кишига рўпара келиб, гангиз қолди.

— Бу — менман...
— Латофат?
— Ҳа.
— Нима қилиб юрибсан?
— Терговчи қонимга ташна қилиб юборди, нима қилай?

— Шуни сўрагани келдингми?
— Бирор ёққа қочиб кетайлик, Тўхтамиш ака!
— А? — Омонтурдиев унинг елкасидан чангаллади. — Нима дединг? Қочиб кетайлик, дейсанми? Жинни бўлганмисан?

— Бўлмаса, нима қилай?
— Уйингга бор. Кўрпангни совутма.
— Унга кўнглим йўқ.
— Кўнгли қўйганинг ўлиб кетди-ку!
— Сиз-чи?
— Мен?... Эсингни едингми? Биз ака-сингил эдик, шекилли? Йигитнинг хўрозини қўлингга кўндириб бердим. Номусинг пок экан, кувёв ҳам хурсанд. Икки-уч йилда қаҳрамон бўлади. Айшингни сури-иб юраверсанлар. Ака деганинг марҳамати шунчалик бўлар-да энди, сингилжон! —

Латофат пиқиллаб йиғлай бошлади.
— Уйингга бор.
— Кўз очиб кўрганам — сизсиз!
— Бекор гап! Кўз очиб кўрганнинг ҳам, бола орттирганнинг ҳам ўлиб кетди. Пивога уйқу дори қўшиб берганинг, кейин қўйнига кирганинг эсингдан чиқдими?
— Эсимда. Лекин терговчи бола кимдан эканини биларкан.

Бу гапни эшитиб, Омонтурдиев бир сапчиб тушди. Латофатни бўғиб олди.

— Айтдингми, қанжиқ! Овора бўласан, гувоҳинг йўқ! Латофат унинг билагини қаттиқ тимдалади.
— Нима қияласан? — Омонтурдиев уни қўйиб юборди.

— Ҳали қанжиқ бўлдимми?! — деди Латофат ҳансираб, — ҳали шунақами? Энди кўрасиз мендан! — У бурилиб кетаётган эди... Омонтурдиев белидан маҳкам қучиб олди.

— Ўзингни тут, жоним! — У шундай деб Латофатнинг юз-кўзлари, томоғидан ўпа кетди. — Бу дунёда сендан бўлак кимим бор менинг? Ўлиб бўлдим-ку ахир, юр, ичкари кирайлик.

Латофатнинг вужудига сал илиқлик югургандек бўлди, шунинг баробарида гўё кир бир нарса жисмини булғади. Кўнгли ағдарилди. Худди шу дамда бир тўқмоқ миясига урила бошлади. У ҳар урилганида, «Қанжиқ!», «Қанжиқ!», деб садо бераверди. Латофат қаттиқ ингради-да, Омонтурдиевнинг қучоғидан юлқиниб чиқди.

— Қўрқманг, айтмайман. Эркакман деб юрибсизми ҳали... — У шундай деб орқасига тисарилди. Кейин шартта ўгирилди-да, югуриб кетди.

Омонтурдиев уни қувлаб тутишини ҳам, садқайи сар деб қолаверишини ҳам билмай каловланди. Кейин пича

ўзини босиб, «Айтмайди, айтганида ҳам биров ишонмайди. Терговчи Комилнинг бепуштлигини қаёқдан билиб ўтирибди. Хўп, балки бепушдир. Менга нима? Бола мендан бўлганини бари бир исбот қилолмайди-ку. Баттар бўлсин!», деган қарорга келди-да, уйига кириб кетди.

Латофат мадори қолмагунга қадар югурди. Оёқлари чалишиб, бир мункиб тушганидан кейингина тўхтади. Пича турди, сўнг тиз чўкди. Нафаси қайтди. Энтикди. У ҳозир қаердалигини идрок этмас, қаердаман ўзи, деб ўйламасди ҳам. Миясига зарб билан урилаётган ҳалиги сўз йўқолди. Назарида, жуда узоқ умр кўргандай ва бу умри азоб-уқубатда ўтгандай эди. Бирдан хаёлига: «Яшаб нима қилдим?», деган фикр ўрилди. Аввал ҳам неча марта шу ўйга борган, лекин... қўрққан, жуда қўрқиб кетган эди. Бу гал зиғирча чўчимади. Урнидан турди. Оёқларида жон борми-йўқми, билмади. Бир-икки қадам босди — демак жон бор. Шу зайлда бемажол оёқларини судраб анча юрди. Гўё умри тугаётгандек, сўнги дамларини яшаётгандек; шу кечинмага у тобе бўлиб қолган, аммо ўша — тугаш нуқтаси қаерда экан, унга қачон етиб боради — шуни билмай, билолмай, судралиб борарди. Қисмат уни ўша — сўнги нуқта — ота уйи сари бошларди.

Ҳовлига кириб, дафъатан ҳайрон бўлди. «Қандай келдим, нимага келдим? Ҳа... биламан, биламан: оғилхонада арқон бор. Пишиқ. Жуда пишиқ. Мол сўйишганда асқотарди. Турганмикин?... — У телбаларча ҳаракат қиларди. Оғилхона деб ошхонага кирди. Тамирскиланди. Кейин адашганини сезди, ўзидан-ўзи нафратланиб кетди. — Атай ўзингни гўлликка солясан. Ошхона қаерда, оғилхона қаерда, билмайсанми? Биласан. Қўрқясан. Тентак, нимадан кўрқасан? Минг йил яшадинг. Нима кўрдинг? Эзилиб кетдинг-ку! Яна минг йил яшамоқчимисан? Унда нима кўрасан? Ушанди чўкиб кетақолмайсанми — Комилинг билан. Ана, бари бир, ёнига қақиряпти-ку, бари бир, қақириб олади-ку... Сен — тентак, сузиб нима қилардинг? Қиз бола бошинг билан сузишни ўрганиб нима қилардинг... — Шу халлар гирдобиди оғилхонага кириб, арқонни топиб чиқди. Сиртмоқ ясаб, жой қидирди. Тарвақайлаб ўсган толни танлади. Арқоннинг бир учини тол шоҳига боғлаб, орқасига тисарилди. Сиртмоқ қимирлаб, уни ўзига чорлагандай бўлди. Оёқларидан жон чиқди. Мук тушди.

Сиртмоқ ҳаракатсиз туриб қолди. Шунга уйғун тарзда Латофатнинг юрак дукири хийла босилди. — Етар, тур энди. Сенда гуноҳ йўқ. Кўп яшадинг, жуда кўп яшадинг. Иззатингни бил. Сенда гуноҳ йўқ... Сенда гуноҳ йўқ... — Бирдан унинг фикри ёришиб кетди. — Сенда гуноҳ йўқ... сенда гуноҳ йўқ... Нега гуноҳкор бўларканман? Нима ёмонлик қилдим? Нега ўлишим керак? — Латофат ерга ўтириб олди. Арқонга қаради. Тўлин ой сиртмоққа тушиб қолибди. Латофатнинг эти жунжикди, юзини тескари буриб олди. — Кимга ачиқ қиялман? Кимдан қўрқялман? Эрим бўлса — бор, афту ангори ҳам бинаойдай. Унинг олдида юзим... Узоқларга кўчиб кетсақ, ким билиб ўтирибди. Ахир, нега ўлишим керак?! — Латофат тин олди. Нуқул, узоқ яшадинг, деб таҳдид қилаётган о в о з эшитилишини ваҳм билан кутди. Хайрият, бу ҳол такрорланмади. — Нима бўлди менга? Сал қолди-я! Бўлган иш бўлди, бўёғи сингди. Тўхтамишнинг башараси қурсин, одам эмас-у! Комил бечора...»

Бирдан рўпарасида Комил тургандек бўлди. Қўрққанидан кўзини чирт юмиб олди. Комилнинг қараши ҳам ўша-ўша: «Нега?» «Нима учун?», деган савол нигоҳида қотган. У чўкаётганида шундай қараган эди. Уша —

қабихлик қилган кечаси Латофат уйғонганида ҳам қараши шундай эди...

Имтихондан ўтгач, Омонтурдиевнинг шаҳардаги уйига боришди. Шоқол базм қилишди. Ушанда Омонтурдиев ҳар қанча қистамасин, Комил ароқдан бир қултум ҳам ичмади. Латофат... Нега ўшанда у ахмоқлик қилди? Нега Омонтурдиевнинг макрига учди. Нега уйқу дори солинган пивони Комилга ичирди. Сўнг... қўйнига кирди-я. Бечора ўшанда ярим тунда уйғонган ва Латофатга ҳайрон бўлиб тикилиб қолган эди. Эсонаси чиқиб кетаёзганди-я. Ҳозир ҳам, назарида, у худди ўшандагидек қараб турибди. Латофат юзларини кафтлари билан тўсди. Комил, бари бир, кўз олдидан кетмади. Аксинча, у секин қўлларини олдинга чўзди-да, сиртмоқни унинг бўйнига ташлади. Латофат жонҳолатда қичқириб юборди. Сиртмоқ сиқа бошлагач, у қаттиқроқ чинқирди...

Сал ўтмай уй томондан ҳам ўкирик эшитилди. Уфқ бўзариб қолган эди...

Қамал ҳолатининг тугатилгани

— Мен келдим.

Омонтурдиев аввалига гангиб қолди. Мавлуданинг келишини, хусусан, шу кунлар ичида келишини ҳеч кутмаган эди. Латофатнинг қилиғидан хуноб бўлиб, сахармардонда доно акаларидан бирига юкиниб борди, тўхматлардан эзилиб адоий тамом бўлганию терговчи ҳаммаёқни оёқости қилаётганини айтиб зорланди. У ердан қайтгач, далага ҳам чиқмади, идорага Мавлуда эмас, балки терговчи кириб келишини кутди, раҳнамосининг тасаллисидан руҳланиб, терговчини обдан «тузлаш»га чоғланиб ўтирган эди, кўққисдан...

Бошига қора ҳарир рўмол ўраган, калта энгли кўк кўйлак кийган Мавлуда Омонтурдиевга савол назари билан тикилган кўйи остонада турар эди. Фақат катталаргагина пешвоз чиқишга ўрганган Омонтурдиев дастлаб одатини қанда қилмай, келинг, деб жилмайди. Баногоҳ мясига тўқмоқ тушгандай сесканиб, фикри равшанлашди. Сапчиб ўрнидан турди.

— Ие, келинг, келинг, Мавлудахон, биз ғарибларни йўқлайдиган кунингиз ҳам бор экан-ку, а?

— Сиз ғарибмисиз ҳали... анча бўлдимиз? — деди Мавлуда унга қўл учини бериб.

— Билмаганга олманг ўзингизни, хоним. Кўйиб, кул бўлди-ку мана бу ер! — Омонтурдиев кўкрагига муштлади. — Мендан ғариброқ одам йўқдир бу ёруғ дунёда.

Мавлуда ҳазин жилмайди. У Омонтурдиев курсдош қизларга бунақа шакарғуфторлик қилганини кўп кўрган.

— Услубингизни ўзгартирмабсиз, ҳалиям ўша-ўша-я.

— Мавлуда! Гапимга ишонмайсиз-да. Қаранг! — Омонтурдиев унинг кафтини олиб, кўкрагига босди. Мавлуда қаршилик билдирмади. Омонтурдиев эса буни мутелик аломати фаҳмлаб, тўлиб-тошганча давом этди. — Темирчининг босқони ҳам бунчалик гупилламас, а?

Мавлуда қўлини аста тортиди.

— Мен олдингизга эрсираб келганим йўқ. Ишга таклиф қилувдингиз, эсингиздами?

— Эсимда ҳам гапми! Кутавериб, кўзим тўрт, тўрт эмас, саккиз бўлиб кетдию. Ҳозироқ буйруқ чиқади. Юқори билан ўзим келишаман. Бош агрономсиз совхоз совхозми? Директорнинг жони битта, бу ташвишларни Алпомиш ҳам кўтаролмайди.

— Мен-чи, мен кўтара оламанми?

Омонтурдиев атай хахолаб кулди.

— О, тил ўлсин-а, тил ўлсин, бесуяк-да бу қурғур. Сиз кўп чўчиманг, Мавлудахон. Бу ташвишларни сизга раво кўрган — номард. Ҳаммасига балоғардон — ўзимиз. Сизни фақат кўриб турсам — бас.

— У ҳолда савдомиз пишмади, Тўхтамышхонака, — Мавлуда шундай деб ўгирилди. Омонтурдиев қўлини эшик тутқичига қўйиб олди.

— Дарров аразми? Ҳеч бўлмаса бир нафас ўтиринг, остонадан қайтманг.

Мавлуда ичкари кириб, суянчиғига оқ жилд тутилган стулга ўтирди.

— Мен энди илгариги Мавлуда эмасман. Бева деган номим бор. Гап-сўздан кўрқаман. Кейин... балоғардон-лигингизни Латофатхон билиб қолсалар, тинч қўймаслар? — У шундай деб Омонтурдиевнинг кўзига тикилди. Омонтурдиев истеҳзо билан жилмайди.

— Латофатхоннинг эгаси бошқа эди, хоним, янглишманг.

— Бошқа эди?

— Ҳа. Гап шерда қолсин-у, ҳарҳолда, биласиз, биз ошна эдик, бир-биримиздан сир сақламасдик.

— Ростми шу?

— Бости-бости қилган — акангиз бўлади. Туғиб қўйишига бир баҳа қолдию.

— Аблах! — Мавлуда титраб, ўрнидан туриб кетди. Юзини четга буриб лабини қаттиқ тишлади.

— Ўтган ишга саловат, марҳумларни ёмонлик билан эшлаш яхшимас. Ҳаммаси тинчиди, унга отиладиган тошлар йўқ энди.

Омонтурдиев Мавлуданинг кўйиб-ёнганини ўзича тушуниб, гўё унга тасалли берган бўлди. Мавлуда эса у гапирган сайин бўғилар, додлаб юбормаслик, тилини суғуриб оламан деб, суқатой кўзларини ўяман деб, юзларини юламан деб чанг солмаслик учун, қаҳрини сездириб қўймаслик учун аранг ўзини тутиб турар эди. Беадоқ ғазаби жиловидан бўшай олмай унинг юрагини тимдалар, қаттиқ тимдалар эди. Мавлуда, бари бир, чидади. Булғанаётган хотирани поклаш аҳди чидашга мажбур этди. О, ҳали азобларнинг қанчасига чидаши керак бу юрак, чидаши шарт, зарур! Эрининг номини оқлаш, она сутидай оқ хотирасини исноддан поклаш учун дунёнинг бор азобларига чидайди.

Омонтурдиев эса бундан беҳабар. Унинг назарида, бу қушча кутилмаганда учиб келди. «Тузоғингиз қайда, акажон, қайга қўнай?» деган илтижо билан келди.

Омонтурдиев қаққон юриб жойига борди-да, ўтирди ва апир-шапир буйруқ ёзди.

— Ишни қачондан бошлайсиз?

Унинг бу саволидан Мавлуда ўзига келди.

— Ҳозироқ... — деди у титроқ овозда. — Бош агрономга муҳтожман, деяпсиз-ку?

— Гапингиз тўғри. Комилнинг иш жойи ҳам, хонаси ҳам далада эди. Сиз... бу ёғини нима қиламиз?

— Бош агроном асли қаерда ўтириши керак?

— Идорада-да. Демак, стол-стулларингизни ҳам олиб келаемиз.

— Фақат бир шартим бор.

— Ҳар қандай шартингизга розимиз.

— Мен билан сичқон-мушук ўйнамайсиз. Ҳаммаси очиқчасига...

— Муносабатимизми?

— Муносабатимиз ҳам, иш ҳам. Очиғини айтсам, планнинг қоғозда битадиган томонлари ҳам бўлади. Буни сўқир ёки фаҳмсизгина билмайди. Қисқаси, чўлда кўйиб-ёниб ишлаб, яна икки қўлимни бурнимга тиқиб қолмоқчи эмасман. Сиз билан икки мавсум ишлайман, билиб қўйинг — икки йил. Бўладиган бўлсам, шунда бўлволишим керак.

Бу гапларни эшитиб, Омонтурдиев донг қотди.

— Мавлу, шу гаплар сиздан чиқяптими?.. Мавлу... сиз... ўғил бола экансиз-ку! Чинингизми бу?

— Сиз ҳам ўғил бола экансиз. «Бизда бунақа найранг бўлмайдми», дермикинсиз, десам...

Омонтурдиев ўрнидан турди-да, столни айланиб ўтди ва бориб Мавлуданинг елкасидан кучди.

— Мавлу... итингизнинг ялоғига тилло бўлади. Сиз... маликага, ҳа, ҳа, энг гўзал, энг бой маликага айланасиз...

Мавлуда ўзини четга олди.

— Мен эрсираб келмадим, девдим-ку сизга! Узингизни тийинг-да энди. Қани, хонамни кўрсатиб қўйингчи.

Идорада бўш хона йўқ эди. Омонтурдиев бу масалани бир лаҳзада ҳал қилди. Бош бухгалтерни иқтисодчининг хонасига кўчириб, Мавлудани ўзига «ён кўшни» қилиб олди.

Зум ўтмай идорадагилар бир-бири билан маънодор кўз уриштира бошлашди.

Латофатнинг ўзини осгани, тўғрироғи, осмоқчи бўлгани ҳақидаги гап совхоздан район марказига, ундан шаҳарга тарқалгунча, «Латофат ўзини осиб қўйибди», деган тусга кирди. Ташвишланиб совхозга етиб келган Нозима ҳақиқатни билгач, энгил тин олди. Назокат, опасининг қилмишидан ларзага тушган Назокат ҳам бор гапни рўй-рост айтишга жазм қилди.

Нозима, гумонлари тасдиқланганидан кўнгли тоғдай ўсиб, Тўхтамиш Омонтурдиев билан учрашиш ниятида идорага келди, кираверишда Мавлудани кўриб, ажабланди. Улар икки оғиз суҳбатлашди, холос. Янги бош агроном хонасини жиҳозлатаётган Омонтурдиев терговчининг келиб-кетганини пайқамай қолди.

Мавлуда ишга кирганини билгач, Нозима директор билан учрашиш ниятидан қайтди. Гарчи Мавлуда кулимсираб гаплашаётган бўлса-да, кўзларидаги мунгли яшира олмади. Нозима фаҳмлади: бу мунг жудолик ҳайғуси эмас эди. Дастлаб учрашгандарида Нозима унинг қарашларидаги айрилиқ аламию кўргулик ғамини сезган. Ҳозир... чарос кўзларида бошқача дард кўрди. Бу — ниманинг асорати, билолмади. Ҳарҳолда, Мавлудада бир сир бор. Шу боис ҳам Нозима директор билан учрашиш фикридан қайтди.

Бошқармага етиб келгунча қора рўмол ўраган, кўк кийган ўша жувон — қарашлари мунгли Мавлуда кўз олдидан кетмади.

Эсида, Мавлуда директор ишга таклиф қилганини айтган. Аммо унинг рози бўлишини Нозима кутмаган эди. Хўш, Мавлуданинг мақсади нима? Эрининг илмий ишини давом эттирмақчимми? Ёки анавининг йўриғига юрмоқчимми, а?

Нозима уни яхши билмаса ҳам бунчаликка борар деган фикрни ҳазм қила олмади. Асли ўшанда — Омонтурдиевнинг таклифини айтганидаёқ унинг хаёлига бир ўй келган, боринг, ишга жойлашинг, идорада найранглар бўлса, аниқланг, бизга кўмаклашинг, дейишга чоғланган, аммо Мавлуданинг ўзи қандай жувон — шуни билмай туриб, бундай қилишдан ўзини тийган эди. Ҳозир шуни яна бир карра эслади, бироқ, «унинг ўзи қандай жувон, ишга киришдан мақсади нима?», деган саволга узил-кесил жавоб топа олмади.

«Мустақил иш, мустақил иш... — дея пичирлади ўзича, хонасига кириб ўтиргач, — мана, мустақил ишнинг тузиниям тотиб кўрдик. Арзимаган «Иш», сузишни билмаган одам чўкиб ўлган, дейишувди. Йўқ, ўртоқ лейтенант, масала анча ойдинлашди, бу — оддий иш эмас. Жиянбоевнинг қўлидаги «Иш»ни осонроқ, деса бўлади, қуролли ҳужум. Жиноят устида қўлга олинган...

Бе-е, нималар деяпман. Бу соҳада осон иш бор эканми. Узи осон иш қаерда бор?»

Нозима «Иш»ни қўлига олди-да, Султоновнинг қабулхонасига кирди. Султонов банд экан, узоқ кутиб қолди. Ниҳоят, эшик очилди-да, Бўтаев чиқди, уни кўриб, Нозима ноқулай аҳволда қолди. Тўғри, Султонов, қийналсангиз, тўғри ўзимга учранг, деган, бироқ бўлим бошлиғини четлаб ўтиш, ҳар қалай, тартиб-интизомга хилоф. Лекин, нимагадир Бўтаев қовоқ солмади, аксинча хиёл жилмайиб саломлашди-да, ишингиз битгандан кейин киринг, деб чиқиб кетди.

Султонов Нозиманинг гапини бўлмай, охиригача эшитди. Сўнг:

— Таклифингиз? — деб сўради у.

— Жиноий иш кўзгаб, кескин чора кўриш керак.

— «Кескин чора»ннгизга нима киради?

— Биринчидан, Шоғиёсов билан Ҳамидовани қамоққа олиш керак. Ҳеч бўлмаганда, жонларига қасд қилиб қўйишмасин. Омонтурдиевни сўроққа чақириб, тилхат олиш лозим, яъни бирон ёққа кетиб қолмасин. ОБХСС¹ ходимларини ҳам ишга тортмасак бўлмайди.

— ОБХССни қўя турайлик, Омонтурдиев тилхатсиз ҳам ҳеч қаёққа кетмайди, ҳозир авжи терим пайти. Умуман, кескин чора кўришга ҳали вақт бор. Аввалоси, прокурор санкция бермайди. Ҳозирча — гапларингиз хом. Аниқ далилларингиз йўқ. Бир қизчанинг гувоҳлиги етарли эмас. Ундан ташқари, тактикамизни ҳам ўйлаб кўрайлик. Ҳадеб тикка ҳужум қилавериш қандай бўлар экан? Менинг таклифим бундай: ҳозирча ишга нуқта қўямиз. «Бахтсиз ҳодиса» деган хулосага келаемиз. Бўлим бошлиғингиз билан совхозга боринг-да, Омонтурдиевни ҳам, Ҳамидовани ҳам хулосамиздан огоҳ этинг, бевозта қилганимиз учун узр сўранг. Сизга бошқа «Иш» топширамиз. Бирон зарурат туғилганда ҳам совхоз томонга ўтмайсиз. Садилов воқеасига алоқадор шахслар билан мутлақо учрашмайсиз, келишдикми?

Нозима ҳайрон қолди. Бу қанақаси, ахир? Султонов кечагина қўллаб-қувватлаб турган эди-ку. Нега бугун чекинаётми?! Садиловнинг ўлими бежиз эмаслиги, жиноят содир бўлганлиги аниқ-ку? Омонтурдиевнинг дасти узун, дейишар эди, бу қўл шу ерга ҳам етиб келдимикан, а? Кейинги пайтлар керилиб юрган эди, гап бор экан-да... Нозиманинг кўнгли пораланди. Кўзини ерга қадади. Бунақада ишлаб бўладими? Шунча елиб-гуғуриб, масалани ойдинлаштирганида қўллаш ўрнига... Асли булар Нусратовга ҳам шунақа қилишган. Нозима эса уни ландовур деб юрибди...

— Келишдикми ўртоқ лейтенант? — Султоновнинг овозидаги ҳалиги меҳрибонлик оҳангини энди қатъийлик эгаллаган эди.

Нозима бошини кўтарди.

— Аризамни ёзаверайми?

— Сиз ҳам тез экансиз-ку? Бошлиқнинг ҳар бир буйруғига жавобан ариза ёзаверамизми?

— Ахир...

— Ўртоқ лейтенант, буйруқ тушунарлими?

Нозима қад ростлаб, қоғозларини қўлига олди.

У хонасига қайтиб келгач, ўйга толди. Султоновнинг муомаласи қизиқ. Нозима унинг гапларини бир-бир қиғирикдан ўтказди: «Ҳозирча нуқта қўямиз... Совхоз томонга бормайсиз... алоқадор шахслар билан мутлақо учрашмайсиз...» Бу нима дегани? Афтидан, жиддий гап борга ўхшайди. «Иш»ни ёлган бўлиб, Омонтурдиевни тинчителишмоқчи, кейин зимдан хўжаликни кузатишмоқчимми? Унда нега Султонов кўрслик қилади?.. Нозиманинг боши қотди. Асли, эрининг гапига кирса бўлар

¹ Социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши кураш бўлими.

экан. Аёл киши қиладиган иш эмас экан — бу! Сарсон бўлиб, юриб-юриб, охири нимага эришди?» Ҳозир бориб, Бўтаевга айтаман, гапингиз тўғри экан, дейман, кейин аризани бераману, кетаман...» деган ўйда у шошилиб ариза ёзди-да, бўлим бошлиғининг хонасига йўл олди.

— Гаплашиб олдингизларми? — деди Бўтаев қозғолардан бош кўтармай. — Утиринг. Гап бундай: сизга бошқа «Иш» топширамиз. Кеча бир одамнинг уйига ўғри тушган. Бу «Иш»ни чўзишга ҳаққимиз йўқ, ҳозироқ киришинг. Жинийи қидирув бўлими билан боғланг. Капитан Мелиевга учиринг. Садиловга дахлдор «Иш» бўйича хулоса ёзиб қўйинг. Хў-ўш, эртага — куннинг иккинчи ярмида совхозга бориб келамиз.

Нозима аризасини тўрт буклаганича, лом-мим демай изига қайтди. «Демак, ҳаммасини пишитиб олишган-у, менга айтгилари йўқ. Нега? Умуман, бу — уларнинг иши. Ҳарҳолда, мени бирдан четлаштиришлари қизиқ. Ишонишмадими? Аёллигим учунми?..» Нозима ўзини овутишга ҳарчанд уринмасин, кўнглидаги бир парча музни эритиб юбора олмади...

Балиқ

Бу кеч икки киши мижжа қоқмади.

Бири — Омонтурдиев.

Яна бири — Мавлуда.

Омонтурдиев кассир банкка бориб келгач, совхознинг катта-кичик раҳбарларини йиғди. У Мавлудани таништириб, «директор қандай ҳурмат қилинса, бош агроном ҳам шундай иззатланиши керак»лигини алоҳида таъкидлаб қўйди. Касаба союз ташкилоти раиси бу янгиликдан беҳад шод эканини айтди, янги бош агрономнинг қадами қутлуғ келишию планлар юз эмас, икки юз бўлиб кетишига ишонч билдирди. Шундан сўнг одатдагидай куннинг ҳисоб-китоби бошланди.

Омонтурдиевнинг кайфияти яхши эди: эрталаб Мавлуда келди; пешинга томон доно акаларидан бири кўнғироқ қилиб, Садиловнинг ишига чек қўйилганидан огоҳ этди. Суянган «тоғ»ларидан бири пунктдагилар билан ҳам гаплашибди, хуллас, ишлар зўр бўладиганга ўхшайди. Бу ўн кунликда республика байроғини ололса — бас. Омонтурдиевнинг ошиғи олчи бўлади.

Қўл остидагилар ҳисоб бераётганида Омонтурдиевнинг фикри шу ўйлар билан банд эди.

Охирги, бригадир ҳисоботи тинглангач, узоқ жимлик чўқди. Бригадир ўтиришини ҳам, тураверишини ҳам билмай Омонтурдиевга қаради, кимдир энгил йўталди. Шундагина у ўзига келиб, кўзларини хиёл қисганча залга, кейин бригадирга тикилди.

— Хў-ўш, Ватанга нима керак? — деди у маънодор оҳангда.

Дафъатан берилган бу саволдан бригадир каловланди. Дудуқланиб:

— Билмадим, — деди.

— Билиб олинг, билмасангиз, бригадирлики топширинг. Ватанга пахта — оппоқ, юқори сортли топ-тоза пахта керак! Хўш, ўзингизга нима керак?

Бригадир ҳайрон бўлиб, лом-мим демай тураверди.

— Сизга нон керак, қозонингизга мой керак. Сизга ҳам, сизга... ҳаммамизга шу керак. Халқ, қозоним мойга тўлармикин, деб пахтага кўз тикиб турибди. Биз нима қиляпмиз? Ахир, баҳона билан қозон мойга тўлмайди!

— Мен баҳона қилаётганим йўқ, директор бова, икки кундан кейин планни бажараман, — деди бригадир соддадиллик билан.

— Планни бажарасизми? Раҳмат, — деди Омонтурдиев пичинг билан. — Совхознинг планини ким бажаради? Районникини, область, республиканикини-чи? —

У ўрнидан туриб олиб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди Мавлуда ҳайрон эди. Наҳот Омонтурдиевда шундай туйғу бўлса? Наҳот у шу қадар кенг миқёсдаги ташвишлар билан яшаса? Ё одатдаги артистлигим бу?

Омонтурдиев узоқ сукутдан сўнг жиккаккина, ярашқисиз шоп мўйловли кишига нигоҳини қадади:

— Хўш, Чори оға, сиз қачон бажарасиз?

Шопмўйловли киши оғриниб ўрнидан турди.

— Тўғрисини айтайми? — деди у, бир оз саросималаниб.

— Айтинг, фақат, республика тўлдиргандан кейин деманг.

— Уттиз олти йилдан бери биргатман. Хўжайинларнинг ҳар хилини кўрдим. Пахтани ҳали квадратуялаб эк дейишди, ҳали қўш қатор дейишди — ҳаммасига кўндик, ўлиб-тирилиб бўлсам планни бажардик. Лекин бу йил бўлмайди, бор гап шу.

— Бу — қанақаси! Бултур орден олган бригадиримиз шундай деб турса?

— Орденга нолойиқ бўлсам, қайтариб берай, локин... план бажарилмайди.

— Бу гапни қўйинг, орден бултурги меҳнатингизга берилган. Хўш, нега план тўлмайди, деяпсиз, сабабини айтинг-чи?

— Хўп, айт десангиз, айтавераман. Ёзда областдан каттамуз келувди, а? Далаларни кўриб, суғоринг деди, кейин сиз ҳам ҳа, бўл, деб қонимга ташна қилиб юбордингиз. Комилжон, суғорманг дедди, оқил йигит эди-да, пахтани биларди. Уша кунлари ғўза чанқамангиз эди, шуни биз ҳам билардик, сизот сув яқин дедик, илдининг учи сувда дедик, кўнмадингиз. Каттанинг гапини икки қилманг, текшириб қолса расво бўламиз, у киши сизу биздан кўпроқ билмаса, бир гап айтармиди дедингиз. Хуллас, тепамизда туриб ўзингиз суғортирдингиз.

— Шунақами? — Омонтурдиев қошларини чимирди. — Бўлим агрономи қани?

Пиджаги тарс ёрилиб кетай деяётган семиз йигит ўрнидан турди.

— Шунақа бўлувдими? А?

— Бил... мадим, эсимда йўқ — деди йигит кўзларини лўқ қилиб.

— Утир. Сиз ҳам ўтиринг Чори оға. Эшитдиларингми? Эсида йўқ эмиш. Менинг эсимда бор. Оға тўғри айтди. Каттанинг келгани рост, лекин у киши, қолаверси мен ҳам авлиё эмасман. Ким ишда янглишмайди. Хатс қилинса, уни ким тўғрилаши керак? Сиз, яъни коллективда. Кўрдингизми, ўртоқ бош агроном, бизнинг коллективда принципиаллик етишмайди. Оқибатда, манбунақа дийдиё қиламиз. Сиздан илтимос: агрономлар билан яхшилаб гаплашиб олинг. Ҳосил тақдирига катталар ҳам, совхоз директориям жавоб бермайди. Жавобгар шахс битта — агроном. Агар Чори оғанинг бригадаси планни бажармаса, сен билан қаерда гаплашишни ўзим биламан. Хайф-э, сенга агрономлик дипломи!

Мавлуда унинг устомонлигидан ҳайратга тушди Омонтурдиев нақ гирибонидан қисаётган сиртмоқ — айб сиртмоғидан ўзини холос қилди ва ҳеч кимг сездирмаган ҳолда унга хомсемиз агрономнинг бошин тикиб юборди. Тагин унинг осилажагини аниқ қилиб тортиброқ қўйди ҳам. Калтакнинг бир учи Комилг тушгани-чи. Агар, Мавлуда бўлмаганида, бош агроном ундай эди, бундай эди деб уни тупроққа қориштириб ташларди-я. Омонтурдиев ҳар қандай пасткашликдан қайтмайди. Мавлуда бош кўтараётган ғазабини ичига ютиб, индамай ўтираверди.

Омонтурдиев шундан кейин ҳам принципиаллик, ҳалоллик, коллективизм ҳақида анча гапирди. Оши-

рилган кунлик норма бўйича янги график белгиланди. Ҳаммаси тушунарли бўлиб, саволларга ҳожат қолмагач, фақат бўлим бошқарувчилари қолишини илтимос қилди. Рухсат текканлар чиқиб кетгач, Мавлудага юзланди:

— Сиз ҳам дамингизни олинг. Бизнинг эркакча гапимиз бор.

Мавлуда даҳлизга чиқиб, эшикни қия ёпди. Хонасига кириб, эшигини очиб қолдирди.

— Кассирни чақир, — деди Омонтурдиев пойгакда ўтирган йигитга. Кассир уларни узоқ куттирмади.

— Сейфингда қанча пул бор? — деди Омонтурдиев, сўнг гўё столи тортмасидан нимадир қидирган бўлди.

— Уч-тўрт...

— Мингми?

— Ҳа, уч-тўрт минг.

— Ҳей, қанақа одамсиз ўзи, — деди кассирни чақириб келган йигит, — ҳали мен сўраганда, сариқ чақаям йўқ, девдингиз-ку?

— Мен директорга ҳисоб бераман, сенга эмас.

— Хўш, сенга нега пул керак бўлиб қолди? — деди Омонтурдиев унга қовоқ уюб.

— Одамлар икки-уч ойдан бери маош олгани йўқ. Норози бўлишяпти.

Омонтурдиев ўрнидан турди-да, унинг устига бостириб борди.

— Вей, ҳотамтой ака, одамлар пулсиз қолишдимиз? Раҳмингиз келяптими? Биз — бераҳм золимлар пулни курк товукдай босиб ётибмизми? А? — Омонтурдиев унга еб қўйгудай ўқрайди. — Ҳой, бойвачча, миллион пулинг бўлса, ана, одамларингга бўлиб бер. Сен нимангга кериласан ўзинг? Графикдан чиқолмай, тупроққа беланиб ётибсан-у, ақл ўргатасан. Мен билан олишма, бола, чурранг тушиб қолади.

...Директорнинг хонасида чиндан ҳам эркакча гап бошланган эди. Мавлуда ҳозиргина юксак туйғулар ҳақида сўзлаган оғиздан учаётган бу гаплар, бу дағдағаларни эшитиб, ёқа ушлади. Омонтурдиевнинг найранги, тилёғламалиги, айёрлиги унга маълум эди. Бунақа осмондан келишига эса энди гувоҳ бўлиши. Худди эртакка ўхшайди: сеҳргарлар бир юмалаб шерга, бир думалаб қуёнга айланганидек директор Ватан манфаати учун қайғурувчи доно раҳбардан бир думалаб бозордаги паттачига айланди-қолди...

Омонтурдиев ҳотамтой бўлим бошқарувчисига ғазаб ўқларини отиб бўлгач, жойига келиб ўтирди.

— Яна кимнинг бўлимидагилар норози, кимга маош бериш керак? — Омонтурдиев ғазаб ўқларидан яранган «чалажон» йигитга ўқрайиб, сендан ўргилдим, деб тўнғиллади. Шу билан унинг жон томирини узиб ташлагандек кўнгли жойига тушди. — Ҳаммаларинг ведомост тайёрлаларинг. Ҳар бир бўлимга норма бор. Пуллар қаяққа кетишини биласанлар. Менинг чўнтагимга тушмайди. Шу ўн кунликда байроқ олишимиз шарт. — У бирдан кассирга қараб ўдағайлади. — Хода ютганмисан, қани бўл, тарқат қоғозларни!

Кассир шошилиб, ведомость варақаларини тарқатиб чиқди.

— Эрталаб ташлаб кетамиз, — деди кимдир.

— Хотинчанг ёстиғини қучоқлаб ётатурар. Ҳозир ёз, ўтир!.. Имзоларингни ҳам қўйларинг.

— Директор бува, баъзан одамни ер қилиб юборишингиз ёмон-да, терим пайти хотин эсга келами?

Ҳотамтой бўлим бошқарувчиси ҳозиргина кассир берган ведомостни стол устига ташлади.

— Ҳа, деди Омонтурдиев ўтирган жойида, — бу яна нима қилиқ?

— Бўлим шусиз ҳам планини бажаради. Бизни бунақа фирромликка аралаштирманг.

Омонтурдиев шашт билан юриб келиб унинг ёқасидан олди.

— Нима дединг? Фирромлик?! Сен кимсан — ўзинг? Уғри, муттаҳамсан! Қорнинг тўйиб қолдимиз?

Уларни ажратиб қўйишди.

— Саидали, ўчакишиб нима қиласан, ҳар йили қиладиган ишимиз. Утир-да, ёзиб бер.

— Йўқ, ёзмасин! Сенлар ҳам ёзмаларинг. Ол, йиғиштириб ол. Қани кўрай-чи, қанақасига бажараркинсан. Бўлди, ҳаммангга жавоб! Мажбуриятдан бир грамм кам пахта берган одам тўғри райком бюросига бораверсин.

— Директор бува, келинг энди, бургага аччиқ қилманг. Ҳали ёш, эси кириб қолар, айбидан ўтинг.

— Сенларга яхшилик қиламан деб қора курсига ўтиришга тоқатим йўқ. Гап тамом!

Ҳамма чиқиб кетгач, Омонтурдиев доводи раб қолган кассирга яқинлашди.

— Ишни пухта қил. Эртага битта-битта келади ҳаммаси. Сен бултургига таққослаб ҳужжат тайёрла, қўл қўйдириб оласан. Опачанг ҳам қўл қўйиб беради.

Бу гапдан кейин кассирнинг кўнгли бир оз ёришди.

— Опачам шу ердалар, — деди у қувлик билан.

— Ростданми, жўна бўлмаса.

Омонтурдиев кассирнинг орқасидан даҳлизга чиқиб, бош агрономнинг эшигини тортди: берк.

Ичкарида можаро кучайгач, Омонтурдиев, гап тамом дегач, Мавлуда чиқиб кетган эди.

Омонтурдиев эшикни қайта-қайта тортаётганини кўриб, кассир ночоргина елка қисди-да:

— Ҳозир кираётганимда шу ерда эдилар, — деди айбдорона оҳангда.

— Шпионликни сенга ким қўйибди. Менга қара, ҳозир олиб чиқ — борини, пунктга ўтамиз.

Пункт дарвозаси олдида пахта ортилган тележкалар тирбанд эди. Омонтурдиев кассирни машинада қолдириб, ўзи ҳовлига ўтди, шу пайт совхоз вакили қуллук қилиб унинг ҳузурига келди.

— Графикдан чиқадиғанмизми?

— Қийин-ов...

— Ҳўжайин шу ердами?.. Сен кутиб тур-чи. — Омонтурдиев шундай деб идорага кирди. Тамаки хиди анқиб турган хонада пахта заводининг директори билан пункт мудирини ўтирган экан. Омонтурдиев улар билан кундузи кўришган бўлса-да, қайтадан сўрашди.

— Бизнинг ишимиз нима бўлади энди? — деди у суянчиғи лиқиллаб турган стулга омонатгина ўтириб.

— Сизнинг ишингиз беш бўлади! — деди завод директори унга жилмайиб қараб. — Сизга қайишмасак, кимга қайишамиз? Қабул қилувчингизни чақиринг-чи?

Пункт мудирини чиқиб кетди. Омонтурдиев завод директори узатган чойни олиб хўплади.

— Биздан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ҳозир десангиз, ҳозир... Ана, машинада турибди.

— Йўқ, ҳозир эмас, энди бу ерга олиб келманг. Икки кундан бери органининг одами айланиб юрганмиш.

— Ҳимизданми?

— Ҳа, Нусратов деган йигит.

— Э, ўша мишиқими? Шундан чўчиб ўтирибсизми?

— Ҳай, улар билан ўйнашманг. Шу мишиқилари ёмон.

Уларнинг гапи чала қолди. Пункт мудирини билан қабул қилувчи олдинма-кейин кириб келди.

— Қанча пахта бор? — деб сўради завод директори.

— Ҳозирча юзта, — деди қабул қилувчи.

— Ҳаммасини мана бу аканнинг ҳисобига ўтказ. Шу ўн кунликда унинг айтгани айтган бўлиши керак. Бошқаларни сал туртиб қўй.

— Хафа бўлишади-да.

— Узим тушунтираман. Бу йил ҳосил яхши, ҳеч ким доғда қолмайди, нима дедингиз Тўхтамиш Омонтурдиевич?

— Сизлар бор — нима ғамимиз бор.

— Бўпти, сен боравер, — деди завод директори қабул қилувчига, — ана, иш пшди, директор бува, энди уйга ўтиб, янгамни хурсанд қилаверинг. Ман ҳам йўлдан қолмай.

Омонтурдиев йўл-йўлакай кассирни уйига ташлаб ўтди-да, ўзи идорага келди. Кабинетига кириб, диванга ёнбошлади. Бўлим бошқарувчиларининг ҳолати кўз олдига келиб, кулимсиради. «Бу — иштонсизлар иштонни йиртиққа кулиб, нима қилар экан? Ахир, ҳаммасининг аҳволи маълум-ку. Зўрман дегани тўқсонга етиши мумкин. Ҳотамтойнинг машмашаси бир жиҳатдан яхши бўлди. Энди — тилим узун. Узлари ялиниб келишади. Иш ҳам гувоҳсиз битади. Нур устига нур! Касофатнинг ўзи билан кейин гаплашаман... Завод директорининг ҳадиксираши қизиқ. Ростдан кўрқяптимиқан? Нусратовдан-а? Бе-е, бу бола гапини эплаб гапиролмайдию. Комилвойнинг «Иш»ини ёп дедик, гапимизни икки қилгани йўқ. Пунктга келган бўлса, бирон юмуши бордир. Ё... директор пункт мудир билан тил топишолмай турибдими, дейман-да. Ҳарҳолда, мудир — янги. Акахонларнинг одами экан, латтачайнарга ўхшамайди. Орқасида тоғ бўлгандан кейин — шу. Ҳайронман, наҳот директор иккови муроса қилолмаса? Йўқ, директор вос-вос бўлиб қолган. Пули битлаб кетган, ғимирлаб эс-ҳушини олиб қўйган...»

Соат тунги иккига занг ургач, у ўрнидан турди. Ҳовлига чиқиб бир оз иккиланди. Уйга боргиси келмади. Рулга ўтирди-да, машинани тўғри Мавлуданикига ҳайдади.

Илгари бирон нимадан бўғилса, дардини Латофат олар эди. О, у кунлар қани энди! Латофат қочиб кетмайди, бугун бўлмаса эртага келади, соғиндим акажон, деб келади у. Лекин ўшангача... Мавлуда... Бир йигитнинг бахти кулса, шунчалик кулар-да: униси бўлмаса, буниси... Омонтурдиев хушнуд илжайган бўлди. Кейин Мавлудани кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди: ич кўйлақда, кўзларини хиёл юмиб, лабини бўсага чоғлаган ҳолда...

«Шундай жувон... шундай жонон! Ахир етишадиган бўлдим-а! Мавлуда мана-ман деган қиздан дуруст, нозу карашмаси олдиндан мана-ман деган қизлар ўтаверсин. Шундай дуру жавоҳир ана у исқиртнинг чўнтагида ўн йил моғорлаб ётди-я! Қарийб ўн йил бир ландавурнинг хонадонини обод қилди-я шундай гўзал! Эҳ, Комил, Комил... бари бир ташлаб кетар экансан, нима қилардинг бошини айлантириб. Унга мана, биз ҳам шайдо эдик, уйланармик. Йў-ўқ... балки уйланмасдим. Чиройли қиз хотинликка ярамайди, дилхушликка... бошқа гап. Дурларга кўмиб ташлайман буни. Комил ҳам шундай қилиши мумкин эди, истамади, ўзи истамади. Марҳумнинг орқасидан ёмон гапирмаслик кераг-у, аммо ғирт аҳмоқ эди-да. Ахир, жарақ-жарақ пуллар... эгилиб ишламасанг, елиб-югурмасанг, ўзи оқиб келиб турса...»

Виждон, виждон, деб... Виждон — аҳмоқларнинг ниқоби. Виждонни пеш қилавериб, асабларимни зирқи-

ратиб ташлади-я... Шу бўлишига ғаламислиги йўқ эди, йўқса, бултур ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ташларди...»

Ҳавонинг қош-қовоғи уюлиб, шунга монанд равишда одамларнинг феъли ҳам бузилди. Совхоз йигирма центнерга етмаёқ, пайкаллар қорайиб, шудгор қилса қилгулик аҳволга келиб қолди. Шунга қарамай, совхознинг кўрсаткичлари, Комил кутганидек, пасаймади. У Омонтурдиевнинг қилмишини, қандай йўл тутаётганини сезса ҳам, индамади. Ҳов ўшанда — Омонтурдиев эллик центнердан берамиз, деб катта кетгандаёқ, оқибат ғирромликка ўтилишини Комил билган эди. Қоғоздагина бор, аслида йўқ пахталарнинг ҳисобга киритилиши у учун янгилик эмас. Лекин илгари кўплар қатори, бу — одатий ҳол, деб қарарди. Энди, шу қозонда қайнаётган маҳалида виждони тинчлик бермай қўйди. Совхоз ҳисоботидаги ҳар бир процент найза бўлиб бўғзига қадалаверди. «Кимни алдаяпмиз, орқа-олдимизга қарамай оширилган мажбурият оламиз. Гапимизга ишониб, пахта заводию тўқимачилик корхоналари, юз-юз идоралар режаларини белгилашади, шунча маҳсулот ишлаб чиқарамиз, деб ваъда беришади. Пахта аслида мўлжалдагига етмагач, маҳсулот қаёқдан бўлсин. Биз эса уни дўконма-дўкон юриб, қидирамиз, изғиймиз, маҳсулот эса йўқ. Айни пайтда — ҳамма планини ошириб бажарган бўлади, мукофотлар олишади, газеталарда мақталади. Пахта ўрнида, маҳсулот ўрнида қоғоз айланаётганини гўё сезмай юриварамиз. Хўп, мен-ку Тўхтамишни инсофга қайтарарман. Бошқалар-чи? Бу аҳволда одамларнинг эътиқоди хасталанмайdimи? Тўхтамиш... Тўхтамиш... Виждонини сотган сендай палидга минг лаънат, латта. Сенга ёндашган менга минг-минг лаънат...»

Комил ҳаммасига қўл силтаб, шаҳарга кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин саккиз чархпалакдаги гўзалари августдаёқ етилиб, барг тўка бошлагани қалбидаги умид чўғини аланга олдириб, яна бир йил, нари борса, икки йил чидай, деди.

Бугун, еттинчи бўлимга борганида чархпалак устида ўтирган қизларни кўрдию фиғони ошди. Ҳашарчиларнинг раҳбарига захрини сочмоқчи бўлди, бироқ аламини ичига ютди: унда нима айб?

У қизларга энди гап тушунтирмоқчи бўлиб турганида ҳашарчилар раҳбарининг овози эшитилди:

— Барака топкурлар, термасаларинг ҳам пайкалда юринглар, биронтаси келиб қолса ғалва қилади.

— Пахтаининг ўзи йўғ-у, ахир, нимани терамиз? — деди эгат бошига келиб қолган ҳашарчилардан бири. — Совқотиб кетдик. Инсоф борми ўзи?

— Менга қолса, ҳаммаларингга рухсат бериб юбормасмидим?

— Штабга бориб айтинг, совхоз плани бажарган, йилт этган пахта йўқ, одамларни ушлаб туришга ҳожат борми, денг.

— Совхоз бажаргани билан область бажармаган-да.

— Совуқда дийдираб юрсак, ўз-ўзидан план тўлармикан?

— Шоимов ука, ишбузуқилик қилма. Биттадан чекиб олинглар, ҳозир тушлик бўлади.

Пайкалдан чиқмоқчи бўлаётган йигитлар бир оз ўйланиб туришди-да, орқаларига қайтишди.

Бу аҳвол ҳам Комилга маълум. Студентлик чоғларида домларари, далада юра турунлар, деб ялинишарди. Пахта бўлса-ку, совуқми-иссиқми, тош ёғиб турибдими, бари бир теришарди. Чанокда бир чигит ҳам қолмаган, изғирин этни жунжиктирадиган шундай пайтда бутунлай қайтиш у ёқда турсин, иссиқроқ бир жойда ўтириш ҳам мумкин бўлмаса, а?! Бунинг сабабини Комил кейинроқ

тушунди: пахтаси бўлмаса-да, план бажаришга «бел боғлаган» раҳбар учун ҳашарчи ниқоб вазифасини ўтайди. Гўё, хўжаликда шунча ҳашарчи бор, шунчадан пахта теряпти, деб ҳисоб бериб турилади. Шаҳардаги ўқиш туратуради, иш туратуради, ҳашарчининг оиласию бола-чақаси кутатуради. Лекин... Фирромликни охирига етказиб олиш учун улар пайкалдан чиқарилмайди. Чамаси, бундан ўзга сабаб йўқ. Бўлмаса, пахтаси йўқ далага нима учун чиқмаяпсизлар, деб қайси жоҳил ғалва кўтариши мумкин? Ахир булар ҳ а ш а р ч и ҳисобланса... меҳнатидан норози бўлиб кетиши керакми? Йиғим-терим сўнгида раҳмат эшитиб, ўйнаб-кулиб қайтишмай-дими. Келгуси йили терим бошланганида, ҳорманглар, деб яна ўзлари келишмай-дими. Далада пахта қолмаган бўлса ҳам уларнинг хўжакўрсинга юриши хўжаликка озмунча зарар етказадими?

Комил шуларни ўйлаб, ўйига етолмади. Ҳам маънавий, ҳам моддий зарар эвазига хўжаликлар бирор фойда кўрармикан?

Унинг хаёлини яна ҳашарчилар раҳбарининг овози бўлди:

— Шоимов, ука, бу ёққа қаранглар, қарашиб юборайлик!

Комил овоз келган томонга ўгирилди, бостирма яқинида икки юк машинаси, бериқоқда ҳашарчиларнинг раҳбари билан агрохим турибди.

Йигитлар даладан чиқиб, юк машиналари томон юришди. Уша ерда бир оз чекиб, ҳангома қилишгач, юкни тушира бошлашди. Қопларни бостирма остига эмас, ташқарига ташлашаётганини кўриб Комил ажабланди. Уларга яқинлашди-да:

— Бугун сийлаб юборишибдими? — деди қопларга имо қилиб.

Агрохим қўл силтади.

— Нимага ташқарига қўйишяпти? Емғир ташлай деб турибдию, — деди Комил.

— Емғир ювса-ювар, бари бир кераги йўқ, — деди агрохим ҳафсаласизлик билан.

— Нима ўзи бу?

— Метилмеркоптофос.

— Биологик курашга ўтилган-ку?

— Шунақа-да. Заҳарларни бераверишади.

— Директор биладими?

— Билмаса, олиб келармикан?

— Кераксиз бўлса ҳам, устини беркитиш керак. Емғир ювиб, атрофни заҳарлайди. — Комил шундай деб мотоциклга ўтирди-да, идорага жўнади.

Омонтурдиев айланадиган креслода ястаниб ўтирганча баҳузур сигарет тутатарди. Кўринишидан — кайфияти дуруст. Комилни ўрнидан туриб қарши олди, кейин диванга таклиф этди.

— Ҳим олдинга ўтмоқчи эдим, совуқда пиво ичавериб, совуғинг ошгандир, бир ичинга ўт ёқсамми деб турувдим. Гап бундай: ҳозир боққа борамиз. Муродга қовурдоқ буюриб қўйганман. Иш билан келдингми, ё?..

— Агрохимни кўрувдим. Метилмеркоптофос туширяпти.

— Хабарим бор.

— Бизга кераги йўқ-ку?

— Завод чиқариб ётган бўлса, районга вагонлаб келаётган бўлса, район хўжаликларга тақсимлаётган бўлса... Ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Биз ҳам, район раҳбарлари ҳам айбдор эмас.

— Қорнинг очса қовурдоқ ўрнига хашак емайсан-ку? Ё бошинг оғриси, сурги ичасанми? Олмайман деб оёқ тирасанг, асақанг кетадими? Текинга берилмайди-ку булар!

— Ҳ-ў, оғайнижон, са-ал пастга тушинг. Бунинг ҳам

ўзига яраша сиёсати бор. Оёқ тирашдан бурун аккумулятордан умидни узиш керак, калийнинг ҳам ярмини ололмаймиз. Сен шартимизни унутиб қўяяпсан: бунақа ишларга аралашма. Бошқалар нима бўлса биз ҳам — шу.

— Билганингни қил, — Комил шундай деб қўл силтади, — мени бекорга эсламагандирсан? Ишинг бормиди?

— Бор, — Омонтурдиев шундай деб Комилнинг тиззасига уриб қўйди, — минимумларни топшириб қўйсаммикан? Спецни ўзингга ишонаман. Қолганларига... қўллаб юборадиган одам топиш керакми?

— Мавзу-чи?

— Сен норасмий илмий раҳбаримсан. Сени совхоз ташвишларидан озод қилдимми, меням бу ташвишларга аралаштирма-да. Келишганмиз-ку?

— Ҳа... ҳа... келишганмиз, — Комилнинг нафаси қайтиб, бўғзига бир нима қадалгандай бўлди. — Келишганмиз, — деди у яна. — Шу ҳафта ичи аниқлаб бераман. Ўзинг ҳам сал ҳаракат қил. Домлаларнинг олдида оғзингни очиб турма.

— Хотиржам бўл.

Омонтурдиев ўрнидан туриб, сейфга яқинлашди. Калитни бураб, унинг эшигини очди-да, қаппайган конвертни олди ва Комилга узатди. Комил бир Омонтурдиевга, бир конверт устидаги ёзувга қаради: «Садиров. 2500».

— Нима — бу?

— Мукофот. Пахтамикс яхши бўлди. Бош агрономсиз бунча ҳосил олиб бўлармикан?..

— Мукофот? Балки... порадири?

Омонтурдиев пулни Комилнинг олдида ташлади-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Вой овсар-э, нима учун сенга пора берарканман? А?

— Тушунарли, — Комил ўрнидан туриб, Омонтурдиев билан юзма-юз бўлди.

— Нимаси тушунарли? — Омонтурдиевнинг юзидаги хушчақчақлик йўқолди.

— Биз сен билан ҳеч қачон дўст бўлмаганмиз. Ҳозир бир-биримизга жилмайшимиз ҳам вақтинчалик. Буни ўзинг биласан. Ҳеч қачон, ҳеч қачон дўст бўлолмай-миз...

— Қани, гапиравер-чи?

— Чунки... гап билимда ҳам эмас. Истасанг, мен билган нарсаларни дарров ўзлаштириб оласан, калланг ишлайди. Бизни бир-биримизга ёндаштирмайдиган бошқа нарса — сен виждонингни сотишинг мумкин, мен... қиймалаб ташласанг ҳам бундай қилолмайман.

— Ҳў-ў, ошна, сал осмондан тушинг...

— Тушолмайман, ошнажон, тушолмайман, сиздақалар билан яшаб бўладими? Нафасим қайтиб, ўларман.

Омонтурдиев конвертни олди-да, кафтига уриб-уриб қўйди.

— Шу одатингни яхши кўраман, ўғил бола гапни айтасан. Тилёғламалик қилаётганим йўқ, ишонавер. Сен хавфли одам эмассан, кўнглингда киринг йўқ. Лекин, очиги, дангаллигинг ўзингга зиён, ўйнаб-кулиб яша-шинг қийин-ов. Мана буни олмай чакки қиласан. Ўғирлик эмас-ку бу! Ҳа, майли, ўзинг биласан. Сейфда туради, ўйлаб кўр, керак бўлса, кел...

— Бошқа фикрга келган куним — ўлган куним.

— Шунақами? — Омонтурдиев конвертни олган жойига қўйди-да, сейфни қулфлади. — Унда... гап бундай: бугун сен мени кўрмадинг, мен конверт тутмадим. Иккаламиз ҳам шунчаки... ёмон туш кўрдик, холос. Келишдикми?

— Кошки эди туш бўлса...

— Қани, юр, қовурдоқ тагига олмасин.

Комил унинг айёрони боқиб турган кўзларига тикилди.

— Ҳайронман, сен билан ҳеч уришиб бўлмайти. Балиқсан, қўлда турмайсан. Ҳа, ҳа, балиқсан. Қаерда ҳам ўқиган эдим, шунга ўхшаб думингни ликиллатасан, олға кетасан...

Омонтурдиев бошини орқага ташлаб кулди-да, кейин Комилни кифтига қоқиб қўйди.

— Мен билан тўғрилиқча гаплашавер, уришишни хаёлингга ҳам келтирма.

— Балиқсан деганим ростми?

— Балки...

— Балиқнинг кўзи бор-а?

— Бор.

— Унда нега қармоқча илинади? Шуни бир ўйлаб кўр. Бўпти, мен кетдим.

Комил шундай деб чиқиб кетди. Омонтурдиев унинг орқасидан ғазаб билан ўқрайиб қолди. «Аҳмоқ, падарлаънат аҳмоқ!»

Одамнинг бирор ери лат еса, қизигида билинмайди. Сал фурсат ўтгач, оғриқ азоби исканжага олади. Комил ҳам шу кўйга тушди. Омонтурдиевнинг пул узатгани аввалига унчалик оғир ботмади. Шунинг учун ўзини тутди, кесатиб гўё унга ханжар урган бўлди. Кейин, мотоциклига ўтириб, уч-тўрт қақиримча йўл босгач, чинакам оғриқ хуруж қила бошлади. Шу пайтгача биров уни бунчалар ҳақорат қилмаган эди. «Нега башарасига солмадим? Уриб-уриб хумордан чиқмадим? Ифлос... ифлос... Мени ҳам ўзидай пасткаш деб ўйладими? Бошқалар-чи? Ёзин-қишин чанг ютиб офтобда куйиб ишлаётганлар-чи? Улар ҳам мени олчоқ деб ўйларми-кан? Уйлайди, албатта ўйлайди. Оқ ит, қора ит — бари бир ит, дейди. Пулни олмаганимни, виждоним поклигини ким билиб ўтирибди? Виждоним поклигини... Нимаси пок? Уғирликни кўра-била туриб, индамаслик, «ёмон туш кўр»ганлигини тан олиб чиқиб кетиш — софликка кирадими ҳали? Булғаниб бўлдинг сен ҳам...»

Ёмғир шивалаб ёғар, унинг томчилари юзига дўлдай уриларди. Комилнинг уст-боши ивий бошлади. Кипригига кўнган томчилар нигоҳини хиралаштиради. У мотоциклини тўхтатди. Чуқур нафас олди. Рулни маҳкам ушлаганча бошини солинтириб хийла ўтирди.

Бир донишманд, агар ақлинг қўли нафсинг жиловини ушласа, сени ёмон йўллардан сақлар, деган экан. Омонтурдиевнинг нафс жилови аллақачон узилган. Эҳтимол, унда бундай жиловнинг ўзи бўлмагандир? Сут билан кирган жон билан чиқади-да. Асли маслаги нопок бўлса, унда жилову жиловни ушловчи ақл қўли нима қилсин? У-ку, майли. Лекин Комилда-чи? Комилда борми шундай қўл, шундай жилов? — Бу савол миясида чир айланади, жавоб сўрайди. Дангал, «бор!», дейишга журъат қилолмайди. Чўчийди. Айниқса, «ёмон туш кўр»ганидан кейин. Унгача-ку, ўзида шундай қўл, жилов мавжудлигига амин эди. Ҳозир ҳам имони комил, аммо бу қўлнинг кучи қанча, эрта-индин яна «ёмон туш кўр»са, ҳолдан кетиб, жиловини қўйиб юбормайдими? Унинг журъатсизлиги ҳам, чўчиши ҳам шундан.

Ийртқич ҳамлани тирноқларию тишлари билан даф қилади. Одамзодда эса ақлу фаросат, зеҳн бор, ўйлаб иш юритади, айтар сўзи билан ёмонликка зарба беради. Комил-чи? Нима қилди у? На тиш-тирноғи, на ақлу фаросати ва на сўзи билан анавиға бас кела олди. Узини у ёқ-бу ёққа ташладию кейин думини қисиб қочди. Яхши ҳамки, қовурдоққа бормади. Унда...

Ҳаёт сўқмоқлардан иборат, дейишади. Ҳақ гап. Аммо Омонтурдиевга ўхшаганлар юриш осон бўлган равон йўлни қандай топишади? Бу йўл виждонга алмашлаб олинадими? Комил, малъунлар еган овқатдан емасам,

тотган лаззатдан тотмасам, улар билан бир ҳаводан нафас олмасам, ҳатто ўлганимда улар билан бир тупроқда ётмасам, дерди. На илож?

Комил шу хаёллар исканжасида узоқ ўтирди. Эгнидаги калта тўн буткул ивиб, баданига совуқ ўтгач, сесканиб, ўзига келди. Атрофга қаради. Қаерда турганини ҳадеганда англамади. Кейин, хаёл билан кўшни хўжаликка ўтиб кетганлигини фаҳмлаб, мотоциклини орқага бурди...

Узоқдан Мавлудаларнинг қишлоғи қорайиб кўринди. Шунда, беихтиёр Комил билан бўлган ўша тўқнашув Омонтурдиевнинг ёдига тушди. «Ҳақиқатпарварлиги тутиб, пов этиб ёнардию дарров ўча қоларди. Шу одати яхши эди. Лекин ловуллашнинг ҳам чегараси бор. Охири, тоқат қилиб бўлмай қолдию. Айб — ўзида. Мавлуда... Ҳаппа ҳалол ўзимнинг луқмам экан-да. Ташлаб кетди-ку бари бир...»

Мавлудаларнинг кўчасига бурилгач, у машинани секинлатди-да, чироғини ўчирди. Етгач, тушиб, секин борди-да, деразани аста чертди. Шу заҳоти, ичкарида чироқ ёнди.

«Ухламаган экан, демак, мени кутган!»

... Мавлуда чиндан ҳам ухламаган, чиндан ҳам Омонтурдиевнинг келишини кутган эди. Аниқроғи, биларди: ўша Тўхтамиш бўлса — қўймайди, албатта бир суйқаниб кўради.

Эрталаб идорага кирган чоғиёқ Омонтурдиевнинг хиёл сузилган кўзларида қора ният шарпасини иллаган. Сўзларидаги қочиримларни англаган. Қизлик пайтлари соядек эргашган, бироқ ҳеч вақога эришолмаган бу аламзада бу кеча тантана қилиш, покиза туйғуларини топташ учун бир уриниб кўришига у амин эди. Тўхтамиш бунақа ишларни пайсалга соладиганлар тоифасидан эмас.

Бироқ дераза чертилган ҳамона чироқнинг ёниши зинҳор уни кутганидан эмас. Бунинг сабаби — бошқа.

Мавлуда уйига қайтгач, кутилмаганда юрагида кўрқув уйғонди. Дам ҳовлининг қоронғи бурчакларида, дам уй ичида Комил юргандек туюлаверди. Юрагидаги заиф титроқ билан барча хоналарга бир-бир кириб чиқди. Ҳовли ҳам хувиллаб ётибди, кимсасиз, бироқ Комил бари бир уни таъқиб қилаётгандек. Гўё нуқул хўрсиниб қўяди, ҳатто нафаси Мавлуданинг бўйнига урилгандай бўлаверди. У сесканиб, уйдаги, ҳатто ҳовлидаги чироқларни ҳам ёқиб қўйди.

Комилни ерга қўйгандан кейин бу уйда биринчи марта тунаши эди. Августнинг дим оқшомида бирга ўтириб ош ейишганди. Жиндай аразлашишганди ҳам... Комилнинг ўша оқшом, сўнг эртаси кун тонг пайти айтган гаплари ҳеч эсидан чиқмайди. Худди унинг ўлимини сезиб, ҳар бир сўзини атай ёдига муҳрлаб олгандай.

Кеч топиб, эрта йўқотгани — бу покиза одам бир умрга ташлаб кетганига сира ишонгиси келмасди. Ушанда сўнгги бор унинг кўзларидан ўпганида ҳам, қабрни қучоқлаб йўғлаганида ҳам бунга ишонмади; назарида, ҳаммаси туш — нохуш, қўрқинчли, хунук бир туш эди. Қайнонасиникида ёлғиз қолган кезлари кўзига кўринармиди, ишқилиб, рўпарасида жилмайиб турган Комил акиси пайдо бўларди. Эрта сахар кетаётиб хайрлашганида у шундай жилмайган эди. Энди ўйлаб қараса, Комилнинг ўша жилмайишида қандайдир маъюслик, синиқлик, дард бор экан.

Уни деб Мавлуда дунёдан бефарзанд ўтишга ҳам рози эди. Шунча йил маломатларга ҳам чидаб юрди. Бу маъюс жилмайиб турган йигит нега уни ташлади-кетди? Илгари ташвиш аравасини бирга тортишарди, энди бу

дунё ситамларини бир ўзига қолдирди-ку? Ташлаб кетди-я... Ташлаб кетди... Шу ростми? Туш кўряптимми? Бу оғир уйқудан қачон уйғонади, бу жирканч туш зулмидан қачон қутилади у?..

Қайнонасиникида яшаб юрганида йиғи-сиғию қайнонасининг секингина оҳ уриб қўйиши эрининг ўлимини тасдиқлаб турарди. Ҳайҳотдай бу ҳовлида эса аксинча — у ёлғиз, Комил, ана, қайдадир шу атрофда юрибди. Йўқ, энди келади, даладан ҳориб, чарчаб, уйда бирпас мизғигани, Мавлуданинг ёнида бирпас тин олгани келади. Тонг отар-отмай мотоциклини тариллатиб, яна кетади. Йўқ, у шаҳарга кетган. Қайси бир бемехр онадан қолган гўдакни йўргаклаб, кўтариб киради. Шу билан уйларига янгича ҳаётнинг нафаси уфуради...

Мавлуданинг томоғига нимадир тиқилди. Нафаси қайтди. Ичкарига кирди. Ўзини тўшака ташлади-да, йиғлаб юборди. Бу уйда ҳамма нарса... етим энди. Фақат етим бола йўқ, фақат етим бола йўқ... Шундай йигит бу дунёда зурриёт қолдириб кетмади-я!

Йиғлай-йиғлай овунгач, ҳалиги қўрқув Мавлудани кутилмаганда тарк этди. Шу билан бирга уйда сассиз юрган Комил ҳам ғойиб бўлди. У ўрнидан туриб, чироқларни ўчирди. Назарида, ёруғлик ва устига устак ҳўнграб йиғлаши... Комилни қувгандай эди. Мавлуда қоронғи хоналарда сарсари кезинди. Балки... Комил ҳам Тўхтамининг келишини билиб, қайтиб кетгандир? Қандай разолат! Қандай тубанлик! Эрининг тупроғи совимай туриб нави аблаҳ бостириб кирса-я?! Комил Мавлудадан ҳазар қилади. Нега? Гуноҳи — нима? У яна бўғилди. Қандай қилсин, ахир, у эримнинг хотираси деб, шайнинг булғашмасин, деб келди-ку бу ерга. Унинг шайнинг ҳимоя қиламан деб, эҳтимол ўзининг номи не не балчиқларга беланар. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди, Мавлуданинг нияти бошқаларга қоронғи, лекин Комил билади-ку! Қайнонасиникида турганида кечалари у деразадан жилмайиб қараган ва ўшанда Мавлуда терговчининг гапларини унга маълум қилган, Тўхтамиш тўқиган бўҳтонларга чидай олмаслигини айтган...

Мавлуда гўё чўғ устида ялангоёқ зир югураётган дамда дераза чертилди. Комил кеч қолганида шундай қиларди. Юраги ҳаприқиб кетиб, чироқни ёққанини ўзи ҳам сезмай қолди.

Ташқарида эса... Омонтурдиевнинг кўнглида чироқ ёнди — аммо бу сароб эди — дарров ўчақолди. Чунки Мавлуда дарвозани эмас, деразани очди. Очганда ҳам худди Омонтурдиев темир панжара орасидан суқилиб кириб оладигандай қия очди.

— Менман, жоним... — деди Омонтурдиев унинг ҳаракатини тушунмай.

— Нега келдингиз, кетинг, ҳозироқ кетинг!

— Ўн йил кутдим, ахир, бунчалик тошбағир бўлма-сангиз?

— Ўн йил кутган... бу ёғига ҳам чидар. Ҳали айтдим-ку сизга.

— Келинг энди, Мавлу, биров билмайди...

«Биров билмайди, биров билмайди... Қанақа одам бу ўзи! Биров билмаса, ҳар қандай ҳаромга қўл уравериш мумкинми? Одамнинг ўзидаги иззат-нафс, номус бир қақами?»

Омонтурдиев ҳозир бу туйғулар билан ҳисоблашадиган кайфиятда эмасди. Унинг учун энг муҳими — ҳамма уйқуда. Жувоннинг жим қолиши — ризо аломати. Ҳозир дераза ёпилади-да, чироқ ўчирилади, кейин дарвоза очилади ва...

— Шу кўчада яна кўринган кунингиз йўлимиз бошқа-бошқа тушади!

Мавлуда чиндан ҳам деразани ёпди. Чироқни ўчирди. Аммо дарвоза очилмади.

Омонтурдиев йигит бўлиб бунчалар хорланмаган эди. Алам қилди. Дам деразага, дам дарвозага илинж билан қараб, яна бирпас турди. Сўнг бўралаб сўкинди-да, машинага ўтирди. Эҳтиёткорликни ҳам унутиб, чироқларни ёққанича вағиллатиб ҳайдаб кетди. «Ҳа, қанжиқ, тарозига соялганми, — деди у ўзига-ўзи, ғазабдан титраб, — ҳали шошмай тур, сениям шундай хор қилайки... Пул дардида келган бўлсанг, ноз қилишни ким қўйибди сенга...»

Омонтурдиев машинани боққа қараб бурди. Мурод муғамбир сергак эди. Терим пайти директорнинг ярим тундами, эрта тонгдами кириб келишига кўникиб қолган. Беш-ўн кишилик меҳмон кутишга кечаю кундуз шай турарди.

Омонтурдиев бир-икки ҳўплам коньяк ичгач, итдай ҳайдалгани баттар алам қилди. Томоғидан овқат ўтмади. Шийпонга узала тушди. Хаёл ҳар томонга опқочиб, уйку элитганини сезмай қолди.

Эрталаб телефон жиринглашидан уйғонди. Капитан Одиллов обдон ҳол-аҳвол сўрашгач, майор билан лейтенантнинг кечирим сўрагани келаётганини айтди.

— Боққа бошлайверинг, мазам йўқроқ, идорага бормайман, — деди Омонтурдиев жонланиб.

— Ҳамидова ҳам бўлиши керак экан.

— Шарт эмас, касалхонада-ку, — шундай деб гапни калта қилди-да, ётган ерида: — Мурод! — деб бақирди. Мурод муғамбир уни куттирмади.

— Ҳушёр тур. Нозик меҳмон келадиган бўлиб қолди.

— Биз тайёрмиз, келаверсин.

— Сандиғингни очиб, битта тўн билан бир кийимлик атлас ол-да, яхшилаб ўраб қўй. — Омонтурдиев шундай деб ўрнидан туриб ўтирди. «Дўппи тор келиб қолибди-да, майорнинг ўзи қадам ранжида қилаётган бўлса, демак, акагинам яхшилаб тузлаганлар. Жонон ҳам эгилиптилар-у! Бир кўз уриштириб олсамми... Асқотиб қолар... Оламни остин-устун қилиб юборадигандай иш бошловди. Мана, ўзи оёғимга бош уриб келяпти. Ишлар ёмон эмас...»

Унинг хаёлини моторнинг гуриллаши бузди. Бу атрофга трактор яқинлашмас эди, шунга ҳайрон бўлиб, бўйинни чўзиб қаради. Шатак араваларини қаердадир қолдирган трактор мўрисидан қоп-қора тутун уфуриб, тўғри боққа қараб келарди. У дарвозага етгач, тўхтади ва ундан бир аёл тушди. Омонтурдиев кўзларига ишонмади: Латофат! «Касалхонанинг ҳам карвонсаройдан фарқи қолмаганми, дейман, нега бу ёққа келяпти у?»

Омонтурдиев бир қўлини панжарадан осилтириб, жилмайиб уни қарши олди.

— Қайси шамол учирди, Латофатхон, опоқ бўлиб кетдингизми?

Латофат индамади.

— Омонтурдиев, у шийпонга чиқар, деб ўйлаган эди, йўқ, Латофат рўпарасига келиб тўхтади.

— Тузукмисиз?

— Сиз сўрагандан бери, — деб жавоб берди жувон пичинг билан.

— Трактордаги эринг шекилли? Нима бўлди, тинчликми? Ҳар хил миш-мишлар эшитдим?

— «Ўзини осиб қўйибди», деб эшитдингизми?

— Жуда унақамас-у, ҳар қалай, шунга яқинроқ.

— Нега ўзимни осаман, бекордан бекорга ўладиган аҳмоқ йўқ. Эрим яхши кўради, мен ҳам уни жонимдан ортиқ севаман. Унга теккунча онаси ўпмаган қиз эдим, бегуноҳ эдим...

Омонтурдиев ўзи айтган гапни бунинг оғзидан эшитиб, истеҳзо билан кулди.

— Фақат он а с и г и н а ўпмаган қиз бўлсанг керак...
— Энди майна қиялсизми, ҳа, майли, тил — сизники, гапираверинг, бизгаям навбат келар.

— Нима демоқчилар, онаси ўпмаган қиз?
— Терговчига айтадиган гапларим тўпланиб қолди.
— Овора бўласиз. Иш ёпилган. Тергов тўхтаган.

Ишонмасангиз бориб келинг — опачангизнинг олдига. Энди айтар гапларингиз бир пул. — Омонтурдиев шундай деб қаддини кўтарди. Қовоғини уйди. — Нимага келдинг; дардингни айт-у, жўна. Ҳозир комиссия келиши керак бу ерга. Эржонинг ҳам кутиб қолди.

— Кутса, кўзи қора бўлади, сиз ташвиш чекмай кўя қолинг. Яхшиси, менинг талабларимни эшитинг. Биринчиси — эримга «Жигули» берасиз.

— Онамикидан оламанми?

— Ташаббускор совхоз байроқ олиб қолар? Эримга берсангиз, арзийди, илғор механизаторингиз.

— Илғорки, у ёқ-бу ёғи йўқ. Терим пайтида пахта ташиш ўрнига гўзал маликаларини катаяса қилдириб юрибдилар... Хўп, яна нима дейсан?

— Шаҳардаги уйниям менга берасиз, кўчиб кетамиз.

— Шаҳарни таг-туғи билан номингга ўтказиб бера қолай?

— Уйлаб кўринг, йўқ десангиз, ҳеч нарсадан қайтмайман. Терговни тўхтатган бўлсангиз, райком бор, обком бор. Билиб қўйинг: додимни ҳеч ким эшитмаса, Москвагача бораман.

— Унингни ўчир. Терговни тўхтатган бўлсам, сени деб тўхтатдим. Шарманданг чиқмасин, дедим. Мунча ловуллайсан! Уйни сенга бераман. Айтмасанг ҳам шу нияти бор эди. Хоҳласанг, шу уйни ол. Бир оз кутсанг, бундан зўрини тўғрилаб бераман. Аканг гилам сотса, қўшнига сотади, чунки бир чеккасида ўтириш нияти бор, хуллас, мен билан аразлашишга ҳаққинг йўқ. Биз ака-сингилмиз-а? Сингилжон, акангизни зинҳор хафа қилманг. Энди бораверинг.

— Шу ҳафта ичи бўлсин.

— Сингилжон, деяпман, жонимни сўранг, ҳозироқ, бериб юборай. Фақат ўқрайманг, бу чиройли кўзларга ишвагина ярашади.

Латофат шарт бурилиб, кета бошлади. Уч-тўрт қадам юргач, тўхтаб, орқасига қаради:

— Муҳлат бир ҳафта, билиб қўйинг, а!

Омонтурдиев захархандалик билан қулди. Латофат то тракторга чиқиб ўтиргунча ундан кўзини узмади.

«Қандай кунларга қолдим. Шунинг дўқ уриши етмай турувди ўзи. Вой, ғунажин-э, мени кўрқитмоқчи бўлади-я. Ҳа, знангни... Тўғри айтавер, шу-шу керак, деб. Бермаган — номард. Сендан ҳали кечмаган бўлсам... Ҳе ўша...» Омонтурдиев тутатқиб кетди. Нима қиларини билмай турди, кейин:

— Мурод! — деб бақирди.

Ошхона эшигида Мурод муғамбир кўринди.

— Ҳамма нарса тайёрми? Бунча ивирсийсан, бўл тезроқ. Жойни ичкарига қил.

У пастга тушиб, дарахтзор оралади. Кўнгил хижиллиги сал ёйилгандай бўлди. Шийпонга яқинлашаётиб, крандан қуюлаётган сувнинг жилдираши хаёлини тортди. Краннинг уч томонига қўнган мусича сув ичмоқчи бўлиб, тумшуғини чўзади. Қўлтурм сув ютар-ютмас, чўчиб, бошини кўтаради-да, атрофга аланглайди. Кейин яна тумшуғини чўзади. То чанқоғи босилгунча неча бор бу ҳол такрорланди. «Шўринг қўрғур. Узининг соясидан чўчийди. Мен-чи? Мен... чўчияпманми? Бе-е, шунчаки — кўнглим ғаш. Мана бу мусичага ўхшаб қолганимдан — ўлганим яхши. Мен бургутдай чанг солиб, бургутдай юқори кўтарилишим шарт. Бўлмаса,

ўзимдан рози эмасман. Бу дилхираликлар ўткинчи. Одамлар беш баттарини андавалаб юборадию...»

Дарвозадан ҳаворанг «Волга» кириб келганида кун оға бошлаган эди. Омонтурдиев меҳмонни алоҳида мулозамат билан қарши олди.

— Совхозимизга терговчи келибди деб эшитамиз-у, аммо ўзларини кўролмайдиган доғда қоламиз, сизни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку... — Омонтурдиев Нозима билан сўрашар экан, бу гапни унинг кўнгли учун эмас, балки қўлини узоқроқ ушлаб туриш муродида айтди. Нозима аччиқланиб зарда билан қўлини тортиб олди. Кейин... Одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса мавжуд бўлган дастурхон атрофида эски қадрдонлардек чақчақлашиб ўтиришди. Бўтаев латифага уста экан — Нозиманинг энсасини қотириб даврани гуллатиб юборди. Латифалар тугаб, суҳбат мавзуи саёзлаша бошлагач, у муддаога кўчди.

— Тўхтамиш Омонтурдиевич, долзарб пайтда сизни ишдан қўйдик узр.

— Нима деяпсиз, шунақа баҳонада бир дам олволамиз биз — шўринг қўрғурлар ҳам. Иш кўплиги рост. Ҳозир кимга осон — далада пахта тераётганга осон. Эрталаб туради, нормасини бажаради-да, уйига бориб, оёғини узати-иб ётади. Уйимдагилар мени рўйхатдан ҳам ўчириб ташлашгандир. Ярим кечада сводка берамиз: бугун далага қанча одам чиқди, тушгача қанча эди, кейин қанча қолди, ҳар кишига ўртача қанчадан тушди, эртага қанча одам чиқади, шунинг нечтаси эркак, нечтаси хотин, улар қанчадан терадию нечта машина ишлайди, улар қанчадан теради?... Хуллас, мана шу сводкалар бизни қаритса керак.

— Яхши ният қилинг, Тўхтамиш Омонтурдиевич, ҳали бундан ҳам зўрроқ сводка талаб қиладиган амаллар сизни кутяпти.

— Агар каттароқ столни олсам, сводка деган нарсани йўқ қиламан. Пахтанг борми, тер, планни бажару дўппингни осмонга отиб юравер, азамат, дейман.

— Шу кунларни кўрайлик. Энди, Тўхтамиш Омонтурдиевич, бу томонларга бир уятли иш сабаб бўлиб келдик. Ходимимиз ёшлик қилиб, тажрибасизлик қилиб, текшириб, тўғри хулосаланган «Иш»ни чалкаштириб юборибди. Ҳаммангизни овора қилибди. Сизни феъли кенг, танти одам деб биламиз, синглимизни, у киши орқали бизни — бўлимимизни кечиринг. Иш бор жойда камчилик бўлар экан.

— Илғари ранжимаган бўлсам ҳам, энди хафаман. Шу гап сиздан лозиммиди? Синглимизда нима айб? Кўришлари керак эди, кўрдилар. Касбларингиз ўзи шунақа-да. Туя сўйиб чорласам ҳам келмасдингизлар. Вақт топиб, йўқлабсиз, минг раҳмат. Унақа гапларни қўйинг. Сиз айтмадингиз, мен эшитмадим. — Омонтурдиев шундай деб ўрнидан турди-да, зинага оёқ қўйиб: — Муроджон, укам, қаердасан? — деб чақирди. Ошхонадан кўриниш берган Мурод муғамбирга имо қилди. Зум ўтмай қоғозга ўроғлиқ совғалар олиб келинди. — Бу биздан, бугунги ўтиришимиздан эсдалик. Теримни ўтказиб олайлик, пахта байрамида бошқача кутиб оламиз.

Бўтаев унча таранг қилмай совғани қабул қилди. Нозима олишга унамади. Омонтурдиев унинг кафтини икки қўли билан ушлаб, «истеъдодли ёш терговчи» шаънига анча гаплар айтди. Унинг имоси билан Мурод муғамбир совғани машинага элтди.

Оқшом тушмай хайр-хўшлашиб, йўлга чиқдилар. Йўл-йўлакай капитанни ташлаб ўтишди.

Қайтишда ҳам гаплари қовушмади. «Атласни машинасида қолдираман, хотинига олиб бориб берсин... Йўқ, Султоновга олиб кираман...»

Нозима шаҳарга етгунча бир қарорга келолмай

гаранг бўлди. Бўтаев машинани бошқарма эшиги олдида тўхтатди.

— Мен машинани гаражга қўйиб келаман. Сиз анави совғаларни олинг-да, расмийлаштириб қўйинг.

Нозима бўлим бошлиғига ажабланиб қаради. «Иш»нинг ёпилиши ниқоб эканига энди шубҳаси қолмади...

Эрталаб, ўғирлик ҳақидаги «Иш» билан танишиб ўтирганида эшик очилиб, Бўтаев кўринди.

— Хўш, ўртоқ аразчи, гиналарни уйингизга ташлаб келдингизми? Уялмай қўяверинг. «Иш»ни индамай ёлганингизда уялсангиз бўлар эди. Ўзига ишонмаган одамдан терговчи чиқмайди. «Иш» ҳали ора йўлда бўлса ҳам, капитуляциямни қабул қилинг.

— Осонгина таслим бўляпсиз, ўртоқ майор, ишонгим йўқ.

— Шубҳаларингизни жиноятчиларингизга асраб қўйинг, менга эса ишонаверинг. Қани, Садировнинг «Иш»и бўйича йиққан бисотларингизни олинг, полковник кутяпти.

Нозима «Иш»ни ёпиш учун тайёрлаб қўйган қоғозларни кўтарди.

— Ўртоқ майор, кечаги томоша-ку, Омонтурдиевни чўчитиб қўймаслик учун қилинди, тушундим, — деди у даҳлизга чиқиб, — менга берилган ёлгон буйруқ нимага керак эди?

— Ана, холос, шуни ҳам билмадингизми? «Иш»ни ёпинг, деганимиз сизга ёқмади-ку, тўғрими? Ана шу норозилигингиз юзингиздан, хатти-ҳаракатингиздан сезилиб туриши керак эди. Омонтурдиев орага одам қўйди. Ҳозир ҳамма нарсадан ҳадиксирайдиган пайти. Ўша одамнинг гапи билан «Иш»ни ёпишимизни билса ҳам, тўла-тўқис ишонмайди. Сиз у ерга хотиржам бориб, ўйнаб-кулиб келганингизда баттар хавотир ўйғотиб қўярдингиз.

— Демак, менга ишонмагансизлар?

— Ҳа, ишонмадик. Бунақа шароитда уста актёр ҳам панд бериб қўйиши мумкин.

Полковник Султоновнинг хонасида яна икки киши — ОБХСС бошлиғи ва жиноят қидирув бўлими бошлиғи бор экан. Улар киргач, Султонов ҳеч бир тараддудсиз, муддаога кўчди.

— Ўртоқ лейтенант, тахминларингиз билан таништиринг-чи.

Нозима бунга тайёр эмасди. «Иш»ни ёпиш ҳақида буйруқ олмасидан бурун бир неча тахмини бўлиб, уларнинг ҳар бири, назарида, аниқ далилга асосланган эди. Утган-икки кун ичида барча асоси пуч эканига ўзи ҳам ишона бошлаган эди. Энди ўша пуч асослар замирига яна назар ташлаши, фикрларини далилларга таяниб баён қилиши лозим эди. У қоғозлар ичидан ниманидир қидириб бўлиб, баҳонада хаёлини жамлаб олди. Султонов уни шоширмади. Ёнида ўтирган ОБХСС бошлиғининг қуролига шивирлади. ОБХСС бошлиғи маъқул ишорасини қилди. Ниҳоят, Нозима қоғозлардан кўз узиб, полковникка қаради. Султоновнинг хотиржам эканини кўриб, ҳаяжони бир оз босилди.

— Садировнинг чўкиб ўлишига доир бир неча тахминлар бор эди. Биринчиси, маст ҳолда чўкиб ўлган...

— Исботланмаган тахминларни айтиб ўтирманг. Мен ўртоқларни бу «Иш» билан умумий тарзда таништирганман. Сиз асосий гумонларингизни, таклифларингизни айтинг.

— Асосий гумонимми? Садиров — ўлдирилган. У Омонтурдиевнинг айрим нозик сирларидан хабардор бўлган, афтидан, уни очишга ҳаракат қилган. Омонтурдиев эса Ҳамидова ва Шоғиёсовларни ишга солиб уни ўлдирирган. Садиров эрталаб йўлга чиқшини Омон-

турдиев билган. Ҳамидованинг вазифаси — Садировни йўлда учратиш, канал томон бошлашдан иборат бўлган. Тайёрланган суиқасддан у беҳабар бўлишим мумкин. Аммо Шоғиёсов ўлдириш мақсадида кутиб турган.

— Садировни нима учун бошқа ерда эмас, айнан бешинчи бўлимда кутишган?

— Биринчидан, Садировнинг идораси шу ерда, иккинчидан, бўлимдаги чархпалак атай тўхтатиб қўйилган. Садировнинг ундан хабар олиши тайин эди. Омонтурдиев бу ишда шахсан иштирок этмаган. Шоғиёсов терговни чалғитиш учунгина гинеколог Зариповани айтди.

— Бу ишга Субхон Солмонов ҳам аралашган бўлиши мумкин. Эрталаб уни маст ҳолда кўришган, — деди Бўтаев. — Атрофда бошқа ҳеч ким бўлмаган. Бундан ташқари, кўп ўтмай у кўчиб кетган?

— Мен ўртоқ майорнинг гумонларига қўшилмайман. Биринчидан, Садиров билан Солмоновнинг ораси яхши бўлган. Иккинчидан, бу ишга бош қўшган одам ўзини кўздан панлага олади. Учунинчидан, мурдани қидиришни Шоғиёсов эмас, у бошлаган, тўртинчидан, справкани...

— Яхши, — Султонов шундай деб, унинг гапини бўлди. — Таклифларингизни айтинг.

— «Иш»ни «ёп»дик, энди бошқа йўллари йўлаб кўриш керак. Аввал бошда уларни чалғитиш учун Солмоновни айблаб турмоқчи эдим. Энди бу усул, табиийки, ярамайди.

— Омонтурдиев гувоҳларни йўқотишга ҳаракат қилмасмикин? — деб сўради жиноят қидирув бўлими бошлиғи.

— Бўлиши мумкин.

— Шундай қилиши аниқ, — деди Бўтаев. — Омонтурдиевнинг бунақа ишларда тажрибаси йўқ. Бундай ҳолда энг осон йўл тутилади. Гувоҳларнинг иккови ҳам ўзига яқин одамлар, демак, заҳарлаб ўлдириши мумкин. Ёки уларни ўз жонига қасд қилишга руҳан мажбур қилади. Ҳамидованинг ўзини осмоқчи бўлгани шундан далолат эмасми?

— Таклифингиз?

— Ана уларни Омонтурдиевнинг кўзидан қочириш керак.

— Қандай қилиб? Шоғиёсовни қамоққа олсак, Омонтурдиев шубҳаланиб қолади.

— Мен бунга йўлаб қўйдим, — деди жиноят қидирув бўлими бошлиғи, — Шоғиёсовни безорилиги учун қамоққа оламиз. У район марказидаги ресторанда кўп ўтираркан. Арзимас жанжал чиқарамиз. Ҳамидовани эса икки-уч ойга малака ошириш курсига ўқишга юбориш мумкин.

— Омонтурдиевни қай йўсинда қўлга оламиз? Уйлаб кўрдингларми? Уни қуруқ гап билан эмас, жиноят устида ушлаш керак, бўлмаса, қўлдан сирғалиб чиқиб кетади. Ҳатто айрим ҳужжатларини йўқ қилишим ҳеч гап эмас.

— Бу масалада Садирова билан келишилган. Пунктдаги ўртоқлар ҳам сергак, — деди ОБХСС бошлиғи, — ҳозирча, Омонтурдиев пулни қай тариқа бериши номаълум. Шу аниқланиши билан ишга киришамиз.

Мавлуданинг совхозга келиб қолиш сабабини Нозима энди тушунди. ОБХСС бошлиғи Садированинг кўнглидагини қандай билиб, уни қандай кўндира олди экан? Бу — Нозима учун қоронғи эди. Мавлуда ўзини йўқлаб юриб, тасодифан Султоновга дуч келгани, мақсадини айтгани, сўнг полковник ОБХСС бошлиғини чақириб, биргаликда режа тузишганини у кейинроқ билди.

Ўша куни ҳар бир бўлим қиладиган ишлар аниқ белгиланди. Садировнинг сўнги кунлари ҳақида Нозима қўшимча маълумот тўплаши лозим эди. Шу сабабли йиғилиш тугаши билан илмий-текшириш институтига

телефон қилиб, унинг илмий раҳбари хориждан қайтганини аниқлади-да, йўлга чиқди.

Ҳамроқул Исмоилов — Садировнинг илмий раҳбари — ёши элликдан ошган, паст бўйли, кўриниши чайир одам эди. Сочлари буткул тўкилган, бошига қўндирган гилам дўпписи эса офтобда рангини олдириб қўйган эди. У Нозиманинг мақсадини эшитиб, чуқур хўрсинди-да, столни чертиб-чертиб қўйди.

— Келган кунимоқ эшитганман, бола бекорга нобуд бўлиб кетди, — у шундай деб столни яна чертди. — Бу ерга мен олиб келган эдим уни. Бунақа жойларга фалончи фалончиевичларнинг болаларию жиянлари уруф қўйишга ишқибоз. Иссиқ жой-да, ишламай маош олаверар, биров ғинг демасди. Комилга ўхшаганларни бошлаб келмасанг, ўзлари яқинлашмасди. Ҳа, шунақа эди. Янги директор институтни анча тозалади. Энди, Комилдақа тиришқоқ болалар кам. Сал бетоқатлик қилди-да. Учарлар икки-уч йилда диссертация ёқлаб олишяпти. Унинг ўрнида бўлсам, менгаям алам қиларди. Етти-саккиз йил ишлади. Мақсади яхши эди. Бундан... кетишига тўғаноқ бўлмадим, чунки бир кун қайтиб келишига ишонувдим. «Домлажон, — у мени «домлажон» дерди, — яна институтга қайтдим», деб кириб келишини кутардим.

— Нега энди? Қайтишига бирор сабаб бор эдими?

— Ҳа, бор эди. Аввало, унинг фарази, тажрибаси кутилган натижани бермасди. Генетик кодни бу хилда аниқлаб, ўзгартириш мумкин эмас. Кечирасиз... сиз буни тушунмасангиз керак?

— Шу ишнинг орқасидан юриб, янгиликнинг доврўғини сал-пал эшитдим.

— Авваллари ғўзага асосан кимёвий йўл билан таъсир ўтказилар эди. Биз физикавий таъсир тарафдорларимиз. Комил ўсимлик, жумладан ғўза ҳам, биз ўйлагандек ёввойи, онгсиз эмас, деб ҳисобларди. Унинг фикрича, инсон аъзоларини мия бошқаргани каби, ўсимликда ҳам шундай нуқта бор. Уша нуқтани у топмоқчи эди. Ана шунда инсонга биоток орқали таъсир кўрсатиш мумкин бўлганидек, ўсимликни ҳам бошқаришга имкон туғилади. Вазнсизлик ҳолати шу йўлдаги уринишлардан бири эди. — Ҳамроқул Исмоилов бармоқларига тикилганча тин олди. — Сизни бу гаплар қизиқтирмас керак, а?

Нозима дафъатан берилган бу саволдан ўнғайсизланди.

— Мен ўзим қизиққанам билан ишга унчалик...

— Тушуниб турибман. Яхё айтиб берди ҳаммасини. Ичиш-ичмаслигини сўриштирган экансиз?

— Ҳа. Буни аниқлаш шарт эди.

— Турмуш қурганга ўхшайсиз, сўраганининг айби йўқ, ўртоғингиз ичадими?

— Ҳа, оз-моз.

— Оз-моз. Ҳм-м. Оз-моз. Ҳозир шунақа: фалончи ичмас эмиш, десанг, ҳайратланишади. Буни қаранг-а, Соғлиқни сақлаш министрлиги ичманг — сиҳатингиз бузилади, деб огоҳлантиради, савдо ташкилотлари эса, ароқ ичган — етар муродга, деб жар солади.

— Йўғ-е, ундай эмас.

— Шундай, қизим, шундай. Сизлар эса қўйиб берасизлар. Жиноят содир бўлгачгина унинг изига тушасизлар. — Илмий раҳбар гапларини дон-дона қилиб, ҳовлиқмай, эътирозга ўрин қолдирмай гапирарди. — Шунақа, ўртоқ терговчи, бу ароқларни йўқ қилмас экансиз, жиноятни тугата олмайсиз.

— Гапингиз тўғри, лекин бу биз ҳал қиладиган масала эмас.

— Мана, энди ўзингизга келдингиз. Ҳаммамиз ҳам бу масалани биз ҳал қилмаймиз, деб юраверамиз. Аслида...

— Сиз Садировнинг ичиш-ичмаслигини айтмоқчи эдингиз?

— Кўп қатори ичарди.

— Маст-аласт юрмасмиди?

— Етти йил бирга ишлаб, маст юрганини кўрмаганман, лекин пивони жуда ёқтирарди. Баъзан кундузи — чой ўрнида ҳам пиво ичарди. Бир пиёла пиво кимни маст қилибди, қурғурнинг ҳиди ёмонда. Оғзингдан бурқсиб турса, ичган ҳисобланасан. Кўп зиё-фатларда бирга бўлганмиз. Маст бўлиш даражасида ичмаган. Оғайнилардан ҳам, Комил думалаб қолди, деб сира эшитмаганман.

— Демак, ичкиликбозлиги учун ишдан ҳайдалмаган? Шундайми?

— Нималар деяпсиз?! Директорнинг ўзи, қол, деб қанча ялинган!

— Садировнинг институтга қайтишига сабаблар бор эди, деб туриб чалғиб кетдингиз.

— Комил совхоз шароитида ишлай олмасди. У пок йигит эди. Совхоздаги ғирромликлар уни эзиб қўярди, — аниқроғи, эзиб қўйган эди. Узоқ чидолмаслигига кўзим етарди.

— Совхоздаги ғирромликларни билармиди?

— Комил кўр ҳам, кар ҳам, бефаросат ҳам эмасди.

— Буни биламан. Саволимга аниқроқ жавоб беринг: найранглар Садировга шунчаки маълуммиди ёки у шерикмиди?

— Шерик? — Ҳамроқул Исмоилов бош чайқади. — Йў-ўқ, бу гумонингиз чакки, қизим, бошқадан кутсам ҳам, Комилдан буни кутмайман.

— Садиров совхоздаги найрангларни сизга ҳеч айтганми?

— Айтган.

— Қачон?

— Охирги учрашувимизда.

— Қаерда, қачон учрашгансиз — совхоздами ё Садиров бу ерга атай келганмиди?

— Москвада, Домодедовода учрашганмиз. Ун тўққизинчига ўтар кечаси.

Комил аэропорт дикторининг ширали овозини, тўғрироғи, самолёт учиши ҳақидаги хабарини орзиқиб кутмоқда эди. Учиш яна беш соатга кечикканини айтганида унинг овози ҳам ёқимсиздек туюлиб кетди. Икки соат бадалидаги диққатпазлиги етмагандек, яна шунча вақт ипсиз боғлиқ деб ўтириши керак. Беш соатдан кейин учадими ёки тонгни ҳам шу ерда — тоқати тоқ бўлиб кутиб оладими? Тошкентдан учган ва ҳозиргина келган самолётга чиққанлар ўн икки соат кутишибди... Комил бесаранжом залда бўғилгандан бўғилиб, ташқарига чиқди. Бир кўлида чамадон, иккинчисида катта қовун кўтариб келаётган илмий раҳбарини кўрдию кўнгли бирдан равшан тортди.

Ҳамроқул Исмоилов, борар меҳмонхонаси тайин бўлса ҳам, Комил, ярим кечада нима қиласиз юриб, дегач, қаҳва ичишга рози бўлиб, ичкари кирди. Тик оёқда енгилгина тамадди қилишди. Гап орасида Москвада қилган ишларини Комил ҳаяжон билан айтиб берди.

— Ваъда — ошиғинг олчи, деган гап эмас.

Комил илмий раҳбарининг эҳтиросга берилмаслигини биларди. Шундай бўлса ҳам, космонавтларнинг ваъдасини бефарқ эшитганидан ҳайратланди. Кўнгли оғриди.

— Бу янгиликдан хурсанд бўларсиз, деб ўйловдим, — деди у ранжиганини яширмай.

— Қувонишга ҳали анча бор.

— Гапингиз кимёвий кураш тарафдорларини эсга соляптию?!

— Раҳмат, консерваторга ўхшайман деб ўйламовдим сира.

— Гапимни оғир олманг, домлажон, ҳар бир одамнинг қониди консерватизм борга ўхшайди. Олим — чуқур фикрловчи, шу туфайли ҳақиқатнинг илдизига етиб борувчи бўладими?! Илмда гоҳо янглишиш табиийми? Хўш, нега унда буни олим тан олмайди?

— Мени назарда тутяпсанми?

— Умуман, айтяпман. Яна биттадан қаҳва ичайлик.

Ҳамроқул Исмоилов навбатда турган одамларга қараб олди.

— Керак эмас, гапингни бўлма.

— Сизни хафа қилиб қўйдимми, дейман?

— Тилёғламачиликни билмасдинг шекилли? Гапиравер, «берди»сини айттирмади домлам, деб юрма тагин.

Комил кулимсиради, дилгирлиги бир оз тарқади.

— Зараркунандаларга қарши кимёвий курашни кашф этганлар биологик курашни тан олмай туришибди. Ўз ғоясига содиқликми бу?

— Менимча, ниқоб. Содиқликни ниқоб қилишади улар.

— Мен ҳам шуни айтмоқчиман-да, э, худбинлар-э, мағлубиятини тан олгилари келмайди. Вақт уларнинг кашфиётини улоқтириб ташлади. Одамзотга мақбул янгилик кашф этилди. Чинакам мард олим кўзини юммай, янгиликка оқ йўл тилаши керак.

— Мен қайси бирига кираман?

— Сизми... менга оқ йўл бергансиз, эсингиздан чиқдимми?

— Айёрсан бола, айёрсан, — Исмоилов шогирдига қараб жилмайди. — Лекин бу ишингни пухта ўйла. Идеал вазнсизлик фақат коинотдагина мавжуд, бу — бор гап. Лекин у ёқда неча марта ҳосил олиш мумкин?

— Қадимги совчилар куёв ёки келин бўлмишининг етти пуштини суриштиришар экан. Одамнинг насли эҳтимол, еттинчи пуштира ўзгарар? Агар, шу тўғри бўлса, ғўзаниям олти-етти авлодини коинотда етиштириш керак-да.

— Ана, энди ўзингга келдинг. Камида етти-саккиз марта! Иш режаси тасдиқланаётганида шу фикрни ўтказиш лозим. Хў-ўш, боргач, иккаламиз директорга кирамиз, ундан кейин академиядаги раҳбарларга чиқамиз.

— Домлажон, шу гапга биттадан қаҳва ичмасак — бўлмайди, ресторан ишлаганда бошқача нишонлардик, албатта, консерватор деган гапимни қайтиб олдим.

Комил илиқ қаҳвани думалоқ стол устига қўйди.

— Терим тугагач, қайтмоқчиман, ишга оласизми-йўқми?

Бу гапни ҳазил тариқасида айтган бўлса ҳам, Исмоилов унинг овозидаги хазинликни сизди.

— Жонингга тегдимми?

— Жонингга тегди, — деди домласининг кўзига қарашга ботинмай, — ортиқ чидолмайман.

— Нима бўлди?

— Мана бу ерим кирланиб кетяпти, — Комил шундай деб кўкрагига уриб қўйди.

— Очикроқ айт-чи, нима гап ўзи?

— Очикроқми... Совхозларда унча-бунча найрангу фирромлик бўлишини билардим, аммо беш қўлни баравар оғизга тиқишларидан беҳабар эканман. Дўппи тор келганида планниям, қолаверса, мажбуриятинга қоғозда бажаришади. Айтсам — тилим куяди, айтмасам — дилим, дейишади-ку... Яқинда бир бўлим бошқарувчиси менга ёрилиб қолди: терилмаган пахта терилди деб ведомост тайёрлашаркан, кишиларнинг ўрнига ям ўзлари қўл қўйишаркан. Ҳатто анави... мениям шунга

шерик қилайин, деб кўп уринди. Бултур пул бермоқчи бўлувди.

— Олмадингми?

— Йўқ.

— Виждонинг йўл қўймадимми?

— Ҳа. Пахтани пахта деса, бошқа ишлардан ҳам латта ҳиди келяпти. Бу йил эллик гектарга шולי эккан эдик, бир кун қарасам, қоғозда — ўттиз гектар. Индамадим. Кейинроқ ўн беш гектардаги уруғ чириб кетди, деб акт қилишди, сўнг яна етти гектарга. Хуллас олинадиган ҳосил уруғликкаям етмаса керак. Сабзавот ҳам — шу. Болалар беркинмачоқ ўйнашади-ку, шунинг худди ўзгинаси — бир бола кўзини юмиб, бўлдимми, бўлдимми, деб туради. Бўлди, дейишганда кўрадики, атрофида ҳеч ким йўқ. Буларнинг ишиям шунақа. Поллизларга қараб, пишдимми, пишдимми? дейсиз. Улар, йўқ, йўқ, деб туришади. Бирдан, пишди, дейишади. Бундай қарасангиз, дала бўм-бўш.

— Менга қара, шолининг актларига қўл қўйганмисан?

— Ҳа.

— Унда, акт қилишди, эмас, акт қилдик, буларнинг иши шунақа, эмас, ишимиз шунақа, деявер-да.

— Домлажон, унақа деманг, мен уларга шерик бўлганимча йўқ, виждоним пок.

— Виждон, виждон дейсан... Нимаси пок?! Қалбаки актларга қўл қўйсанг, йўқ пахталар топширилди, дейилса, қўл қўйсанг, найрангларни кўриб, кўз юмсанг... Шу — покликми? Ҳа... у пул берибдую сен олмасан, ҳазар қилибсан! Буюк жасорат! Виждони пок бош агрономга ҳамма таъзим қилиши керак!

Комил ўзини оқлашга сўз тополмай қолди.

— Фирромликларни икки йилдан бери кўряпсан. Нега шу тобгача индамадинг? Индай олмас эдинг. Шартни буза олмасдинг. Сиздан угина, биздан бугина.

— Ким айтди сизга?

— Биров айтиши шартми? У сенга шароит яратди — чархпалаклар ясаттирди, сен-чи, сен унга диссертация ёзиб берасан, фирромликларни кўриб, кўрмаганга олсан ўзингни. Шу покликка кирадимми, а? Чархпалакларнинг кимнинг ҳисобидан қурилган, бу иш учун ажратилган совхознинг маблағи йўқдир? Афсус, минг афсус... Олим бўласанми, ё бўлмайсанми, ихтиёринг, аммо одам бўлишга, ҳалол коммунист бўлишга мажбурсан, чунки мен сенга қафолат берганман, Садиров жамиятнинг фаол аъзоси, яратувчан деб партияни ишонтирганман. Илмда янгилик қилмасанг ҳам майли, лекин ҳақиқатни юзага чиқиши учун курашмасанг, коммунист деган номга нолойиқ бу, деб биринчи бўлиб ўзим қоралайман. Ҳа, унга қўшиб мениям жазоланг, коммунист сифатида хато қилганман — нолойиқ кимсага қафолат берганман, дейман. Ҳаромдан ҳазар қилган одам покиза бўлавермайди. Уни йўқотиш учун курашган одамни пок дейдилар, шуни қулоғингга қўйиб ол.

Қаҳва ичилмади.

Совуққина хайрлашдилар.

— Оғир гапириб, кўнглини ранжитганимдан армондаман. Комил нима қилган бўлсаям ўзини ўйлаб эмас, илми деб қилган, буни билардим. Лекин бари бир уни оқлай олмасдим. Мен айтмасам ҳам у курашарди, бунга имоним комил. Лекин... қариганингдан кейин насиҳатгўй бўлиб қоларкансан... — Ҳамроқул Исмоилов шундай деб яна столни чертди.

Илмий раҳбарнинг гаплари Нозима учун кутилмаган янгилик бўлди. Омонтурдиев билан Садиров орасида тўқнашув юз берганига шубҳаси қолмади. Садиров йигирманчида Яҳёникида бўлиб, совхозга йигирма биринчида қайтган. Йигирма иккинчида... Демак, ҳамма масала йигирма биринчида пишиб етилган...

Омад

Тўхтамиш Омонтурдиев эрталаб хуш кайфиятда кириб келди.

— Пойқадамингиз ёқди бизга, Мавлудахон, — деди у бош агрономнинг қўлини сиқиб, — радиони эшитдингизми, совхозимиз ўн кунликда мусобақа ғолиби бўлди. Району областда эмас, рес-пуб-ли-ка-да!! Иш деган мана бундай бўпти-дас.

— Омадингизни берсин.

Мавлуда шундай деб қўлини тортиб олмоқчи эди, Омонтурдиев қўйиб юбормади.

— Омадимизни денг, — деди жувоннинг кўзига ҳирс билан тикилиб.

— Биров кўриб қолса, нима дейди, қўйинг.

Омонтурдиев унинг қўлини бўшатди.

— Областга чақиришди, кечгача ўша ерда бўламан. Совхозни сизга, сизни... сизни ҳеч кимга ишониб топширмайман — билиб қўйинг. Бугун дала-палага чиқиб юрманг. Хонамда ўтира туринг, ўртоқлар телефон қилиб қолиши мумкин.

Мавлуда директорнинг хонасига оёқ босмади, эшикни қия очиб қўйди-да, ўзининг жойида ўтираверди. Телефон жон ҳолатда жиринглайвергач, ноилож бориб олди. Райкомдан экан. Чорва бўйича шошилиш ахборотни талаб қилишди. Мавлуда бу ишлардан беҳабар эди, нима қилишни билмай стол устидаги қоғозларни кўздан кечирди. Уни тополмагач, ғаладонни очди — Омонтурдиев ғаладонни беркитишни унутиб, калитни қулф оғзида қолдирган экан — қараса, бу ерда ҳеч қанақа ахборот йўқ. Аммо қоғозлар ичидаги бир рўйхат Мавлуданинг диққатини тортди. Уттизга яқин фамилия, уларнинг ҳар бири қаршисида — рақамлар. Фамилияларнинг ҳаммаси таниш, совхоз раҳбарларидан тортиб ундан катталаргача бор. «17. Садиров К. 2,5+1+0,5+3+2+1». Мавлуда рақамлар нимани ифодалаганини дастлаб англамади. Тушуниб етгач, титраб кетди. Нафаси қайтди. Гуноҳ иш қилаётгандай кўрқиб, атрофга қараб олди. Рўйхат ёзилган қоғозни беихтиёр ёғимлади-да, юмшоқ қизил креслога ўтириб қолди. Муштумини пешонасига тиради. «Бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам... Комил акам бўри эмасдилар, ундайлардан ҳазар қилардилар. Лекин... Бари бир шуларнинг рўйхатида эканлар. Пул олмаган бўлсалар ҳам олди деб ҳисоблашаркан-да. Комил акамнинг улушини ким олган? Тўхтамишми? О, баднафс... Нафси бузуқ ҳайитда ўлади, дейишарди, бунақаларнинг ҳайити қачон ўзи?...»

Телефонда ҳамон ундан жавоб кутаётган райком ходимининг асабий овозда: «Алло! Алло!», деганини эшитгач, Мавлуда ўзига келди. Ахборот-пахборот йўқлигини айтиб, трубкани қўйди-да, хонасига йўл олди. У ерга сиғмай, ташқарига чиқди.

Пулни Тўхтамиш бўлган. У, Комил ҳам шерик эди деб туриб олса, ноҳақлигини ким исботлайди? Мавлудами? Қандай қилиб? Қуруқ гап биланми?

Ўйлаб ўйига етолмай ўтирганида кассир келиб, ведомостларни узатди.

— Директорнинг хонасига қарасам, йўқ экансиз, — деди у ишшайиб.

— У ерда ўтиришга ҳали вақт бор, — деди Мавлуда ведомостларни олиб.

— Ўша стол сизга хў-ўп ярашади-да...

«Ишшаймай қўшмозор бўл, ялтоқланмаган сен қолувдинг...»

Ведомостларга қўл қўяётганида ичкарида яна телефон жиринглади. Нохуш бир кайфиятда у ўрнидан турди.

Омонтурдиев оқшомга яқин қайтди.

— Қутловларга кўмилиб кетдим, — деди у шира-кайф кўзларини Мавлудага қадаб. Билиб қўйинг: мажбуриятга яна уч центнердан қўшишди, хўп, деб юбордим, эплаймизми?

— Омадингизни берса...

— Сиз тилак тиладингиз-ку, омадни менга бермай кимга беради. Ҳеч гап йўқми?

— Бор, — Мавлуда стол устидаги қоғозга қараб олди. — Касаба союздан телефон қилишди. Шийпонларинг кам, бори ҳам талабга жавоб бермайди, дейишди.

— Шийпонларимиз тинмай ишласа — айланиб ётган бўлса, нимаси ёмон экан?

— Айланиб ётибди?

— Ҳа-да. Ахир чархпалаклар осмондан тушмаган-ку, шийпонларнинг пулига қурилган.

— Энди нима бўлади?

— Нима бўларди, сиз давом эттираверасиз.

— Йўқ. Кўрарга кўзим йўқ ўша — чархпалакларни.

— Майли, бўпти, ҳаяжонланманг. Бу ёғи — ўзимизга тан. Яна нима гаплар?

— Совхозлар бошқармасидан шошилиш битта одам сўрашди — малака ошириш курсига, биологатория бўйича экан, Ҳамидовани айтдим.

— Нера? — Омонтурдиевнинг авзойи ўзгарди.

— У ерда бошқа ким бор? Эрталаб шаҳарда бўлсин, деб кисталанг қилишди. Ҳамидовага одам юбордим...

— Бунақа масалаларни фақат мен ҳал қиламан, тушундингизми? Сиз иккинчи бундай ишга аралашманг.

— Хўп. Аввалроқ айтиб қўймайсизми шуни! Бош агроном эмас, қўғирчоқсан, деганингизда индамай ўтирардим.

— Дарров аразми? Энди директор ҳал қиладиган ишларга аралашманг-да.

— Хўп, тавба қилдим, — деди Мавлуда, зарда билан. — Ички ишлар бўлимидан ҳам телефон қилишди. Шоғиёсов деганни қамаб қўйишибди.

— А? Нера?

— Ичволиб райком секретарининг шофёрини урибди.

— Падарингга лаънат! — Омонтурдиев шундай деб хонадан отилиб чиқди. Шофёрига жавоб бериб юборди-да, ўзи рўлга ўтирди.

Мавлуда эшикни ёпиб, энди кетаман деб турганида, Омонтурдиев қайтиб келди. Йўлда, афтидан, фикри ўзгарган, тафти анча босилган эди.

— Кетяпсизми, — деди у Мавлудага, — ўтиринг, олиб бориб қўяман.

— Раҳмат. Ўзим кетаман, тоза ҳавода...

— Идорада ўтириб, зерикдингизми? Хайр, майли, унда эрталабдан саккизинчи бўлимга чиқинг. Пахтаси кўп-у, теримнинг тайини йўқ. Бошқарувчисига ҳам харидор чиқиб турибди. Янги совхозга бош агрономликка сўрашяпти. Йўқ десам, кадрларнинг ўсишига қаршимисиз дейишди. Шунақа: кадрни тарбиялаб-тарбиялаб, ўзимиз қуруқ қолаверамиз. У кетса, то янги бошқарувчи тайинлагунимизча шуни ўзингиз эплаштириб турасиз.

Мавлуда мажлисдан кейин «эркакча гап» чоғи директор билан айтишиб қолган йигитни эслади: «бир ҳафтадаёқ тақдири ҳал бўлибди-да боёқишнинг...»

Саккизинчи бўлимни назорат қилишга ҳожат йўқ эди. Ҳашарчилар ҳам, ишчилар ҳам аниқ режа бўйича ишлар, Мавлуда буни биларди. Гарчи пайкаллардан ҳали пахта териб олинмагандай бўлса-да, план бажарилай деб қолган эди.

Бошқарувчи, ариқ ёқасидаги бостирманамо қўлбола шийпонда ҳисоб-китоб қилиб ўтирган экан, Мавлуда

билан ҳол-аҳвол сўрашган бўлса-да, яна ишини давом эттирди.

— Сизни элчи қилиб юбордиларми каттамиз? — деди бир вақт қоғоздан бош кўтариб. — Овора бўлади, биттаям одамни яқин йўлатмайман. Ҳар ким ўзининг пахтасини терсин.

— Мен элчи эмас, бош агрономман, далангизга келишга ҳаққим бордир?

Бошқарувчи кўрслиги учун мулзам бўлди.

— Кечиринг, опа, директор еттинчи бўлимдагилар шу ердан пахта терсин, девди. Унамадим. Кўндиргани келибсизми депман.

— Уйламасдан гапириб юбораркансиз. Тил югуриги...

— Менинг бошим тошдан, хавотир олманг.

— Кўтарилаётганингиздан хабардормисиз?

— Ҳали шунақа гап ҳам борми?

— Янги совхозга бош агроном бўлармишсиз-у?

— Каттамизга қуллуқ қиларканман-да, — бошқарувчи кулимсиради. — Менга қилган яхшилигимни ё ёмонлигимни — бу?

— Агар, бу — хушхабар десангиз, яхшилиги бўлади. Йўқса...

— Хушхабарликка хушхабар-а, лекин яхшилик билан жўнатмаяптида, шундан кўнгил хижил. Ҳақиқатта-лаблик қилиб кўзига хунук кўриниб қолдим. Била-сизми...

— Биламан. Эшитганман.

— Йўқ, билмайсиз. Комил акам билардилар. Айтган эдим ҳаммасини. Жуда ғазабга минган эдилар. Директорни инсофга чақирмоқчийдилар.

— Инсофга? Қачон?

— Курортга кетмасларидан олдин. Би-ир гаплашувдик-да, фирромликларни сезарканлар-у, тагига етолмай юрган эканлар.

— Сиз... сиз... нимага Комил акамга айтгансиз, нимага бошқа жойда айтмадингиз?..

— Кимга айтаман? Ким эшитади?

— Тўғриси айтинг, фақат тўғриси айтинг: Комил акам олармидилар?

— Нимани?

— Пул...

— Билмайман. Гувоҳлар билан битадиган ишмас-да бу.

— Ўзингиз-чи?

— Олсам, ҳақиқат деб юрагим ачишармиди?

— Комил акам ҳам ҳақиқат дердилар.

— Биламан. Шунинг учун Комил акамга ёрилганман.

Сиз куюнманг, опа. Комил ака қилвирлик қилишига ишонмайман.

— Бошқалар-чи?

— Бошқалар ҳам ишонмас. Чунки Комил ака ҳақида ёмон гап ораламаган сира. Хотиржам бўлинг. Лекин, очиғини айтсам, сизнинг келганингиздан унча рози эмасмиз.

— Сезиб юрибман. Эпполмайди, деяпсизларми?

— Йў-ўқ, гап унда эмас.

— Тушундим.

— Ҳафа бўлиб юрманг тағин, тўғриси айтиб қўя қолдим.

— Ҳар ким ўзидан ўтганни ўзи билади.

Пешинга яқин бошқарувчини чақириб кетишди: областдан йўқлашибди.

Мавлуда ҳали теримчилар даладан чиқмай туриб, хомчўт қилиб кўрди: режадаги иш бажарилибди. Кечгача бир ярим ҳиссага етказишса — ажаб эмас.

Оқшом чоғи у хирмонда теримчи аёллар билан суҳбатлашиб турган эди, пунктга пахта олиб кетган

тракторчилардан бири мотоциклни тариллатиб келиб қолди. Боёқиш қора терга ботган. Ҳовлиқанидан гапини эплаб гапиролмайди.

— Талашяпти, аямай талашяпти, — деди у, — ўғри экан-ку буларингиз. Беш тонна дейишади-я.

Мавлуда ҳайрон бўлди.

— Совхоздан вакил бор эдимиз?

— Ҳа. Тасдиқлаб турди.

— Пахтани ағдардиларингми?

— Йўқ.

— Қани, юринг бўлмаса.

Дарҳақиқат, пахта ортилган саккиз тележка бир четда турарди.

Мавлуда пунктнинг қабул қилувчисига яқинлашиб, араваларни кўрсатди.

— Ҳаммаси беш тонна чиқдимиз?

Қабул қилувчи унга беписанд қараб қўйди.

— Нима демоқчисиз?

— Қайтадан тортинглар.

— Синглим, қўйинг, фойдаси йўқ. Оғримаган бошни оғритманг. — Совхознинг пунктдаги вакили шундай деб уни тинчлантирмоқчи бўлди.

— Сиз нима қилиб юрибсиз бу ерда, кўзингиз қаёқда? — деб тутқиди Мавлуда. — Битта тележкага салкам бир ярим тонна пахта кетадими? Боринг-ки, бир тоннадан кетсин. Саккиз тонна чиқадими? Мактаб боласиям ҳисоблай олади бунни.

— Синглим...

— Қўйинг, эртага директорга тушунтирасиз буларни.

— Ана, ўзлари...

Мавлуда югурғудай бўлиб келаётган Омонтурдиевни кўриб, воқеага тушунди. Тракторчи ғалва бошлагандаёқ совхоз вакили директорга чопар юборган. Буларнинг ҳаммаси унинг буйруғи билан бўлган.

Омонтурдиев трактор ёнида турган йигитга қараб қўл силтади:

— Бунтга ҳайда, аравангни бўшат!

Тракторчи, «нима қилай?», деган маънода Мавлудага қаради. Мавлуда эса лом-мим дея олмади.

— Ҳа, ўртоқ бош агроном, нима гап ўзи? Омонтурдиев тез юриб келганиданми, ҳансирарди. Мавлудани четга тортиди. — Бу нимаси, сиз нима қилиб юрибсиз?

Мавлуда пайқади: у қаттиқ ҳаяжонда. Энди изоҳ бермоқчи эди. Омонтурдиев:

— Пахтанинг ҳисоб-китобини менга қўйиб беринг. Ҳаммасини биламан, — деди. — Қани, юринг идорага, гап бор. — У шундай деб бир-икки қадам босди-да, тўхтаб, пунктдаги вакилига ўғирилди. — Анави маҳмаданани чақир, тилини тийиб юрсин.

Тракторчи йигит бир оз ҳадик билан яқинлашди.

— Вей, қанақа одамсан ўзи, дуч келган тешикка бурун тикаверасанми? Тракторчимисан ё ҳисобчимиз, а? Ё директорликни бўшатиб берайми?

Тракторчи нима деярини билмай елкасини қисиб тураверди.

— Бундан кейин қадамингни билиб бос, бола. Кимнинг ўғлисан ўзи?

— Замонали аканинг.

— Отанг — сувчимиз? У туппа-тузук одам-ку, ким сенга тарбия берган? Отангга айт, эрталаб идорага келсин. Битта «Москвич» ёздириб қўйганман. Сандиқда пул-мулдан борми?

Обдон сўкиш эшитишга тайёр турган йигит қутилмаган сийловдан гангиб қолди.

— Бор... бордир... — деди Омонтурдиевнинг гапига ишонарини ҳам, ишонмасини ҳам билмай.

— Отангга ўхшагин, ғаламисларга қўшилма. Бор, ишингни қил.

Йигит трактори томон югуриб кетди. Омонтурдиев совхоз вакилига секин шипшиди:

— Ҳаммасини еттинчи бўлимга ёзди. Эшқул аканнинг номи мукофотга қўйилган. Олтмиш центнердан кам бўлмаслиги керак.

У идорага келгач, Мавлудани хонасига бошлади. Ичкарига киришгач, сейфни очди-да, кўкиш конвертни олиб Мавлудага узатди.

— Нима бу? — деди Мавлуда гўё тушунмагандай. Конверт юзига: «Садирова. 1000» деб ёзиб қўйилган эди.

— Совхоз ўн кунликда қолиб бўлди. Қолибларга мукофот берилади одатда.

— Менинг хизматим йўқ-ку?

— Бунақа пайтда узумини енг-у, боғини суриштирманг.

— Яхши. Раҳмат сизга.

— Ана бу — бошқа гап.

— Бир нарса сўрамоқчийдим...

— Сўрайверинг...

— Шунақа мукофотлардан... нима учун Комил акамга берилмасди?

— Берилмасди? Ҳм... — Омонтурдиев унинг кўзига тикилди. «Лақиллатяптими бу? Ё Комил айтмаганмикин? Наҳот? Пул беришди, лекин олмадим демаганмикин, а?..» — Берилмасди, деб юрувдингизми? Ишонгим келмаяпти... Бериларди. — Мавлуданинг кўзлари чакнади. «Яширган экан. Хотини билмас экан». Омонтурдиев унинг кўзидаги ғазаб ўтини шундай талқин қилиб, анча дадилланди. — Теппа-тег бериларди. Ишонмасангиз... ҳисобли дўст айрилмас, деган гап бор. — Омонтурдиев тортмани очди, қоғозларни титкилаб, ниманидир ахтарди. Кейин ўрнидан турди-да, бориб сейфни очди, хийла тимирскилангач, лунжини ушлаб, ўйланиб қолди. Яна тортмага қаради. — Бир қоғоз бор эди, ҳайронман: йўқ. Топиб кўрсатаман сизга, ишонаверинг: олти-етти марта олди-ёв. Сизга бермаган бўлса, шунча пулни нима қилган экан?

— Билмайман. Бир кавакда ётгандир-да. Менга бир кунга — эртага жавоб берсангиз.

— Терим пайтида-я?

— Буни, — Мавлуда конвертга ишора қилди, — ота-онасига ташлаб келай. Анча чиқимдор бўлишган. Орқамдан гап қилиб юришмасин.

— Хўп. Фақат бир кунга. Юринг, бир боққа чиқайлик, Мурод тансиқ овқат қилиб қўймоқчи эди.

— Боққа кейин чиқармиз.

— Ҳунарингиз одамни куйдириш экан-да, а? Адойи тамом қиласизми мени?

— Қатиқни ҳам пуфлаб ичган ютқазмайди.

«Биз қатиқ бўлдикми ҳали. Вақти келганда эслатиб қўяман бу гапингизни...»

Эртасига Мавлуда шаҳарга борди, конвертдаги пулни, рўйхатни ОБХСС бошлиғига берди-да, унга саккизинчи бўлим бошқарувчисининг гапларини ҳам айтди.

Хотима

Нозима Садировнинг «Иш»и бўйича терговни давом эттирди. Дарвоқе бунгача Нурли район халқ суди ҳукмига биноан Шоғиёсов бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Омонтурдиев уни кутқаришга ҳаракат қилмади, ҳатто судга келмади ҳам. Шундан маълум бўлдики, ҳамтовоғининг қисматидан кўнгли тўқ. Шоғиёсов ҳам, суддаги хотиржамлигига қараганда,

тақдирдан рози эди. Бироқ, унинг хотиржамлиги узоққа чўзилмади. Суднинг эртасигаёқ яна терговга чақирилгач, эси оғиб қолаёзди. Кейин Нозимани кўрдию вужудини совуқ тер босди...

Биринчи терговдан ҳафсаласи пир бўлиб қайтган Нозима энди хонасига кирганида телефон жириглади. Боғчадан экан: ўғлининг иситмаси кўтарилибди, ўзи эрталаб инжиқланган эди-я. Нозима шошиб қолди. Қоғозларни шоша-пиша темир сандиққа жойлаб, бўлим бошлиғининг олдига кирди.

Майор Бўтаев ОБХСС бошлиғи билан ниманидир муҳокама қилиб ўтирган экан. Нозима эшикни очган ҳамано у:

— Э-э, ана ўзлари ҳам келдилар, — деди, — кираверинг, кираверинг, ҳозир сизни чақирмоқчи эдим.

Нозима ОБХСС бошлиғи билан саломлашди-да, майорнинг рўпарасидаги стулга ўтирди.

— Операция бугун тугалланади, эртадан бош қашлашга ҳам қўлингиз тегмайди. «Иш»ни охиригача ўзингиз олиб борасизми ёки одам берайликми?

— Ҳозирча ёрдамчи керак эмас. Омонтурдиев ҳам қўлга олинадими?

— Ҳа. Сўнги ҳаракат режаси тасдиқланди. Биз уни, тажрибасиз жиноатчи, деб юрибмиз. Порани у қандай йўл билан беришини билсангиз, қойил қоласиз. Хў-ўш, Омонтурдиев индин Ялтага жўнамоқчи. Аниқланишича, эрталаб совхоз банкдан катта миқдорда пул олган. Демак, бор ҳисоб-китоб бугун қилинади. Истасангиз операцияда қатнашингиз мумкин.

— Жон деб қатнашардиму...

Унинг ташвишланаётганини Бўтаев сизди шекилли:

— Нима гап, тинчликми? — деб сўради.

— Боғчадан телефон қилишди, ўғлим иситмалаб қолибди.

— Тушунарли, бораверинг.

— Мен бораману келаман, қайнонам қараб турадилар.

— Э, йўқ, ўртоқ лейтенант, энди ҳурмат қила бошлаганимда ихлосимни қайтарманг. Болага қаранг. Сизнинг ишингиз эртадан бошланади. Бугун икки бўлим оёққа турган, шунинг ўзи етарли.

Нозима хижолат бўлиб, ўрнидан турди.

Кассир Мавлуданинг эшигини қия очиб, директор чақираётганини айтди.

Омонтурдиев айланадиган креслосида виқор билан ястаниб ўтирар эди. Столи устида — сарғиш дипломат.

— Кайфиятлар қалай, аъломи? Шаҳарга тушиб чиқамиз. Бир-икки идорага кириб ҳисобот топширишимиз керак. Тайёр бўлиб туринг, ярим соатдан кейин жўнаймиз.

Мавлуда хонасига чиқиб, ўйга толди: «Қанақа ҳисобот? Кассир билан узоқ ўтиришди. Нима қилишди? Пул бўлишдимми? Энди тарқатадимми? Ё мен тарқатаманми?..»

Омонтурдиев ярим соат эмас, ўн дақиқадан сўн эшикни очди. Қўлида — сарғиш дипломат...

— Тайёрмисиз, кетдикми? — деди у, кайфияти яхши эди. Бир гапириб, ўн куларди. Шаҳарга киргач, марказга элтувчи йўлдан кетишди. Уч қаватли бино рўпарасида Омонтурдиев машинани четга олди, кейин диплолатни очди.

— Мана шу учта папкани эгаларига ташлаб чиқасиз, — деди. — Директор деган номим бор, ҳисобот тарқатиб юрсам уят бўлар. Бу ўртоқларни танийсиз, ҳозир кутиб туришибди. Етказингиз қайтинг. Бу ёқда иш кўп ҳали, ҳаммасига улгуриш керак.

Мавлуда папкаларни олиб, машинадан тушди; улар қоғозларга тўла эди. «Ҳисобот ҳам шунақа кўп

бўладими?» У ичкарига киргач, ювиниш хонасига ўтди. Қўлидаги папкалардан бирини очди, қараса, бир-бирига алоқаси йўқ қоғозлар... орасида — конверт. Масала равшан. У шошиб даҳлизга чиқди. «Қаердан телефон қилсам экан?», деб гаранг бўлиб турганида рўпарадан мелаётган йигит, бораверинг, биз кутиб турибмиз, деб шипшиди. Мавлуда шунда ҳам бир қарорга келолмади. Ниҳоят, ҳаяжонини босиб, иккинчи қаватга кўтарилди. Ундан учинчига...

Яна икки идорага «ҳисобот» ташлаб чиқишгач, Омонтурдиев ҳашаматли ресторан олдида машинани тўхтатди.

— Кирмай қўя қолайлик, — деди Мавлуда ялиниш оҳангида.

— Қоринни ҳам ўйлайлик-да, ахир, директорнинг жони темирдан эмас-ку.

Мавлуда ноилоҳ кўнди.

— Дам олиш ҳам татимайди менга. Ёнимда бўлганингизда... — деди Омонтурдиев қадаҳларга коньяк қуяр экан.

— Қўйинг шунақа гапларни, — Мавлуда шундай деб коньяк қўйилган қадаҳни четга суриб қўйди. — Совхозни менга, мени...

— Сизни ҳеч кимга ишонмайман, билиб қўйинг. — Омонтурдиев шундай деб қадаҳни унинг қўлига тутди. — Яхшилик билан учрашишимиз учун.

«Буям тузоққа илинди. Миқ этмай пулларни тарқатиб чиқди-я. Улушини олганига боши осмонда. Мен — тентак, бундан ҳадиксираб юрибман. Э, калла-э! Чиройли хотинларнинг ақидаси — бир. Бўлди, бугундан қолмайди. Бир ой соғиниб, йўлимга кўз тикади. Комил деган ном бутунлай ўчади, бутунлай ўчади... Димоғи баланд эди. Мен уни курортга юборибман, у бўлса фош қилмоқчи. Ўзинг бориб биринчи секретарга очиқ айт эмиш. Айтмасам ўзи фош қилармиш. Топган гапини қараю. Бир кун муҳлат, дейди. Бу кишим бориб отонасини кўриб келгунича, мен совхозни топшириб, ўз ихтиёрим билан қамоққа борармишман. Ҳе, аҳмоқ, аҳмоқлиги бошини еди. Нима қолди ундан? Мана буми? У ҳам энди меники... Довдир. Одам тешадай бўлиши керак... Анави галварсга кўрқитиб қўй, совхоздан кўрпачи кўтарсин, девдим. У биратўла гумдон қилди. Шуниси ҳам дуруст бўлди.

— Бўлди, кўп ичманг. Туринг кетайлик энди.

— Хўп, ичмайман. Лекин олма ейиш мумкин дир?

Омонтурдиев олмани қўли билан артди-да, шарт иккига бўлиб, Мавлудага узатди. Мавлуда у тикилиб тургани учун ҳам олмадан бир-икки тишлади.

— Одам Ато билан Момо Ҳавога нима дейилган? — деди Омонтурдиев суқ билан тикилиб.

— Билмайман. Кетамизми?

— Кетдик.

Атроф зим-зиё. Машина чироқлари йўлни пайпаслаб боради. Хазонлар ғужғон ўйнайди. Баъзан бу хазонлар Омонтурдиевнинг кўзига пул бўлиб кўринади. Кассир бугун олиб келганини сочиб юборсами, бу хазонлар ип эшолмай қолади. Ҳаммаси ими-жимиди тарқатилди. Энг нозик одамгина қолди. Тунги соат бирда қўшни район чегарасидаги тош йўлда учрашадилар. Тўғрироғи, унинг машинасини қувиб ўтишади. Худди шу пайт тугунча очиқ деразадан нариги машинага ташланади — вассалом. Шу билан келгуси кузга қадар иш — юз.

Омонтурдиев соатига қаради: икки ярим соатча вақт бор. У машинани далага қайрилган тупроқ йўлга буриб, тўхтатди.

— Нима бўлди? — деди Мавлуда хавотирланиб.

— Ҳеч нима.

Омонтурдиев пастга тушиб, орқа эшикни очди-да, Мавлуданинг ёнига ўтириб, уни елкасидан қучди.

— Қанақа одамсиз ўзи?! — Мавлуда уни қаттиқ жеркиди.

Бироқ, Омонтурдиев бадтар тирғалиб ёпиша бошлади. Мавлудани даҳшат босди, Омонтурдиевга нафрат билан қаради, яна тилини тийди, силтаниб унинг қучоғидан чиқди-да, ўзини машинадан ташлаб, қочди...

Мавлуда қадамини тезлатди. Қайси бир ҳовлида ҳурган ит анчагача тинмади. Нима қилаётганини, қаерга бораётганини у билмас эди. Совуқ шамол кўзғолиб сочларини тўзитди. Совқотгач, бир оз ҳушига келди. Қаерга келиб қолди ўзи. Атрофга аланглади. Юз қадамча нарида биолоборатория оқариб турибди. Мана, Комил акаси босиб ўтган сўнгги йўл. Мавлуда оқариб кўринган бино томон беихтиёр юрди. Мана, Комил акаси кириб чиққан иморат. Унинг иш столи шу ерда эди... Шу бинода анави сууқ билан бирга ишлаган, у бўхтон қияпти, Комил акаси покиза.

Мавлуда тиз чўкди. Худди қабрни қучгандай зинани қучиб, юзини муздай ғиштга қўйди. Аммо ғиштининг совуқлигини сезмади. Назарига Комил акаси ҳозиргина бу зинани босиб ўтгану шунинг учун у илик...

— Бу кўрғиликка қандай чидайман, Комил ака?

— ...

— Мендан рози эмассизми?

— ...

— Ҳақиқатни очаман, деб келганман-ку бу ерга. Ахир ўзингиз ҳам биласиз-ку буни, нимага индамайсиз?

— ...

— Сизни охирги марта шу ерда кўришган. Мен ҳам келдим изингиздан. Анави билан учрашган экансиз. Нимани гаплашгандингиз? Нега югурди у?

... Уша тонгда Комил умрининг туни туғиб қолганини сезмаганди. Атроф — осуда. Кундузги бесаранжомликни жонҳалак кутган дала титрабгина ётар эди. Комил чархпалагидан хабар олиш ниятида йўлни биолоборатория томон бурди. У ерда Латофатни кўриб, ажабланди:

— Латофат? Шу ерда ётиб қолганмисиз?

Келиб, қиз унинг кўксига бош қўйди.

— Соғиниб жинни бўп қолдим. Сизни кўраман, деб мижжа қоқмадим. Ушандан бери қарамайсиз.

— Латофат, синглим, ўзингизни босинг. Ушанда... билмайман...

— Нимани билмайсиз? — Латофат қорнини ушлади. — Кимники — бу?

— Нима? — ажабланди Комил.

— Бўйимда бўлиб қолибди, — хўнграб, яна Комилнинг кўксига бош қўйди.

— Латофат... балки менданмасдир?..

— Нима?! — Латофат орқасига тисарилди. — Осмонданми бўлмаса?! Сиз ҳали... сиз мени... Узимни ўлдираман! Бу шармандалиқдан кўра ўлганим минг марта яхши!

Комил уни биллагидан ушлаб олди. Латофат чинқириб, унинг қўлини тимдалади. Бир юлқинди-да, қўлидан чиқиб, канал томон югуриб кетди.

У Комилнинг изма-из югуришига ишонарди. Орқасидан каналга ташлашига амин эди. Каналнинг у томонига ўтиб олишгач, яна дод-вой, оҳ-воҳ қилиб, уни эритиб олишига ҳам ишонарди. У Комилнинг юмшоқкўнгилигини биларди. Хотини туғмаслигини ҳам... Омонтурдиев билмаса, бундай демас. Ернинг тагида илон қимирласа билади у. Энди Комил уники бўлиши керак... Латофат югуриб борар, олдинда, дарахт панасида Шоназирнинг кутиб ётганидан, сал наридаги панасида эса эрталаб изидан пойлаб чиққан синглиси даҳшатга тушиб тикилиб турганидан беҳабар эди...

Мавлуда бошини кўтарди. Чархпалаклар етим синга-

ри бўзлаб айланади. Кичиги — бўм-бўш. Каттасида ғўзапоялар шумшайиб турибди. Улар ҳам Мавлуданинг кўзига хунук кўринди. Фижирлаши бирам ёқимсизки... Гарчи, Комил акасининг излари қолган бўлса ҳам, бу жойлар, бу чархпалаклар кўзига хунук кўринди. Шу касофат бўлмаганида... Тинчгина юришувди шаҳарда...

— Мавлуда!

У чўчиб тушди. Ким чақирди?

Мавлуда ўша томон юрди.

Елкасига ғўзапояларни ортган чархпалак зорланиб айланади.

«Чархпалак»

Тоҳир Малик деганда беихтиёр унинг қаламига мансуб «Фалак», «Ҳикмат афандининг ўлими», «Чорраҳада қолган одамлар» каби асарлар ёдимизга тушади. Зеро, бу фантастик қиссалар у ўз дунёси, орзу-армони ва ўз йўлига эга ёзувчи эканлигини намён этди. Мана, қўлингизда унинг янги асари — «Чархпалак». Бу қисса ҳам Тоҳир Маликнинг изланишлари яхши самара бераётганлигини кўрсатади. Аввало шуни айтиш керакки, «Чархпалак» шу куннинг руҳи билан сўғорилган. Ёзувчи рўй берган фожеа таҳлили жараёнида ижтимоий иллат илдизини тадқиқ этади. У танлаган детектив сюжет йўли ва шунга уйғун вазиёт асар қаҳрамонлари маънавий оламини очишда қўл келган.

«Моддий бойлик ниманинг эвазига келади! Албатта, маънавий қашшоқликнинг! — дейди асар қаҳрамони Комил молпарастлик ҳақида мулоҳаза юритар экан. — Қўшнинг гулхонада, қирмизи гулларда гўзалликни эмас, бойликни кўради. Узининг-ку бўлари бўлган, букрини гўр тўғрилайди, киши болаларига ачинасан. Болалар шулардан ортиб қаёққа борарди! Меҳнат — азоб, фақат пул топиш учун меҳнат қилинади, деб ишониб қолишмайдим! Меҳнатдан лаззат олиш нима эканини билмагач, камроқ ишлаб, кўпроқ пул топиш йўлини изламайдими! Излайди! Топади ҳам! Кейин биз, бу жиноятчилар қаёқдан пайдо бўлди, деб фалсафа сўқиб ётамыз».

Ҳа, Комил фикрловчи, ноҳақликка қарши курашувчи, чўрткесар, изланувчан олим. У ҳақгўй, адолатпарвар. Собиқ курсдоши, совхоз директори Тўхтамиш Омонтурдиев илтимосига биноан у хўжаликка бош агроном бўлиб келади. Мақсади — ғўзанинг барги табиий равишда тўкиладиган тезпишар навини яратмоқчи. Омонтурдиев тажриба ўтказиш учун барча шароитни яратади, фақат шунинг эвазига... Комил унинг кандидатлик ишига кўмак бериши лозим. Омонтурдиевнинг ўзига хос дунёқарashi, ўзига яраша «фалсафа»си бор. Аксар ҳолларда Комил у билан тўқнашади, орадаги жарлик борган сари кенгайди.

Омонтурдиев туриш-турмушини «ё заринг, ё ўринг бўлсин» деган ақида устига қурган. Зеро, унда ҳар иккалasi ҳам бор. Шу боис истаган номаъқулчилигини қилаверади.

«Ҳаёт — ботқоқ, оёқ босадиган жойни пухта танламасанг чўкиб, нобуд бўласан», дейди Омонтурдиев. Унинг устомонлиги шундан. У ҳамisha отасининг қўидаги ўғитига амал қилади: «сен тоққа суяниб жон сақлашни орзу қилма. Узинг тоғ бўл, одамлар паноҳ излаб сенга интилсин».

Омонтурдиев ҳар қандай фирромликни қилиб бўлса-да, атрофига ҳамтовоқларини — соясига салом берадиганларни йиғиб, жирканч муҳит яратган.

«Марҳумнинг орқасидан ёмон гапирмаслик керак-ку, аммо ғирт аҳмоқ эди-да. Ахир, жарақ-журуқ пуллар... эгилиб ишламасанг, елиб югурмасанг-да, ўзи оқиб келиб турса... Виждон, виждон деб... Виждон аҳмоқларнинг ниқоби. Виждонни пеш қилавериб, асабларимни зирқиратиб ташлади-я...» деб ўйлайди у. Омонтурдиевнинг Комилни ёмон кўриши, охир-оқибатда уни гумдон қилдириши сабаби, менимча, шунда. Қолаверса, у Мавлудага ишқибоз... У мақсадига эришиш учун

ҳеч нарсдан тап тортмайди. Керак бўлса, тўлмаган плани тўлди деб рапорт беради, ишчиларга маош бермаса бермайди, лекин сохта ведомостлар туздиради, ўғирлик пул эвазига билган номаъқулчилигини қилади. Ёзувчи уни халқ бойлигини, унинг маънавиятини кемирувчи ваҳший махлуқ тарзида тасвирлайди. Омонтурдиевнинг, пахтани ёрдамчисиз терамиз, деб ташаббус кўтаришию амалда тескари иш тутishi, йўқ нарсаларни матбуотда шов-шув қилиши, ўзига қарши чиққанларни совхоздан четлатиши ёки машина, уй, пул бериб тинчитиши, Комилга ўхшаганларни ўлдиртириб юбориши асарда ҳаққоний ифодасини топган.

Садилов «Иш», яъни жиноятни очиб университетни қийнда битириб келган лейтенант Нозимага топширилади. Комил ва Мавлуда, Омонтурдиев ҳамда бойлик деб тузоққа илинган Латофатларнинг ҳаётини, маънавий оламини у чуқур ўрганади, шунинг баробарида ёзувчи улар руҳий оламини таҳлил этади.

Нозиманинг жасорати «қотил — Омонтурдиев» деган гумонини асослаш ва исботлашда кўринади. Қисса қаҳрамонларининг софлик, адолат, бурч, шарм-ҳаё тўғрисидаги олижаноб мулоҳазалари асар жисмига чоксиз тутатиб кетган. Ёзувчи Мавлуданинг мураккаб руҳий ҳолатини, ҳақиқатни очишга журъат этиш сабабларини, Комил билан маънавий ҳамдам эканлигини ҳарорат билан тасвирлайди. Асарда жузъий нуқсонлар ҳам йўқ эмас: Субхон канал бўйида Комил ва яна бир аёлни кўради, бирдан иккови йўқ бўлиб қолади, улар чўкиб кетишган бўлса керак, деб сувга тушиб излаб Комилни топади. Қиз чиқмайди. Қизнинг ўлик-тириклиги гўё Субхоннинг ҳам, бошқаларнинг ҳам, ёзувчининг ҳам хаёлидан кўтарилиб кетади. Ёки Комил ҳалок бўлган кун Омонтурдиев Тошкентда бўлган, аммо гувоҳлик берганида у, эрталаб кўрган эдим, маст эди, дейди. Менимча, мантиқан у ўзини ҳоли тутishi, яъни гувоҳлик бермаслиги керак эди. Шунингдек, Комилнинг тасаввурча гўё курортда фақат енгилтак аёллар бўлади...

Гарчи асар фожеа билан бошланса-да, муаллифнинг нияти-эзгу; айниқса, у Мавлуда, Нозима ва Комилни нурга йўғириб тасвирлайди, улар энг мушкул дамларда ўзларининг инсоний фазилатларини кўрсатишади, ўқувчи меҳрини қозонишади...

Комил Садиловнинг қисмати фожеали тугайди. Лекин бу — ҳақиқатнинг синиши каби таассурот қолдирмайди ўқувчида. Асардаги оптимизм — жиноятнинг фош этилиши, Омонтурдиевнинг инқирози, уни инқирозга маҳкум этувчи кучнинг мавжудлигида.

Асардаги воқелик ҳаётимиздаги тозариш билан ҳамоҳанг, қисса шу жиҳати билан ҳам қимматлидир.


Салоҳиддин МАМАЖОНОВ



Саъдулла Ваннос

Жаноби Олийлари, Филингиз...

Тўрт кўринишли нақл



1. АХД



ойга ботган кўримсиз кулбалар орасида тор бир чорраҳа. Олидан ғала-ғовур; аёлларнинг чинкириғи, тапир-туপুর қадам товушлари эшитилади. Чорраҳа кимсасиз. Ниҳоят, тунд бир эркак кўринади.

ЭРКАК. Ё, кудратингдан!..

(*Бир муддат сукут сақлайди.*) Ё, тавба!.. (*Ғойиб бўлади.*)

Ўнг томондаги уйлар ортидан яна шовқин-сурон, аёлларнинг чинкириғи эшитилади. Кулоққа чалинаётган узук-юлуқ жумлалардан фалокат рўй бергани англашилади. Бир аёл жонҳолатда қичқиради овозлар пасаяди. Чап тарафда биринчи эркак кўринади. Шовқин эшитилаётган томондан оғир-оғир қадам босганча хўмрайган иккинчи эркак киради.

БИРИНЧИ ЭРКАК (*иккинчисини тўхтатиб*). Наҳотки рост бўлса?

ИККИНЧИ ЭРКАК. Бечора онаизорини бир кўрсанг эди! Душманингни бошига ҳам солмасин бунақа ўлимни...

БИРИНЧИ ЭРКАК. Паноҳида асрасин! Фалокат қаерда рўй берди?

ИККИНЧИ ЭРКАК. Аҳмад Иззатнинг дўкони олдида. Ўша кўча доим бола-чақа билан тўла бўлади ўзи.

БИРИНЧИ ЭРКАК. Ўз кўзинг билан кўрдингми?

Гаплашиб келаётган иккита эркак киради. Ҳангомада қатнашувчиларнинг бари шовқин кўтарилган томондан келади.

ИККИНЧИ ЭРКАК. Бир хотин чақирганини эшитиб, юрагим орқасига тортиб кетдию нима бўлганини билишга ошиқдим...

УЧИНЧИ ЭРКАК. Мен бўлсам, ўша қонли балчиқни ўз кўзим билан кўрдим: у дастлаб кўкрагини, йўқ, кўкрагидан пастроғини босди; боланинг бутун ичак-чавоғи отилиб чиқди!

ТЎРТИНЧИ ЭРКАК. Ё, тавба! Ўзинг раҳм қил...

УЧИНЧИ ЭРКАК. Жисми яси гувалага айланди-қолди. Эсласам, кўнглим айниб кетади.

ИККИНЧИ ЭРКАК. Онасига, онасига ёмон бўлди.

УЧИНЧИ ЭРКАК. Ерга тушган хом тухумдай оқиб кетди-я, шўрликнинг бадани!

Бешинчи эркак киради.

ТЎРТИНЧИ ЭРКАК. Ажабланидиган жойи йўқ! Нимжонгина гавдани гунгурсдай бир фил, жаноби олийларининг фили босди-да.

БЕШИНЧИ ЭРКАК (*бошқаларга қўшилади*). Эҳ, бу фил!

Саҳна ортидаги ғала-ғовур аро аёл кишининг фарёди эшитилади, сўнг товуш яна пасаяди.

БИРИНЧИ ЭРКАК. Ё, тавба, бу лаънати иблисдан ўзинг асра!

УЧИНЧИ ЭРКАК (*ҳикоясини давом эттиради*). Аввалига нобуд бўлган боланинг кимлигини билолмадик. Югуриб келган одамларнинг юраги ёрилиб, бўзрайиб қолишарди: менинг болам эмасмикан ишқилиб, деб ўйлашарди-да. Ҳамма жужуқлар шу кўчада ўйнашарди, ахир.

ТЎРТИНЧИ ЭРКАК. Кўргилик экан-да, Муҳаммад ал Фаҳднинг хонадонига оғир бўлди.

ИККИНЧИ ЭРКАК. Унинг бошига оғир мусибат тушди. Илло, ўзи мадад берсин!

БИРИНЧИ ЭРКАК. Куппа-кундуз куни, ҳамманинг кўз ўнгида... Қандай қилиб юз берди шу воқеа?

ТЎРТИНЧИ ЭРКАК. Сўрайсан-а!

БЕШИНЧИ ЭРКАК. Фил-чи, фил?..

УЧИНЧИ ЭРКАК. Болалар кўчада ўйнашаётган эди, фил отилиб келди. У хириллаб нафас оларди. Турган гапки, кўркиб кетган болалар тумтаракай қочишди. Муҳаммад ал-Фаҳднинг ўғли мункиб йиқилдию кўркканидан кимирламай ётаверди. Фил уни топтаб кетди.

Иккита хотин пайдо бўлади. Улардан бири жажжи кизчасини етаклаб олган. Йиғлайдилар.

БИРИНЧИ ЭРКАК. Ўзи асрасин, ишкилиб...

БИРИНЧИ ХОТИН. Қандай мусибат бу! Шўрликнинг фарёдлари юракни тилиб юборяпти.

ИККИНЧИ ЭРКАК. Бола нобуд бўлди. Фил эса ҳеч нарса юз бермагандай ўз йўлида кетаверди.

ИККИНЧИ ХОТИН (*кўзёш билан*). Мусибат адойти-тамом килди она шўрликни. Ўзинг паноҳингда асра уни...

БЕШИНЧИ ЭРКАК. Ваҳима босиб ҳамма тарашадай

қотиб қолди; фил кўздан ғойиб бўлгунча биронта одам болага яқинлашишга журъат этолмади.

Икки хотин ва қизча эркаклар тўдасига қўшиладилар. Одамлар келаверади, ҳамма чорраҳага тўпланади. Ўз-ўзидан халқ йиғилиши юзага келади.

УЧИНЧИ ЭРКАК (*хўрсиниб*). Сизлар ҳам эшитдингларми?

ИККИНЧИ ВА ТЎРТИНЧИ ЭРКАК (*баравариға*). Эшитдик, азизим, эшитдик.

УЧИНЧИ ЭРКАК. У ахир қиролнинг фили-ку!

БЕШИНЧИ ВА ИККИНЧИ ЭРКАК (*деярли баравариға*). Бу фил бошимизга бало бўлди-ку!..

Кўзга кўринмас бир даҳшат босиб келаётгандай, ўртага оғир сукунат чўқади.

ҚИЗЧА. Ойи, нега фил анави болани янчиб кетди?

БИРИНЧИ ХОТИН. Ким билади, дейсан, жон қизим. Пешонасига ёзилгани шу экан-да.

ҚИЗЧА. Унга жазо беришадими?

БИРИНЧИ ХОТИН. Кимга?

Ҳар қандай қирол ҳам ўз филини севади!

Очиқ-ойдин кўриниб турган бундай даъво билан ҳеч ким баҳслашиб ўтирмайди, деб аниқ ишонаман. Чиндан ҳам дунёдаги барча қироллар ўз филларини севадилар! Сурия драматурги Саъдулла Ваннос «Жаноби олийлари, филнингиз...» нақли билан бунини ўринлатиб кўрсатган. Асар қўлингизда турибди, азиз журналхон.

Нақл қисқасгина ва ҳаётнинг ўзи каби оддий. Аммо унинг мазмуни ниҳоятда теран — ибратли. Ҳа, айнан шундай: ибратли! Фақат араблар учун эмас, бутун дунёдаги барча халқлар учун ҳам ибратлидир.

Нақлдаги воқеалар жўн кўринса-да, тортилган камондай таранг: қиролнинг фили бир куни Муҳаммад ал-Фаҳднинг ўғлини босиб-топтаб кетади. Фақат унинг йўлида тургани учунгина шундай қилади! Ана шундан кейин бу юртнинг одамлари ўзларини қиролнинг сеvimли фили томонидан топталган, деб ҳис қиладилар. Фалокат қаршисида эсанкираган халойиқ ичида ярқ этиб фикр уйғонади: қирол ҳузурига бориб, ҳақиқатни унинг юзига айтмоқчи бўладилар, бизни ёвуз филнингиздан халос қилинг, деб талаб қилишга аҳдлашадилар.

Нақлда одамларнинг исми ҳам йўқ; қатнашувчилар рақамланиб кетилаверади. Саъдулла Ваннос бу усул билан гўё театрга келган ҳар бир томошабинга ақлли бир сабоқ бериш ниятида эканини таъкидламоқчи бўлади.

Кўз ўнгимизда халқ ҳаётининг манзаралари жонланади, бирдан... Келинг, воқеаларни ўқиб чиқсангиз ҳаммаси ўзингизга равшан бўлади-қўяди.

Саъдулла Ваннос яқин йилларда озодликни, мустақилликни қўлга киритган араб халқларининг қалбини очиб кўрсатган. Илгари ҳокимият ва ҳукмдорлар қаршисида тиз чўкиб сажда қилишлар шу қадар одат тусига кириб қолгандики, нақлнинг бирдан бир исмли қаҳрамони Заҳария қирол ҳузурда одамлардан бир садо чиқаришга ҳам эришолмайди ва алам билан уларга қўшилиб кетиб, қиролдан филларнинг сонини кўпайтиришни ўтиниб сўрайди.

Очиғини айтсам, нақлни биринчи марта ўқиганимда араб мамлакатларидаги кўпдан кўп жонли манзаралар хаёлимдан ўтди. Масалан, президент Жамол Абдул Носирнинг Миср ва мисрликларнинг ғурури ҳақидаги гапларини эсладим. У инқилоб кўмагида арабларнинг миллий ғурурини қайта тиклашни орзу қиларди. Неча-неча ўн йиллаб хўжайинлик қилган инглиз мустамакоқчилари мисрликларнинг обрўйини тўкиб, ғурурини оёқости қилган эдилар. Кечагина ҳокимият тепасига чиққан Жамол Абдул Носирнинг баланд овоз билан: «Энди эскиликка барҳам берамиз! Утмишнинг куни битди!», деб айтиши осон бўлган дейсизми?! Йўқ, қийин бўлган! Шу қадар қийин бўлганки, асти қўяверасиз! Америка ва Исроил қаршисида тиз чўккан Анвар Садатнинг тақдири бунинг ёрқин далили бўлмайдики, ахир!!

Яна бир гап. Араб дунёсидаги оддий кишилар бошларига кулфат тушса, оллоҳга мурожаат қиладилар. Саъдулла Ваннос қаҳрамонлари ҳам шундай. Ҳамма қироллар ўз филларини севадилар. Оллоҳдан эса эзилганларга, меҳнаткашу заҳматкашларга нажот келмайди. Шу тариқа Саъдулла Ваннос ҳаммамизга ажойиб сабоқ беради.

Мен Саъдулла Ваннос асарларини тарих театри деб баҳолагим келади. Ҳа, тарихий театр эмас, тарих театри! Томошага келган ҳар бир киши театр залидаги курсиларга ўтираркан, араблар ва бошқа Шарқ халқларининг қалбини яхши тушуна бошлайди.

Игорь БЕЛЯЕВ

Москва шаҳри. 1986 йил 12 март

Игорь БЕЛЯЕВ. Атоқли совет олими ва ёзувчиси. Яқин Шарқ мамлакатлари бўйича йирик мутахассис — иқтисод фанлари доктори. «Орқа йўлдан...», «Носирнинг сиёсий портрети», «Африка билан учрашув», «Факат икки йил», «Президент Носир давридаги Миср...» каби китобларнинг муаллифи. «Литературная газета»нинг сиёсий шарҳловчиси.

Ушбу сўзбоши «Ешлик» учун махсус ёзилди.

КИЗЧА. Филга-да.

Ҳамма бош чайқайди.

ТЎРТИНЧИ ВА БЕШИНЧИ ЭРКАК. Уни жазолаб бўладими?

ИККИНЧИ ЭРКАК. Қиролнинг филини жазолашга кимнинг ҳадди сиғарди?

Учинчи хотин киради. Чинқириб нола қилади ва кўкракларига муштлайди.

УЧИНЧИ ХОТИН. Дод бу офатдан, дод! Бошимизга битган бало бўлди! Халоскоримиз йўқ!

БИРИНЧИ ХОТИН. Куппа-кундуз куни болаларимизни янчиб кетишяпти...

УЧИНЧИ ХОТИН. Ҳеч ким оғиз очолмайди.

УЧИНЧИ ВА БЕШИНЧИ ЭРКАК. Оғиз очиб бўларканми!

ТЎРТИНЧИ ЭРКАК. Хотинларнинг эси кирди-чикди бўлиб қолдими? Нима дейишаётганини ўзлари ҳам билишмайди!

УЧИНЧИ ЭРКАК. Ҳой хотинлар, у қиролнинг фили-ку!

Олтинчи эркак киради ва бошқаларга қўшилади.

БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ ХОТИН (*ғайриихтиёрий равишда такрорлайдилар*). Ҳа, ҳа, қиролнинг фили-ку!

ОЛТИНЧИ ЭРКАК. Оллоҳнинг даргоҳи кенг. Энди ҳатто мурдани ювишнинг ҳам иложи йўқ.

ТЎРТИНЧИ ЭРКАК. Бола ювилмаса ҳам покиза.

БЕШИНЧИ ЭРКАК. Одамнинг жисми эмас, имони бутун бўлсин — муҳими шу.

ИККИНЧИ ХОТИН. У бамисоли ёсмин чечагидай эди. Ақалли етти ёшга ҳам тўлмади.

БИРИНЧИ ХОТИН. Кўз очиб дунёда ҳали ҳеч нимани кўрмаган эди.

Яна бир қанча эркаклар ва аёллар кирадилар.

УЧИНЧИ ХОТИН (*қичқира бошлайди*). Дод бу офатдан, дод! Бошимизга бало бўлди! Халоскоримиз йўқ!

УЧИНЧИ ЭРКАК. Бас қил, ҳой хотин!

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Умримда не-не филларни кўрдим; ҳамма қиролнинг ўз фили бўлади, аммо бундай ёвузини учратмаган эдим.

САККИЗИНЧИ ЭРКАК. Кунора бир ҳунар кўрсатади-я!

УЧИНЧИ ЭРКАК. Ҳай-ҳай, оғзинга қараб гапир! Қирол ўз филини жуда яхши кўради!

УЧИНЧИ ХОТИН (*кўзёш аралаш*). Биз-чи, биз боламизни яхши кўрмаймизми?!

ТЎРТИНЧИ ХОТИН. Менинг болаларимга бир нарса бўлганидан кўра, ўзим ўлганим яхши!

КИЗЧА. Ойи, нега қирол бунақа ёмон филни яхши кўради?

БИРИНЧИ ХОТИН. Ким билади дейсан, жон қизим.

САККИЗИНЧИ ЭРКАК. Ё, тавба, нега бошимизга бундай балолар ёғияпти!

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЭРКАК. Уйларимиздан қулфат аримай қолди.

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Қулфат ўлкамизга каламушдай танда қўйиб олди.

Асабий юзли озғин йигитча — Заҳария бир неча эркак ҳамроҳлигида киради.

ЗАҲАРИЯ (*ғазаб билан қичқиради*). Бу қандай кўргилик? Тоқатимиз тоқ бўлди-ку!

Ҳамма чўчиб у томонга ўгирилади.

Қашшоқлик, маҳрумликлар озмиди бизга?

ЎН БИРИНЧИ ЭРКАК. Қамалишлар, оғир меҳнатлар озмиди?

ИККИНЧИ ЭРКАК. Ҳолик ҳаммасини кўриб турибди! **ЗАҲАРИЯ.** Ҳар неки касаллик бўлса, бари бизда!..

ЎН ИККИНЧИ ЭРКАК. Очарчилик...

ЗАҲАРИЯ. Солик кўп, маошимиз кам...

БЕШИНЧИ ЭРКАК. Ҳолик ҳаммасини кўриб турибди!

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Бошимизга тушаётган қулфатлардан нолисак тилимиз кесиладими, намунча кўрқамиз!

ЗАҲАРИЯ. Ўз азобларимиз етмагандай, тагин бу фил ҳам бизни оёқости қилади.

УЧИНЧИ ХОТИН (*фиғон қилади*). Халоскоримиз йўқ, ҳеч қайсимизга кун йўқ!

ЗАҲАРИЯ. Фил шаҳарда изғий бошлагандан бери тинчимиз бузилди, биронта хотиржам ўтказган кунимиз бўлмади.

САККИЗИНЧИ ЭРКАК. Нинада ўтиргандай ўтираемиз.

ЗАҲАРИЯ. Фил бизни топтаб-топтаб аста-секин қирмокда.

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Ҳар куни — битта ўлим!



САККИЗИНЧИ ЭРКАК. Ҳар куни аза.

ЗАҲАРИЯ. Куни кеча Иса ал-Жарданинг дўконини бузиб, дабдала қилиб кетди.

БЕШИНЧИ ЭРКАК. Шўрлик! Энди оиласи оч қолади.

ЗАҲАРИЯ. Муҳаммад Ҳасан-чи? Сал қолди-ку ўлиб кетишига!

ЎН БИРИНЧИ ЭРКАК. Уни ўзи бир асради-да!

САККИЗИНЧИ ЭРКАК. Лекин ярим йилсиз ўрнидан туролмайди.

УЧИНЧИ ХОТИН. Халоскоримиз йўқ, ҳеч қайсимизга кун йўқ!

ЎН ИККИНЧИ ЭРКАК. Мен кўйимни саккиз ой парвариш қилдим. Абд ал-Ҳоди қассоб унга, саккиз мажидия бераман, деса, мен аҳмоқлик қилиб сотмабман. Аттанг, фил уни бургадай эзиб, ҳаром ўлдирди.

ТЎРТИНЧИ ЭРКАК. Оллоҳнинг даргоҳи кенг, марҳамати улуғ!

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Қанча-қанча экин майдонларини қуритди. Қайси полизгаки пойқадами теккан бўлса, бутун ҳосил барбод бўлади!

ЎН БИРИНЧИ ЭРКАК. Мевали дарахтларни айтмай-сизми?.. Қанчасини янчиб ташлади.

САККИЗИНЧИ ЭРКАК. Менинг биттагина хурмо дарахтим бор эди, ўшани ҳам илдизи билан суғуриб кетди.

БЕШИНЧИ ЭРКАК. Фақат сеникиними? Шаҳримизда энг катта мевали дарахтларнинг бир нечасигина омон қолди, холос.

Олисдаги ноаниқ шовқин-суронлар ичида яна аянчли аёл чинқириғи эшитилади.

УЧИНЧИ ХОТИН. Онага бундан ортиқ мусибат ҳам борми?

ЗАҲАРИЯ. Муҳаммад Иброҳимнинг уйини бузгани эсингиздами?

ЎН ИККИНЧИ ЭРКАК. О, ўшанда уйда бўлишса борми, ҳаммалари кирилиб кетишарди. Умрлари узоқ экан...

ОВОЗЛАР (*бетартиб шовқин кўтарилади*). Ўзи асра-син! Қора кунлар келди!.. Ичида иблиси борга ўхшайди... Кимсан — қиролнинг фили ахир, буни унутманглар!

ЗАҲАРИЯ Қонхўр махлук! Қурбон кўпайган сари қутуради-я, касофат!

ОВОЗЛАР (*вахм босиб*). Ҳой одамлар, қимсан — қиролнинг фили у, шуни унутманглар!.. Ё, қудратингдан, бандаларингга ўзинг раҳм қил, паноҳингда асра!

БЕШИНЧИ ЭРКАК. Сабр қилиш керак. Сабрнинг таги сар олтин.

ЗАҲАРИЯ. Қачонгача сабр қилиш мумкин?

ОВОЗЛАР (*тенгданига*). Ўзи паноҳида асрайди.

ЗАҲАРИЯ. Туғиламиз, ўлаамиз, умр бўйи сиғинамиз. Сабр қиламиз...

ЎН БИРИНЧИ ЭРКАК. Солиқлардан эзилиб, минг хил касалликлардан кирилиб кетаётган бўлсак ҳам чидайверамиз!

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Оғир меҳнатларга, бегуноҳ қамалашларга чидайверамиз.

ЗАҲАРИЯ. Энди бўлса, бу фил ҳам чиқиб қолди. Топган-тутганимизни тупроққа қораяпти.

ЎН БИРИНЧИ ЭРКАК. Болаларимизни топтаяпти.

САККИЗИНЧИ ЭРКАК. Бор-будимизни ер билан яқсон қиялпти.

УЧИНЧИ ХОТИН. Халоскоримиз йўқ.

ОВОЗЛАР. Оллоҳнинг даргоҳи кенг, марҳамати улуғ, ўзи асрайди! Ҳаммаси худодан!

ЗАҲАРИЯ. Йўқ, энди сабр косамиз тўлди!

УЧИНЧИ ЭРКАК. Тўлгани билан қўлимиздан ҳеч нарса келмайди.

ЗАҲАРИЯ. Келади!

ОВОЗЛАР. Нима қилишимиз мумкин?

ЗАҲАРИЯ. Нима қилишимиз мумкинлигини мен айтаман: ҳаммамиз қиролнинг хузурига борамиз ва шикоят қиламиз. Бўлаётган воқеаларни тушунтирамиз, бизни бу йиртқич филингиздан халос қилинг, деб ёлворамиз.

ОВОЗЛАР (*вахима босиб*). Қиролга шикоят?.. Саройга бориб-а?.. Нима бўпти?.. Ҳой, биз ким бўлибмизки, қирол билан гаплашсак?.. Биз кичкина, оддий одамлармиз... Бизни у ерга киритишармиди?.. Ёлворишинг зиёни йўқ, фойдаси бўлмаса ҳам... Бирдан жаҳли чиқиб кетса-чи? Охири нима бўлиши ёлғиз ўзига аён.

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Ҳой, ростдан ҳам қирол хузурига борсак-чи! «Эй, марҳаматли, баҳодир қирол! Бизни ўзинг халос эт!» десак бўлади-ку!

УЧИНЧИ ХОТИН. Халоскоримиз йўқ, ҳеч қайсимизга кун йўқ.

БИРИНЧИ ХОТИН. Қирол оналарнинг оху зорини эшитиб, ажаб эмас юраги юмшаса!

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЭРКАК. Қирол ўз филини жуда севади-да!

УЧИНЧИ ЭРКАК. Ўз қўли билан овқат берганини кўрганлар бор.

ЎН ИККИНЧИ ЭРКАК. Уни чўмилтиришганда шахсан ўзи томоша қилиб ўтиради.

УЧИНЧИ ЭРКАК. Саройдан чиқаётганда ва қайтиб қираётганда созандалар мусиқа чалиб туришармиш, деб эшитганман.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЭРКАК. Фил кўнглига келганини қилади ва ҳеч ким, нега бундай бўляпти, деб оғиз очолмайди.

БЕШИНЧИ ЭРКАК. Айтишларича, маликамиз филга бир оз бемехр муносабатда бўлган эканлар, қиролимиз уни уч талок қўйишларига салгина қолибди.

ЗАҲАРИЯ (*қичқиради*). Бекорчи гап! Бемаъни сафсата!

БЕШИНЧИ ЭРКАК. Сафсата? Ҳой, сен ўзи қайси шаҳарда яшаёпсан?

ЗАҲАРИЯ (*ялли ғовурни босиб*). Шу шаҳарда яшаёпман! Қирол ўз қўли билан филга овқат берганини ким кўрган? Уни чўмилтиришаётганда қараб ўтирганини кўрган одам борми? Шубҳасиз, ҳеч ким кўрмаган! Балки, у чиндан ҳам филга ўрганиб қолгандир, мен ҳеч нарса деёлмайман. Ҳамма қироллар ҳам ўз филини яхши кўради. Аммо сизлар ваҳима қиялпсизлар!

УЧИНЧИ ЭРКАК. Тўғри, биз қиролни ўз кўзимиз билан кўрмаганмиз, умримизда бирон марта сарой остона-сидан ҳатлаган ҳам эмасмиз. Аммо сен шуни унутмагинки, қиролнинг хизматчилари доим гап тарқатиб юради, саройдаги миш-мишлар ўшалар орқали бизгача етиб келиши мумкин.

ТЎРТИНЧИ ЭРКАК. Нега «мумкин» дейсан? Аниқ биламиз.

ЗАҲАРИЯ. Хизматчилар ошириб гапирмаса, кўнгли жойига тушмайди.

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Ҳа-я, балки чиндан ҳам шундайдир?

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЭРКАК. Аслида улар айтгандай бўлсачи?

ОВОЗЛАР. Хиппа гирибонимиздан олиб ҳайдашади! Қирол бадтар аччиқланади. Қироллар аччиқланганда оқибати нима бўлишини билмайсанми?!

ЗАҲАРИЯ (*оммани тинчлангиршига уриниб*). Биродарлар! Ҳаётимиз жуда оғирлашиб кетди. Ҳаммамизга ажал таҳдид солиб турибди. Кундан-кунга кўпроқ қурбон бераямиз.

ЎН БИРИНЧИ ЭРКАК. Уйларимиз қуламоқда, одамлар бошпанасиз.

ИККИНЧИ ХОТИН. Бегуноҳ болаларимизни йўлларда босиб кетишмоқда.

БИРИНЧИ ЭРКАК. Бор-будимиз ерга қориланти.
БЕШИНЧИ ЭРКАК. Мевали дарахтлар, хурмолар...
ОЛТИНЧИ ЭРКАК. Қорамол...

УЧИНЧИ ХОТИН (*фиғон қилиб*). Ҳеч нимага омонлик йўқ.

УЧИНЧИ ЭРКАК (*унга қараб ўшқиради*). Овозингни ўчир, хой хотин!

ЗАҲАРИЯ. Ким ўз боласининг қурбон бўлишини хоҳлайди? Ким ўз боласининг чил-парчин мурдасини тупрок аралаш йиғиштириб олишга рози бўлади?

ОВОЗЛАР. Ўзи асрасин! Жоними берсам берайки, бир тола сочи тўкилмасин... Болага офат келадиган бўлса, яшашнинг нима кераги бор?

ЗАҲАРИЯ (*учинчи кишига*). Мана, масалан, уч болангиздан бири нобуд бўлса, сизга бари бирми?

УЧИНЧИ ЭРКАК. Нега бари бир бўларкан? Ким шундай деди? Мен ахир, бола-чақам деб яшайман-ку!

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Душманингни ҳам фарзанд доғини кўрсатмасин — одам боласи чидайдиган дард эмас бу!

ЎН БИРИНЧИ ЭРКАК. Фақат имонсиз одамларгина фарзандидан айрилса парво қилмайди.

ЗАҲАРИЯ. Мол-ҳолингиз-чи? Улардан айрилсангиз ачинмайсизми?

ОВОЗЛАР. Нега ачинмас эканман?.. Мол-ҳолсиз яшаб бўладими? Бизни тутиб турган нарса шу-ку?! Ким билади дейсиз, эртага нима бўлади?

ЗАҲАРИЯ. Ундай бўлса, нима учун қирол билан учрашишдан кўрақамиз?! Ўз ҳаётинг, болаларингнинг ҳаёти қил устида бўлса-ю, бутун топан-тутганинг ўзингга насиб қиладими, йўқми — билмасанг, кўрқининг ўрнига қиролга рост гапни айтиш керак!

ОВОЗЛАР. Йўқ, йўқ, худо ҳақи, ундоқ эмас... У ҳақ гапни айтяпти... Бир уриниб кўрсак нима бўларкан?.. Рост, нимани кутяпмиз ўзи?

ЎН БИРИНЧИ ЭРКАК. Аллақачон ўйлашимиз керак эди бу гапларни.

ЗАҲАРИЯ. Балки, филнинг бу ёқлардаги қилғиликларни қиролнинг қулоғига етмагандир?

ОВОЗЛАР. Ҳа, албатта.

ЗАҲАРИЯ. Ортиқча безовта қилмайлик деб, бу тўғрида гапиришмагандир.

ОВОЗЛАР. Бўлиши мумкин.

УЧИНЧИ ХОТИН. Э, омон бўл-э! Мард йигитлар ҳам бор экан-ку!

ЗАҲАРИЯ. Кетдик қиролнинг олдига, додимизни ўзига айтаемиз. Бошқа илож йўқ!

ОВОЗЛАР. Ҳа, кетдик!.. Яхши ўйланди... Қанча тез борсак шунча тузук бўлади... Қиролни кўрамуз адолат қилинг, деймиз.

УЧИНЧИ ЭРКАК. Ё, тавба, ўзинг раҳм қил!

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЭРКАК. Лекин бу ишимиз хатарли.

ЗАҲАРИЯ. Яна ким иккиланяпти?

ЎН БИРИНЧИ ЭРКАК. Нима учун иккиланади?

УЧИНЧИ ХОТИН. Эркакларда журъат қолмаган шекилли?!

УЧИНЧИ ЭРКАК. Сен — шум кампир, тилингни тийиб тур!

ЕТТИНЧИ ЭРКАК. Бошқа илож йўқ.

ЗАҲАРИЯ. Ундай бўлса, ҳамма майдонга тўплансин! Айтадиган гапимизни келишиб оламиз, кейин саройга қараб жўнаймиз.

КИЗЧА. Тўхтанглар, мен дадамни чакирай, сизлар билан бирга борсинлар, майлими?

БИРИНЧИ ХОТИН (*қизига наст овозда зўғум қилади*). Жим, даданг банд, ишини ташлаб келолмайди!

ОВОЗЛАР. Қани, кетдик биродарлар!.. Шундай қилиб, майдонда йиғилишамиз... Ҳамма, ҳамма!.. Қанча кўп бўлсак, шунча яхши!.. Қиролнинг ҳузурига арз билан

борамиз... Филдан зиён кўрганларнинг ҳаммаси борди!.. Кетдик, кетдик!

Ҳамма кетади, овозлар аста-секин йироқлашиб сўнади. Қоронғилик.

2. ҲОЗИРЛИК

Саҳна ёритилади. Шаҳар майдони одамларга тўла. Олдинда Заҳария. Шовқин, гангир-гунгур товушлар эшитилади.

ЗАҲАРИЯ (*оломонни тинчлантириб, диққатини ўзига тортмоқчи бўлади*). Боя айтдим-ку сизларга, биз тартиб сақлашимиз шарт! Ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлишимиз керак! Демак, мана бундай кирамиз (*кўрсатади*); қиролга бош эгиб, салом берамиз. Шундан кейин мен гапни баланд овоз билан бошлайман «Жаноби олийлари, филингиш...»

ОЛОМОН (*одамлар бир-бирларига нотекис жўр бўладилар. Овозлардаги тартибсизлик кучайиб боради*)... йўлда Муҳаммад ал-Фахднинг ўғлини босиб ўлдириб, балчиққа айлантириб кетди.

ЗАҲАРИЯ. Жаноби олийлари, филингиш...

ОЛОМОН. ...бундан бир неча кун бурун Абу Муҳаммад Ҳасанни ўлдириб қўйишига сал қолди, у ҳозир ҳам касалхонада ҳушсиз ётибди...

ЗАҲАРИЯ. Жаноби олийлари, филингиш...

ОЛОМОН. ...бор-будимизни ер билан битта қилиб тупрокка қорди.

Овозларнинг тартибсизлиги янада кучаяди.

ЗАҲАРИЯ. Биродарлар, биз қаттиқ уюшқоқлик билан дона-дона гапиришимиз керак. Агар бир овоздан сўзламасақ, ишимиздан бир чақалик ҳам фойда чиқмайди. Баб-баравар гапиринглар, бу кийин эмас. Жумлани бирга бошлаб, бирга тугатинглар. Қани, яна бир марта такрорлаймиз!

ОВОЗЛАР. Сиз шошманг... Тўғри-да, бир овоздан сўзлайлик. Ваҳима қилманг, тартиб бўлиши керак... Анави жойда кимдир гапни аралаштириб юборди... Қани, ҳамма бараварига...

ЗАҲАРИЯ. Яна бир такрорлаймиз. Дикқат!

Ҳамма жим бўлади.

Жаноби олийлари, филингиш...

ОЛОМОН (*тагин ҳар қайсиси ўз ҳолига*). ...Муҳаммад ал-Фахднинг ўғлини ўлдириди... Мевали дарахтларни синдириди...

ЗАҲАРИЯ (*уларни тўхтатади*). Йўқ, йўқ, келинлар, энг бошидан бошлаймиз...

ОВОЗЛАР. Яна бир марта!.. Такрорламасдан ҳеч нарсани ўрганиб бўлмайди... Ўрганмасак ҳаммаси зое кетади.

ЗАҲАРИЯ. Қани, бошидан... Мухими — ҳамма бараварига... Қани... Жаноби олийлари, филингиш...

ОЛОМОН. ...бундан бир неча кун бурун Абу Муҳаммад Ҳасанни ўлдириб қўйишига сал қолди, у ҳозир ҳам касалхонада ҳушсиз ётибди.

ЗАҲАРИЯ. Жаноби олийлари, филингиш...

ОЛОМОН. ...шаҳардаги ҳамма мевали дарахтларни синдириди, фақат энг бақувват хурмоларгина қолди, холос.

ЗАҲАРИЯ. Жаноби олийлари, филингиш...

ОЛОМОН. ...Муҳаммад Иброҳимнинг уйини бузди. Агар у ўша пайтда уйда бўлса борми, ажалдан қочиб қутулолмасди.

ЗАҲАРИЯ. Жаноби олийлари, филингиз...
ОЛОМОН. ...қорамолимизга кун бермаяпти, товуклари-
мизни босиб кетяпти, ҳар ёққа ажал уруғини сепяпти.
ЗАҲАРИЯ. Жаноби олийлари, филингиз...
ОЛОМОН. ...бутун халкни даҳшатга солмоқда.
ЗАҲАРИЯ. Энди сен фиғон қил, ҳой хотин!
УЧИНЧИ ХОТИН (оломондан ажралиб чиқиб).
Халоскоримиз йўқ, ҳеч қайсимизга кун йўқ.
ОЛОМОН. Болаларимиз, топган-тутганимиз оёкости
бўлмоқда...

УЧИНЧИ ХОТИН. Ҳеч нарсамизга тинчлик йўқ.
ОЛОМОН. На уйимиз, на ҳаётимиз...
ЗАҲАРИЯ. Шундан кейин қиролга ҳаммамиз бир
овоздан арзимизни айтамыз. Қани, бошладик. Биз...
ОЛОМОН. Биз, шу шаҳарнинг қашшоқ аҳолиси,
қиролдан адолат сўраб келдик. Бизнинг ҳолимиз ёмон.
Ҳолимиз ёмон, ёмон!

Кайтадан овозларда тартибсизлик бошланади.

ЗАҲАРИЯ (қўлларини силкитиб). Йўқ, йўқ, ундай
эмас! Агар овозимиз бирдай чиқмаса, агар сўзларимиз
дона-дона ва аниқ-аниқ бўлмаса, қирол бизнинг мақсади-
мизни тушунмайди ва бизга ёрдам бермайди. Биз
арзимизни пухта қилиб айтишимиз керак.

ОВОЗЛАР. Ҳой, биродарлар! У ҳақ гапни айтяпти!
Нукул янглишиб кетаётган ким ўзи? Агар айқаш-уйқаш
гапирсак, қиролнинг аччиғи келиши мумкин... Унда
бизнинг ҳолимизга вой!.. Бир овоз боғдан, бир овоз
тоғдан... Ахир бу ҳазилакам гап эмас, биз саройга
кетяпмиз!.. Шошманглар, биродарлар... Хотиржам гапи-
райлик.

ЗАҲАРИЯ. Қани, тинчланинг! Яна бир марта такрор-
лаймиз.

ОВОЗЛАР. Бас, етади! Овозимиз хириллаб қолди.
ЗАҲАРИЯ. Сўнги марта. Дикқат! Ҳамма бараварига
бошласин. Тайёрмизми?..

Саҳна оҳиста қоронғиликка чўмади. Овозлар яна бир
мунча вақт эшитилиб туради, борган сари пасайиб боради.

ОВОЗЛАР (ҳамма бараварига). ...йўлда Муҳаммад ал-
Фаҳднинг ўғлини босиб ўлдириб, қон балчиққа айлан-
тириб кетди.

ЗАҲАРИЯ. Жаноби олийлари, филингиз...

Овозлар олислашиб эшитилмай қолади.
Ёруғлик буткул сўнади.

3. САРОЙ ОСТОНАСИДА

Саҳнанинг кўп қисмини қирол саройи эгаллаган.
Йиғилганларнинг ҳаммаси ниманидир кутганча ўзаро
сухбатда.

ОВОЗЛАР. Соқчидан ҳали ҳам дарак йўқ... Саройга
киришимизга ким ҳам рухсат берарди!.. Нега рухсат
бермасин?

ЗАҲАРИЯ. Бутун аҳли фуқаро ўз қиролини кўриш
ҳуқуқига эга.

ОВОЗЛАР. Ҳуқуқ! Ҳуқуқнинг билан кимнинг неча
пуллик иши бор?! Агар киритишмаса... унда нима бўлади?

ЗАҲАРИЯ. Тинчланинг. Қирол бизни албатта қабул
қилади.

ОВОЗЛАР. Рост, бизнинг додимизга қулоқ солса, бирор
ери камайиб қолармиди? Ўзи яхши одам дейишади... Мен
у тожни бошига кияётганида жилмайганини кўрганман...
Қандай жилмайганини ҳамма кўрган... Куриб кетгур
шайтон соқчиси аллақайқа ғойиб бўлди!.. Ишқилиб
машамиз тинчлик билан тугасин-да! Балки, қирол
банддир?.. Биз унинг фуқаросимиз-ку... Қиролга учраш-

май кимга учрашайлик? Ҳазил-ҳазил билан галабага
эришсак борми!

ЗАҲАРИЯ. Бир ёқадан бош чиқариб гапириш эсда
турсин!

ОВОЗЛАР. Бир овоздан!.. Ана, соқчи келяпти!.. Э,
бормисан? Қизик, нима гап олиб келдийкин.

Сарой дарвозаси олдида соқчи кўринади.

СОҚЧИ (жирканаётганини яширмай). Қирол киришга
рухсат берди.

ОВОЗЛАР. Демак, рухсат берибди-да, ҳар қалай! Умри
узун бўлсин. Омин!

СОҚЧИ (янада баттарроқ жирканиш билан уларнинг
гапини бўлади). Кираверишда оёқларни яхшилаб артинг-
лар. Чувринди кийимларингни ҳам бир қоқиб олинглар,
бит-бургалар саройга тўкилмасин!

Одамлар беихтиёр оёқларини артиб,
энгилларини қоқадилар.

Эслатиб қўяй, подалашмай тартиб билан киришлар ва
одобни бузманглар. Кўринган нарсага қўл теккиза-



верманглар. Ёдингизда бўлеин: сизлар ахлатхонада эмас, қирол саройидасизлар!

ЗАҲАРИЯ. Хавотирланма, ҳеч ким қуюшқондан чиқмайди. Одоб сақлашни биламиз.

СОҚЧИ. Ундай бўлса, кетимдан юринглар. Валдираманглар!

4. ҚИРОЛ ҲУЗУРИДА

Саҳнага соқчи билан кетма-кет шаҳар аҳолиси кириб келади. Одамларнинг юзларида ваҳима, тобелик, саросима. Улар бўғиқ овоз билан пичирлашиб гаплашадилар.

ОВОЗЛАР (*ҳайратли*). Фаввораларининг миттилигини қара, худди эртақдагидай... Мармарига қара, камалакдай товланади-я!

ЗАҲАРИЯ. Оҳиста қадам босинглар. Оёқларни тапиллатманглар!

ОВОЗЛАР. Соқчилари чунонам жиддийки, бир имо қилинса — бас, бошимиз бўйнимиздан учади... Саройнинг ўзига қиряпмиз, чоғи.

Одамлар девонга борадиган кенг даҳлиз остонасига яқинлашадилар. Эшикнинг икки томонида икки соқчи қотганча миқ этмай туради.

ОВОЗЛАР. Ҳозир тахтни кўрамиз... Вой-ей, элбурутдан тиззаларим қалтираяпти... Ана остонаси... Ажабо, юрагим мунча гурсиллайди?... Эҳтиёт бўлинглар, гиламлар доғ бўлмасин... Деворлар худди офтобдай кўзни олади-я!.. Қиролнинг ўзи қани?

Соқчи эшикни ланг очади, эшик ортида яна тўрт соқчи.

ОВОЗЛАР. Эшик сайин соқчилар кўпайиб бораркан... Юзлари худди тошдай... Мени тер босиб кетди.

ҚИЗЧАНИНГ ОВОЗИ. Қирол амаки қаерга беркиниб олган?

ОВОЗЛАР. Жим, секин... Бутун йўлак бамисоли олтиндан.

ЗАҲАРИЯ. Ҳовлиқманг, ҳовлиқманг!

ОВОЗЛАР. Кўзлар жимирлашади-я!.. Бизни қаёққа олиб кетяпти?... Одамни бунақа қийнашининг нима кераги бор!.. Қай бурчакка қарама, бир соқчи... Улар учун одам ўлдириш — туф дегандай гап!.. Бу саройда адашиб кетасан, киши.

Соқчи тунд башарали бир неча аскар турган эшик олдида тўхтади.

СОҚЧИ (*Оломонга ўгирилади. Унинг юзида жирканчли нафрат аломатлари акс этиб туради*). Ҳозир тахтли девонга кирасизлар. Ножўя хатти-ҳаракат қилишдан худонинг ўзи асрасин сизларни... Қиролнинг ҳузуридаги суҳбат хат қилинади. Шунинг унутмасликларининг сўрайман!

ЗАҲАРИЯ. Биз қирол ҳузурида ҳам ўзимизни тута билишимизни кўрсатишимиз керак. Тарбияли, одобли бўлиш қўлимиздан келади. Демак, ҳаммамиз тартиб билан кирамиз, бош эгиб салом берамиз, кейин арзимизни айтаемиз.

ОВОЗЛАР. Наҳотки, қиролни ўз кўзимиз билан кўрсак?... Одамнинг боши айланиб кетади... Юрак курғурнинг уришини қаранг!.. Юракнинг уришини!..

Икки соқчи катта эшикни ланг очади.

СОҚЧИ (*остонадан*). Жаноби олийлари, қабулхонада шаҳар аҳолиси!

ҚИРОЛ (*ичкаридан*). Киритилсин!

СОҚЧИ (*оломонга*). Ана энди қиринглару таъзим қилинглар!

Девонга биринчи бўлиб Заҳария, кетидан бошқалар қиради. Ҳаммаси ваҳимада, эсанкираган.

ОВОЗЛАР (*бўғиқ, қалтироқ*). Қирол!.. Қўлида асо!.. Бошида тож!.. Офтобдай чарақлайди... Бошининг кўтарма, бошининг!.. Анови соқчилар худди арвоҳга ўхшаб туришибди... Ҳар бурчакда, ҳар девор ўртасида. Тахт шу қадар баландки... Қирол!..

Ниҳоят, ҳамма жим бўлади. Итоат билан ергача эгилиб таъзим қиладилар. Заҳария олдинда турибди.

ҚИРОЛ. Муҳтарам фуқаро ўз қиролидан нени хоҳлайдур?

Оғир сукунат. Ҳамма жойида қотган. Гўё эгилган кўйи тошга айлангандай елкаларгина кўринади.

Мен сўзлашингизга руҳсат бераман. Шикоят қилгани келдингларми?

ЗАҲАРИЯ (*салгина дадилланиб, титроқ овоз билан*). Жаноби олийлари, филингиз...

ҚИРОЛ. Нима... фил?

КИШИЛАРДАН БИРИ (*титроқ овоз билан*). Ўлдирди...

(*Тугилади, қўрқиб олазarak бўлади.*)

ЗАҲАРИЯ (*баландроқ овоз билан*). Жаноби олийлари, филингиз...

ҚИРОЛ (*ғижиниб*). Хўш-хўш, нима бўлди фил?

ҚИЗЧА (*пичирлаб*). Ўғлини ўлдирди...

Биринчи хотин кўрқиб қизчанинги оғзини ёпади.

ҚИРОЛ. Анов ерда гапирган ким?

ЗАҲАРИЯ (*аччиқланиб овозини кўтаради*). Жаноби олийлари, филингиз...

ҚИРОЛ. Сабру тоқатимнинг ҳам чегараси бор — гапиринг ахир, фил нима қилди?!

ЗАҲАРИЯ (*мушкул аҳволга тушиб оломонга ўгирилади*).

Ҳамма бош эгганча, жим туради.

Жаноби олийлари, филингиз...

ҚИРОЛ. Намунча «Жаноби олийлари, филингиз» деб ақиллайсан!.. Сенга нима керак ўзи? Тушунтириб гапир! Бўлмаса жазога тортаман!

Заҳария эсанкираб оломонга қарайди. Бир сония тарадудда қолади. Кейин эсанкираши жарканишга айланади. Ниҳоят, қатъий равишда тахтга қараб юради.

ЗАҲАРИЯ (*ғайрат билан қўлларини ҳаракатга келтириб*). Жаноби олийлари, биз сизнинг филингизни жуда яхши кўрамиз. Яхши кўрамиз-у, аммо унга сизчалик ғамхўрлик қилолмаймиз. Биз унинг шаҳарда ўйнаб юришини кўрганимиздан бахтиёрмиз. Унга шу қадар ўрганиб кетдикки, усиз бизга ҳаётнинг қизиғи йўқ. Аммо бизга у зерикаётганга ўхшаб кўринади, чунки у ҳамма вақт ёлғиз. Жаноби олийлари, ёлғизлик — бу даҳшатли туйғу. Шунинг учун, биз — сизнинг содиқ мардумларингиз ҳузурингизга келишни лозим топдик: шу филиннинг ҳаётини безаш керак; эҳтимол, уни уйлантириш лозимдир — яна ўнтача, йўқ, юзтача, балки мингтача фил туғилсин! Жаноби олийлари, биз сиздан шунинг илтимос қилгани келдик. Бутун шаҳар филларга тўлиб кетсин!

ОВОЗЛАР (*босиқ, ҳирқироқ*). Бутун шаҳар филларга тўлиб кетсин!

ҚИРОЛ (*хаҳолаб*). Сизлар мендан шунинг илтимос қилгани келдингларми?



ЗАҲАРИЯ. Ҳукмдоримиз бизнинг бу илтимосимизни ерда қолдирмаслар деган умиддамиз.

ҚИРОЛ (*амалдорларга ўгирилиб*). Эшитдингларми? Гоятда доно таклиф. Мен ҳамма вақт, пешонамга яхши халқ битган, деб айтардим. Бизнинг мардумларимизнинг қалблари зийрак ва оқибатлики, бунақаси бошқа ҳеч қаерда йўқ! Биз сизлар сўрагандай қиламиз, албатта (*асосини ерга тақ-тақ уради*). Энди киролингизнинг фармонини эшитинг! Биринчи фармон: дарҳол Ҳиндистонга одамлар жўнатилсин ва филимизга муносиб урғочи фил излаб топилсин! Иккинчи фармон: мана бу ажойиб йигит мукофотлансин ва у бугундан бошлаб бош филбон қилиб тайинлансин! Учинчи фармон: филимизнинг тўйи умумхалқ байрамидай ўтказилсин, тароналар янграсин, рақслар авжига чиқсин ва беш кеча-кундуз давомида бутун халқ текин шарбатлар билан сийлансин!

ЗАҲАРИЯ. Оллоҳ сахий ҳукмдоримизни паноҳида асрагай!

ОВОЗЛАР (*босиқ, ҳирқироқ*). Оллоҳ сахий ҳукмдоримизни паноҳида асрагай!..

ҚИРОЛ (*жилмайиб*). Шундай қилиб, илтимосинглар бажарилди. Ижозат, кетаверишингиз мумкин!

Одамлар сахнада чироқ ўчгунга қадар қадларини ростламай эшиқлар сари эмаклайдилар. Чироқ қайтадан ёнганда эса, спектакль қатнашчилари сахна олдига чиқадилар.

ҲАММА (*бараварига*). Бу нақл.

БИРИНЧИ АКТЁР. Биз уни сизлар учун ўйнадик.

ИККИНЧИ АКТЁР. Сиз ундан бирон сабоқ оларсиз деб ўйнадик уни.

УЧИНЧИ АКТЁР. Нима учун филлар оламда бемалол яшаётганини тушунгандирсиз?!

АКТРИСА. Нима учун кўпаяётганини ҳам тушунгандирсиз?!

ТЎРТИНЧИ АКТЁР. Аммо, ушбу нақлимиз муқадди-ма холос.

БЕШИНЧИ АКТЁР. Филлар кўпайганда давомини кўрасиз.

ҲАММА (*бараварига*). Давоми аёвсиз ва қонли бўлади. Биз уни сиз билан бирга янаги сафар ўйнаймиз (*кетадилар*).

ПАРДА

Рус тилидан Миразиз АЪЗАМ таржимаси

Расмларни Н. АКРАМОВ чизган

Константин Симонов

Мени кутгил

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат кутгил, жуда интизор,
Кутгил, ёмғир зериктирганда,
Мени кутгил, ёққанида қор,
Атрофингни ҳарорат қоплаб,
Еру кўкни чанг тутганда, кут.
Бошқаларни узатган дўстлар
Кечагина унутганда, кут.
Хат келмасдан узоқ ерлардан,
Юрагингни қилганида қон,
Кутгил, сен-ла бирга кутганлар
Зериккандан чекканда фиғон.

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Бўлса ҳамки, рангинг заъфарон,
Ёринг қайтмас, умидингни уз,
Деганларга тилама омон.
Майли, ўғлим, сингим, волидам,
Аза очсин мен йўқ туфайли.
Кутабериб сабри тугаган
Еру дўстлар, ошнолар, майли,
Айрилиққа беролмасдан тоб,
Аччиқ-аччиқ ичсинлар шароб.
Кўзларингга тўлса ҳамки, ёш
Фақат сен кут ва айла бардош.

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Ўлимларни қолдириб доғда.
Иши ўнгдан кепти десинлар
Кутмаганлар мени у чоғда.
Ёт туюлар кутмаганларга,
Бундай ажиб толеинг санинг.
Кута-кута мени офатдан
Омон сақлаб қолаолганинг.
Қандай омон қолганлигимни,
Ёлғиз сенга айтарман, сирдош,
Кутаолдинг мени сен фақат,
Буюк эди сендаги бардош.

Ҳамид ОЛИМЖОН таржимаси.



Ёкубжон
Ахмаджонов



САРДОБА ШОТУТЛАРИ

ДОСТОН

Ватанимизда, республикамызда «виждон сезгирлиги, адолат ташналиги, актив маънавий-ахлоқий йўл танлаш даври» (Асқад Мухтор) бошланган экан, бу давр олдида ҳаммамиз — катталар ҳам, ёшлар ҳам бирдек масъулмиз.

«Сардоба шотутлари» ёши юзга яқинлашиб қолган бир мўйсафиднинг ўтган аср охирларида яшаган эл бахшисидан эшитган ривоят, ҳикмат, нақллари асосида қоғозга тушди.

Ривоятларга, айрим ҳолатларга халқ оғзаки ижодига хос белгилар деб қараш керак. Туғилмасдан аввал гапирган даҳо, ёнқоқдан катта буғдой дони — булар оғзаки ижод дарахтининг япроқлари.

Шотутлар орасига қайтиш

Билигни ирдадим,
Бугуни узурдим.
Ўзимни азирдим,
Ялғиз айтим язлинур

(Билимни қидирдим,
Донолар ортидан юрдим.
Ўзимни ёлғизликда тутиб,
Шу йўлда оқ ёлли отимни ҳам
аямадим).

Маҳмуд КОШҒАРИЙ,
«Девону луғатит турк».

Сардоба (маъноси: гумбаз шаклидаги ғишт қурилма билан беркитилган сунъий ҳовуз) — Намангандаги энг катта даҳанинг номи.

Сардоба шотутлари ҳақида гапиряпман, лекин уларнинг оз қолганини кўнглим сезиб турибди.

Ҳолбуки, шотутлар кўп эди — бир вақтлар уларнинг орасида, ажириқ ўтлар устига чордона қурганча, бизга — орик, ялангоёқ Сардоба болаларига Мубошир бахши ҳикоялар айтиб берар, нимагадир ўз ривоят ҳикматларини «Булар ҳам аслида шотутлар» дер эди. Фақат йиллар ўтгач, умрнинг иссиқ-совуқ кунларини бошдан кечиргач, даштга — марҳумлар дафн этилади-ган жойга кўчиб кетган Мубошир бахшининг сардобалик улўғ донишманд эканини ўзим учун кашф қилдим:

Кўп кўшиқлар тингладим-у,
Эл бахшисин сози баланди!

II

Поклик ҳақида ривоят

Ҳар биримиз ҳар бир қилмишимиз учун бутун нисоният олдида жавобгармиз.

Габриэль ГАРСИЯ МАРКЕС.

Аёл (унинг ой-куни яқин эди) Сармаст боққол саватидан тушиб қолган бир дона узумнинг чангини артиб еди (балки уволидан кўрқиб шундай қилгандир). У беш-олти қадам босмаган ҳам эди, овоз эшитилди: «Мен сизни ҳурмат қиламан, онажон...»

Аёл атрофга қараб, тор кўчада ўзидан бошқа одам зотини кўрмади...

«...лекин қонимга ҳаром аралашмаслиги керак, онажон...»

Аёл юришдан тўхтади, юрагини ваҳима босди...

«...руҳим Сайхун соҳилидаги оқ тошлардан пок бўлиши керак, онажон...»

Онанинг кўнгли болада деганлари ҳақ: Аёл сўзлаётган туғилажак фарзанди машраб¹ эканини англади, шивирлади:

«...сен мenden нима истайсан, болам...»

«...мен ташвиш исканжасидаман, онажон... Ҳақи тўланмаган бир дона узум — ҳаром — менга яқинлашиб келяпти, у тезда қонимга сингиши мумкин...»

«...менинг Машрабгинам, нималар деяпсан ўзи?! Ёруғ дунёдаги баъзи бировлар бутун бир юртни еб, ўзларини ҳалол-пок деб юришибди-ку! Сен эса тупроқда ётган бир дона узумнинг ҳақидан кўрқяпсан...»

«... одам боласа туғилмасдан илгари ҳам пок бўлиши керак, онажон. Ҳаромхўрнинг зурёди ўғрига айланса ҳечқиси йўқ — ундан маълум кишиларгина жабр кўради, аммо у ҳукмдорга айланса бутун юрт қон қусади...»

«... нима, сенинг пешонангга ҳукмдорлик битилганми, болам?»

«... мен поклик мулкининг султони бўлмоқчиман, онажон. Сиз Сармаст боққолни рози қилинг, шунда ўғлингиз ҳеч бир ҳукмдорнинг узун қўли етмаган бахтга эришади. Акс ҳолда мен ёруғ дунёга чиқмай йўқ бўлиб кетаман, нопок яшагандан яшамаган маъқул...»

¹Наманганликлар «машраб» сўзини она қорнида гапирган бола маъносида қўллашади.

Шундан сўнг Аёлнинг Сармаст боққол розилигини олгани ва кўп ўтмай боланинг дунёга келгани ҳақидаги ривоят кўпчиликка таниш, унга ишонасизми-йўқми ихтиёрингиз, лекин ёвуз одамларнинг — икки оёқли аждаҳоларнинг ибтидоси ҳаромхўрлик эканига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади.

III

Буғдой йили ҳақида ривоят

Буюкликка энг яқини — ҳалоллик...
Виктор ГЮГО.

Қоратепа узра оромгоҳ
Қурмоқликни буюрди ёш Хон.
Ер текислаб усталар, ногоҳ,
Топиб олди бойёнғоқдай дон...

Хон олдида икки мулозим,
Кафтларида дон эмас — савол:
«Қачон буғдой шунақа ҳосил,
Берганини аниқланг дарҳол!...»

Ҳукмдорнинг фармони вожиб —
Мулозимлар ҳар томон чопди.
Шаҳар ичра соқоли, сочи,
Пахтадек оқ донони топди.

Мулозимлар ҳўплар экан чой
Сўз бошлади хушчақчақ оқил:
«Эсимда бор, бир йили буғдой,
Берган эди шундай тўқ ҳосил...»

У замонлар эди бошқача —
Улус эди виждонли, тўғри.
Кун чиқишдан Кунботишгача
Топилмасди ҳаромхўр, ўғри...

«Чўзилмоқда ўғлимнинг бўйи,
Унга уй-жой керак» эди деб,
Қўшнисидан ортиқча жойни
Сотиб олди маҳсидўз косиб...

Олган жойин бир четин чопиб,
Лой қиларкан девори учун,
Ҳайрон бўлди катта хум топиб —
Тўла эди тиллага ичи!

Шимардию йиртиқ енгини,
Қўшнисига хум тутди косиб:
«Жойингиздан топдим мен буни —
Ўзингизга у қилсин насиб...»

«Мен бу ерни сотганман сизга,
Унда не бор — сизники бари...»
Қўшни қўли лой маҳсидўзга
Хум — олтинни берди қайтариб...

Икки қўшни қабул чоғида
Ҳозир бўлди қози олдида...
(Иккови ҳам биров ҳақидан
Кўрқадиган — ҳалол эди-да...)

Қолишмасдан улардан қози —
У олтинга бўлмади шерик.
Қўшнилари-чи, бўлиб норози,
Йўл олишди ҳукмдор сари...

Арзларига хон қулоқ солиб,
Қувонч билан чиқарди фармон...
(Кўлларида олтинни олиб
Ҳазинага қилмади гумдон...)

«Буни сарфлаб барпо қйлинг боғ —
Унинг номи Ҳалоллик бўлсин.
Шивирласин йил бўйи япроқ,
Дастурхонлар мевага тўлсин!»

Бу воқеа юз берган йили
Буғдой берди шунақа ҳосил.
Эл сандиғи дон-дунга тўлиб,
Кўкка етди сурнайлар саси...

Сўнг бошланди — нопок бир замон,
Меҳру инсоф — тарқади буғдай.
Йиллар ўтди... Қайтиб ҳеч қачон
Бунақа дон бермади буғдой».

IV

Мубошир бахшининг икки ҳикмати

1

Агар имкон топсанг Кундузнинг бир парчасини
кўзинга бер — у бунга ҳақли. Мабодо шундай қилсанг
кўзинг шотутлар, гуллар, майсалар тилини тушуна
бошлайди, ҳатто тошларнинг овозсиз қўшиқларини
эшита олади. Сен шунда ранг оҳанглари фақат кўз
билангина тинглаш мумкинлигини англайсан (Кундузи
қулоғинг шовқин билан банд).

2

Кечанинг бир парчасини эса, агар жуда ҳам ҳорима-
ган бўлсанг, қулоғинга бер — у ҳам бунга ҳақли. Сен
шунда соҳилни қитиқлаб ўзи кулаётган сой тўлқинлари-
ни, тўкилган бодомни қарс-қурс чақаётган типрати-
конни, боғнинг паҳса девори устида уйқуси қочиб
чумчуқдай чирқиллаётган калтакесакни кўрасан — бу-
ларни тунда фақат қулоқ билан кўриш мумкин (Кечаси
кўзинг қоронғулик билан банд).

V

Саркарда хатоси

Тождорлардан безди дунё
Кўравериб золимлар.
Шоҳлар аро
Бўлган аммо
Шоирлару, олимлар...

Эркин ВОҲИДОВ
«Рухлар исёни»

Уфқда қуёшмас — отларнинг чанги,
Қурулди бўрилар келар бостириб...
«Улуғ олампаҳо, руҳсат берсангиз,

Барчасин пашшадек ташласак қириб!»

Бошини тебратар кекса олим — Шоҳ:
«Маъкулроқ тадбир ҳам топилур, тўхтанг,
Токи бирор етим кўксидаги оқ
Кўксимиз тешмагай ёв отган ўқдай...»

Содиқ элчиларин йўллар ҳукмдор,
Душман келаётган саҳрога томон:
«Тезда бориб айтинг, дастурхон тайёр,
Саркардаси бўлсин саройга меҳмон...»

Ҳақгўй элчиларнинг гапига бироқ,
Парво ҳам қилмайди мағрур Саркарда:
«Биламан, бу таклиф — аслида тузук,
Ўлдиришар — ёлғиз борсам агарда...»

Ортида лашкари — ювуқсиз гала,
Саркарда от кўяр Шоҳ мулки томон:
«Шошма, Шоҳ, бошинга қаро кун солай,
Боғинг — мозор бўлур, кафанинг — хазон!»

Лекин яқинлашгач Шоҳнинг қасрига
Саркарда руҳини кесади олмос:
«Дуч келдим мен қандай душман наслига,
Санаб саноғига одам етолмас...»

Чўққидай ярқираб найза — яроғи,
Паҳлавонлар турар тоғлар каби жим.
Шунда Саркарданинг титрар оёғи,
Юрагин кемирар каламуш — ваҳм...

Ниҳоят ҳукмдор олдиға кирар
Ўртада ёзиғлиқ катта дастурхон.
Аммо дастурхонда... тиллалар турар,
Аммо дастурхонда... йўқдир бурда нон!

Мўйсафид ҳукмдор қовоғин солиб
Уни дастурхонга ундар хотиржам:
«Қани, азиз меҳмон, тилладан олинг —
Ахир нон топилар юртингизда ҳам...»

Доно рақибининг қаршисида мот,
Қизарган Саркарда отига минар.
Шамолдек елади қамчиланган от,
Номусдан фотиҳнинг кўзлари тинар...

Уни жангсиз енгган балки кўрқувдир,
Эҳтимол... тиллага тўла дастурхон!
Ўзининг юртига елдай еладир
Безабон, безабон, безабон!

VI

Шотутнинг тўққиз япроғи

Донишмандлар ҳамиша халқ
тани билан кўз илғамас
иплар билан боғланган бўлади.
Карл МАРКС.

1

Баҳор — майсалар, умидлар кўкарадиган
фасл. Фақат лоқайд одамнинг ҳайратигина

кўкламда ҳам уйғонмайди — у аллақачон
боғ четидаги тўнгатка айланиб қолган.

2

Тоғ баланд деб водийни, саҳрони камси-
тиш инсофдан эмас, ҳар бир халқнинг ўзига
хос маънавияти бор — уларсиз инсоният да-
ҳоси кемтик. Агар ирмоқлар қуриса дарёдаги
оқар сув ўрнида қора балчиқ қолади.

3

Нега сени кўриб қушлар ердан кўкка қочади?
Балки уларга қачонлардир ўқ ёки тош отган-
дирсан, балки бу иш ҳозир ҳам қўлингдан
келар? Чумолининг ҳам жони борлигини, бирор
шоҳини кессанг ток ҳам йиғлашини қачон
англаб етасан?

4

Курраи заминдаги барча одам оқни қора демай-
ди, мабодо шундай деганда ҳам яккаланиб қо-
лишдан кўрқмай оқнинг оқ, қоранинг қора эканини
айта олсанг, демак, сенинг виждонинг солим.

5

Ватанини севмаган одам қаерда яшаши-
дан қатъи назар — отамерос гўшасидами
ёки олисдами — ватансиздир.

6

Қаллоблик билан бир товоқдан ош еяётган
ҳақгўйликка ишониб бўлмайди.

7

Сардоба бозорида бир ит гоҳ семизга
эргашади, гоҳ ориққа. Ҳамма уни ҳайдайди.
Эгасини йўқотиб қўйган бечора жонивор!

8

Биз, кексалар, Одамзод дарахтининг баҳор, ёзи ўт-
ган, кузи кечаётган япроқларимиз. Яқинда
шоҳлар остига узилиб тушамиз, қиш ус-
тимизга оқ кафан ёпади. Вақт етади,
биз тупроққа айланиб, ўз дарахтимиз ил-
дизини қаттиқроқ ўраймиз, токи уни ўт-
кинчи совуқлар қуритиб қўймасин.

9

Қонида эзгуликка муҳаббат, нопокликка
нафрат яшайдиган халқ улуғдир.

Мубошир бахшининг беш огоҳлан-тириш белгиси

1

«Зангори осмонда қалдирғоч учар,
Яна руҳим хушбўй кунларни ичар,
Асли ошиқ умри оташда кечар,
Сўнган, моғор босган ҳисдан кўрқгулик!»

2

«Одам бор — ўқига нишондир жайрон,
Оёгин остида бойчечак, райҳон.
Табиатга бефарқ беишқ — беимон
Виждонсиз, юраги муздан кўрқгулик!»

3

«Мени биров дўст дер, бошқаси душман,
Кимларга иссиқ ёз, кимларга қишман...
Мен ҳаддим билмаган бир зот эмишман —
Бўхтон бандалари, сиздан кўрқгулик!»

4

«Оҳ урдим гоҳида — номард дўст сотди,
Маломат тошини кўксимга отди.
Кўз ёшим дийдамда юлдуздек қотди —
Ёвданмас, ғаламис дўстдан кўрқгулик!...»

5

«Эй бахши, ҳеч кимга адоват қилма,
Руҳинг пок, сен унга хиёнат қилма.
Сен ёлғон куйлама — жинойт қилма,
Оқни қора деган сўздан кўрқгулик!»

кўринди. Қулоғига бошқа отнинг шарпаси эшитилди,
у қараб, ўзи билан бир дарахтнинг икки япроғидай
ўхшаш эски қадрдонини кўрди.

— Қалай, дўстим, эсон-омон бормисан,
Ҳануз озод — чертилмаган тормисан?
Мен кетгандан кейин ҳолинг не кечди,
Қаҳратонда ё емишга зормисан?

— Раҳмат, дўстим, кўряпсан омонман,
Эгасизман, ўз-ўзимга султонман.
Қўлга тушгач, сенинг ҳолинг не кечди,
Эркисизликка қандоқ кўндинг?! Ҳайронман...

— Сен қутулдинг. Мени эса тутишди,
Олиб бориб шоҳга тортиқ этишди.
Гўзаллигим, учқурлигим туфайли
Хор бўлмадим — эъозларга етишдим...

— Кўраяпман, йиғламабсан, кулибсан,
Парваришдан семирибсан, тўлибсан.
Фақат дўстим, қайда қолди отлигинг —
Бир қонхўрни чавандоз деб билибсан!

— Ўзгармабди ҳануз феълу-атворинг,
Мағрурлигинг — ўз-ўзингга озоринг.
Оёгинг-ку доим қора тупроқда,
Лекин кўнглинг булутлардан юкори,

— Фуқарони босиб-тепиб ўтибсан,
Эганг каби лаънатларга ботибсан.
Устингдаги тилла эгар-жабдуққа
Виждонингни ва эркингни сотибсан!

— Шоир шоҳга қасидалар битади,
Гўзал қизлар кошонада ётади...
Асли эски бозор эрур бу дунё —
Бу бозорда ҳамма борин сотади!

— Ҳамма сотмас — бу гапларинг ёлғондир,
Асл отга тўғри чопмоқ мезондир.
Тафаккуринг кўр қилибди эркисизлик,
Озодлик бор маскангина ватандир.

— Мен ўзимни тенгламайман асирга,
Шоҳ отиман, жойим ўхшар қасрга.
Мен билан юр, қолишмайсан сен мандан,
Ҳеч бўлмаса от бўласан вазирга!

— Туғилгандик иккимиз бир зот бўлиб,
Биз қолибмиз энди етти ёт бўлиб.
Сенга ўхшаб тор саройда юргунча
Дашт кезаман подачига от бўлиб.

X

Нақл парчалари

1

Қайси нодон «оёқ — паст» деб камситди?!
Бежирим оёқлар — хиноли оққуш.
Ғишткўприклик косиб дунёдан ўтди
Нозик оққушларга кийдириб ковуш.

VIII

Мубошир бахшининг изтироби

Мен бир куни тириклар орасидан кетаман, лекин
дарахтлар қолади — бу фожиа эмас.

Мен бир кун тупроқ остида Осмонни кўролмай
қоламан, лекин Осмонда қушлар оқ булутлар билан
қулашиб учаберади — бу фожиа эмас.

Мен бир кун Қуёш ҳароратидан маҳрум бўламан,
лекин гўдаклар Қуёшга (Уни балки қизил шар деб
ўйлар) қўлини чўзаберади — бу фожиа эмас...

Дарахтлар кетсаю, мен қолсам — фожиа,
Жониворлар кетсаю, мен қолсам — фожиа,
Гўдаклар кетсаю, мен қолсам — фожиа.

IX

Икки от ҳақида ҳикоя

Овга чиққан ҳукмдор ўтовга дам олгани кирди. Унинг
оти нарироққа кетди, таниш кенглик кўзига иссиқ

Ҳаёт омон экан — Дарахт собитдир,
Не бахт айланолсанг бир япроғига!
Мажнунтоллик боғбон дунёдан ўтди
Умрини сингдириб кўм-кўк боғига.

У ҳеч ютқазмади, ҳар доим ютди
(Бироқ завқланмади боқиб Баҳорга) —
Заркентлик савдогар дунёдан ўтди
Топганини чаплаб қорин, деворга.

Шоирнинг ризк-рўзи муҳаббат — ўтдир,
Умидвор кўксига ҳислар қуюни.
Сардобалик шоир оламдан ўтди
Қақнус қуши бўлиб дунё куйининг.

XI

«Қизил китоб»дан тушиб қолган дарахт ёки Мубошир бахшининг васияти

Бу Боғнинг (У, дунёни «Боғ» деб атарди) бағридаги дарахтларнинг ҳар бири ҳам жонивор. Мана, шотутни олайлик. У — Сахийлик дарахти. Меваларини осмону фалакка эмас — Сизларга узатади. Уни яшил дорихона деб аташ мумкин, ахир мевалари қайси доридан кам. Шундайку-я, лекин аллақаери устига сарбон минишини кутаётган туяга ҳам ўхшайди.

Ёнғоқ эса болаларни, гўдақлар билан ҳазиллашишни яхши кўради. Ёнғоқ — дарахтларнинг Хўжа Насриддини. У сизнинг йўлингизга ўз мевасини ташлаб юборади, сиз талашиб-тортишасиз ва дум-думалоқ мўъжиза ортидан қувлашиб кунни кеч қиласиз, оёғингизнинг чигили ёзилади.


Мажнунтол — раққоса. Баҳор соз чертса — сал шамол эсса бас, кокилларини тебратиб рақсга тушади.

Кўнгил деган нарса ҳам асли шу Боғнинг бир парчаси. Унинг бағрида Ҳалоллик дарахти ўсади. Ҳалоллик дарахти доим ҳимояга муҳтож. Агар кўйиб берилса ёвузлик, ҳаромхўрлик, лоқайдлик каби очофат қуртлар уни оч қолган бўридек ғажиб ташлайди, натижада одам боласи ўзлигидан тониб, дунёдаги энг даҳшатли махлуққа — ақлли юҳога айланади. Сиз мабодо шотутларнинг, ёнғоқларнинг, мажнунтолларнинг қури-маслигини астойдил истасангиз, Ҳалоллик дарахтини парвариш қилинг.



КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆ КАЛДИРҒОЧ ◆

**Мамаражаб
Имомов**



Бойчечагим бойланди...

Болалар бир саҳар дарвозанг чертар
«Бойчечагим бойланди» қўшиғин куйлаб,
Тинглайсан — юрагинг орзиқиб кетар,
Ҳув олис болалик йилларинг ўйлаб.

Рухингга бостириб кирар яшиллик,
Қийғос гулга чўмар ҳар битта оғоч.
Жисмингни чулғайди ажиб енгиллик,
Баҳор-баҳор дея сайрар қалдирғоч.

Эзгуликка чорлар ҳар битта бола
Қўлида порлаган бойчечак билан.
Яшариб кетади шу кекса дунё,
Боланинг кўзидай порлайди олам.

«Бойчечагим бойланди» қўшиғин куйлаб
Дарвозангни чертар болалар тонгда.
Шу қўшиқ куйлаган болалар ҳаққи
Тинчликни тилагин заминга шунда.

* * *

Баҳор кириб келар кутилмаганда,
Бир куни дарахтлар учида кулиб.
Баҳор кириб келар севган қизингнинг
Дудоғида ширин табассум бўлиб.
У тонгги шабада қучоғи аро
Майин нафас бўлиб келар аслида.
Ё деҳқон отангнинг манглайи узра
Келади янги бир ажин шаклида.
Зумрад булоқларнинг зилол сувида
Ажиб бир наволар куйлаб келади.
Ё сўлим саҳарда, оғоч учига
Минг турли гул бўлиб, орзу илади.
Қўлида гунафша тутган гўдакнинг
Баҳор кириб келар лабида кулиб.
Баҳор кириб келар сўлим бир оқшом
Тушингда онангнинг сиймоси бўлиб.

* * *

Кўк юзига чиққан қора булутлар,
Заминга ёмғирни айларди ҳада.
Самонинг элчиси — кузги томчилар
Остида балққанди минглаб шамсия.

Одамлар бекиниб қочиб борарди
Ёмғирдан қизганиб кийимларини.
Ёмғир-чи, шивирлаб очиб боради
Дарахт, гиёҳларга кўнгил сирини.



Константин Федин ва Комил Яшин: умр ва ижод пиллапояларида

Тошкентнинг Космонавтлар кўчасидаги камтарин ва кўркам уй. Улкан адиб, атоқли санъаткор Комил Яшин ҳузурида кечган серфайз, пурмағно лаҳзалар. Ўзбек совет адабиётининг, республикамизнинг тарихи билан умри ва ижоди пайваста бўлиб кетган инсон, ижодкор. Улкан, мураккаб ва қизиқарли ҳаёт йўлини босиб ўтган бу машҳур, лекин камтар одамнинг ҳаёт ва ижод босқичлари кимни қизиқтирмайди, кимни ҳайрон этмайди?!

Комил Яшиннинг буюк рус адабиёти билан, унинг навқирон намояналари билан, хусусан Константин Федин билан дўстлиги ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин таширфимиздан мақсад — бу борада устознинг ўзларидан лутфан бир-икки оғиз сўз эшитиш.

«Максим Горький, Константин Федин, Михаил Шолохов... Адабиётимизнинг йўлчи юлдузлари... Нақадар тугёнкор, курашчан, олис, лекин дилга яқин йиллар...»

Яшин ака теран, лекин қандайдир ёқимли, интиқ хотиротлар оғушига тортилиб, кўзларида учқунлар пайдо бўлади.

«Улар бизнинг қаламкаш оғаларимиз. Константин Александрович 1 Бугуниттифоқ Ёзувчилар съезди минбаридан туриб бу улғу анжуман ҳақида «Бу съезд фақат совет ёзувчиларининггина эмас, бутун совет халқларининг съездидир...» деган эди. Дарҳақиқат, бу — улкан адабиётнинг, улкан дўстликнинг байрами бўлди...»

1 съездга мен ҳам сайланган эдим. Лекин касаллигим туфайли унда иштирок этолганим йўқ. Съездда бир юзу битта Бугуниттифоқ правлениеси аъзосига мандат ёзилган бўлиб, шулардан 101-си меники эди, мен бу ҳақда гурурланмай сўзлай олмаيمان...»

Яшин ака шу кунгача авайлаб-эъозлаб сақланилган азиз ҳужжатни кўрсатадилар, уни биз ҳам қўлимизга олиб тикиламиз, ҳаяжонли воқеаларнинг шохидларига айланамиз...

«Ҳа, ўша йиллар мен учун кўп азиз ва қадрлидир. Адабиётга эндигина кириб келаётган ижодкор эдим. Ҳар бир янгилик, ҳар бир янги асар мени қанчалар тўқинлантирар, уларнинг ижодкорлари эса кўз ўнгимда аллақандай илоҳий, мўъжизавий қудрат касб



Ижодий мулоқот. КОМИЛ ЯШИН ва КОНСТАНТИН ФЕДИН. 1967 йил.

этардилар. Ўша вақтда менга кўплаб рус адиблари қатори Константин Федин ижоди алоҳида бир мактаб бўлди. Унинг «Ога-инилар», «Шаҳарлар ва йиллар» романлари, «Дашт» ҳикоялар тўплами билан танишган эдим, лекин кўпдан у кишининг ўзлари билан кўришиш орзуим бор эди. Никита Карев — ажойиб ва улкан қалб эгаси, инқилоб симфониясини яратган санъаткор! Андрей Старцев оламини айтинг! Нечоғ маҳорат билан яратилган образлар!

1935 йилнинг бошида Москвада Ёзувчилар Союзининг драматургия масалаларига бағишланган пленуми

бўлди. Пленум менинг ҳаётимда унутилмас воқеага айланди. Мен шу ерда Федин билан танишдим. Унинг пленумдаги сўзини тингладим. Мен ҳам «Ўзбек драматургиясининг ривожига ҳақида» нутқ сўзладим. Анжуманда М. Горький, Е. Ермилов, В. Луговской, шунингдек Ўзбекистондан Ғайратий, Раҳмат Мажидийлар ҳам бор эдилар...»

Ҳа, «Драматург Яшин», оддийгина айтилади. Лекин бу ном, бу санъатнинг илк чашмалари мана қаердан ва қай тарзда бошланган экан! Яшин ака бу пленумда Ҳамза театрининг ўн беш йиллиги ҳақида, бу ерда

эндиликда В. Шекспирнинг «Гамлет» асари ўйнала бошланганлигини ва бош ролни Аброр Ҳидоятлов ижро этаётганлиги хуусида гапириб беради. Халқнинг, томошбинларнинг талаблари билан пьеса кунига уч-тўрт мартага кўйиши, Аброр Ҳидоятловнинг кунитун театрдан кетмай роль ўйнаши, ҳатто баъзан чарчаб сахнада ҳушидан кетиб қолиши айтилганда, президиумда ўтирган Федин ўрнидан туриб кетади: «Бу қандай яхши, жудаям соз! Урта Осиёда ўзбеклар Вильям Шекспирни ўқияптилар, асарларини сахналаштириптилар! Қаранг, Шекспир шунча узоқ ўлкаларга етиб борган, уларнинг маданиятига сингган...» Унинг шу сўзларидан кейин мажлис аҳли ўзбек делегациясини узоқ ва давомли қарасқлар билан олқишлади. Худди шу ёлеумда Е. Ермолов Ҳамза театрини Бутуниттифоқ Ёзувчилар союзининг Фахрий ёрлиги билан тақдирлаб, табрик нутқи сўзлайди. Мазкур Фахрий ёрлиқ ҳозир Ҳамза театрининг музейида сақланмоқда.

«Айнан шу кундан бошлаб Константин Александрович билан улкан дўстлигимиз, ижодий ҳамкорлик ва фикр олишувларимиз бошланиб кетди. Мен энди уни буюк инсон сифатида ҳам англадим, унинг жасорати, ташаббускор интернационалистлигига қойил қолдим. Ахир, 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек адабиёти ва санъати декадаси асосан шу улуг устознинг ташаббуси билан бўлган эди. Умуман декадалар ўтказиш анъаналарини Федин бошлаб берган. Унинг адабий алоқалар, миллий адабиётлар ривожига қўшган ҳиссаси ҳам бебаҳодир...»

Биз шу қадар дўстлашиб кетдикки, мен энди Москвага бордим дегунча унга кўнгироқ қилардим. Унинг Воровская кўчаси 52-ўйдаги кабинетида жуда ҳам кўп марта бўлганман. Константин Фединни ҳамма нарса қизиқтирарди, у ўзбеклар ҳаётини, бой тарихи ва урф-одатларини, ҳатто миллий кийим-кечакларига обдан сўрар эди...»

Яшин ака гапирар эканлар, Г. М. Марковнинг «К. Федин ёзувчиларнинг ўзаро ҳамкорликларига ҳалақит берадиган ҳамма нарсага қаттиқ қариш турсин, адабий даврага маҳорат ва принципиаллик масалаларини сингдиришига ҳаракат қиларди. Ҳамма ерда ва ҳамма нарсада аниқлик — бу Фединнинг позициясидир!» деган сўзлари беихтиёр эсимизга тушади. Биз, йиллар ўтиб, ёш драматург Яшин қаламидан ҳам бирин-кетин навқирон драматик асарлар пайдо бўла бошлаганини кузатамиз. «Тормор», «Ёндиримиз», «Йўлчи Юлдуз», «Гулсара», «Бўрон», «Собир Раҳимов»...

«Ҳа, Федин ижодиёти мен учун улкан ўқини, ўрганиш ва таъсир манбаи бўлган. Ҳали санаган асарларини оласизми, «Илк қувончлар», «Ажойиб ёз», «Гулжан»

трилогиясини оласизми, улардаги қаҳрамонлар ҳаётининг нақадар мураккаблиги, бунинг ҳар бир асар давомида моҳирона, динамик юксалиш билан берилиши мени доим ҳайрон қолдириб келади. Коммунистлар Кирилл Извеков, Петр Рагозин образларини олиб кўрайлик. Асарда «Ундайлар ҳалок бўладилар, лекин уларнинг номлари тарих увоқларида эмас, улкан ҳарфлар билан ёзилган Тарихда қолади...» деган сўзлар бор. «Азамат ўлмайди! Азамат минг! Азамат миллион!» деб хитоб қилади менинг ҳам қаҳрамонларим. Драмаларимдаги Арслон, Пятков, Темир, Ҳамза, Нурхон, Собир Раҳимов образлари ўша буюк инқилобий голянинг давомчилари, шу йўл учун жонини фидо қила олган инсонлардир...»

Шу ўринда атоқли олим ва драматург Иззат Султон айтган фикрларни келтирайлик: «Совет адабиёти олдида турган жуда муҳим, жуда мураккаб масалаларни ҳал этишида Федин ўзининг бадиий амалиёти билан ҳам ҳисса қўшди... Фединнинг ўзбек адабиётига, унинг йирик вакилларига таъсирини ҳар сафар шу ёзувчиларнинг Федин ҳақида айтган сўзларидан излаш шарт эмас, бунинг учун ёзувчилар ижодининг йўналишига, унинг ажойиб самараларига кўз ташлаш kifоя...»

Комил Яшин узоқ йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси бўлиб ишлаган пайтларини ўйлаймиз. Ахир бу борада Константин Федин фаолияти ҳам бутун бир даврни ташкил этади. Шу нарса аён бўладики, Константин Федин бу даврда миллий адабиётларнинг равақига, ўзаро таъсири ва ҳамкорлигини кучайтиришига қаттиқ эътибор берган. У бу адабиётлар ижодий жараёнини синчиклаб кузатган ва улардаги ҳар бир салмоқли асарни Иттифоқ китобхонининг мулкига айлантиришига интилган.

«Ҳар бир учрашимда, — дейди Яшин ака, — у нима янги нарса ёзганимни, республикамиз адиб ва шоирлари ижодидаги янгиликларни синчиклаб сўрарди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Парда Турсун ва бошқа бир қанча ижодкорларимизнинг асарларини юксак қадрларди. У фақат сўз устасигина эмас, юксак эрудицияга эга бўлган санъаткор, қамрови кенг олим, меҳрибон мураббий ҳам эди...»

Албатта, ижодкор инсон шахси билан унинг раҳбарлик сифатлари мужассамлашган бўлса бунинг ўз алоҳида ҳикмат ва ҳислатлари кўринади. Бунга кўп миқолда келтириш мумкин. Сергей Баруздин Федин ҳақида «У киши парижонхотирлик билан бировнинг ишини ҳеч қачон пайсалга солишига йўл қўймасди...» дейди. Яшин ака яна бир қизиқ гапни эслайдилар. «Мен Фединнинг ёзувчилик бурчи ҳақидаги битта

гапини ҳеч эсимдан чиқармайман. «Ёзувчи ўқувчини деразанинг олдида қулидан ушлаб олиб келиб, «қара бир олам нур порлаб ётибди!» деганида эмас, у ўз юраги билан халқнинг келажак сари йўлини ёрита олса ва унинг билан бирга, қўлдан-қўлга бериб кета билсагина сеvimли бўла олади...»

«У йигирма йилларча Союзимизнинг раҳбари бўлиб ишлади, — давом этади Яшин ака. — У киши билан зинапояда учрашиб қолсак, бизни қўлтиқлаб олар эдилар. Тепага бирга олиб чиқар эдилар. Мен энди англайманки, у бизни фақатгина оддий зиналардан эмас, ҳаётнинг, адабиётнинг улкан пиллапоялари бўйлаб олиб ўтган эканлар». Яшин аканинг айтишлари: «Ҳамза» романи устида ишлаётган пайтлари асар композицияси ва бошқа компонентларига К. Фединнинг «Ёзувчи. Санъат. Давр» китобидаги кўплаб фойдали ўғит ва маслаҳатларнинг катта таъсири бўлган.

Мана икки улкан санъаткор ҳаётдан айрим лавҳалар, ибратли ҳолатлар. Ҳа! Икки улкан адабиёт, икки халқ дўстлиги шунчаки рамзий бўлиши мумкин эмас, у конкрет, яқин дўстлик кўприкларини, йўлларини, пиллапоялари орқали бевосита тутагани бўлади. Ва муҳими бу йўлларда ҳаракат, ҳаётбахш оқим бир лаҳзага ҳам тиниши, пайсийиши мумкин эмас.

Хайрлашар эканмиз, Яшин ака яна бир нарсани қаттиқ таъкидлайдилар. «Таржима деган улкан хайрли иш бор. Ҳали Константин Фединнинг ўзбек тилига ағдарилмаган асарлари кўп. Мен ўзим ҳам устознинг бирон бир китобини ўзбек китобхонага тортиқ қилиши ниятидаман... Пиримқул Қодиров ҳам унинг катта бир асари таржимасига қўл ураётганини биламан. Ёшларимизга келсак, Федин олами улкан бир олам, янги олам яратган олам, дер эдим. Уқинг, таржима қилинг! Элимизни баҳраманд қилинг, ўзингиз баҳраманд бўлинг! Бугунги ёш ижодкорларимиз жаҳон адабиётини, айтиқса рус адабиётини жуда яхши билади. Лекин бунинг ўзи kifоя эмас. Уларнинг энг нодир асарларини таржима қилмоқ керак.

Мундоқ бир қаранг: Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Зулфия... Барча улкан адибларимизнинг буюк рус адабиётини ўз севган устозлари, таржимонлари ва албатта шахсий дўстлари бўлган ва бор! Ҳар бирининг ижодий ҳамкорлик тарихлари ҳавас қилғудек! Мен ёш дўстларимга айтаманки, бу улкан ва хайрли йўл! Буни давом эттирмоқ керак.

Шодмонжон МАШАРИПОВА,

В. И. Ленин номли Москва Давлат педагогика институти аспиранти

мавзудаги анъанавий ижодий баҳс-мунозарадир. Бундай баҳс-мунозаралар айнан шу кинофестивалда катта аҳамият касб этади, чунки бу ерда фестивалнинг жюрисис йўқ, у рақобатсиз, ўтади, бунда асосан ҳамма бир-бирининг асари билан танишади, ўзиникини намойиш қилади, хуллас, уч китъа киночилари Тошкентга ўзига хос бир семинарга келгандек бўладилар. Умумий жиҳатларни топиш, ҳар хилликларни илғай олиш, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографиясининг ривождаги муҳим тенденцияларни тўғри аниқлаш учун ҳозирги замон киноси тараққиётининг долзарб масалалари бўйича фикр алмашилади.

Халқларнинг бахтли келажак йўлида олиб бораётган курашларига ёрдам бериш учун ҳозирги замон кино санъати қандай бўлиши керак — сўзга чиққан режиссёрлар, кино танқидчилари жамоат ва давлат арбоблари шу масалага ҳам тўхталадилар, ўзларининг миллий кинематографияларининг ривожланиши ҳақида сўзлаб берадилар, илғор кинематографчиларнинг ўзаро бирикувида Тошкент фестивалининг аҳамияти катта бўлаётганини алоҳида қайд этадилар. Бундай ижодий баҳслар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари киносини ўрганиш учун бой материал беради. Барча нотикларнинг сўзларидан бир нарсани илғаш мумкин: кинематографияни кўпчилик теран тушунади, кино санъатининг тақдири ва келажаги хусусида деярли ҳамма қайғуради, реакция ҳама савдогарлик асосига қурилган кинематографияга қарши курашда кўпчилик яқдл. Бу, албатта, илҳомбахш ғоялар билан қуролланган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг киноси янада тараққий этишидан, янги сезиларли муваффақиятларга эришишдан далолат беради. Тошкент фестивали экранларида намойиш этилган энг яхши фильмлар шунини кўрсатиб турибди. Ҳар хил савиядаги, ижодий интилишлари ва тажрибалари турлича бўлган санъаткорлар томонидан яратилган картиналарда унча китъада юз бераётган муҳим ижтимоий ўзгаришларнинг турли томонлари ўз аксини топган. Зеро, халқларнинг босқинчиликка қарши, мустақиллик учун курашлари, миллий-озодлик ҳаракати масалалари бу мамлакатлар кино усталарининг ҳаммиша диққат марказида туради.

Тошкент фестивалида турли йилларда жазоирлик режиссёр Муҳаммад Лақдор Хамина «Оловли йиллар солномаси», сенегаллик Сембен Усмон «Седдо», «Эмитай», чилилик режиссёр Мигель Литтин «Марусиа қонидаги воқеа», марокашлик Суҳайл Бен Барка «Амок!» деган эсда қоларли, ажойиб фильмларини намойиш этидилар. Бу фильмларда кўтарилган муаммоларнинг асосида халқларни қувончидан, яшашга бўлган ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум этган эксплуататорларга нисбатан нафрат этади.

Шу билан бирга илғор санъаткорлар ижросида бугунги ҳаёт масалалари ҳам кенг ўрин эгаллайди, унинг энг муҳим жиҳатларини англашга, айтиш мумкин, даврнинг томир уришини илғаб олишга интилиш сезилади. Колониализм мустақилликка эришган давлатларнинг экономикасида қучур бир из қолдирганки, оқибатда, анча чоралар кўрилаётганига қарамай, бу мамлакатлар ҳали аҳолининг меҳнатга яроқли барча қисмини иш билан таъминлашга қодир эмас. Юз минглаб африкалик, осийликлар Фарбий Европа мамлакатларида ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Тараққий этган бу мамлакатлар уларнинг кучи ёрдамида уйлар қурмоқда, автомобиллар ишлаб чиқармоқда. Бизнас «чет эллик ишчи»ларнинг арзон меҳнатидан манфаатдордир, лекин уларга ҳақоратли муносабатда бўлинаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Чет элга бориб қолган ватандошларининг аянчли тақдирлари, уларнинг энг ибтидоий ҳақ-ҳуқуқлари ҳам поймол этилаётгани кўпчилик илғор фикрловчи кинематографчиларнинг — Тошкент фестиваллари қатнашчиларининг фильмларида ҳаққоний кўрсатиб берилган. Тунислик режиссёр Носир Ктарининг «Элчлар», турк режиссёри Тунч Ўканининг «Автобус», сенегал киноси Франция билан ҳамкорликда яратган Жак Шампрёнинг «Наргис қирғоқдан келган Бако» сингари фильмлари шулар жумласидандир. Мавзуси шунга яқин картиналар ичида жазоирлик режиссёр Аҳмад Рашидийнинг «Али мўъжизалар мамлакатиде», турк режиссёри Шариф Герекнинг «Германия — ғам-андухлар мамлакатиде» фильмлари энг кўзга кўринганлари ҳисобланади. Буларда қаҳрамонларнинг тарихи кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетади, кўпларида ҳатто уларнинг тақдирлари ҳам бир хилдир. Турк фильмнинг қаҳрамони Гулдона билан «Али мўъжизалар мамлакатиде» деган жазоир лентасининг қаҳрамони тақдирлари уйқашдир. Иккаласи ҳам иш ҳамда фаровон ҳаёт истаб ўз ватанини тарк этади. Лекин истаган нарсасини топдими, бошларидан қандай воқеалар кечди — фильм муаллифлари бизга

худди шу ҳақда ҳикоя қиладилар. Қаҳрамонларнинг тақдири аянчли ҳамда фожиаларга бой. Иш ахтариб Германияга келган Гулдона (унинг ролини машхур актриса Хория Кўчимит қойилмақом қилиб ўйнаган) дастлаб худди ўзининг аҳволидан розидек туюлади — заводда ишлайди, ётар жойи ҳам бор. Бироқ тез орада оламга жар солинган Фарб «жанны» унга тўқ обивателарнинг лоқайдлигига айланади. Фильмнинг сўнгги кадрларида биз Гулдонани вокзалда кўрамыз — у уйига қайтаётди. Вокзал тиқилинч, тўс-тўполон. Шунда уни туртиб юбордилар, Гулдона йиқилади, лекин ҳеч ким унга эътибор қилмайди. Капиталистик дунёнинг шафқатсизларча лоқайдлиги, инсон тақдирига бефарқлиги шу ерда яққол кўринади. Фильм муаллифлари буржуа оламининг нақадар маънавий қашшоқлигини, инсонийликдан холи эканини юксак бадий қудрат билан очиб ташлаганлар.

«Али мўъжизалар мамлакатиде» фильми ҳам танқидчиларда, умуман, томошабинларнинг кўпида катта қизиқиш уйғотди. Картина режиссёри — араб мамлакатларидаги улкан кино арбобларидан Аҳмад Рашидий интервьюларидан бирини шундай деган:

— Фильмнинг бош мавзуси расизмдир. Расизм бўлганда ҳам ҳар кун кўзимиз тушиб турган, ўзимиз гувоҳи бўлаётган расизмдир. Хориждан келган ишчиларни камситиш ва ҳўрлаш Фарбий Европа мамлакатларида кенг ёйилган кундалик ҳолга айланган.

Фильм муаллифлари қаҳрамоннинг Францияда кечирган ҳаётини реал акс эттирганлар, Франциянинг ўзини эса кинога билан «мўъжизалар мамлакатиде» деб атаганлар. Иш ахтариб бу юртга келиб қолган Алининг ҳаётида ҳақиқатан ҳам «мўъжиза»лар рўй беради. У лотереяга катта пул ютиб, бойиб кетишига сал қолади. Бироқ Али ютиб олган пул унинг ижтимоий аҳволини тубдан ўзгартиришга камлик қиларди. Али кранчилик ишида ишлайверари, бир неча ишчи осмондаги нарх ҳисобига истиқомат қиладиган ташландик бир уйда яшайверари. Бир кун парижликларнинг турмушини дурбиндан кузатаётди, квартиралардан бирини юрак дарди тутган ёлғиз қарияни кўради. Ёрдамга шошибди ўша уйга чошиб келади ва қўшниларга қариянинг аҳволи ёмонлигини, эшикни очмасалар бўлмаслигини тушунтира бошлайди. Қариянинг қўшилари унинг гапини эшитишни ҳам истамай, юзига эшикларини ёпадилар. Али эшикни бузиб, ичкари кирганда эса, қария ўлиб ётар эди. Шунда қўшиллар уни қотилликда айблашади, дўппослашади. Полиция Алини камокка олади. Фильмдан чиқадиган хулоса шуки, Али ҳамда унинг ватандошлари овора бўлиб «мўъжиза» кутмасинлар, чинакам озод ҳаёт ўзларининг юртларида, демак, фаровон ҳаётни ўзга эллардан ахтаргандан уни ўз юртларида куриш учун тер тўкишлари лозим.

Осиё ва Африка киносида бу мавзу янги эмаслигини таъкидлаган эдик, бироқ айтиш керакки, кўп фильмларда муаммо ўртага ташланарди-ю, уни ҳал қилиш йўллари кўрсатилмасди. «Али мўъжизалар мамлакатиде» картинасининг аҳамияти шундаки, унинг муаллифлари бундай йўлни билдилар, муаммони юзаки ҳал қилмайдилар: Алини ҳамда унинг дўстларини Жазоир тупроғида чинакам ҳаёт кутаётгани ҳақидаги ғояни аста-секинлик билан уқдириб борадилар.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари режиссёрлари ичида ижодда реалистик йўлни танлаган режиссёрлар нафақат фильмларида гуманизм ғояларини ва бадий ҳақиқатни сингдиришга, балки бу фильмларни экранларга чиқаришга ҳам кўп куч сарфлашларига тўғри келмоқда. Чунки кинопрокат соҳасида кўпинча чет эл монополияси ҳукмронлик қилади, миллий фирмаларнинг аксариси ҳам шу монополияга боғланиб қолган. Бундан ташқари, томошабин масаласида ҳам уларда қийинчилик бор: йиллар давомида буржуа фильмлари таъсирида шакланган томошабинларнинг дид-савиясини ошириш, жиддий картиналарга уларда ҳўрмат уйғотиш осон эмас. Айниқса, аҳолининг асосий қисми саводсиз бўлган мамлакатларда бу иш янада мураккаб. Ҳатто қўшилмаган давлат саналмиш Конго Халқ республикасидаги вазиятнинг мураккаблиги ҳақида Тошкентдаги баҳсда Жан Баттист Эланга шундай деган:

— Ҳозир биз ҳўжжатли, ҳатто бадий фильмлар ишлашмиз, прокат соҳасида фаолроқ ҳаракат қилиш ҳамда кинопрокатчилар билан беллаша олиш учун кинотеатрлар куриш ниятидамыз. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, ҳозир бизда кўрсатилаётган фильмларнинг 99,9 фоизи хорижий, бунинг устига, прогрессив йўналишда бўлмаган фильмлардир. Улар аҳолига, айниқса, ёшларга салбий таъсир ўтказмоқда. Мамлакатимизга оқиб



Матёқуб Қўшонов

МЕРГАН ЖАНГНОМАСИ



МАТЁҚУБ ҚЎШОНОВ. 1943 йил.

Улуғ Ватан уруши воқеалари шундай бир уммонки, унинг кўп томонлари адабиётимизда ўз аксини топган бўлса ҳам, баъзи бир тарафлари, хусусан, айрим кўз илгамас нуқталари ханузгача ўз ифодасини кутмоқда, деб ўйлайман. Зотан, фақат санъаткор ёзувчиларгина эмас, бу улуғ жангнинг ҳар бир иштирокчиси ҳам унинг баъзи бир жиҳатлари хусусида фикр билдириши мумкин. Шу маънода Улуғ Ватан урушининг энг оғир жиҳатлари иштирокчиси сифатида айрим лавҳаларни бениҳоя катта воқеанинг кичик заррачалари тариқасида эслашни ва бу хотиралар воситаси-ла дўстларим, сафдошларим, айниқса ёшлар билан ўртоқлашишни лозим кўрдим.

МУАЛЛИФ

ИЛК САБОҚЛАР

Биз саф тортиб, миана ва снарядлар портлаётган томонга қараб бир текисда, вазмин қадам ташлаймиз.

Сафимиз анча чўзилган, назаримда, жанг бўлаётган жойга ўн қақиримча масофа бор эди. Табиийки, милтиқ ўқлари келиб етмайди. Фақат нари-берида снарядлар портлайди. Бундан ҳаммамиз ваҳимага тушамиз. Ҳаво очик, Узоқ-узоқларда самолёт моторларининг гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб асабий гуриллаши эшитилиб қолади. Кейин билдимки, бизнинг самолётларимиз душман мессер-шмитлари билан ҳаво жанги олиб бораётган экан.

Биз қарийб шудгордан боряпмиз. Баъзан ўрмон оралаб юрамиз, айрим дарахлар чақмоқ ургандек, шох-бутоқлари чўрт узилиб тушган, айримлари кўпорилиб, ағдарилиб ётибди. Тўп ўқлари, бомба парчалари учирган шох-шаббаларни босиб, айқаш-уйқаш ётган ғўлаларга қоқилиб, аста олға жиламиз. Йўлимиз унавермайди. Ўзаро гапларимиз ҳам қовушмайди.

Бир маҳал самолётлар шовқини яқинлашиб, борган сайин шиддатли тус олди. Ҳаммамиз осмонга қарадик. Учта-учта бўлиб, учбурчак ясаб учиб келаётган самолётларни кўриб танг қолдик.

Йўлда темир йўл станцияларининг бомбардимон қилинганини ўз кўзимиз билан кўрганимиздан бу калхатлар ҳойнаҳой бизни мўлжалга олди, деб ўйладик.

Ҳар ким ўзини ҳар ёққа урди. Мен бошимни катта бир ғўланинг тагига тикдим. Бир оз вақт ўтди. Самолётларнинг машғум увиллашидан бўлак ҳеч нарса эшитилмайди. Ниҳоят, қизиқиш қўрқувдан устун чиқди; бошимни кўтариб, тепага қарадим. Фашист самолётлари этакдан тўққандек устимизга бомба ёғдиравар, бомбалар ҳам бош томонларини пастга буриб, гўё бир-бирларидан ўзишмоқчи бўлгандек шиддат билан пастга энар эдилар. «Тамом» дедим, ўзимча. Назаримда, ҳали қўлга яроғ олмадсан, бирор фашист билан юзма-юз келмасдан, шу ернинг ўзида тупроқ билан қоришадигандек бўлдим... Юрагим увишиб кетди! Бир зумда қисқа умрим, қариндош-уруғларим, кўрган-билганларим хаёлимдан ўтди. Ер билан қоришиб, парча-парча бўлиб сочилиб, кўмилиб кетишни кутиш дақиқалари!..

Бироқ бомбаларнинг бир-бирига қўшилиб, гумбураб портлашлари бошқа жойда рўй берди. Биз яширинган жойларимиздан бирин-кетин бош кўтариб турар эканмиз, гап нимада эканига тушиндик, бекорга қўрққанимизни айтишга истиҳола қилар, қилмишимиздан хижолат чекардик. Бизни бошлаб бораётган офицер эса, яширинганларнинг ёмон бўлмади, бу ҳам бир машқ, дегандек, бир тўнқанинг устида ўтириб, бизни кузатаркан, анча энгил тортдик.

Биз яна снарядлар портлаётган, пулемётлар тариллаётган томонга қараб юришда давом этдик. Фронтга қатнаётган арвалар, машиналар изи биз учун тайёр йўл бўлса ҳам, уни чеккалаб юришни афзал кўрар эдик. Юра-юра уч-тўрт тегирмон сув оқадиган дарёча қирғоғига чиқиб қолдик.

Кейин билсам, уни Қорадарё дейишар экан. Дарёдан ўтгач, йўл кўрсатиб бораётган офицер ўйиб қўйилган яшиқлар олдига бошлаб борди. Булар — қурол-яроғ, ўқ-дори яшиқлари экан. Ҳар ким биттадан қурол ва етарлича ўқ-дори олсин, деб буйруқ берди.

Шундай қилиб, биз ўқ-яроқли ҳам бўлдик.

Шу орада қош қорайди ва уст-бошлари лой-балчиққа беланган, тупроққа ағанагандек қора-қура башарали, автоматларини бўйинларига илиб, ўқ дискаларини белларига осиб олган дадил, сергак одамлар пайдо бўлиб, бизни беш-ўнтадан қилиб бошлаб олиб кетишди.

Отишмалар тўхтагандек бўлди.

— Жимжитлик, — деди дўстларимдан бири.

— Э, ҳали кўрасизлар, немис учун кечки овқат тоат-ибодат билан баробар. Бундай пайтда бир оз жим бўлишади, кейин яна ўз ишини бошлайди, — деб жавоб қилди бизни бошлаб бораётган йигит. — У бу ердаги ҳамма нарсаларни: ўнқир-чўнқирларни ҳам, олдимиздан чиқиб қоладиган чакалакзору ботқоқликларни ҳам беш панжадек билар, бизни худди қариндошиникига меҳмонга олиб бораётганга ўхшарди. — Ҳозирча жимлик, бироқ ярим соатдан сўнг бу ерларда юриш қийин, фашист ракета билан осмонни ёритиб олади-да, кейин чўп қимирласа ҳам ўшанга қараб ўқ узаверади, — деб қўшиб қўйди у.

Ёнимда — дўстим Напас. У индамас, жиддий, чехрасида қандайдир ишонч ва дадиллик. Табиий, мен ҳам шундай бўлишга ҳаракат қиламан.

1941 йилнинг куз ойларини эслаб қолдим. Иккаламиз ҳам ўқитувчи. Бир кун пешин маҳали унинг уйига меҳмон бўлиб бордим. «Ов борми, Напас оға?» деб сўрадим. «Отиб билсанг, бор», деди у. Иккаламиз овга чиқдик. Овда омад ҳадеганда келавермайди, бироқ бир келиб қолса, бутун умр эслаб юрасан. Худди ҳозиргидек қош қорайган пайт эди. Жўхори, мош, беда экилган далалар. Атроф — чакалакзор. Назаримда, қирғовуллар ҳам кечки овқатга чиққан бўлиши керак эди. Мен отиш билан бандман, Напас териб улгуролмайди. Баъзан чала яраланганларини қўлдан қочиради.

Пайт пойлаб бу воқеани унга эслатай дейман. Ўша пайтлардаги хурсандчилигимиз, бебошчилигимиз ва беғамлигимизни айтиб ўзимизни чалғитай дейман. Бироқ пайти эмаслигини англаб, индамай қўяман.

Душман томондан гоҳо тарсиллаб бир-икки ўқ узилади. Чийиллаб учган ўқ дарахтга санчилади, новда-бутоқларни узиб туширади. Биз аланглаб қоламиз. Ахир ўша ўқлар бизга ҳам бемалол тегиши мумкин-ку! Йўл бошловчимиз эса бу ўқларга парво қилмайди.

— Қисталоқларнинг битта-иккитаси кечки овқатини шоша-пиша еб олди шекилли, — деб қўяди.

Яна анча йўл босдик, кейин йўлбошловчи:

— Энди биқиниб, яхшиси, эмаклаб юрган тузук, — деб қолди.

Эмаклаб юришда малакамиз йўқ эмас. Самарқандда ўқиётганимизда украиналик бир командиримиз бор эди. У доим Суворовнинг «машқда тер кўп тўкилса, жангда қон оз тўкилади» деган сўзларини такрорлар эди. Бизнинг эса жаҳлимиз чиқарди. «Эмаклашни ўрганиб олдик, бўлди-да, ҳадеб эмаклай берамизми?» дер эдик. Бироқ командиримиз ўчакишгандек, нукул янтоқзор ерларни топиб, тагин эмаклашга мажбур қилар эди. Кейин билсак, гап фақат эмаклашни билишда эмас, балки эмаклашга кўникма ҳосил қилишда ҳам экан. Энди ўша кўникма-

ларни ишга солиш пайти келган эди. Биз судралиб, олға силжри эдик.

— Ётинлар! — деди бизни бошлаб бораётган йигит ва ҳар биримизга жой кўрсата кетди. Мен чуқур қилиб қазилган окопга тушдим. Окопнинг усти ёпилмаган, шунчаки очик жойда қазилган чуқурча бўлиб, ён томондан келадиган ўқ ва осколалардан сақлаши мумкин эди, холос.

Биз жойлашиб олгандан кейин бир оз вақт ўтар-ўтмас немислар қимирлаб қолишди. Усти-устига ёруғлик берадиган ракеталар отишар, унинг ёруғида бирор мўлжални кўриб қолишса, ўшанга қараб ўқ ёғдиришар, ҳатто баъзан замбаракларни ишга солишар эди. Шивирлашиб бир-биримиздан хабар олдик. Маълум бўлдики, окопларимиз ораси тўрт-беш метрдан кўп эмас экан.

Бир пайт нотаниш овозлар ҳам эшитила бошлади. Билсак, бу ерда биз келишимиздан олдин ҳам кимлардир бўлган, улар сафдан чиқиб озайиб қолгач, бизни ўшалар сафини тўлдириш учун олиб келишган экан.

Шу кеча ён-атрофда қанчадан қанча минаю снарядлар портлади, неча марталаб устимга босиб тушган тупроқларни ташқарига олиб ташлаб, окопни тозалашимга тўғри келди.

«Кечаси шундай бўлса, кундузи қандай бўлар экан?» деган фикр хаёлимдан ўтарди.

Тонгга яқин бир рус йигити эмаклаб ёнимга келиб қолди. Кичик мина портлаган чуқурчага тушиб ётиб олди-да, менга вазиятни тушунтира кетди.

— Бу ерни Синяино ботқоғи дейдилар. Баъзан Синяино тепалиги ҳам дейишади. Чамамда, ботқоғи ҳам, тепалиги ҳам бўлса керак. Олдимизда 15—20 чақирим жойда Мга деган шаҳар бор. Ўнг томонимизда 5—10 километр наридан Ладога қўли бошланади. Мақсад Ленинград блокадасини ёриб ўтиш. У томонда Ленинград fronti, бу томонда биз, Волхов fronti. Масофа жуда оз қолган, бироқ ёриб ўтишга немислар йўл қўйишмаяпти. Қаттиқ туриб, жанг қилишяпти. Билишади-да, ёриб ўтишнинг биз учун қай даражада аҳамиятли эканини.

Ҳар вақт-ҳар вақт автомат ўқлари визиллаб учиб ўтар, қаердадир яқингинада миномёт ўқи портлар, нотаниш йигит ҳар гал болохонадор қилиб сўкиб берар, бу сўқинишлар бир жиҳатдан менга эриш туюлса (эшитмаган одамни ўқишнинг нима кераги бор экан?), иккинчи томондан, ўзимнинг ҳам сўкким келарди.

Кейин рус солдати ўзини сездирмасдан қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди. Окопим бениҳоя тор, кенгайтиришга қурол йўқ. На оёқ узатиб бўлади, на бирор томонга ёнбошлаб. Фақат уёқ-буёққа айланиш мумкин, холос.

Тонг отди. Окопдан бошни чиқариш ниҳоятда хавфли эди. Бироқ қаерда ётибмиз, атрофда нималар бор, билгим келарди. Ҳамон ўқлар учиб, миналар портлаб, баъзан ярадорларнинг инграшлари эшитилиб турса ҳам, амаллаб, атрофни ўрганоқчи бўлдим.

Олд томонимиз, яъни рус солдати: «Душман шу томонда», деб кўрсатган тараф энди пишиб, ўроққа келиб турган бугдойзор эди. Ундан нарёғи — қарағайзор ўрмон. Немис ўқлари, миналари ўша томондан келарди. Орқа томонимизда — паст ва сийрак чакалакзор, ундан нарида — шох-новдалари ўқлар билан юлқиланган дарахтлар.

Баъзан автомат ўқлари икки ён томондан ҳам келиб тушарди. Шу сабабдан биз эгаллаган окоплар ярим қуршовда бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас эди.

Кейин ўтирган жойимга ҳам эътибор бердим. У ёқ-бу ёққа бурилдим. Окопнинг бир чеккасида ялтироқ бир нарсага кўзим тушди, кўз олдим қоронгилашгандек бўлди, яна диққат билан қараган эдим, ялтироқ нарсанинг бир томони кўзимга соч бўлиб кўринди, шу томонга тупроқ тортдим, у ердан шинель этаги қўлимга илинди...

Дахшатга тушиб қолдим. Шунда яна икки томондан ўт очиш бошланди. Душман мина ва снарядларни шундай қалаштириб ташладики, гўё биз эгаллаб турган ернинг чакалакзорини илдизлари билан кўпориб, шудгор қилиб, келгуси йилги экинга тайёрламоқчидек эди. Биз турган окоплар ҳам ҳар дақиқа теп-текис бўлиб кетиши муқаррар эди.

Куни бўйи аҳвол шу бўлди. Мен турган окопга тупрок тушабериб, таги бир оз кўтарилиб қолди. Бунинг устига бу окопда қолиб кетишим ўлимдан ҳам оғир эди. Кечкурун яна бир-биримизга овоз бердик. Баъзи окоплардан садо чиқмади, ҳайтовур Напас жўрам ётган окопдан овоз чиқди. Эмаклар у томон силжидим. Унга теккан окоп каттарок экан, иккаламиз бемалол сиздик. Унинг усти шох-шаббалар билан чала ёпилган бўлиб, мина ва снарядлар кўтарган тупрокдан сақланиш мумкин эди.

Напас жўрамга ўзининг окопимда кўрганганимни ва кечаси билан бошимдан кечган дахшатларни гапириб бердим.

— Ҳа, нега ундан кўрқдинг, у ҳам ўзимизга ўхшаганлардан бири бўлса керак-да, — деди у.

Кечаси аллаҳақда биринчи кунги вазият билан таништирган йилгит яна эмаклар келиб қолди. Унинг елкасида нимадир бор эди.

— Иккалангизга, — деб бир буханка нонни окопга ирғитди. Шунда мен уни бирпас тўхтатиб, окопда кўрган билан ва тахминимни айтиб бердим. У эътиборсизгина эшитди. Сўнг:

— Ҳечкиси йўқ, кейин айтаман, — деди-да шошилишч бошқа окоплар томон эмаклар кетди.

Напас менга нисбатан анча зийрак эди. Эҳтимол, тузукрок окопга тушиб қолганидандир. Бунинг устига, унинг окопидан немислар томонга кўпроқ тупрок чиқарилган бўлиб, атроф-вазият ҳақида у менга нисбатан кўпроқ билар экан. Унинг айтишича, ўнг томонда ҳам, чап томонда ҳам немислар бор, биз орада — оролчамиз. Шу сабабдан ўқ, мина ва снарядлар ҳар томондан келиб тушаётган экан.

Бояги рус йилгит халтасини бўшатиб:

— Эртага қаттиқ жанг бўлиши мумкин. Эҳтиёт бўлинглар, — деб эмаклар кетди. У бечорага раҳмимиз келади. Окопда ўтириб, неча марталаб ўлиб-тириляпмиз. Баъзи окопдагиларнинг эса на ўлиги маълум на тириги. Бу бечора ўқ ва снарядлар ёғилиб турган пайтларда ҳам ё бирор буйруқни етказиш учун, ёки нон тарқатиш учун чакалакзор оралаб, эмаклар юргани юрган.

У айтганидек, эртасига жанг қаттиқ бўлди. Анча вақт давом этган тўпбозликдан кейин немисларнинг бақир-чақирлари ҳам эшитилди. Биз ҳам Напас жўрам билан улар томонга тўхтовсиз ўқ узардик.

Кечга томон отишмалар бироз тинчиди.

Бироқ бир воқеа иккаламизни ҳам ларзага солди. Қош қорайиб келарди. Офтоб ўз манзилига етиб олишга ошиқар, Синявино ботқоқлигида рўй бераётган дахшатлардан ўзини тезроқ яширмоқчидек эди. Бир маҳал биз ўтирган окопнинг ёпиқ томонидан оёқ шарпаси эшитилди. Кимдир дадил қадам босиб келарди. «Оббо, эмаклай-бе-риш дўстимизнинг жонига тегиб, юрадиган бўлибди-ку? Ёки немислар чекиниб, у оёққа туриб олдимикан?» деган фикр ҳаёлимдан кечди. Биз томонга дадил одим отаётган кимса окопнинг ўнг томонидан устимизга келди-да, ҳайрон бир ҳолатда туриб қолди. Бу... ёш немис офицери эди. Қўлида харита. Чамамда, харитадан кўз узмай, ишонч билан келаётган бўлса керак. Назаримда, у ўзининг адашганидан ҳайрон бўлса, биз: «Нима бўлди, кундузги жангдан кейин биз турган орол немислар қўлига ўтиб, улар бу ерда бемалол юришаётганмикан?» деган ҳаёлда эдик. У кўзларини пирпиратиб, биздан назарини

узмас, шу орада атрофга ҳам қараб олар, нега ўзининг бу ерга келиб қолганини аниқламоқчи бўлаётгандек эди. Биз эса Напас билан гоҳ бир-биримизга қараймиз, гоҳ унга гўё ундан бирор ҳаракатни кутгандек...

Вазиятни у биздан олдинроқ англаб олди, шекилли, биз автоматларни тўғрилаб улгурмасдан устимиздан ҳатлаб ўтди-да, ўзини буғдойзорга урди. Иккаламиз ҳам бараварига ўқ уздик. Йигирма-ўттиз метрлар чамаси чопиб боргач, қулади...

Мана, ўша воқеанинг рўй берганига 43 йил бўляпти. Бироқ ҳали ҳам шу воқеа ҳаёлимда юради. Нега шундай бўлди? Нега унинг оёғидан тортиб, окопга босиб, қўл-оёғини боғлаб олмадик? Нега жуда бўлмаса, окоп тепасига биринчи қадам қўйган заҳоти биргина ўқ билан тинчитиб қўяқолмадик? Қирғовуларни учириб, отиб олишни билган одам учун икки қадам масофадаги одам нима деган гап?

Ҳозир, энди тўрт йиллик уруш тажрибаси, ундан кейинги 40 йиллик ҳаёт тажрибаси воқеанинг шу тарзда рўй бериш сабабларини ойдинлаштиради.

Аввало, гап шундаки, жанг майдонида бизнинг тажрибамиз бениҳоя оз эди. Ҳали биз душман билан бирор марта юзма-юз дуч келмаган эдик. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг жанг тажрибамиз ҳали ҳам курсантлик машқлардан нарига ўтмаган эди. Иккинчидан, менимча, бу воқеанинг энг муҳим томони шундаки, биз фашизм ҳақида, унинг ваҳшийлиги ҳақида кўп гаплар эшитган, кўп нарсалар ўқиган бўлсак ҳам, одам ўлдириш — ким бўлишидан қатъи назар — рўпарада турган одамни ўйламай-нетмай отиш... шарт деган фикрни ҳали ўзимизга сингдириб олмаган эдик. Она сuti билан бизнинг қонимизга кирган «инсон — улуғ зот» деган ақида инсон билан фашист орасидаги фарқни тушуниб олишга монелик қиларди, чамамда. Назаримда, кеча-кундуз устимизга ёғдириляётган ўқлар, ўзимизга ўхшаган биродаримизнинг окопларда оёқ ости бўлиб ётиши, ён окоплардаги сафдошларнинг бирин-кетин овози ўчиб қолиши ёки қулоққа чалинадиган инграшлар ҳам ҳали бу фарқни ажратишга замин бўлолмас эди.

Бўлиб ўтган бу воқеани жўрам Напас билан окопда ўтириб кўп муҳокама қилдик. Бироқ бир-биримизга ҳеч нарсани тушунтира олмадик. Бир неча соатдан кейин ботир дўстимиз яна эмаклар келиб қолди. У нонга кўшиб битта солдат флягасида сув ҳам келтирган экан. Тағин вазиятдан бизни хабардор қилди. Кеча куни билан фашистлар икки томонимиздан атака қилибди, кўп нобудгарчиликлар бўлибди. Лекин биз турган ярим оролни қуршовга олиш мақсадида душман бизнинг позицияга ҳужум қилмабди. Биз унга ҳалиги воқеани гапириб бердик. У:

— Ўрганиб кетасизлар, — деб мийиғида кулиб қўя-қолди. Кейин ўзини таништирди.

— Менинг исимим Вася. Рота командирининг алоқачи-симан. Рота командири бундан юз метрча орқада — окопда туради. Олдинги позициялардаги аҳволни унга мен етказиб тураман, — деди. Гапириб, бир оз дам олгандек бўлди-да, яна бошқа окоплар томон эмаклар кетди.

Вася биз учун бутун мамлакат, ҳатто бутун дунё билан боғлайдиган бирдан-бир одам эди. Ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсани ҳал қила оладиган ягона киши бўлиб кўринарди, кўзимизга. Бунинг устига, у энг ботир ва кўркмас жангчи эди. Эҳтимол, шу тасаввур туфайли у ўзининг бутун қиёфаси билан ханузгача кўз олдимдан кетмайди. Ажаб, у ҳали жуда ёш, кўп бўлса ўн саккиз ёшлар чамасида эди. Устида гимнастёрка, бели энли камар билан тортиб боғланган, кўзлари кичик, ўткир, ҳатто тишлари ҳам майда, бироқ ҳар биттаси бигиздек ўткир, юзи оппоқ, тўқ малла сочи ён томонга таралган

бўлиб, баъзан кўзга тушиб қолса, юқорига қаттиқ силкиб кўяр эди.

Хуллас уч-тўрт кун ичида Вася биз учун энг қадрдон киши бўлиб қолди.

Бирок... Бирок кейинги куни мудҳиш воқеа рўй берди. Эрталаб душман томон бир оз тинч турган маҳал чакалқорлар томондан эмаклаган одам шарпаси эшитди. Биз, албатта Вася бўлса керак, деб ўйладик. Ҳақиқатдан ҳам Вася эди. Елкасида уч жойидан ип билан боғлаб, ортмоқлаб олган халта, халтада, албатта нон-сув бўлиши керак, хуллас, у ана шу алпозда кўриниб қолди. У биз ўтирган окоп ёнидаги тупроқ уюми устидан ўтиб келиши керак эди. Эмаклаб, тупроқ уюмига чиққан ҳам эдики, қарсиллаган бир нарса унга урилди-да, у тупроқни кучоқлаганча жим қолди. Чеккасидан сизиб оқаётган қон юзини бўяб, тупроққа сингий бошлади.

— Мерган отди, — деди дўстим Напас.

Мерган ҳақида кўп эшитар эдим. Чоржўйда техникумда ўқиб юрган пайтларимда Финляндия уруши, у ерда душман мерганларининг қилмишлари ҳақида ҳарбийдан дарс берадиган ўқитувчимиз гапириб беради. Биз учун дарахт тепасида бекиниб, дот ва дзотларда ўтирган генерал ва офицерларни ов қиладиган мерганлар ҳақидаги ҳикоялар ажойиб-ғаройиб бўлиб туюларди. Бирок окоп-ма-окоп эмаклаб, нон-сув ташиб юрадиган оддий солдат, ёшгина бир йигитнинг фашист мерганига керак бўлиб қолганидан лол-ҳайрон эдик...

— Сен ҳам овчисан-ку? — деди Напас жўрам менга мунгли овоз билан.

Энди Вася қилиб юрган ишларни ким қилади, ким бизни командир билан боғлаб туради? Ким энди бизни жанг янгиликларидан хабардор қилади?

Ўша кунги жанг ниҳоятда шиддатли бўлди. Мина, снаряд ва ўқлар ёмғирдек ёғилди. Одатда Вася эмаклаб келадиган чакалқорлар узилиб-юлиниб, сийраклашиб қолди. У ёқ-бу ёқдан чиқадиган сас ва садолар ҳам йўқ даражада. Энди инграшларни ҳам эшитавермайдиган бўлди. Иккаламизнинг аҳволимиз ҳам оғир ва ачинарли эди.

Шунга қарамай биз сергак эдик. Иккаламиз ҳам душман томонни кузатиб, тирсақларимизни окоп раҳига кўйиб, автоматлардан ўқ узишга шай ҳолда ўтирардик. Чарчаган пайтларимиздагина биз бу ишда навбатлашардик. Менинг навбатларимдан бирида чап кўлимдан ўқ едим. Биринчи дақиқа кўлимга қарсиллаб урилган ўқ зарби қай даражада даҳшатли эканини мен кўпроқ Напас дўстимнинг ҳолатидан сезардим. У шошилар, менга ёрдамлар кўрсатмоқчи бўлар, енгимни йиртиб нима биландир боғламоқчи бўларди. Назаримда шу пайтда иккаламиз ҳам фақат ўзимиз ҳақда эмас, балки биримиз иккинчимиз ҳақида ўйлар эдик. Бошқа гап топилавермаганидан Напас дўстим «бу ҳам мерганнинг иши» деб кўярди. Мен қоронғи тушгунча тишимни тишимга кўйиб чидадим. Кечаси Напас дўстим эмаклаб мени орқа томонга кузатиб кўйди. Қайтиш йўлим ҳам ўша-ўша, келган йўлимнинг ўзи эди. Фақат энди бу йўлда тез-тез юк ортган ва ярадорларни солиб олган аравалар учарди. Не машаққатда санбатга етиб бордик.

Санбат ўрмонзорнинг йўлга яқинроқ жойига қурилган беш-олтита палаткалардан иборат бўлиб, ярадорларга биринчи ёрдам ўша ерда кўрсатилар эди.

Хаёлимдан кўп фикрлар ўтди. Улардан энг муҳими шу эдики, назаримда урушга келиб обдан урушмасдан, душманга қандайдир зарбалар беролмасдан сафдан чиқиб кетаётгандек эдим. Бу менга ниҳоятда алам қилар эди. Бирок, менга тиббий ёрдам кўрсатган докторлардан бирининг — «Ҳечқиси йўқ, яранг оғир эмас экан, тез қайтиб келасан, одатда ҳақиқий жангни бир яралангандан кейин туғилади. Ҳақиқий жангни ҳам ўшанда қиласан»

деган сўзлари менинг ўринсиз фикрларимни тарқатиб юборди. Бир неча кун давомида биз иштирок қилган жанг тафсилотларини мен ўша санбатда, ярадор солдат ва офицерлардан эшитдим.

Бир неча кунлик бу жангнинг бефойда эмаслигини мен билан ёнма-ён ётган бир офицер гапириб берди. Унинг айтишича, у томонда — Ленинград fronti, бу томондан Волхов fronti қисмлари биз урушга киришдан олдин Ленинград қамалини ёриш мақсадида хужум бошлаган. Ҳатто, ҳар икки томондан фашистлар эгаллаб турган жойлар ишғол ҳам қилинган. Бирок фашистлар бизнинг ниятимизни англаб олиб, бу ерга катта куч ташлаган. Натижада мен юқорида эслатган Синявино ботқоқлигида қаттиқ отишма бўлган. Қўлдан кетган баъзи бир позицияларни душман қайта эгаллаш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилган. Кучлар анча камайгандан кейин, Гомел пиёда аскарлар командирларини тайёрлайдиган ўкув юртининг 500 нафарга яқин курсанти шу участкани мустаҳкамлаш учун келтирилган экан.

Сизлар кўриқлаган оролча ҳам — жуда муҳим позиция эди. Шу сабабдан сизлар хужум қилмаган бўлсангизлар ҳам оролчани сақлаб туриш ниҳоятда муҳим эди. Сизлар шу вазифани адо этдингизлар деб, мени тинчитган бўлди.

Менинг бундан кейинги ҳаётим бир қанча вақт госпиталларда, машқ батальонларида ўтди. Бу пайтларда биринчи жанг сабоқларини кўп мартаба тахлил қилиб, ўзимга ҳисоб беришимга тўғри келди. Бу табиий эди, албатта. Чунки, қанчадан қанча машқларни ўтиб, узок йўл босиб келиб, беш-ўн кун ичида жанг майдонига кириб, бирор иш қилолмаганим ҳамон алам қиладигандек эди. Фақат ҳали сафдан чиқиб қолмаганим, госпиталдан кейин яна жангга киришим бир даража овутирарди. Аммо, шу нарса маълум эдики, биринчи жанг мен учун катта сабоқ эди. Мен энди гўё, жангга кирсам, нималар қилишни аниқ белгилаб олгандек эдим.

Шунга ишончим комил эдики, энди, менинг тепамга тўкилган немис бомбаси ҳам, шағиллаб-шовқин солиб устимдан ўтадиган снарядлар ҳам, дарахтлардан дарахтларга урилиб овози ўн барабар кучайиб эшитиладиган душман пулемёт, автоматларининг ўқлари ҳам ҳадеганда кўрқувга сола олмасди. Шундай бўлдики, тахминан ўн кунлик ўша жанг мени кейинги уч йиллик жангга тайёрлади. Энди, мен жангга босадиган қадимини ҳам, қиладиган ишимни ҳам англаб олгандай эдим.

Шу сабабдан кейинги гал фронтга келганимда, дивизия штабига (372-гвардия дивизияси) дадил кириб келиб; мерган милтигини сўрадим.

«МЕНГА МЕРГАН МИЛТИҒИ БЕРИНГЛАР!»

Менга мерган милтиғини беринглар...

Одатда, ҳарбий қисмга келган солдат биринчи галда писарга, яъни котибга рўпара бўлади. Котиб унинг бор ҳужжатларини кўздан ўтказди, жангчининг ўтмиши ҳақида сўраб-суриштиради. Қандайдир қоғозларни олиб қолиб, папкасига тикади ва янги келган жангчига бериладиган кийим, буюмлар солинадиган осма халтадан тортиб, қуролгача ёзилган ҳужжатни қўлига тутқзади. Бу ишларни у шошмасдан, қандайдир эринчоқлик билан бажаради. Котибларнинг кўпчилиги бир-бирларига ўхшаб кетади: куруқ, хотиржам, бетакаллуф... Шу сабабдан бўлса керак, жангчилар штаб котибларини унча хуш кўравермас эдилар. Ўрни келганда уларни масхаралашга ҳаракат қилишар, уларнинг қилиқ ва қилмишлари хусусида аскиянамо гаплар тўкиб тарқатар эдилар.

Котиб биз — янги борганлар ҳақида тўлдирилган ҳужжат ва битилган қоғозларни олиб, ертўладан салобат билан чиқиб кетди. Бизлар бир-биримизга истехзоли

қарашиб олдиқ. Анча вақтдан кейин у ўша қоғозлар билан қайтиб кирди. Бу гал бизга назар ҳам ташламади. Исми-шарифимизни бирма-бир ўқиб, назаримда, штаб бошлиғи томонидан қўл қўйилган қоғоз ва солдатлик дафтарчаларини улашди. Бизга ҳали ҳам назар ташламас эди. Навбат менга келганда:

— Мерган милтиғи керак дегин, — деди-да, мийиғида қулиб кўйди. Мен ҳеч нарса тушунмадим.

Хужжатларни тарқатиб бўлгач, котиб кимнингдир отини айтиб қақирди.

— Буларга тегишли нарсалари берилсин, қош қорайгач олдинги линияга олиб борилсин, ҳаммаси 38-полкка.

Бизга тегишли нарсаларни беришди. Ҳамма қатори менинг кўлимга ҳам буюмлар билан оддий бешотар милтиқ тутқаздилар. Мен котиб сўзларининг маъносини энди ўзимча тушундим: «Сенга мерган милтиғини ким қўйибди!» дегани эди.

Ўша куни эзгу орзуси амалга ошмаган одамга ўхшаб таъбим хира бўлиб юрдим. Ўзимни бирга келганлар тўпидан четга олар, бирор қулай жой топиб, ниманидир ўйлагим келар, бироқ нимани ўйлашни ҳам билмасдим. Ахён-ахёнда дўстим Напас эсимга тушиб, унинг ҳозир қаерда экани ҳақида ўйлайман, Напаснинг «сен ҳам мергансан-ку?» деган сўзлари энди мени эрмаклаш учун айтилгандек туюларди.

Кеч кириб, қош ҳам қорайди. Бизни олдинги маррага олиб борадиган сержант йигит келиб, ҳар биримизнинг ким, қаерларда жанг қилганимизни сўраб-суриштирди. Менинг гапларимни эшитиб: «Ўзимизники экансиз-ку», деди. Унинг чеҳрасидаги илиқлик менга ҳам ўтди. «Балки Напас жўрамниям кўриб қоларман», деб ўйладим.

— Ҳозир жўнаймиз. Қўрқманглар. Фақат бир-бирларингдан беш-ўн метрдан узоқлашманг, — деди сержант.

Биз йўлга тушдик. Бомба ва тўп ўқлари тагида қолиб дабдаласи чиққан ўрмонзор ёқалаб, мина ва бомбалар портлаши натижасида ҳосил бўлган хандақларни оралаб йўл босар эдик. Анча юрганимиздан кейин омонат ёғоч кўприқдан ўтдик.

— Бу Қорадарё, — деди сержант.

Бу ном менга таниш эди. «Оббо, яна ўша жойга боряпмизмикан», дедим ичимда биринчи жангга кирган кунимизни эслаб. Сержантни гапга солиб, шу нарсани аниқлашни истадим-у, тортиндим.

Дарёдан ўтиб, очик бир жойга чиқдик. Илк баҳор кунлари бўлганидан ерлар лой, юриш анча мушкул эди. Бир вақтлар қаттиқ жанг бўлган жой эканини билдириб турадиган ўйдим-чуқурлар, узун-узун қилиб қазилган хандақчалар, ертўлао эриётган қор сувига тўлган окоплар юришимизни анча қийинлаштирар эди.

Атроф-теваракда ахён-ахёнда снарядлар портлайди. Энди бу снарядлар илгариги жангдагидек мўлжалга олиб усти-устига отилган тўп ўқлари эмас эди. Немислар ўзларининг борлигини билдириб қўйиш учунгина ўқтин-ўқтин ўқ узишаётгани сезиларди. Биз олдинги мудофаа майдонига яқинлашиб қолдик. Душман пулемётларига ҳар тўрт-беш ўқдан кейин орқасидан учқун чақнатиб учадиган ўқ қўшиб отар ва шу билан ўз нишонларининг йўналишини белгилаб олар эди. Бутун атроф тим қоронғи, учқун сачратиб учадиган ўқлар кўзга яққол кўринар, баъзан бирор баландроқ жойга санчилар, айримлари эса шундоқ ёнгинамиздан шувиллаб ўтиб кетарди. Биз билар эдикки, битта ўт сочиб учадиган ўқнинг орасида кўзга кўринмайдиган ўқлар ҳам анча-мунча... Бироқ, бу ўқларнинг ёнгинамиздан ўтиши ёки бирон жойга бориб санчилиши бизни кўпам безовта қилмасди.

«Ажаб, ўққа ҳам ўрганиш мумкин экан-да», дердим ичимда. Бизни бошлаб боровчи сержант эса, умуман, ўқ деган нарсага парво қилмас эди. Ҳатто бир гал ёнимиздан

визиллаб ўтаётган ўқни шинелнинг этаги билан уриб туширса бўлар экан, деган бола хаёл кўнглимдан кечгани ҳамон эсимда.

Биз олдинги маррага етиб бордик. Эндиги жанг майдони илгари мен иштирок этган жанг майдонидан бутунлай бошқача эди. Бутун мудофаа чизиғи бўйлаб чуқур ариқларни эслатадиган хандақ-траншея қазилган. Унинг ҳар жой-ҳар жойида ертўлалар, уларнинг усти ёпилган бўлиб, ҳордиқ чиқариш мумкин эди. Ҳар икки ертўла орасида ўт очиш нуқталари бўлиб, улар ҳам бир даража жиҳозланган — траншея томони очик, устлари ярмигача ёпилган эди. Душман томонга қараб турган — олд томони очик, бошқа уч томони ёпиқ ёғоч туйнуқлар — амбразуралар эди.

Йўл бошловчи сержант бизни окопларга жойлади. Шунда англадимки, мен энди янги жангчилар тўпининг аъзоси эдим. Шу куни мени навбатчиликка қўйишди.

Мен бўйим баробар келадиган бешотарни траншея қирғоғига қўйиб душман тарафга қараб ўтирардим. Берилган топшириққа кўра душман томонидан — бирор нуқтадан автомат ёки пулемёт тариллаб қоладиган бўлса, мен ҳам шу ёққа қаратиб битта-иккита ўқ узиб кўярдим. Кун билан чарчаган эканман, баъзан уйку босиб, кўзим юмилиб кетай дейди...

38-полкдаги жангчилик ҳаётим шу хилда бошланди.

Эртаси куни янги жангчилар билан танишдим. Улар менга: «Биз 372-дивизиянинг 38-полкидамыз. Бу ерни Сиявино ботқоқлиғи, баъзан тепалиғи деб атайдилар», деб тушунтиришди. Мен Қорадарёдан ўтганимизни эсладим. Сиявино номи эса 1942 йилнинг сентябрь ойидаги оғир кунларни эслатди. «Демак, яна ўша жойга келиб қолибман» деган ўй хаёлимдан ўтди. Ўша оғир жанг кунларида дўстим Напас билан бир окопда ётганим оролчани топиб кўргим келар эди.

Дарвоқе, Напас қаерда экан? Дўстимни тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим. Катта сержант унвоним бўлгани учун мени қисмда бўлима командири қилиб қўйишди. Энди мудофаанинг маълум бир қисмига шахсан жавобгар эдим, лекин мерганлик милтиғим бўлмаганидан ҳамон бўйим баравар бешотар билан душман томонни кузатаман. Бирор немис солдати кўриниб қоладими ёки бирор кузатув нуқтасидаги стерео-трубалар кўзга чалинадими — дарҳол ўт очаман. Ўқим мўлжалга теккан-тегмаганини билолмасам ҳам, бу ишимдан, ҳар қалай, хурсанд эдим. Сўнроқ мени бўлинмамдаги жангчилар «мерган командир» деб атайдиган бўлишди.

Бир куни чошгоҳ вақти траншеянинг ён томонида елкасига милтиқ осган нотаниш бир одам пайдо бўлди. Яқин келганда қарасам, милтиғи... мерганларники экан. Бўлинмадаги жангчи дўстларим уни «Алексей ака», деб, хурсандчилик билан кутиб олишди, кейин мени унга таништиришди.

— Бизнинг командир. Бу киши ҳам мерган. Фақат милтиғи оддий...

Алексей шу дамдаёқ менга энг азиз одам бўлиб кўринди. Афсуски, бизнинг қошимизда кўп қолмади. «Менга зарур вазифа топширилган» деб ўтиб кетди. Мен унинг кетидан ҳавас билан қараб қолдим.

Кейин ҳам катта лейтенант Алексей Кочегаров билан бир неча бор учрашдим. Баъзан топшириқни бажариб қайтаётган пайтлари бўлинмамизда ўтириб гурунглашар, ҳордиқ чиқарар эди. Бора-бора у ҳам мени «мерган командир» деб атайдиган бўлди. Менинг овчи эканлигимни билгандан кейин эса, ўз қадрдонидек кўра бошлади. Баъзан менга мерганлик милтиғини ҳам ишониб

берар, бир мерганча милтик тутишимни кўриб, хурсанд бўлганини сезардим.

У ўрта бўйли, лўппи юз, лаблари қалин, ўзи бироз қорачадан келган бўлса ҳам, юзидаги қон томирлари кўриниб турар, елкалари кенг, эллик ёшлардаги киши эди. Ўзини вазмин тутар, юришларида ҳам бошиқлик сезиларди. Оғзидан трубка тушмасди. Бир солган тамакиси тамом бўлди дегунча унга янгисини жойларди. Менимча, у табиатан камгап эди. Лекин овчилик, мерганлик ҳақида гап кетганда, жуда очилиб ғаройиб воқеаларни айтиб берарди. Шундай қилиб, Алексей Кочегаров билан жуда иноқлашиб кетдик ва мен ҳам уни оддийгина қилиб «Алексей ака» деб атай бошладим.

Мен юқорида бу қисмга келиб қолишим ва мерганликка бўлган қизиқишим ҳақида гапирдим. Буларни ўқиган ўкувчи: «Агар мудофаа чизиғидаги аҳвол шундай бўладиган бўлса, бу роҳатижон экан-ку, умуман, уни жанг майдони деб атамаса ҳам бўларкан», деган мулоҳазага келиши мумкин.

Йўқ, ундай эмас. Мудофаа ҳам қизғин жангнинг бир кўриниши. Одатда, мудофаада ҳар икки томон бир-бирини сира тинч қўймасликка ҳаракат қилади. Айрим вақтларда тўп ва миномётлардан шиддатли ўт очилиб, мудофаа майдони даҳшатли манзара касб этади. Бу даҳшатлардан эса ўнлаб одамлар турган жойида ҳалок бўларди.

Фашистларнинг бир қуроли бўларди. Эшитган таърифларимга қараганда, у олтита нил-стволдан иборат миномёт эди. Оддий жангчилар орасида уни «эшшак» деб ҳам аташарди. Ундан ўқ узилган маҳали эшак ҳанграшига ўхшаш товуш пайдо бўларди. Овоз чикди дегунча, олтита мина шахмат шаклида мудофаа линиямизга келиб тушарди. Бу миналарнинг емириш кучи, жону жониворга таъсири ҳам овозига ўхшаш эди: ҳар бир минанинг тушиб портлаган жойида катта хандақ пайдо бўлар, портлаш кучи у ердаги тупроқларни ҳавога кўтариб узок-узокларга сочиб юборарди. Унинг осколлари кўп бўлмас, жангчиларга шикасти кўпроқ кўпоровчи кучи ва портлашдаги ҳаво тўлқинига боғлиқ бўлар эди. Ҳаво тўлқини натижасида мина портлаган жойнинг ён атрофидаги жангчиларни ҳатто ертўла ичида бўлишса ҳам, контузия қилар, улар кўр ё қар бўлиб қолишар, ёки мияга қаттиқ лат етиб, киши ўзини йўқотиб кўярди. Шу сабабли у душман қуроллари орасида энг даҳшатлиси ҳисобланарди. Ахён-ахёнда бўлса ҳам, бу хилдаги «эшшак»нинг бир ҳанграши мудофаамизга кўп зиён етказарди.

Бундай пайтларда бизнинг артиллерия ҳам жим турмас эди. Бир зумда машҳур «Катюша»миз пайдо бўлиб, фашистлар мудофаа чизиғига бир-икки бор (ҳар навбати 16 снаряддан иборат) қараб ўқ отарди-да, жўнаб кетарди.

Шахмат тартиби билан тушадиган бу снарядлар эллик-юз метр доирани ағдар-тўнтар қилар, снаряд тушган жойдан анча вақтгача бурқсиб тутун чиқиб турарди. «Катюша» снарядлари тушган жой қорайиб кетарди. Катюшанинг «жавоб»идан кўрққанидан бўлса керак, душман «эшшак»ни кўп ҳам «ҳангратавермас» эди.

Бундан ташқари, бизда бошқа бир қурол ҳам бор эди. Жангчилар уни «Андрюша» деб атардилар. Узунлиги одам бўйи бўлиб, бош қисмининг диаметри ярим метр келадиган глобусни эслатарди. Бу қурол қутиларда сақланарди. Уни ўз қутиси устига тиклаб, кейин ундан снаряд отилар эди. Кўтарилишидан тортиб то душман томонга тушгунга қадар қузатган пайтларим кўп бўлган. Баъзан «Андрюша» орка паррақларига илашиб қолган қутисини ҳам ўзи билан олиб учиб кетарди. Бундай пайтларда фашистлар: руслар бизга «яшиқлар»ни ҳам ота бошлашди, деган гап таркатишар экан. Тасаввур қилиш керакки, «Андрюша»нинг емириш кучи фашистларнинг «эшшаги»га нисбатан ҳам зўр бўлган бўлиши керак.

Чунки, у душман томонда портлаганда, ертўлаларимиз, худди кучли зилзила зарбига учрагандек тебранар ва устимизга уюм-уюм тупроқ тўкилар эди.

Мудофаада турганимизга икки ойлар чамаси вақт ўтгач, шундай воқеа рўй берди. Эрталаб Алексей Кочегаров, елкасига мерганлик милтиғини осиб, биз мудофаа қилаётган траншеядан ўтиб бораётиб:

— Мен муҳим бир топшириқ билан кетяпман. Кечкурун кириб ўтаман, гап бор, — деди менга.

Кечкурун у кайфи чоғ ҳолда қайтди. Шундан билдимки, «ов»и юришган.

— Қани, «мерган командир», юр, дивизия штабига борамиз. У ерда бир иш бор... Ўрнингга одам кўй.

Иккимиз йўлга тушдик. Йўл-йўлакай у батальон командирининг ертўласига кириб чикди: мени олиб кетаётганини айтган экан.

Кетяпмиз. Ҳаяжонланаман. Алексей Кочегаров ким? Тажрибали мерган. Қаёққа боряпмиз? Дивизия штабига.

Йўлда унинг ўзи гап очиб, немислар томонда мерганлар кўпайгани, бугун ўша мерганлардан биттасини сафдан чиқарганини айтди. Мен қизиқиб тафсилотларини сўраганим, у жавобни қисқа қилди:

— Кейин гапириб бераман. Билсанг, мерганлик ҳам — бир санъат. Унинг олдида овчилик ҳеч нарса эмас. Бу катта маҳорат талаб қилади, — деди.

Дивизия штаби. Кочегаров мени яхши жиҳозланган ертўлага олиб кирди. Ертўланинг тўрида кўлбола ўтиргичда тирсақларини столга қўйиб, нималарнидир кўздан кечириб бир подполковник ўтирарди.

Алексей Кочегаров унга мурожаат қилиб:

— Ўртоқ комиссар, сизга бўлажак мерган олиб келдим. Бу йигитни ўз бўлинимасида ҳам «мерган командир» деб аташади. Ҳали бир иш кўрсатгани йўқ, Лекин ёшлигида овчилик қилган экан, отишни яхши билади, — деди.

— Бу йигитни кўрганман. Яхши отадиган бўлса, сизга шогирд бўлади, — деди полковник.

Мен ҳам бу кишини олдинги сафда, кейин бизнинг бўлинимага борганда кўрган эдим.

У «Сиёсий терминлар луғати»ни ўзи билан олиб юрар, мураккаброқ савол чикиб қолса, ўша китобни кўриб тушунтирар эди. У бошқа командирларга унча ўхшамасди. Жангчилар билан ўз тенги билан гаплашгандай муомала қилар, суҳбатдошини ҳеч вақт «сиз»ламас, оддий қилиб «сен»сираб гапирарди.

Унинг миллатини аниқ айта олмайман, ҳарҳолда рус бўлса керак. Ўзи қорамағиз, сочлари, қош-кўзлари ҳам қора, фамилиясини ҳам ғира-шира эслайман: чамамда Климов эди. Ҳозир у ҳақда ўйласам, бирор институтнинг илмий ходими ёки бирор олий ўқув юртининг ўқитувчиси бўлган, дегим келади.

Менинг кейинги ҳаётимда бу одамнинг раҳнамолиги катта бўлди. Гап мени мерганликка, Кочегаровга шогирдликка муносиб кўрганида эмас, шу одамнинг ишонч-тавсияси билан мен ВКП(б) сафига қабул қилиндим. Кейин ўртамизда сиёсат, фалсафа, адабиёт ҳақида анчагина суҳбат-баҳслар ҳам бўлди ва Климов яқин кишиларимдан бири бўлиб қолди.



Нормўмин Очилов

У ЖАНГ ДАН ҚАЙТМАДИ



Бурхон ТУРСУНОВ. 1944 йил.



зани ҳамма даврда ҳам олижаноб касб саналган ўқитувчиликка бағишлаган эди. Партдада ўтирган қоракўз ўғил-қизларга она тилидан, адабиётдан сабоқ бериб, уларда Онага, Ватанга меҳр уйғотмоқчи эди. Лекин дорилфунунни битириши билан давр унинг қўлига қурол тутди. У беқасам тўн кийиб, севиклиси Мухтарамхонга қув бўлмоқчи эди, лекин давр унинг елкасига юлдузли шинель кийдирди. Замоннинг, даврнинг талаби шундай эди. Қирғинбарот жангларда қатнашди. У қахрамонлик кўрсатаман деб ҳеч ўйламаган эди. Лекин у шуни яхши билардики, бу жанг ҳаётмамот жанги бўлади.

«Мен кетар бўлдим бугун, Ўзбекистоним, яхши қол,
Вақтинча кетдим сендан, боғу бўстони, яхши қол».

деб ёзган жангчи шоир, афсус, қайтмади. У Ғалабага бир ойча қолганда — йигирма тўққиз ёшида Германия тупроғида ҳалок бўлди.

Бурхон Турсунов. Эндигина қуртак ёяётган, жаранглашга чоғланаётган қўшиқ тинди. У ҳаётлигида шеърларини бир гулдаста холида ўз ўқувчисига тақдим қилолмади, бунга унинг имкони, вақти ҳам бўлмади. У ёвуз душманга қарши қўлда қурол ва қалам билан қурашди. Ёндафтарча саҳифаларига сафарбар сатрлар ҳарбий эшелон шовқини остида, порох тутуни бурқсиган жанг майдонларида, даҳшатли тўп садолари қўйнида, окоп ва ертўлаларда битилди. Лейтенант Турсунов ёндафтарининг бир бетига разведка режалари, «тил» маълумотлари ёзилса, иккинчи бетига Ўзбекистон ҳақида, ой бориб омон кел деб қолган онаизор, вафодор ёр, кадрдон дўстлар ҳақида соғинч шеърлари ёзилар эди.

Жангчи-шоирнинг бундай шеърларини энг аввало у билан елкама-елка туриб жанг қилаётган, жон бериб жон олаётган қуролдош дўстлари тингларди. Шоирнинг ана шундай шеърларидан бири она ҳақида:

Она десам, очилади дилларим,
Она десам, ойдин бўлар йўлларим.
Болаликда аллалаган онажон,
Етимликдан йигит қилган меҳрибон.
Интизорман сени бугун кўрмоққа,
Интизорман меҳринга бир тўймоққа.

Шоирнинг бундай шеърлари жангчилар қалбини титратар, уларни мардона жангга, душмандан аёвсиз ўч олишга ундар эди.

Бурхон Турсунов бундай самимий, юракни жижиллатадиган шеърларни осонгина ёзиб кетмади. У аввало мураккаб ҳаёт дорилфунунини ўтди. Отадан уч ёшида етим қолиб, ёшлигида кишиларнинг молини боқди, ҳаётнинг аччиқ-чучугини жуда эрта тотиб кўрди. Онаси Бегимой хола етим қолган етти сағирни оналарга хос чинакам меҳр билан тарбия қилди. Хайрият, бундай етим-есирлар кўчада қоладиган замонлар ортда қолган эди; болалар мактаб кўрди.

Ёш Бурхон бошланғич таълимни ўзи туғилган қишлоқда (ҳозирги Советобод районидаги Жом қишлоғида) олгач, кейинчалик Каттақўрғон яқинидаги Лўблаҳур қишлоғидаги Колхоз ёшлари мактабида таҳсил кўрди. Кейин эса Каттақўрғондаги педагогика билим юртида ўқиб, уни 1936 йили аъло баҳолар билан тугатди ва шу билим юртида дарс берди. У билим юрти ижтимоий ҳаётида актив қатнашди: комсомол комитетининг котиби, касаба союз комитетининг раиси бўлди. Бурхоннинг дастлабки шеърлари ҳам илк бор шу педбилим юртининг деворий газетасида юз кўрди.

Бурхон Турсунов ўзида билимга ташналикни ҳис этиб, 1937 йили ЎзДУнинг (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) филология факультетига ўқишга кирди. 30-йиллардаги жўшқин Самарқанд адабий муҳити, дорилфунундаги сабоқлар Бурхон ижодини шакллантириб борди. У буюк Алишер Навоийнинг 500 ёшлик юбилейи шарафига университетда таъсис этилган «Навоий стипендияси»ни (ойига 500 сўм) олиб ўқиди. Ўқиш билан баробар «Ленин йўли» область газетаси билан ҳамкорлик қилди. 1941 йили дорилфунунни имтиёзли диплом билан тугатди. Немис-фашистларининг она Ватанимизга ваҳшиёна бостириб кириши Бурхон Турсуновнинг ҳам тинч ҳаётини издан чиқарди. У дастлаб Намангандаги кичик офицерлар тайёрлайдиган курсда таҳсил кўрди. Билим юртини тугатгач, Самарқандда хизмат қилди. У неча бор ҳарбий эшелонни жангчилар билан бирликда

фронтта эсон-омон етказиб беришда қатнашди ва ўзбек жангчиларига дастлабки ҳарбий машқларни ўргатди. Кейинчалик ўзи ҳам душман билан юзма-юз жангга кирди.

Бурҳон Турсунов ўзининг миномётчи бўлинмаси билан Украинани озод этиш учун бўлган жангларда — Киев, Житомир, Белоцерков, Винница, Каменец-Подольский, Тернополь, Львов ва Польшадаги жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. У Берлингача бўлган зафарли жанг йўлларини босиб ўтди. Бу давр ичида Қизил Юлдуз ордени ва бир қанча медаллар билан тақдирланди.

1945 йилнинг апрель ойи. Уруш тугашига саноқли кунлар қолганда Бурҳон Турсунов Берлиннинг шарқи-жанубидаги Бискау (Егендорф райони) тепалигини олишда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Шоир билан бирга жанг қилган қорадарёлик Раҳмонберди Бойқуловнинг ҳикоя қилишича, Бурҳон тепаликка биринчи бўлиб кўтарилган ва душман мерганининг ўқи унинг пешонасидан теккан. Бу мудҳиш воқеа 10 апрель куни эрталаб соат саккизларда юз берган ва Бурҳон Турсунов жасади соат 10 ларда Бискау қишлоғи ёнидаги ҳарбий қабристонга кўмилган.

Уруш тугади, орзиқиб қутилган Ғалаба садолари янгради. Омон қолган жангчилар ўз юртларига, қариндош-уруғлари кучоғига қайтишди. Лекин Бурҳондан на хат бор, на хабар. Бегимой хола фарзандини интизорлик билан зориқиб кутарди. Айниқса, қизи Бибиойшанинг баъзан айтган дардли мана бу хиргойиси унинг юрагини зирқиратиб юборарди:

Шилдир-шилдир қамишининг
Шилдираши тугарми,
Жангга кетган Бурҳонжон
Эсон-омон келарми...

Онаизорга ўғиллари, қариндошлари Бурҳондан келган қорахатни билдиришмади. Лекин теварагидаги кишиларнинг унга ғамхўр бўлиб қолишгандан, ҳол-аҳволидан тез-тез хабар олишиб, мунғайиб туришларидан онанинг кўнгли ниманидир сезгандай бўлди. Лекин касалманд онага ҳеч ким оқиғини айтишга бетлай олмасди. Бир йилга яқин вақт ўтгандан кейингина қишлоқ оқсоқоллари йиғилишиб Бегимой холага бу нохуш хабарни ётиқлик билан етказишди, аза очилди. Бегимой хола севиқли фарзанди доғини кўтаролмай, бир ой ичида вафот қилди.

«Юрагимда туйғуларим мўл,
Тасвирларга сўзлар етмайди.
Ўрмон — қалам, сиёҳ бўлиб қўл,
Ёзаверсам асло битмайди».

деган шоир ҳаётдан эрта кўз юмди. Фашист босқинчиларига қарши курашиб уларни енгди, лекин Ғалабанинг тотли дамларини кўра олмади. Бурҳон каби Ватан йўлида жон фидо қилганларни ўлди деб айтолмаймиз, улар жисман ҳалок бўлган бўлсалар-да, жасоратлари ҳамиша барҳаёт!

Бурҳон Турсуновнинг ёндафтарларидаги шеърлари тўпланиб, таниқли шоир ва таржимон Мамарасул Бобоев ташаббуси билан 1961 йилда «Ёдгор» номида нашр қилинди. Ҳа, бу митти китобча жангчи-шоирдан қолган ёдгорлик, унинг ўғли ўрнида ўғил, қизи ўрнида қизидир.

Бурҳон Турсунов қисқа, лекин ибратли умр кечирди. Унинг мана шу қисқа умр мобайнида ёзган «Ўзбекистоним, яхши қол», «Чегарачига», «Дўстимга жавоб», «Юрагимда туйғуларим мўл», «Кўз олдимда Карпат тоғлари», «Салом, ҳурматли Зухраҳон», «Бир кўрсам», «Олтин қўл» номли шеър ва баллада-ларида изланувчан истеъдод намуналарини кўрамиз. Жангчи-шоирнинг шеърлари ҳам унинг ўз ҳаёт йўли каби ғоявий жиҳатдан аниқ ва тиниклиги билан ажралиб туради.

Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги арафасида жангчи-шоир туғилиб ўсган Жом қишлоғидаги ўрта мактаб саҳнида Бурҳон Турсуновга ёдгорлик бюсти ўрнатилди. Эндиликда Советобод районидаги 21-ўрта мактаб шоир номи билан аталади. Пионер йиғинларида унинг шеърлари жаранглайди, ёдгорлик пойидан ҳеч қачон гул аримайди. Мактабда Бурҳон Турсунов музейи ташкил қилинган бўлиб, музейда шоирнинг студентлик ва фронт йилларидаги суратлари, унинг ҳаётига оид ҳужжатлар ўрин олган. Агар Бурҳон Турсунов ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшга тўларди.

Ўтган йили ёзда Жом қишлоғига Туркманистон ССРнинг пойтахти Ашхободдан қутилмаган бир мактуб келди. Хат муаллифи М. Горький номидаги Ашхобод Давлат университетининг доценти, тарих фанлари кандидати Қора Бердиев эди. У фронтдош дўсти Бурҳон Турсуновни изларди. Қора оға жангчи-шоирнинг ҳалок бўлганидан хабарсиз экан, чунки улар 1944 йилда бошқа-бошқа ҳарбий қисмларда хизмат қилишган. Шунгача улар ҳарбий эшелонларда бир неча бор биргаликда Ўзбекистонга қатнаб, урушга жангчилар етказиб беришган экан. Бердиев урушдан кейин Бурҳон Турсуновни йўқлаб, неча марта хат ёзган, лекин бу хатлар урушдан олдинги эски адресга — «Қизил қаҳрамон» колхозига йўллангани туфайли жавобсиз қолаверган.

Шу йилнинг январида жангчи-шоир қариндошларининг таклифига мувофиқ Қора Бердиев Жом қишлоғида азиз меҳмон бўлди. У қуролдош дўсти бюсти пойига кўзда ёш билан гулдаста қўйди. Мактаб музейига ўзининг ва туркман классик ёзувчиларининг асарларини совға қилди. У ўқувчи ва пионерлар билан бўлган учрашувда шоир дўсти ҳаётига оид фронт лавҳаларини сўзлаб берди. Йиғилишда Бурҳон Турсунов шеърлари жаранглади. Жангчи-шоирнинг «Айласин» радифили ғазалида шундай сатрлар бор:

Сухбатда дўстларинг мастона бўлганда, ёрим,
Ул дўстлардан истарам: Бурҳонни ҳам ёд айласин.

Бурҳон Турсунов каби она Ватан йўлида қурбон бўлганлар ҳамиша халқимиз ёдида, эъзозида. Жангчи-шоирнинг ҳаёт йўли эса ёшларга ибрат намунаси бўлиб хизмат қилаверади.

Ленин бобом ёкя Пушкинми? — деб сўради чап кўкрагиди порлаб турган ёктябрлар нишонини кўрсатиб.

— Бу-чи ўғлим, Ленин бобомизнинг ёшлигидаги сурати.

— Ура, менда Ленин бобом расми бор!

Баҳодир олачипор коптокни кўлтқиладю чопқиллаганча йўлакка чиқиб кетди.

— Эшитдингизми, шифтга теккизибди!

— Азамат экан!.. Агар Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбек номидаги соврин таъсис этилгудек бўлса борми, Баҳодирни дастлабки лауреат деб эълон қилиш керак.

— Адабиёт соҳасидами?

— Йўғ-э, футбол бўйича.

— Ойбек домла ҳам футбол ўйнаган эканларми?

— Ҳамма гап шундаки, Ойбек домла забардаст ёзувчи бўлганликлари учунми, футболчиларнинг ҳар бир кучли зарбаларини, ҳаволатиб тепилган тўпларни кўрсалар завқлиб кетар эканлар.

Кабинетга тиниб-тинчимас Баҳодир кириб келди.

— Ада, менга яшил майдонни кўрсатмайсизми?

— Кўрсатаман, ўғлим. Лекин у ерда ҳозирча ўйнаб бўлмайдиган; яқинда чим босдик, ҳар куни эрталаб сув сеппияпти — лой, насиб этса, кузга бориб ажриқларнинг илдизи мустаҳкамланиб қолади. Ўшандан кейин акаларинг билан бемалол ўйнайверасан.

— Эркин ака, ўлингиз ҳам чапақай экан-ку...

— Мен ўнг оёғим билан ҳам ўйнай оламан, мана!

Баҳодир коптокни чап оёғидан ўнг оёғига ташлади-да, дуп этказиб тепди. Копток стол устидаги кулдонни ағдариб юбора-ёзди.

Машҳур футболчи Эдуард Стрельцов ўзининг «Майдонни кўряпман...» (Москва, «Советская Россия» нашриёти, 1982 йил) деган китобида хотирасида ўчмас из қолдирган муҳим саналар ҳақида тўхталиб, 1968 йилги СССР Кубоги мусобақасининг финал учрашувини эслайди. Маълумки, ўша йили финалга «Пахтакор» ва Москванинг «Торпедо» командалари чиққан эди. Кубок тақдирини йигирма бешинчи минутдаёқ хал бўлади: Стрельцов копток билан «Пахтакор»нинг жарима майдончасига яқинлашиб келади ва ўзининг «финти»ни ишга солади — химоячини чалғитиш учун бир-иккита ёлғондакам ҳаракат қиладию коптокни товони билан командадоши Ю. Савченкога узатади. Савченко кучли зарба билан ҳисобни очади. Шундай қилиб, ягона гол ўйин тақдирини хал қилади. Ваҳоланки, ҳисобни тенглаштириш учун «Пахтакор» ихтиёрида йигирма минут... йигирма минут соб бўлгач, ўн беш минутлик танаффус, танаффусдан кейин эса бутун бошли иккинчи тайм мавжуд эди!

Биродар Абдураимов:

— Тўғри, вақт кўп эди... Лекин бизнинг рақибимиз ҳам кўп эди-да; «Торпедо» командаси асосий рақиб бўлса, минус ўн даража совук, майдонни қоплаган музлик «қўшимча» рақибчалар эди. Югуриб бўлмасди, сирғалиб йиқилаверардик, алдаб ўтиш эса алданиш деган гап бундай шароитда. Биз ютқаздик: «Торпедо» 62-йилги СССР чемпионати кумуш медалининг ҳиссасини чиқарди. 1962 йили биз чемпионатнинг сўнгги мусобақасини Тошкентда ўтказган эдик. «Торпедо» Тошкентга келди. Чемпионат тақдирини мана шу ўйиндан кейин ҳал бўлиши лозим эди: агар «Торпедо» галабага эришса сўзсиз СССР чемпионатининг олтин медалини қўлга киритарди; Москванинг «Спартак» командаси эса иккинчи ўринда бўлиб, улар сўнгги турда «Зенит»ни албатта ютиши лозим эди. «Пахтакор» — «Торпедо» учрашуви учу ноль ҳисобида бизнинг йирик галабамиз билан тугади. Мен ўша ўйинда рақибнинг уч химоячисини алдаб ўтиб гол урган эдим. Нагжада «Торпедо» кумуш медал билан кифояланди. «Пахтакор» принципиал галабадан сўнг кучли олтиликдан жой олди. 1968 йили «Торпедо» ўзига хос реванш олди...

Раҳимжон Мўминов («Пахтакор»нинг собиқ ўйинчиси, футбол мактабининг тренери):

— Мен 1968 йилги «Пахтакор» — «Торпедо» ўйинини телевизорда кўрганман — у пайтлари республикамизнинг асосий командаси составига қабул қилинганимча йўқ эди. Лекин Стрельцовнинг ҳаммага маълум «финти» ҳам, Савченконинг голи ҳам эсимда бор: Стрельцов «Пахтакор»нинг жарима майдончасига яқинлашиб келади-да, бир-икки марта ёлғондакам ҳаракат қилади ва кутилимаганда гир айланиб туриб коптокни химоячимиз Аҳрор Иноятовнинг оёқлари орасидан ўтказиб юборади!... Ўшанда «Пахтакор» СССР Кубогини қўлга киритганда борми, команданинг тақдирини ҳам бошқачароқ бўларди, албатта. Афсуски, ўша йили сеvimли командамиз оллий лигани тарк этди...

Бир сўз билан айтганда, 1968 йили «Пахтакор» «об-ҳаво кийинчиликларини» енга олмади.

1981 йил, 13 май. Дюссельдорф (ГФР). Футбол бўйича Европа Кубок эгаларининг Кубоги учун хал килувчи учрашув. «Динамо» (Тбилиси) — «Карл Цейсс» (ГДР). Ўйин тугашига йигирма етти дақиқа вақт қолган. «Карл Цейсс» футболчилари биру ноль ҳисобида олдинда боришмоқда...

Александр Чивадзе:

— Орзумиз ушалишига йигирма етти дақиқа қолган эди... Гуцаев ҳисобни тенглаштирди. Виталий Дараселия эса мафтункор галаба голининг муаллифи бўлди. Биз фақат Кубокни қўлга киритдик десам галабамизнинг кадр-қимматини тўла ифодаламаган бўламан. Бундан ташқари, биз ўз халқимизнинг қувончига шерик бўлиш имкониятига эга бўлдик...

Яна Александр Чивадзе:

— Грузин футболчи табиатини билмоқчи бўлсангиз, аввало грузинларнинг характерини ўрганиш керак. Бизни ўйиннинг натижаси унча қониқтирмайди, биз мафтункор ўйин кўрсатишни истаймиз. Болалигимиздан бизни шунга ўргатишди. Жўшқинлик, гурур бизни ҳеч қачон тарк этмайди; мағлубиятнинг унутиш мумкин, аммо чин дилдан эмас, балки қандайдир ҳисоб-китобни назарда тутиб ўйналган совук ўйин асло унутилмайди. («Футбол-хоккей» ҳафталиги, 16.11.86 й.)

Ўша — Ватанимиз футбол тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган финал учрашуви кўпчилик футбол мухлисларининг ёдида бўлса керак, албатта... Ўйин тугашига бор-йўғи йигирма етти дақиқа қолган эди, холос — Александр Чивадзе таъбири билан айтганда, «Орзумиз ушалишига йигирма етти дақиқа қолган эди». «Гол!» Телеэкран қаршисида ўтирган миллионлаб томошабинларнинг нафаси ичига тушиб кетди... Грузин футболчилари коптокни майдон марказига олиб келишди. Негадир шарҳловчимиз Котэ Махарадзе миқ этмаяпти. «Нима бўлдикин?» Ниҳоят, микрофондан шарҳловчининг оғир-оғир нафас олиши эшитилди. Ниҳоят, Котэ Махарадзе тилга қиради:

— Руҳан бардам бўлиш керак, ўртоқлар...

Ўйин бошланди. Ҳамма-ҳамма бирдан енгил тортиди: «Руҳан бардам бўлиш керак, ўртоқлар».

Худди шундай оташин сўзлар билан, сўнгги нафасигача жонажон Ватанига содиқ қолган — фашистларнинг ваҳшиёна қийноқларига бардош берган буқилмас иродали генерал Карбишев ўз дўстларига мурожаат этган эди:

— Бардам бўлинг, ўртоқлар! Ўз Ватанингизни эслангиз, шунда қалбингизни матонат туйғуси тарк этмайди!

Ватан туйғуси матонатли кишилар қалбида абадий яшайди.

Ҳозир «Пахтакор» стадиони қошидаги футбол мактабида тўрт юзга яқин ўқувчи таълим олмақда. Ўтган йили уни ўн олти нафар йигит битирди. Лекин улардан фақат кикитасигина II лига коллективларига қабул қилинди, холос. Бошқаларичи?

В. Коробейников (футбол мактаби директорининг ўринбосари):

— Қолганлари сабоқ олишни давом эттиришяпти. Улар мактаб терма командасининг асосий ўйинчиларидир. То бирорта тренернинг назарига тушгунча турли-туман мусобақаларда иштирок этишади...

— Кечирасиз, сиздан яна бир нарсани сўрамоқчиман: хабарингиз бўлса керак, бир неча йил аввал «Пахтакор» составида Михаил Аннинг укаси ҳам ўйнар эди — ҳозир у қаерда?

— Иннокентийми?.. Ана, рўпарангизда ўтирибди-ку!

— Сиз Михаилнинг укасимсиз?

— Укаси эмас, акасиман. 1954 йили туғилганман.

— Яхши. Нега «Пахтакор»да ўйнамай қўйдингиз? Ёқмай қолдими?

— Нега ёқмас экан?..

Сўхбатга «Пахтакор»нинг собиқ ўйинчиси, футбол мактабининг тренери Борис Серостанов қўшилади:

— Команда сизга ёқишдан ташқари, сиз ҳам... тренерларга маъқул бўлишингиз керак. Акс ҳолда, «ўз хоҳишингизга кўра» ариза ёзишингизга тўғри келади.

— Ҳамма интизом олдида бирдек жавобгар...

— Албатта. Лекин тренер хоҳлайдими, хохламайдими команда билан тил топишига мажбур. Мана, оддий мисол келтираман: «Футбол-хоккей» ҳафталигининг шу йилги 9-сонида Бразилия терма командасининг Мексикадаги Жаҳон чемпионатида ҳозирлик кўра бошлагани ҳақида хабар эълон

килинди. Теле Сантана тренерликни ўз зиммасига олибди. Яхши. Рио де Жанейродан 500 км олисликдаги машқ майдонида 29 футболчи, жумладан, 12 ўйинчи Испаниядаги чемпионатда иштирок этган; Карлос, Сократес, Эдinho, Ренато, Эдер, Зико, Фалькао, Леандро, Жуниор, Оскар, Серезо, Дирсеулар дастлабки тайёргарликни бошлашибди. Аввал Теле Сантана ўз шогирдларидан хурсанд экан... Бир неча кундан кейин эса матбуотда «кун тартибига риоэ этмагани учун» Леандро (ҳимоячи, 26 ёшда) билан Ренато (ҳужумчи, 23 ёшда) команда составидан чиқариб юборилгани тўғрисидаги совуқ хабар пайдо бўлибди. Маълум бўлишича, улар шаҳардан базага кечки соат ўн бирда эмас, тонгги тўртда қайтишибди. Бразилия футбол федерацияси ўйинчиларнинг қилмишини атрофлича муҳокама қилибди ва Зико, Сократес бошчилигидаги терма команда аъзоларининг Сантана билан учрашувидан сўнг жазо бир оз «юмшатилибди» — Леандро билан Ренато қаттиқ огоҳлантирилибди. Демокцияманки, тренернинг бағри кенгроқ бўлиши лозим, шекилли. Шу ўринда «Пахтакор»нинг собиқ иқтидорли ўйинчиларининг МАСК, АСК «Карпати» (Львов), «Спартак» (Москва) каби командаларга кетиб қолганини афсус билан айтиб ўтмоқчиман: командани тарқатиб юбориш унчалик қийин эмас, аммо янги команда тузиш мушкул!

Эрнест Хемингуэй:

«... Биринчидан, иқтидор; улкан иқтидор соҳиби бўлмоқ даркор. Худди Киплингдек иқтидорли бўлиш керак. Кейин, интизом; Флобердек темир интизомга қатъий амал қилиш шарт. Ундан кейин, нимага интилаётганингни аниқ-тиниқ ҳис қилишинг, тасаввур этишинг лозим ва Париждаги улуғ мураббийлар сингари «монинг собит бўлсин. Шундагина сохтагарчиликдан ўзингни тия оласан. Бундан ташқари, ёзувчидан оқиллик, холисоналик ва энг асосийси — узоқ умр кўриш талаб этилади. Мана шу айтилганларнинг ҳаммасини битта киши тимсолади муҳассамлаштиринг-да, уни ёзувчининг бошига ёғилиши мумкин бўлган барча маломатларни энгиб ўтишга мажбур этинг. Бизнинг югурик замонамизда узоқ умр кўриш мушкул, мақсадга эришиш эса янада мушкулроқдир! Шунга қарамай, мен бизнинг мамлакатимизда орзу қилганимиздек ёзувчи пайдо бўлишини, унинг китобларини мутлоа қилишни жуда-жуда истар эдим...»

— Сиз-чи, Эркин ака?

— «Советский спорт» газетасида ёзишларича, Давид Кипиани Тбилисининг «Динамо» командасига катта тренер этиб тайинланган пайтда Грузия ССР Министрлар Совети хузуридаги физкультура ва спорт Комитетига битта шарт қўйган экан: «Майли, мен сизларнинг ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан. Лекин «юқоридан» ҳеч қанака кўнғироқ-пўнғироқ бўлмаслиги лозим. «Юқоридан» кўнғироқ бўлган кунийк мен «ўз хоҳишимга кўра, ишдан бўшатишларингни сўраб» ариза ёзаман. Келишдикми?..» Айтмоқчиманки, команда тренери (хусусан, «Пахтакор» командасининг тренери ҳам) ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиш имкониятига эга бўлмоғи даркор. Кўпинча эса фақат «натижа»ни, фақат «процент»ни талаб этишди, холос. Мана, «Пахтакор»нинг 1982 йилги муваффақиятидан кейин «натижа» ҳам, «процент» ҳам ҳеч нарса ни ҳал қила олмаслиги маълум бўлиб қолди: «бале-бале» билан кучли оптиликдан жой олиш мумкин, номдор ўйинчиларни мамлакатимизнинг турли чеккаларидан «Пахтакор»га жалб этиш мумкин. Аммо «бале-бале» билан команданинг истиқболлини яратиб бўлмайди-ку! Хўш, ўша номдор ўйинчилардан «Пахтакор»да ким қолди? Церетелими? Мачаидзеларми? Глушаковми?.. Афсуски, СССР Футбол федерацияси берган уч йиллик муҳлат шомолга совурилди. Афсуски, «Пахтакор»нинг истиқболли ҳеч қимни қизиктирмади. Афсуски, мутасадди ўртоқлар фақат «натижа»ни, фақат «процент»ни талаб этиш билан машғул бўлдилар, холос. Мана сизга «натижа»!..

— Ие, «Пахтакор» бу йил ҳам олий лигага чиқа олмайдими ҳали?

— Масалани бу тахлитда қўйишга эрта, чоғи. Энг аввало, ўз қиёфасига, ўз услубига эга бўлган команда барпо этиш керак. Ўн битта азамат-азамат йигитни майдонга чиқариб қўйган билан тап-тайёр команда вужудга келиб қолмайди; ўйинчилар маълум тажрибага, маълум кўникмага эга бўлмоғи шарт... Бир киши гол уради, бир киши гол ўтказиб юборади, лекин ғалаба қувончини ҳам, мағлубият аламини ҳам коллектив баҳам кўради. Шундоқ экан, футбол ўз моҳиятига кўра, коллектив қудратига таянадиган ўйиндир. Ўн қўшчага бир бошчи деганларидек, команданинг-да ўз «бошчи»си — диспетчери бўлиши керак. На фақат диспетчер, ҳужумчиларнинг «бошчи»си, ярим ҳимоячиларнинг «бошчи»си,

ҳимоячиларнинг «бошчи»си бўлмоғи шарт. Бундай масъулиятни ҳеч иккиланмай тажрибали ўйинчилар зиммасига юклаш мумкин. «Пахтакор»да эса тажрибали ўйинчилар бор; Яновский, Денисов, Бондаренко...

— Демак, «Пахтакор»дан умидимизни узмаслигимиз керак экан-да?

— Албатта. Шоир айтмоқчи:

Умид ёрким, етгаймиз

Сен бирлан йироқларга,

Максудим ёқиб турган

У нурли чироқларга,

Дуч келмасак бас энди

Турфа хил фироқларга...

— Кўриб турибдики, кайфиятингиз ҳийла «лириклашиб» қолди. Ушбу кулай фурсатдан фойдаланиб, хаёлларингизга бир оз эрк берсангиз-да, Мексикада бошланажак Жаҳон чемпионатида ҳурматли футбол ишқивозларини қандай гаройиб ҳодисалар кутаётгани ҳақида бир-икки оғиз гапирсангиз?

— ГФР терма командасининг янги тренери Франц Беккенбауэрнинг фикрича, совринли ўринларнинг асосий даъвогарлари; Бразилия, Италия, Англия, Франция ва ГФР футболчилари экан. Эдуард Малофеевнинг гапига қараганда, СССР терма командаси Мексикага фақат олтин КУБОКни қўлга киритиш учун боради. Мамлакатимиз терма командаси футболчиларининг имкониятлари Э. Малофеевга равшан, албатта. Нима бўлганда ҳам, дастлабки учрашувда ғалабага эришиш лозим. Кўп нарса чемпионатни қандай бошлашга боғлиқ.

— Эркин ака, фараз қилинганки, рўпарангизда «Ёшлик» журналининг ходими эмас, балки радио ёки телевидениедан келган бир мухбир ўтирибди ва сиздан сўраяпти: «Қайси хонанда ижросида кўшиқ эшитишни истар эдингиз?»

— Отажондан бир жуфт кўшиқ эшитишни истар эдим, албатта.

— Отажон Худойшукуровданми?

— Худди шундай.

— Ундок эса, Эркин ака, давраимиз соби қолмаслиги учун мен ўша радио ёки телевидение мухбиридан Аҳмад Зоҳир ижросида ҳам бир жуфт кўшиқ эшиттиришларини илтимос қилган бўлур эдим...

— Майли, сиз кўшиқ тинглаб ўтира туринг бўлмасам, мен бир этиб ташкилий иш юзасидан ижроқўмга учрашиб келаман. Ҳадемай футболга ихтисослашган мактаблараро Бутуниттифоқ мусобақалари бошланади: биз ўтган йили Москвада ўтказилган финал учрашувларида иштирок этиб, СССР Министрлар Совети хузуридаги Физкультура ва спорт Комитетининг III даражали дипломи билан тақдирландик. Бу йил эса... Ўзингиздан қолар гап йўқ, генерал бўлишни орзу қилмаган солдат, солдат эмас!

— Мусобақа тартиби қанақа?

— Бир марта ўз майдонимизда, бир марта ўзга майдонда ўйнаймиз. Ғолиб команда финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Хуллас, бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек:

«Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,

Низомий панжасига панжа урмоқ.

Керак шер оллида ҳам шер жанги,

Агар шер ўлмаса, бори паланги».

— Кечирасиз, Эркин ака, сўнги савол...

— Келажакдаги режаларим ҳақида гапириб берайми?

— Йўғ-э, чекишни қачон ўргангансиз, демокчийдим... Аввал ҳам чекар эдингизми?

— Янглиздингиз. Мен илгари ҳеч қачон чекмаганман; яқинда... тренерликка ўтганимдан анча кейин бошладим. Ҳақиқий футболчи бўлишни истаган спортчи ўзини-ўзи жуда қаттиқ назорат остида, таъбир жоиз бўлса, тиш-тирноғигача қуролланган, «соқчи»лар назорати остида сақлаш лозим. Интизом дегани, менимча, ўзингни-ўзинг назорат қилиш демакдир.

— Яна битта англашилмовчиликни бартараф этсак; сиз майдонга тушган пайтлари футбол шарҳловчилари: «Унинг номерда Биродар Абдураимов», деб таништиришарди. Қизиғи шундаки, мен «Эркин ака» деб мурожаат этсам ҳам (чунки менга

шуниси кулайрок), «йўқ, менинг исмим Биродар» демаяписиз?

— Паспортида ёзилгани бўйича, «Биродар»ман. Лекин оилада кенжа ўғил бўлганим учун ҳамма менга... «Уйдаги юмушлардан эркин» деб ҳавас қиларди. Бора-бора ўртоқларим ҳам «Эркин» деб мурожаат қиладиган бўлишди ва ўзимнинг асл исмим қоғозда қолиб кетди. Аслида, мен «Эркин» эмас, «Биродар»ман.

— Шундай қилиб, СССР терма командаси футболчилари

Мексикадан энг камиди «бронза» медалини олиб келишади десам, янглишмайманми ишқилиб?

— Ўйчининг ўйи биттунча таваккалчининг иши битади. Майли, айтганингиз келсин!

Сухбатни Н. БОҚИЕВ қоғозга туширди

Италия терма командаси футболчилари 1982 йилги (Испания) Жаҳон чемпионатида учинчи марта олтин КУБОКни қўлга киритган эдилар. 1986 йилда ким Жаҳон чемпиони бўлади?..



Суратда ИТАЛИЯ терма командаси футболчилари. Тик турганлар (чапдан ўнга); СКЕРИЯ, БЕРГОМИ, АНТОНИОНИ, АЛТОБЕЛЛИ, ЖАНТИЛ, ЗОФФ [олдинги қатордагилар]; КОЛЛОВАТИ, РОССИ, КОНТИ, МАРИНИ, ТАРДЕЛЛИ.



Муродбой Низонов

КАСАЛНИНГ ИСИТМАСИ ВА «СОВУТМАСИ»



АЗИЗ НЕСИН КЕЛМОҚЧИ

Азиз Несин Нукус телестудиясидан гапирди. Таъсир қилган жойи шу бўлдики, у халқаро китоб ярмаркасида менинг кичкинагина китобчамни олиб ўқиб чиқибди. Гапининг охирида мен билан учрашиш ниятида эканини изхор қилди.

— Эртага уйимизга Азиз Несин келмоқчи экан, — дедим мен хотинимни туртиб. У мультфильм бошланган чоғдаёқ пинакка кетган эди.

— Халиги... анави гострономнинг директорими? — деди у уйку аралаш эснаб. — Келса, икки-уч кило сарёф сўрагин-чи. Уйда бир мисқол ҳам ёғимиз йўқ.

Шунақа жаҳлим чиқдики, асабларим қақшаб кетди. Нимагадир юрагим ҳаприқиб, ўзимни қўярга жой тополмай қолган эдим. Номии бутун жаҳонга машхур ёзувчининг назарига тушиш ҳазилакам гапми?! Телевизорда кино кетаётган эди, унинг нима билан тугганини ҳам пайқамай қолдим. Кўзларим кинода-ю, хаёлим бошқа ёқда: эртага у билан гаплашаман. Ишқилиб, қовун тушириб қўймасам бўлгани! Тилмочиям бормикан ё шундай гаплашаверармикан?!

— Бирдан эшик тақиллаб қолди.

— Ким у?

— Бизмиз, очавер.

Товушини танимадим-у, лекин эшикни очдим. Уйга бирин-кетин етти киши кириб келди. Биттаси сал танишроққа ўхшаб кўринди. Бундай қарасам, ижрокўмнинг уй-жой таъминоти бўлимида ишлайдиган йигит. Талай марта олдига ариза қўтариб борганимда қоғозимни бир чеккага отиб юборган эди. Аммо, бугунги кайфияти унақа эмасга ўхшайди.

— Сизникига Азиз Несин келмоқчи, — деди у биринчи бўлиб гап очиб. Товушлари бирам майинки, ўзи ҳам жуда камтарга ўхшайди.

— Майли, келақолсин, — дедим мен бепарвогина. — Бирок, келинингиз тушмагур меҳмонни кўпам ёқтиравермайди...

Мен тагин қовун тушурдим шекилли, ҳаммалари кулишди.

— Несиндай машхур одам шу уйга келади деб ўйлаясанми?... — деди бояги йигит. — Сенинг обрўйинг бизнинг обрўйимиз...

— Тўғрику-я, лекин у киши камина билан учрашмоқчи бўлса...

— Гап бундоқ, — деди паканароқ йигит ўқтам товуш билан, — сен ҳозироқ бу ердан кўчасан! Бугунги ишни эртага қолдириб бўлмайди!

Жон-поним чиқиб кетди: нега деганингизда, Нукусга келганимдан бери ўн бир жойга кўча-кўча жуда безор бўлганман. Бунинг устига, қўлим қалталиги туфайли мана шу уйга икки ойлик ижара ҳақини тўлаёлмаганимни ҳам айтдим.

Ҳар қалай, кўпчилик кўпчилик-да, гапимга қулоқ солишмади. Биттаси ҳатто икки ойлик ижара ҳақини шартта чўнтагидан чиқариб берди: бели буқилмаган иккита элик сўмлик!

Мен шоша-пиша кийина бошладим. Ҳақиқатан ҳам кўчадиган бўлсак, қўшнилардан қўлик сўрашим керак-ку, ахир!

Буни қарангки, қўлик ҳам керак эмас экан.

— Мана бу кийгизларни меҳмоннинг кўзига кўрсатиб бўлмайди, — дейишди бизни кўчириб олиб кетмоқчи бўлаётганлар.

— Мен тагин бошқа уйга ижарадор бўламанми?

Саволим ёқмади шекилли, халигилар менга шундай ўқрайишиб қарашдики, асти қўяверинг!



— Эртага «ижарадор», «ижара ҳақи» деган гапларни валдираб юрма! — деди бодан бери гапга аралашмай турган кексароқ бир киши.

— Нега энди, ахир мен бу сўзларга етти йилдан бери ўрганиб қолганман-ку.

— Гапни кўпайтирма, у хориждан келган одам. Қолаверса, ёзувчи ахён-ахёнда пайдо бўлади. Сен уйли-жойли бўлсанг, ҳаммамизнинг обрўйимиз-ку, ахир!

Куйиб-пишиб айтилаётган гапларига қараганда, мен ҳам оппоқ эмасман шекилли, деб ўйлаб, индамай кўяқолдим.

Шу орада кўчага бир енгил машина келиб тўхтади. — Хўш, нима бўлди? — деб сўрашди ҳалигилар, шофёр эшикдан кириб келиши билан.

— Олиб бордик, — деди шофёр ҳар қайсисининг юзига бир-бир термилиб. — Ўн еттинчи коттеж бўш экан. Ўшани жиҳозладик.

— Қанақа гиламлар тўшалди?

— Хинд шолчасидан тўртта, Хива гиламидан иккита...

— Хива гиламини нега тўшадиларинг ахир! Яқиндаги-на унинг нархи тушган эди-ку! Уни зудлик билан йиғштириб олиб, ўрнига афғон гиламидан тўшанглар!... Япон жавонларини ҳам олиб бордиларингми?

— Олиб бордик. Бўсагага, ҳарҳолда кириш жойи-ку, иккита Нурота гиламчасини ҳам ташлаб қўйдик.

— Бу ишларни ким қилиб юрибди ўзи?! — деб ҳалигиларнинг биттаси чўчиб тушди.

— Саттор-да.

— Э, Сатторинг ҳам бор бўлсин! Уни тезда алмаштиринглар. Иккала қават ҳам фақат импорт жиҳозлар билан безалсин!... Кастюмлар қани?

Шофёр ташқарига югуриб чиқиб кетдию сал ўтмасдан битта чамадон кўтариб кириб келди.

— Ҳаммаси эллигу иккимиз?

— Худди шундай, айтганингиздай қилдик.

Во ажабо! Ҳали ўзимни яхши танимай туриб, менинг размеримни қаёқдан билиб олишибдийкин?!

Тўрт хил костюм-шим тайёрлашган экан. Рангирўйимга қараб, қўнғир тусини маъқул кўришди. Кийдим. Биттаси чўнтақларимни тузатаётган, биттаси осилиб турган ипларини юлиб ташлаётган... Улар хотинимга уч-тўрт хил кўйлак таклиф қилишди. У шўрлик умрида бунақа матоҳларни кўрмагани учунми, шошганидан бирининг устидан иккинчисини кияр эди. Бунақа қилиш уят ахир деб, зўрға уни ичкарига киритиб юбордик. Биттасини кийиб чиқди, бошқаларини эса буклаб-буклаб қўлтиғига қистириб олибди.

— Рости билан кўчадиган бўлсам, — дедим мен, — мана бу тўрт чамадон китобимни ҳам олиб кетаман... Йиғштирай.

— Э, китобдан ғам мананг! Бир минг етти юз китобдан

иборат кутубхона сизни иккинчи қаватда кутиб турибди.

— Ваннаси ҳам бордир унда?

— Бор.

— Хуллас, — деди паканадан келган кекса киши, — эски уйдан тиш қовлайдиган чўп ҳам олмайсан! Фақат ўзларинг бориб икки қаватли коттежда ўтирсаларинг бўлгани. Эртага келадиган меҳмоннинг ҳурмати учун бир сўким, битта кўй, еттига тустовуқ, тўртта кирговул сўйилиб ҳозирланган...

— Битта яримта холодильникка солиб қўйилганда борми...

— Э, қўйсанг-чи бунақа гапларни, барака топкур! Ҳамма нарса муҳайё!

Сўнг, икки киши югуриб кириб эшикларни очдию бизларни машинага таклиф қилишди. Чикдик. Шу пайт столим устида қолган ярим қути сигаретим эсимга тушиб қолса бўладими? Шартта кетимга бурилиб, ичкарига югурганимни биламан... кўзларимдан ўт чақнаб кетди. Шошганимдан эшикнинг тепасига бошимни уриб олибман.

Буни қарангки, иш чаппасига кетса шундай бўлади ўзи: коттежга энди кўчиб борай деб турганимда уйғониб кетдим...

Қон босими

Агар мен ҳам бирон нарсани биладиган бўлсам, шу нарса ҳақиқат эканки, касаллик одам танламас экан. Дунёда шундай касалликлар ҳам бўлар эканки, у на сенинг амалинга, на молингнинг кўп-озлигига, на миниб юрган машинангнинг марказига, на кабинетингдаги телефонларнинг ранг-баранглигига, на ҳаменингни қалин-юпқалигига қарар экан.

Масалан, айтайлик, қон босими касаллигини олиб қаранг: кўпинча ҳаром йўллар билан дунё топаётганларнинг кетидан қувлайди бу дард (Илтимос, бизнинг бу хулосамизга врачлар аралашмасин).

Яқинда мен бунақаларнинг биттаси билан эмас, учтаси билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Тўғриси айтсам, ҳамсуҳбат эмас, ёшим кичик бўлгани учун уларга хизмат қилиб юрдим; мол сўйишим, калла-поча тозаладим. Дастурхон тузаб, меҳмонларнинг қадахларига шароб қуйиб бериб турдим. Шу аснода қон босими ҳақида гап кетди.

— Менга қуйма, иним! — деди ўртароқда ўтирган қориндор киши. У райПОнинг раиси эди. — Ичолмайман, қон босимим бор.

У кишининг ўнг томонида қорақўлчилик совхозининг директори, чап томонида эса нон комбинатининг директори ўтирар эди. Уларни райПОнинг раиси олдинроқ уй эгасига таништириб қўйган экан. Ҳозирча мен ҳақимда гап-сўз бўлганича йўқ.

Шундай қилиб, унинг гапини совхоз директори илиб кетди.

— Неччига неччи?

— Юз-у бир юз олтмиш.

Совхоз директори сонига шапатилаб кулди.

— Шуним қон босими деб юрибсанми?! Детский-ку ҳали! Саке, сеники неччи эди? — деди у нон комбинатининг директорига юзланиб.

— Бизники бир юз йигирма-ю, бир юз саксон, — деди нон комбинатининг директори бепарволик билан. — Шундан ошмайдиам, тушмайдиам. Ёзда ҳам, кишда ҳам аҳвол шу.

Хуллас, учаласи ҳам бир хил дардга мубтало бўлган экан. Бир-икки қадахдан сўнг райПОнинг раиси ҳам ўз насибасини отиб турди. Сўнг улар қон босимини туширадиган дори-дармонлар тўғрисида гаплашишди.



Бир «клопилин» деган дорини зўр деди, иккинчиси «Р» харфи билан бошланадиган таблеткани мактади. Сўнг уколлар ҳақида гап кетди.

Турли-туман ичимликлар бетўхтов истеъмол қилнарди; гоҳ пепси-кола, гоҳ пиво, гоҳ боржомию Тошкент суви дейсизми... Хуллас, қоринлари каппайиб, бир-бирини суриб юборадиган аҳволга келиб қолишди.

Билмадим кимдан фикр чикди экан ўзи, бешинчи овқатни олиб келаётганимда мен ҳақимда гаплашишаётган эди.

— У менинг кўшним. Ўзи ҳаваскор шоир, — деди мезбон.

— Шоир?! — деди хайрон бўлиб совхоз директори. — Улар шунақа бўлишадими?

— Нима, буларнинг шохи бўлади деб ўйлаганмидинг? — деди райПО раиси.

Нон комбинатининг директори индагани йўқ. Чамаси, у илгарилари ҳам шоирлар билан мулоқот қилиб юрган бўлса керак.

— Қани, — деди совхоз директори қадахни кўтариб, — агар шоирлиги рост бўлса, битта шеър ўқиб берсин! Мана буни шундан кейин ичамиз.

Мен анча хижолат тортдим.

— Кечирасизлар, мен фақат ҳажвий шеърлар ёзаман: бировга ёқади, бировга ёқмайди...

— Ёқади! — деди у яна қадахни баланд кўтариб. — Шахсан менга сатира ёқади. Бир сафар Тошкентга борганимда Эргаш Каримовни узокдан кўриб кула-кула ўлганман.

Мен қисқагина бир ҳажвий шеър ўқиб бердим. Ростдан ҳам қизиқ эканми ё мастликданми, учаласи ҳам қоринларини силкитиб, қотиб-қотиб кулишди. Нон комбинатининг директори куламан деб қадахдаги шаробни тўкиб юборди. РайПОннинг раиси қўлидагини бўлиб-бўлиб зўрға ичди.

— Оббо, азамат-эй! — деди совхоз директорнинг узунлиги тўрт метр дастурхоннинг нариги ёғидан кўлини чўзиб. — Қойилман! Хўш, шу шеъринг учун қанча қалам ҳақи оласан?

— Ўттиз-қирқ сўмча...

— Ўттиз-қирқ сўм холосми? — Директорнинг афти буришиб кетди. — Ие, бу папирос пулингга ҳам етмайди-ку! Сизларнинг арз-долларингни тинглайдиган министрлик йўқми? Нега арз қилиб кўпроқ олмайсанлар?

— Норматив шундай...

— Норматив?! — дея директор истеҳзо билан кулди. — Норматив — қалам ушлайдиган кўл! Ну, яхши, шу шеърингнинг қалам ҳақини мен тўлайман. — У ён чўнтагидан ручкасию дафтарчасини олди. Бир варақча уч-тўрт оғиз гап ёзди-да, қоғозни менга узатди.

— Эртага мана бу қоғозни олиб фермага бор, тўртта кўй бериб юборишади.

Мен хайрон бўлиб қолдим.

— Қўрқма, пулини сўрашмайди. Чилвирни ҳам ўзлари беришади.

Бу гап бошқаларнинг нафсониятига тегди.

— Йў-ўқ, — деди райПО раиси. — Сен бола битта шеър билан қутилолмайсан; давай, менинг ҳисобимдан ҳам битта шеър ўқи!

— Аввало, қалам ҳақини тўлаб қўй! — деди совхоз директори керилиб.

Нон комбинатининг директори ҳам бўш келмади...

— Оғалар, ҳеч қанақа қалам ҳақи керак эмас. Ўқиб бер, десаларинг, майли бир-иккита шеър ўқиб бераман, — дедим мен.

— Ўқи!

Ўқидим. РайПО раиси ҳам бир парча қоғозга хат ёзиб берди: «Ушбу йигитга менинг ҳисобимдан икки қути Ставрополь сарёғидан бериб юбор!»

Хуллас, шу кеча мен шеър ўқиш билан банд бўлдим... Меҳмонлар ярим кечада машиналарига зўрға ўтиришиб уй-уйларига жўнашди. Нон комбинатининг директори мен билан хайрлашар экан:

— Эрталаб бизнинг комбинатга бориб менинг номимга ариза ташлаб кет, — деди. — Тўксон-юз сўмлик штатга ўтказиб қўяман. Фақат ой охирида маошингни олиб турсанг бўлгани...

Кечаси билан ухлалмай чиқдим. Тўртта қўй, икки қути сарёғ, ой сайин тўксон-юз сўм пул. Вой-бў, буларни мен қаёққа сиғираман! Қўй асрайдиган жойим йўқ бўлса... Икки қути сарёғни неччи ойда еб бўламан?... Ой сайин тўксон-юз сўмни қандай қилиб уялмай оламан?!

Қачон кўзим илинганини билмайман, эрталаб каллам хумдек шишиб, аъзойи-баданам оғир тортиб зўрға ўринимдан турдим. Икки чаккам зирқ-зирқ оғрирди.

Докторга кўриндим: буни қарангки, менинг ҳам қон босимим ошиб кетибди!

Давоми бор

Қорақалпоқчадан НОСИР ФОЗИЛОВ таржималари



РУСТАМ ЭРГАШЕВ
Бойўғлининг миш-мишларига
жониворларнинг жавоблари

ТЎТИ

Деди: «Қачон қараманг унга,
Сўзлар ажиабий тилда».

Деди: «Монтана», «Левис», «Милтон...»
Кийимларим чет элдан.
Қафасим ҳам бегумон,
У ёқдан келтирилган».

СИЧҚОН

Деди: «Бурни осмонда юрар,
Писанд қилмас ҳеч кимни.
Қор қилмас пўписалар...»

Деди: «Мушукми, оғзи полвон,
У ҳам битта овсар-да.
Мени пойлайди ҳамон,
Мита босган омборда».

ХҶРОЗ

Деди: «Бақироқ, майхўр, дароз,
Кўп хотинли қиморбоз».

Деди: «Тўловлар жонга тегди,
Бу қандай гап қу-қу-қуқ.
Кеча маош олгандим,
Бугун ҳамён қуп-қуруқ».

ИЛОН

Деди: «Гоҳ арғамчи, гоҳ кулча,
Найранглари кўп жуда».

Деди: «Юришинга жон берай,
Бўйингда арқон бўлай,
Сен — яхши, ёмон бўлай,
Виш-и, тўхта, каламуш!»

ЧУМЧУҚ

Деди: «Ёзда доим осмонда,
Қишда ҳозир хирмонда».

Деди: «Ана хирмон, чириқ-чириқ,
Ҳозир замон тўкинчилик.
Енг ичида тортаверсанг,
Айб эмас, тирикчилик».

даль ҳам оддийликка интилади-ю, аммо қуруқ баёнчиликка тойиб кетади. Бальзакнинг чиройли ёзишга беҳуда уриниши эса кўпинча дабдабазликка; кераксиз ўринларда ўхшатишлар ишлатишга, «у киши», «ул санам» каби кишилик олмошларини суиистеъмоқ қилишга олиб боради, холос. Буларнинг ҳаммаси Бальзакка ярашмайди: у жуда кўп хомашё жамғариб олиб иморат қуришга чоғланган тажрибасиз қурувчига ўхшайди; иморатнинг мустаҳкам, мухташам қиқиши учун деярли қайғурмайди — қўлига илинган ашёни дуч келган жойга тахлаб ташлайверади; агар у ғишт терувчи эмас, меъмор бўлганида ёки ноҳолис ёзувчи эмас, санъаткор бўлганида омилкорлик билан иш тутар эди, албатта.

Улар ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, Флобер — буюк санъаткор, кўпчилик ёзувчилар эса ундай эмас. У, одатда, кўпчилик елиб-югурадиган ҳаяжонли учрашувлардан ўзини тияди; оломонга қўшилиш ўрнига минорада ёлғиз ўтиришни, ўша жойдан туриб ердаги ҳодисаларни кузатишни афзал кўради: одамларнинг бошлари умумий манзарани илғаб олишга халал бермаса, у бутун-бутун тўдаларни бизга қараганда яққолроқ тасвирлайди, мутаносибликни аниқроқ ҳис этади, пишиқ-пухта режа тузади, олис-олисларда қизариб турган уфқни кўзлайди.

У ҳам ўзича иморат бунёд этади, лекин қайси хомашёни қаерга ишлатиш лозимлигини яхши билади; кераксиз ашёни ҳеч иккиланмай итқитиб юборади. Шунинг учун ҳам унинг асарлари мукамалдир, шунинг учун ҳам у яратган асар уйғунлигига пўтур етказмаган ҳолда бирор парчани-да қисқартириб бўлмайди. Бальзак, Стендаль каби ёзувчиларнинг асарлари қисқартирилса, энг зукко китобхон ҳам ўчирилган ўринини сезмайди.

Шундай қилиб, Флобернинг ибтидоси — санъат. Демак, у холис ёзувчи. Мен дуч келган кишидан, Флобернинг асарларини ўқиб унинг шахсий ҳаёти қанақа эканини; ўз уйида нималар ҳақида ўйлашини, сўйлашини айтиб беринг-чи, деб илтимос қилишим мумкин эди. Диккенснинг тахминан нималарни ўйлаши, Бальзакнинг тахминан нималарни ўйлаши бизга маълум. Уларнинг «мен» асарларидан кўриниб туради. Лекин сиз Лабрюйернинг асл қиёфасини кўз олдингизга келтира оласизми! Улуғ Сервантес нималар ҳақида сўйлаши мумкин эди!.. Флобер ҳеч қаерда «мен» ёки «мени» деб ёзмаган. У ўз китобларида ҳеч қачон ўқувчи билан бевосита мулоқотга киришмайди, романининг сўнгида саҳнадаги актёр сингари хайр-хўшлашмайди, ҳатто асарига сўзбоши ҳам ёзмайди. У яратган образларни қўғирчоқ одамларга ўхшатиш мумкин; уларнинг тилидан гапиради, лекин улар ҳеч қачон Флобернинг мияси билан ўйлашмайди — қўғирчоқ одамлар томошабин сезмайдиган кўринмас ип орқали «жонланади».

У Апулейнинг, Рабленинг, Лабрюйернинг, Сервантеснинг ўғли, Готьенинг биродари, аммо кўпчилик билагонлик қилиб юрганидек, унинг Бальзакка ҳеч қандай қариндошчилик жойи йўқ. Файласуф Стендаль эса унга етти ёт бегона.

1876 йил

Ги Де МОПАСАН

ТОМОШАБОФ

Гюстав Флобер



Флобер — машаққатли йўлни танлаган ёзувчи. Унинг ижодида оддийлик билан мураккаблик омухта: мураккаблиги шундаки, асар қисмларининг тузилиши, жойланиши ва ўзаро муносабати пухта ўйланган, моҳирона сайқалланган, ақлимиз танг қоладиган даражада — фавқулодда ишонарли бўлади; асар сиртдан оддий, табиий кўрингани учун ҳам услубни жўн нарса деб тушунадиган калтафаҳм кимса Флобернинг асарини ўқиётиб ҳеч қачон: «Жин урсин, ажойиб ёзилган экан-ку!» дея хитоб қилмайди.

У Бальзакдек топқир, Стендаль ва бошқа ёзувчилар сингари аниқ-тиниқ кўра олади, лекин уларга қараганда яхшироқ, оддийроқ, ишонарлироқ тасвирлайди. Стен-

Муқованинг биринчи ва тўртинчи саҳифаларини рассом А. СЕЛИВАНОВ ишлаган.